

ISSN 2181-5291

PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

№ 2, 2024

www.buxdu.uz



<https://buxdu.uz>

The journal was registered with the certificate № 05-45 on February 25, 2011 at Bukhara Region Press and Information Administration of Uzbekistan Press and Information Agency

According to the resolution №201/3 as of December 26, 2013 of the Presidium of Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan the journal was included into the list of scientific journals in which scholarly articles on the scientific results of dissertations on Psychology must be published.

Address:

200117, Bukhara city,
K.Murtazoyev street, 11
Bukhara State University
Editorial and publishing
Department
Phone: +998 (94) 837-18-38

**The journal is published 4
times a year**

Website: www.buxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat matbuot va axborot boshqarmasida 2011- yil 25-fevral № 05-45-sonli guvohnoma bilan ro'yxatga olingan.

Jurnal O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2013-yil 26-dekabrda 201/3-sonli qarori bilan psixologiya fanlari bo'yicha dissertatsiya ishlari ilmiy natijalari yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan ilmiy jurnallar ro'yxatiga kiritilgan.

Tahririyat manzili:

200117, Buxoro shahri,
K.Murtazoyev ko'chasi, 11-uy
Buxoro davlat universiteti
"Tahririy-nashriyot" bo'limi
Tel: +998 (94) 837-18-38

**Jurnal 1 yilda 4 marta
chiqadi.**

Website:
www.buxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz

Журнал зарегистрирован Бухарским областным управлением агентства печати и информации Республики Узбекистан. Свидетельство № 05-45 от 25.02.2011г.

Журнал включен в список обязательных выпусков ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан на основании решения ВАК №201/3 от 26 декабря 2013 года для получения учёной степени доктора психологических наук.

Адрес:

город Бухара 200117,
улица М.Икбола, 11
Бухарский государственный
университет
Редакционный отдел
тел: +998 (94) 837-18-38

**Журнал выходит 4 раза в
год.**

Website:
www.buxdu.uz
E-mail:
nashriyot_buxdu@buxdu.uz



PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL * НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

2-son 2024-yil. * Выпуск 2. 2024 год.

TAHRIR HAY'ATI – РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

BOSH MUHARRIR – ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

BAROTOV SH. R.

Psixologiya fanlari doktori, professor.

Xalqaro Psixologiya Fanlari Akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

Действительный член (академик) Международной Академии психологических наук

MAS'UL KOTIB – ОТВ. СЕКРЕТАРЬ

Sayfullayeva N.Z. – pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

XAMIDOV O.X.

Buxoro davlat universiteti rektori,
iqtisodiyot fanlari doktori, professor
SHOUMAROV G'B.

Psixologiya fanlari doktori, professor, O'zbekiston
Respublikasi Fanlar Akademiyasining haqiqiy a'zosi
UMAROV B.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOZLOV V.V. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
MALI'X S.B. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KOROBENNIKOV I.A. (Rossiya)

Psixologiya fanlari doktori, professor
KARIMOVA V.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
SAFOYEV N.S.

Psixologiya fanlari doktori, professor
BEKMURODOV M.B.

Sotsiologiya fanlari doktori, professor
KADIROV U.D.

Psixologiya fanlari doktori, professor
JABBOROV A.M.

Psixologiya fanlari doktori, professor
OLIMOV Sh.Sh.

Pedagogika fanlari doktori, professor
JUMAYEV R.G'.

Siyosiy fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent
NISHONOVA Z.T.

Psixologiya fanlari doktori, professor
NAZAROV A.M. Psixologiya fanlari doktori (DSc),
professor

IBODULLAYEV Z.R.

Tibbiyot fanlari doktori, professor
BEGMATOV A.S.

Falsafa fanlari doktori, professor

HUSEYNOVA A.A.

Falsafa fanlari doktori, professor
MUXAMEDOVA D.G.

Psixologiya fanlari doktori, professor
RUXIYEVA X.A.

Psixologiya fanlari nomzodi, professor
BAROTOVA D.SH.

Psixologiya fanlari doktori, dotsent
AKRAMOV V.R.

Tibbiyot fanlari doktori, dotsent
ZARIPOV G.T.

Texnika fanlari nomzodi, dotsent.

OSTONOV Sh.Sh.

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
dotsent

RUSTAMOV Sh.Sh.

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD),
dotsent

TILAVOV M.H.

Psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

MUHARRIRLAR – РЕДАКТОРЫ:

Usmanova M.N. – psixol.fan.nom., professor

Muxtorov E.M. – psixol.fan.nom., dotsent

Raxmatova M.M. – filologiya fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent

Abuzalova M.K. - filologiya fanlari doktori, professor

Sobirova D.A. – psixologiya fanlari doktori (DSc),

professor

ТЕХНИК МУHARRIRLAR – ТЕХ.

РЕДАКТОРЫ:

Shirnova M.Sh., filologiya fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD)



PSYCHOLOGY

SCIENTIFIC JOURNAL

Issue 2: 2024

EDITORIAL BOARD:

EDITOR-IN-CHIEF: BAROTOV SH. R.

Doctor of Psychology, professor, the member (academician) of International Academy of Psychological Sciences

EXECUTIVE SECRETARY: Sayfullaeva N.Z. – Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences (PhD)

XAMIDOV O.X.

Doctor of Economic Sciences, Professor,
The rector of Bukhara State University

SHOUMAROV G.B.

Doctor of Psychology, Professor, Full
member of the Academy of Sciences of the
Republic of Uzbekistan

UMAROV B.M.

Doctor of Psychology, Professor
The assistant of the editor-in-chief

KOZLOV V.V. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

MALIKH S.B. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KOROBENNIKOV I.A. (Russia)

Doctor of Psychology, Professor

KARIMOVA V.M.

Doctor of Psychology, Professor

SAFOEV N.S.

Doctor of Psychology, Professor

BEKMURODOV M.B.

Doctor of Sociology, Professor

KADIROV U.D.

Doctor of Psychology, Professor

JABBOROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

OLIMOV Sh.Sh.

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

JUMAEV R.G.

PhD in Political Sciences, Docent

NISHONOVA Z.T.

Doctor of Psychology, Professor

NAZAROV A.M.

Doctor of Psychology, Professor

IBODULLAEV Z.R.

Doctor of Medical Sciences, Professor

BEGMATOV A.S.

Doctor of Philosophy, Professor

HUSEYNOVA A.A.

Doctor of Philosophy, Professor

MUXAMEDOVA D.G.

Doctor of Psychology, Professor

RUXIYEVA X.A.

Candidate of Psychology, Professor

BAROTOVA D.SH.

Doctor of Psychology, Docent

AKRAMOV V.R.

Doctor of Medical Sciences, Docent

ZARIPOV G.T.

Candidate of technical sciences, Docent

OSTONOV Sh.Sh.

PhD of Psychology, Docent

RUSTAMOV Sh.Sh.

PhD of Psychology, Docent

TILAVOV M.H.

PhD of Psychology

EDITORS:

Usmanova M.N. – Candidate of Psychology,
Professor

Mukhtorov E.M. – Candidate of Psychology,
Docent

Raxmatova M.M. – Doctor of
Philosophy in Philological Sciences
(PhD), Docent

Abuzalova M.K. – Doctor of Philological
Sciences, Professor

Sobirova D.A. Doctor of Psychology,
Professor

TECHNICAL EDITORS:

Shirinova M.Sh., Doctor of
Philosophy in Philological Sciences
(PhD)



Каримова Мадина Холмуратовна,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети ўқитувчиси
karimova1810@gmail.com

ИЛК ЎСПИРИНЛАРДА АХЛОҚИЙ ҲИСЛАРНИ НАМОЁН БЎЛИШИНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада ўспиринлик даврида ахлоқий ҳисларнинг ривожланиши ҳамда ўқувчиларда ахлоқий фазилатларни аниқлаш методикаси таҳлили кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотимизда илк ўспиринлик давридаги ўқувчиларни 30 нафарини назорат гуруҳи сифатида ҳамда эксперимент гуруҳи сифатида 30 нафар ўспиринлар ажратиб олинди.

Мақолада Фридманнинг "Яхши деган сўз нима-ю, ёмон дегани нима?" методикасидан фойдаланилди.

Эксперимент ўтказилгандан кейин "ахлоқ" тушунчасига таъриф беринг, деган топшириқ ўспиринларга берилиб ушбу топшириқ натижалари назорат гуруҳи ҳамда эксперимент гуруҳи аъзоларининг ахлоқга берган таърифлари қиёсий таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: ахлоқ, ҳис, ўспиринлик даври, ахлоқий фазилат, қадрият, хулқ-атвор.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЫРАЖЕНИЯ ПРАВСТВЕННЫХ ЧУВСТВ У ПОДРОСТКОВ

Аннотация. В данной статье показано развитие нравственных чувств в подростковом возрасте, и анализируется методика определения нравственных качеств у учащихся. В нашем исследовании 30 школьников раннего подросткового возраста были выбраны в качестве контрольной группы и 30 подростков в качестве экспериментальной группы.

В статье была использована методика Фридмана «Что такое слово хорошее и что такое слово плохое?».

После проведения эксперимента подросткам было дано задание дать определение понятию «этика», а результаты этого задания сравнивались с определениями этики, данными членами контрольной группы и экспериментальной группы.

Ключевые слова: мораль, чувство, подростковый возраст, нравственная добродетель, ценность, поведение.

PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF EXPRESSION OF MORAL FEELINGS IN EARLY ADOLESCENTS

Abstract. This article shows the development of moral feelings in adolescence and the analysis of the method of determining moral qualities in students. In our study, 30 students in early adolescence were selected as a control group and 30 teenagers as an experimental group.

In the article Friedman's "What is the word good and what is the word bad?" methodology was used.

After conducting the experiment, teenagers were given the task to define the concept of "ethics", and the results of this task were compared with the definitions of ethics given by the members of the control group and the experimental group.

Keywords: morality, feeling, adolescence, moral virtue, value, behavior.

Кириш. Ахлоқ-одоб инсоннинг жамиятга бўлган муносабатининг негизини ташкил этади. Ўқувчида жамиятга бўлган ҳурмат ҳиссини юксалтириш мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, маънавий ахлоқий маданият эгаси бўлишга, ахлоқий онгни, ўзини ўзи англаб етишга, яхши инсонларга бўлган эътиқодини ривожлантиришга олиб келади. Айниқса, ахлоқий ҳислар болаларда ёшлигидан ватанпарварлик туйғусини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади [1].

Адабиётлар таҳлили. Психология фанининг асосий категориялари бўлган шахс, психика сингари ходисаларни ҳам ахлоқга мурожаат қилмай, атрофлича талқин қилишнинг иложи йўқ эди. Бундан ташқари, тафаккур, ҳиссиёт, интеллект, тасаввур сингари тушунчалар ҳам ахлоқ билан боғлиқликда талқин қилиниши лозим эди. Шунинг учун П.В.Симонов, П.М.Ершов, Ю.П.Вяземский,

В.П.Зинченко, В.И.Слободчиков, М.В.Гамезо, А.Н.Леонтьев, Г.Г.Шпет сингари психологларнинг асарларида шахснинг маънавий-ахлоқий сифатлари муаммосига жиддий эътибор берилди.

Профессор М.Г.Давлетшин томонидан ўспиринлик даври психологик хусусиятлари билиш жараёнлари индивидуал психологик хусусиятлари юзасидан бир қатор тадқиқотлар олиб борилган [2]. Айнан олиб борилган изланишлар шогирдлари томонидан ривожлантирилмоқда.

В.А.Токареванинг ўспиринларнинг ижтимоий бурч шаклланиш психологиясига бағишланган тадқиқотларда ўқувчилар ўқув фаолияти мотивларини ўрганишга катта эътибор берилади. Унинг фикрича, ўқиш мотивлари ўзгариши учун ясама вазият ва шароитлар зарур эмас, буларнинг барчаси кундалик ҳаётда ва таълим жараёнида шаклланади [13].

Илк ўспиринлик (16-18) даврида бола ўзининг психологик хусусиятлари билан бошқа ёшдаги болалардан кескин фарқ қилади. Улар энди ҳам жинсий, ҳам жисмоний ва ақлий жиҳатдан анча вояга етган йигит-қизлардир. Уларда шахсий дунёқараш, характер хислатлари, ўзини-ўзи бошқариш каби индивидуал-психологик хислатлар таркиб топган бўлади. Улар вазмин характерли, мулоҳазали, катта ёшдагиларга ҳурмат-эҳтиром билан қаровчи, ота-оналарнинг яқин ёрдамчиси бўладилар.

Баъзан ўспиринлар орасида тарбияси қийинлар ҳам учрайди. Ота-оналар уларга нисбатан бошқачароқ йўл тутишлари керак, нопок йўлларга бошловчи сабабларни аниқлаб, бу иллатларга қарши кураш олиб борилиши шарт. Агар бу мушкуллик оилада психологик муҳитга салбий таъсир этаверса, бу ҳақда педагогик жамоага ва кенг жамоатчиликка муурожаат қилган маъкул [5].

Ўспиринлик даврида инсон учун энг муқаддас, нозик туйғу муҳаббат туйғуси ҳисобланади. Шу туйғу туфайли ўспириннинг рухий оламида айрим ўзгаришлар юз беради. Ота-оналар фарзандларининг бундай туйғусидан хабардор бўлиши, бу йўлда унга тўғри маслаҳатлар бериши, мисоллар келтириши, энди куртак ёзаётган муртак туйғусига болта урмаслиги керак [4].

Баъзи ўспиринларда кўпинча қийиниш, юриш-туришда ҳаддан ташқари бачканалик ҳоллари учраб туради. Бундай пайтда ота-оналар мажбур қилиш, ҳақоратлаш, фарзандининг иззат-нафсига тегиш йўли билан эмас, балки самимий суҳбат орқали таъсир этиш ва натижасини эслатиш орқали уни бу йўлдан қайтариш мумкин.

Таҳлил. Илк ўспиринларнинг ахлоқга оид билимларини диагностика қилиш мақсадида Фридманнинг “Яхши деган сўз нима-ю, ёмон дегани нима?” методикасидан фойдаландик. Ўтказилган аниқловчи ва назорат тадқиқот натижаларининг миқдорий таҳлили 1-жадвалда келтирилган.

Жадвалда экспериментал гуруҳда ўқув йили давомида юз берган ўзгаришларни яққол кузатиш мумкин. Маънавий-ахлоқий соҳага оид билимлар экспериментал гуруҳдаги кўпгина ўқувчиларда тўлароқ, тўғрироқ ва аниқроқ бўлгани кўзга ташланади.

1-жадвал.

Илк ўспиринларда маънавий-ахлоқий соҳага оид тушунчаларнинг шаклланганлик даражаси

Гуруҳлар	Тушунчаларнинг шаклланганлик даражаси	Баллар	
		экспериментгача	экспериментдан кейин
Экспериментал	Қуйи	23,1	8
	Ўрта	14,3	10,3
	Юқори	7,6	26,7
Назорат	Қуйи	22,5	22,7
	Ўрта	15,7	16,5
	Юқори	6,8	5,8

Эксперимент ўтказилгандан кейин “ахлоқ” тушунчасига таъриф беринг, деган топшириққа қуйидагича жавоблар олинди:

А.В.: “Ахлоқий ҳис— инсоннинг бошқаларга яхшилик қилишга интилиши”

Б.И.: “Ахлоқ—ахлоқий қадриятларни билиш ва уларга асосланиб яшаш”.

В.М.: “Ахлоқий ҳис— кишининг ички дунёсини англади. Ички дунёда эзгу ниятлар, инсонпарварлик ва меҳнатсеварлик устувор бўлиши керак”.

А.С.: “Ахлоқий ҳис негизида яхшилик ва гўзалликка интилиш мавжуд. Ахлоқий ҳис дўстларга, барча инсонларга меҳрибон бўлишга, яхшилик қилишга ундайди”.

Назорат гуруҳида бошқачароқ манзара намоён бўлди. Бу гуруҳдаги жавоблар ўқув йили бошланишидагидан бироз фарқ қилса ҳам, аксарият жавоблар тўлиқ эмас ва саёз эди. Бу гуруҳдаги баъзи илк ўспиринлар эса саволга жавоб бериша олмади. Сўровда иштирок этган 31 илк ўспириндан еттитаси саволга умуман жавоб бермаган. Берилган жавобларнинг типиклари қуйидагича бўлди:

Б.И.: “Ахлоқий ҳис— бу яхшилик”.

И. И.: “Ахлоқий ҳис кўп китоб ўқиш ва дарсларни яхши эгаллашдан иборат”.


З.К.: “Ахлоқий ҳис яхши кийиниш ва ўзини маданиятли тутишда намоён бўлади”.

Э.М.: “Ахлоқий ҳис катталарнинг сўзларига кулоқ солиш, уларнинг гапларини қайтармасликда кўринади”.


Н.И.: “Ўзинг хоҳишинг билан бажарган ишлар ахлоқни ташкил қилади”.

Экспериментал гуруҳ ва назорат гуруҳи аъзоларининг ахлоқга берган таърифларини қиёсий таҳлил қилиб айтиш мумкинки, маънавий-ахлоқий соҳага оид билимларни ўзлаштириш ва уларни амалиётга тадбиқ қилиш жараёнида илк ўспиринларнинг фаол иштирок этмаслиги, яъни ўқитувчи берган билимларни эшитиш билан чекланиши уларни бу ҳодисаларга нисбатан бефарқ бўлишига олиб келади. Фақатгина режа асосида, сабр-қаноат билан, махсус ўтказилган тадбирлар натижасидагина бу мавзуга илк ўспиринларнинг қизиқишини уйғотиш мумкин. Қизиқишнинг уйғониши маънавий-ахлоқий ҳодисаларни ўрганишда дастлабки қадамни ташкил этади.

Натижалар ва муҳокамалар. Экспериментал гуруҳда назорат гуруҳидагидан фарқли равишда, жиддий ўзгаришлар юз берганини кузатиш мумкин. Эксперимент якунида шу гуруҳда маънавий-ахлоқий йўналишда жавоб берган илк ўспиринлар сони эксперимент бошланишидагига нисбатан 20 фоизга ортган. Бефарқ йўналишда жавоб берганлар сони эса 26,8 фоизга камайган. Назорат гуруҳида эса сезиларли ўзгаришлар юз бермади. Мана шу ҳолат ўтказилган психологик эксперимент илк ўспиринларнинг шахсий танловлари кўпроқ маънавий-ахлоқий йўналишда юз бера бошлаганидан дарак беради. Олинган натижалар диаграммада қуйидаги кўринишга эга бўлади:



1-расм. Илк ўспиринлар танлови йўналиши. Эксперимент гуруҳи (%)



2-расм. Илк ўспиринлар танлови йўналиши. Назорат гуруҳи (%)

Маънавий-ахлоқий ривожланишнинг хулқ-атвор компонентини ташхис қилиш учун эксперт баҳолаш усулини кузатиш усули билан қўшиб ишлатдик. Ўқувчилар дарс жараёнида, дарсдан ташқари тадбирлар (экскурсиялар, шанбаликлар, қишлоқ хўжалик ишлари) жараёнида йил бўйи кузатилди. Тадқиқот натижалари фаразимизнинг тўғрилигини тасдиқлади. Ўзларининг шахсий фикри ва танлови асосида ҳаракат қилишини билдирган илк ўспиринларнинг 7 фоизигина ўзлари билдирган

фикрга амал қилишини намоён этди. Бундай ҳол маънавий-ахлоқий тасаввур ва фикрлар қаттиқ ишонч ёки эътиқодга айланмагунча хулқ-атворда намоён бўлмаслигини амалда кўрсатди. Илк ўспиринларда жуда тўғри маънавий-ахлоқий тасаввур ва тушунчалар бўлиши мумкин, лекин амалда уларга риоя қилмаслик ҳам мумкин.

Тадқиқотимиз давомида илк ўспиринлар орасида “Курсдошларим характеридаги менга ёқадиган ва ёқмайдиган хусусиятлар” мавзуида иншо олинган эди. Бу иншода ўқувчиларнинг эътибори асосан, ўқув жараёни билан боғлиқ хусусиятларга қаратилганини кўрсатди. Улар, билимдонлик, камтарлик, ростгўйлик, курсдошларга ёрдам бериш каби сифатларни ёқтиришларини баён қилишган эди.

Ўқувчилар томонидан салбий, деб баҳоланган сифатлар орасида ҳам ўқув жараёни билан боғлиқ сифатлар етакчи ўринни эгаллади. Шунингдек, ўқишда ва оилада яхши муносабатлар қарор топишига ҳалақит берадиган сифатлар ҳам камчилик сифатида кўпроқ тилга олинган.

Ахлоқ, айниқса, юксак ахлоқий ҳис шаклланиши учун билимдонликнинг ўзигина кифоя қилмас экан. Юксак ахлоқий ҳис интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларнинг уйғунлиги натижасида вужудга келади [8].

2-жадвал.

Илк ўспиринлар ёқтирмайдиган сифатлар

Илк ўспиринлар ёқтирмайдиган сифатлар	Шу сифатларни белгиланган ўқувчилар			
	Ўқув йили бошида		Ўқув йили охирида	
	%	N=30	%	N=30
Ўқишга юзаки муносабат	10%	3	43,3%	13
Интизомсизлик	13,3%	4	33,3%	10
Ёмон хулқ	16,6%	5	60%	18
χ^2	$\chi^2_{эмтир} = 12,1$; $\chi^2_{крит} = 9,21$; $\chi^2_{эмтир} > \chi^2_{крит}$; $P \leq 0.01$			
	Ахлоқий-эмоционал сифатлар			
Манманлик	26,6%	8	86,6%	26
Қўполлик	43,3 %	13	93,3%	28
Худбинлик	26,6%	8	66,6%	20
Хасислик	43,3 %	13	76,6%	23
Сотқинлик	60 %	18	76,6%	23
Иккиюзламалик	50%	15	86,6%	26
Сигарет чекиш	93,3%	28	96,6%	29
Сурбетлик	26,6%	8	60%	18
Урушқоқлик	43,3 %	13	66,6 %	20
χ^2	$\chi^2_{эмтир} = 42,94$; $\chi^2_{крит} = 20,09$; $\chi^2_{эмтир} > \chi^2_{крит}$; $P \leq 0.01$			
	Ирода сифатлари			
Қўрқоқлик	76,6%	23	50%	15
Енгилтаклик	50%	15	60 %	18
Ўзини тута билмаслик	43,3 %	13	66,6%	20
Қийинчиликларни енга олмаслик	33,3%	10	43,3 %	13
Иродасизлик	60%	18	66,6 %	20
χ^2	$\chi^2_{эмтир} = 3,35$; $\chi^2_{крит} = 9,48$; $\chi^2_{эмтир} < \chi^2_{крит}$; $P \leq 0.05$			
	$\chi^2_{эмтир} = 58,36$; $\chi^2_{крит} = 32,00$; $\chi^2_{эмтир} > \chi^2_{крит}$; $P \leq 0.01$			

2-жадвалда илк ўспиринлар ёқтирмайдиган сифатлар келтирилган. Бу жадвалда ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан салбий ҳисобланадиган сифатларга муносабатнинг сезиларли ўзгариши кузатилди. Салбий иродавий сифатларга эса муносабатнинг жиддий ўзгариши кузатилмади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, эксперимент натижасида ижобий томонга ҳам, салбий томонга ҳам юз берган ўзгаришлар миқдори кўп ҳолларда ортди. Лекин мана шу силжишнинг ўзи эксперимент муваффақиятли ўтганидан далолат беради. Экспериментга қадар илк ўспиринларнинг кўпчилиги ўзларидаги ва дўстларидаги интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларнинг моҳияти, хусусиятлари, ривожлантириш йўллари тўғрисида ўйлаб, бош қотириб кўришмаган. Бу сифатларнинг қайси бири ижобий ва қайси бири салбий экани ҳам уларни унчалик қизиқтирмаган. Эксперимент жараёнида улар бу ҳақда бош қотира бошладилар. Энди уларда ўзларидаги ва дўстларидаги интеллектуал, маънавий-ахлоқий, иродавий сифатларга қизиқиш пайдо бўлди. Илк ўспиринлар бу сифатларни ҳаёт учун муҳим, долзарб ҳодисалар сифатида идрок қила бошладилар. Бу эса илк ўспиринлар маънавий-ахлоқий ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади.

Эксперимент давомида маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларга муносабатдаги ўзгаришларни ана шу сифатларга қизиқиш пайдо бўлишининг натижаси, деб баҳолаш лозим. Шунинг учун эксперимент натижаларини шу эксперимент келтирган натижалар мажмуи, деб эмас, эксперимент келтирадиган натижаларнинг бошланиши, деб баҳолаш ҳақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки экспериментнинг натижалари биз келтирган ижобий ўзгаришлар билан тугамайди. Интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва иродавий сифатларга нисбатан пайдо бўлган қизиқиш илк ўспиринларнинг ҳаёти давомида узоқ вақт ўзининг ижобий натижаларини беради, деб кутиш мумкин.

Хулоса. Эксперимент натижаларидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, маънавий тарбия соҳасида ҳозирги кунда устуворлик қилаётган маърифий ёндашув юқори самара бера олмайди. Бу ёндашув маънавият масалалари бўйича ўспиринларни маълум даражада билимли қилиши мумкин, лекин, уларни маънавий эътиқодли, иши билан сўзи бир шахслар қилиб тарбиялаш учун етарли эмас. Бу ёндашув ўспиринларнинг билим доирасини кенгайтириши мумкин, лекин шу билимларни амалда қўллашга тайёрлаш учун ожизлик қилади. Бундай ҳолат мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёт босқичида маънавий тарбия соҳасида кун тартибига қўйилаётган вазифаларни ҳал қилиш учун жавоб бера олмайди.

Экспериментал ва назорат гуруҳларида олинган натижаларни қиёсий таҳлил қилиш ўтказилган экспериментнинг самарали эканини исботлади. Ўспиринларни маънавий-ахлоқий ривожлантириш масаласига тизимли ёндашув, жумладан ўспиринларнинг маънавият масалалари бўйича когнитив, эмоционал ва хулқ-атвор компонентларини бир-бирига мутаносиб равишда ривожлантириш белгиланган мақсадларга эришишнинг энг самарали усули экани тасдиқланди.

Қўлга киритилган натижалар тадқиқотнинг асосий фарази, яъни маънавий-ахлоқий тарбия жараёнидан кўзланган мақсадларга фақат тарбияни ўзини ўзи тарбиялаш жараёни билан уйғунлаштирилганда эришиш мумкинлигини, ўспирин ўзини ўзи тарбиялашга киришиши учун унинг онгида маънавий-ахлоқий қадриятлар устувор аҳамиятга эга бўлиши лозимлигини кўрсатди. Тарбия жараёнида ўспирин иродасини ва эмпатия туйғусини ривожлантиришга қаратилган самарали тадбирлар амалга оширилгандагина эришиш мумкинлиги тасдиқланди.

Адабиётлар:

1. Анварова Д.М. Ўсмирлар маънавияти шаклланиши ва ривожланишининг психологик хусусиятлари // Автореферат. дисс. пс.ф.н 2011
2. Davletshin M.G. Psychology of family conflicts and ways to overcome them // Ethno-psychological features of the Uzbek family. Republican scientific-practical conference, summary of reports. - Tashkent: 1993. - B. 33-34.
3. Ғозиев Э. Умумий психология. – Т.: 2010й
4. Ғозиев Э. Психология: (Ёш даврлари психологияси): Пед. ин-тлари ва ун-тларнинг талабалари учун ўқув кўл. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994. – 244 б
5. Ғозиев Э. Олий мактаб психологияси.-Т.: Ўқитувчи. 1997.40-43б.
6. Каримова М. “Илк ўспиринлик давридаги ўқувчиларда ахлоқий ҳисларни ривожлантиришнинг психологик механизмлари” монография Т-2021. 64-66 б.
7. Karimova M.Kh. The role of moral values in adolescents and their role in determining the criteria of spiritual perfection. Scientific reports of Bukhara state university 2020/6(82), 283-290 p.
8. Karimova M.Kh The importance and value of spirituality as an important period in the formation of moral feelings. // European scholar journal Volume 3, Issue 3 March, 2022 85-86 p.

Кораяева Латифа Зарифовна,
Навоий инновациялар университети ўқитувчиси, PhD

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЎҚУВ ФАОЛЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУНОСАБАТ МОТИВАЦИЯСИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада бошлангич синф ўқувчиларида таълим жараёнида ижтимоий муносабатлар доирасида, кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқув фаоллигига муносабат мотивацияси ўрганиш, тадқиқ, қилиш усуллари ҳамда бошлангич синф ўқувчиларида ўқув жараёнларига бўлган муносабат мотивацияси даставвал мактаб ҳаётига қизиқиш, мактаб ҳаётини ҳис этиш мактаб ҳаётига маълум эътиқодларнинг шаклланиш йўллари усуллари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ижтимоий муносабат, субъектив муносабат, ўқув фаолият, мотив, шахс, мотивация, индивид.

ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ МОТИВАЦИИ ОТНОШЕНИЯ К УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Аннотация. В данной статье в рамках социальных отношений в образовательном процессе учащихся младших классов рассматривается мотивация отношения к учебной деятельности у детей младшего школьного возраста, методы обучения, исследования, а также мотивация отношения к учебному процессу в начальной школе. В статье рассматриваются школьники, интерес к школьной жизни, ощущение школьной жизни, пути формирования определённых представлений о школьной жизни.

Ключевые слова: социальная установка, субъективная установка, учебная деятельность, мотив, личность, мотивация, индивид.

SPECIFIC CHARACTERISTICS OF FORMATION OF ATTITUDE MOTIVATION RELATED TO STUDY ACTIVITY IN PRIMARY CLASS STUDENTS

Abstract. In this article within the framework of social relations in the educational process of junior school students the motivation of attitude to learning activities in primary school children, methods of teaching, research, and motivation of attitude to the learning process in primary school are considered. The article considers schoolchildren, interest in school life, feeling of school life, ways of forming certain ideas about school life.

Keywords: social attitude, subjective attitude, educational activity, motive, person, motivation, individual.

Кириш. Шахс тарбияси, унинг ижтимоий-психологик камолоти ҳар қандай давлатнинг бош стратегик масалаларидан биридир. Чунки шахсни маълум эзгу ғоялар, ижтимоий-психологик ва юксак интеллектуал талаблар асосида тарбияламай туриб ҳар жихатдан камол топишга қодир жамиятни қуриб бўлмайди. Табиийки, муносабат тушунчаси кенг қамровли ва кенг кўламли тушунча бўлиб, унинг талқини ҳам шу қадар кенг ва хилма-хилдир. Шу нуқтаи назардан муносабатнинг турли соҳаларидаги ижтимоий психологик мезонлари бўйича тадқиқот олиб борган файласуфлар, психологлар, социологлар, психофизиологлар, педагоглар ва қатор ижтимоий фанларнинг вакиллари муносабат категориясининг у ёки бу йўналишини илмий жихатдан асослаб берадилар.

Ўқув фаолияти эса худди шу тадқиқий йўналишларга таянади ва шахс фаолияти таркиб топиши учун муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда профессор Э. Ғозиев томонидан талайгина илмий мулоҳазалар билдирилган. Чунончи, ҳозирги кунда шахсга субъектив муносабат муаммосини ижтимоий жихатдан турмушда қарор топтириш учун «одам-инсон-шахс-индивидуаллик-субъект-комиллик» иерархиясига риоя қилиш, шахсга субъектив муносабат, яъни унда робот сифатида барча хусусиятларни бир текис шакллантириш мумкин, деган хато назариядан воз кечиш, «субъект-субъект» алоқасини вужудга келтириш, ҳар қандай субъект – шахс, лекин ҳар қайси шахс субъект эмаслиги муаммосини ечиш, шахс субъект бўлиши учун мустақиллик, шахсий позиция,

катъиятлилик, дунёқараш ва уларни ҳаётга татбиқ қилиш имконияти мавжудлигини тан олиш каби мулоҳазалар шахс муносабатлари мотивацияси талқинида муҳим ўрин тутди [5]. К.Обуховский мотивни «маълум фаолиятни йўналтирувчи мақсад дастури» сифатида талқин қилса, Х.Хекхаузен эса «мотив бу – индивид-муҳит муносабати доирасидаги йўналтирилган ҳаракатларни изоҳловчи жараён» эканлигини асослаб беради. Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, шахс шаклланишида муҳим ўрин тутувчи дунёқараш, эътиқод, идеаллар, хулқ-атвор мотивлари у ёки бу кадриятларга асосланади. қолаверса, кадриятлар ижтимоий тажриба асосида ҳам шаклланади [1].

Шу нуқтаи назардан, муносабат мотивацияси тадқиқ этилган илмий адабиётларни шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб талқин қилишни ва шу талқин асосида тадқиқот вазифаларини белгилаб олиш лозим.

1. Муносабат мотивацияси асосида шахснинг қизиқишлари ётади. Бу қизиқишларнинг беқарор ёки барқарорлигини таъминловчи ички турткилар тизими маълум даражада муносабат тизимини ҳам белгилайди.

2. Муносабат мотивациясига шахс йўналганлигининг у ёки бу даражада таъсири намоён этилади. Ушбу таъсир жараёнида шахс йўналганлиги ва муносабат мотивацияси уйғунлигининг айрим кўринишлари юзага келади.

3. Муносабат мотивацияси маълум установакалар замирида ҳам шаклланади. Жумладан, ўқув фаоллиги билан боғлиқ установакалар ўқувчи шахси ижтимоий тараққиётга дахлдор омилларини белгилашга хизмат қилади.

4. Муносабат мотивацияси замирида кадриятлар кўламининг у ёки бу даражадаги таъсирга ҳам баҳо бериш мумкин [2].

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Ўқув фаоллигига муносабат мотивациясини шакллантиришга хизмат қилувчи қуйидаги йўналиш танлаб олинди ва шу йўналишлар тадқиқотнинг умумий мақсадига сингдирилди: биринчи йўналишда мактабга муносабат мотивациясини ўрганиш, иккинчи йўналишда ўқув компонентларини шаклланганлик даражаларини ўрганиш, учинчи йўналишда эса шахс йўналганлигини ўрганиш орқали ўқув фаолиятига муносабат мотивациясини тадқиқ қилишга қаратилган усуллар мажмуаси танлаб олинди ва уни амалиётга татбиқ этиш вазифаси қўйилди. Муносабат тизими шкаласида ўқувчилар фаолиятида шаклланаётган ўқув фаоллигини танлаш жараёнига бўлган «фаол-ижобий», «ижобий», «индифферент» муносабатлар мотивациясининг кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар характериға мос ўртача умумий, киёсий-типик кўрсаткичлари кўлами киритилади ва бу эса тадқиқот мақсадига мос ижтимоий психологик мезонларни таҳлил қилиш имкониятини яратади. ўқув фаолиятига муносабат мотивациясини шакллантиришга хизмат қилувчи қуйидаги уч йўналиш танлаб олинди ва шу йўналишлар бўйича аниқ йўналтирилган усуллар мажмуаси ишлаб чиқилди. Жумладан, биринчи йўналишда мактабга ва ўқув фаолиятига умумий муносабат мотивациясини тадқиқ қилиш усуллари, иккинчи йўналишда ўқув фаолияти компонентлари асосидаги муносабат мотивациясини ўрганиш усуллари, учинчи йўналишда шахс йўналганлигини ўрганиш орқали ўқув фаолиятига муносабат мотивациясини тадқиқ қилиш усуллари; мажмуаси танлаб олинди ва уни амалиётга татбиқ этиш режасини ишлаб чиқилди. Шу нуқтаи назардан дастлабки усуллар мажмуасига Н.Г.Лусканова томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган “Мактабга муносабат мотивациясини баҳолаш” методикасини асос қилиб олинади. Албатта, бу методикага қўшимча равишда индивидуал суҳбатлар, анкета саволларига жавоблар, махсус кузатувлар ҳамда контент таҳлиллар натижаларидан ҳам ўрни билан фойдаланилди [4].

Анкета саволларидаги жавоб вариантлари қуйидаги тартибда баҳоланади

Савол рақами	1-жавоб учун балл миқдори	2-жавоб учун балл миқдори	3-жавоб учун балл миқдори
1	1	3	0
2	0	1	3
3	1	0	3
4	3	1	0
5	0	3	1
6	1	3	0
7	3	1	0
8	1	0	3
9	1	3	0
10	3	1	0

Усул 10 та вазиятни ўз ичига олган ва махсус йўналтирилган анкета саволларидан иборат бўлиб, ҳар бир саволнинг жавоби шартли равишда қабул қилинган маълум маънодаги муносабат мотивацияси даражаларини белгилашга хизмат қилади. Шунинг учун даставвал анкета саволлари тузилиб иштирокчиларга тарқатилади. Тарқатилган анкета саволларининг ҳар бирида 3 тадан жавоб варианти мавжуд бўлиб иштирокчидан шу вариантларнинг ўзига нисбатан яқинроқ бўлганини белгилаш сўралади. Белгилаб бўлинган анкета жавобларининг ҳаққонийлигини билиш учун экспериментатор саволлар ва уларнинг мазмунини яна бир бор такрорлаш билан бирга ҳар бир иштирокчи билан танланган жавоб йўналиши доирасида индивидуал суҳбат натижаларини ҳам қайд этиб боради. Барчаси тугагач, экспериментатор тўлдирилган анкеталарни териб олади ва маълумотларни қайта ишлашга киришади.

3 – балл - Ўқувчининг мактабга мактабдаги ўқув жараёнига ўқув топшириқларини астойдил бажаришга бўлган хайрихоҳлиги ва барқарор қизиқишларининг мавжудлигини кўрсатади.

1 – балл - Нейтрал жавоб, яъни “билмайман”, “бўлиб туради”, “баъзан”, “аниқ айтолмайман” тарзидаги жавоблар бўлиб унда мактаб таълимига нисбатан бир мунча юзакилик, лоқайдлик кўринишларининг ифодаланганлиги англашилади.

0 – балл – Мактабга ва мактаб таълимига нисбатан ижобий муносабатнинг йўқлигини билдиради.

Усул асосан махсус тузилган анкета саволлари ва унга берилган жавобларни таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Чунончи, ўқувчига танлаш учун 24 жуфтликдан иборат ўқув топшириқлари алтернатив саволнома тарзида тақдим этилади. Яъни, тавсия этилган ҳар бир топшириқнинг бажарилиши ўқувчи фаолияти учун характерли бўлган у ёки бу даражадаги муносабат мотивацияси кўрсаткичини белгилайди. Масалан, “А” ҳарфи орқали кўрсатилган вазиятдаги ҳолатларда кўпроқ иштирок этиш майлининг мавжудлиги (у ёки шу вазиятнинг танланиши) ўқув фаоллигига нисбатан индифферент (юзаки) муносабат мотивациясининг устунлигидан далолат берса, “В” вазиятдаги ҳолатларнинг танланиши эса ўқув фаоллигига фаол-ижобий муносабат мотивацияси шакланганлигидан гувоҳлик беради. Қисқача қилиб айтганда усулни қўллаш тартиби қуйидагича:

1. Махсус мақсадларга йўналтирилган вазиятлар ифода этилган муқобил, тарзда анкета саволларининг мазмун-моҳияти билан ўқувчиларни батафсил таништириш.

2. 24 та жуфтлик вазиятларни ўқиш ва ўрганиш учун ўқувчиларга тақдим этиш ва уларнинг ҳар бир вазиятни тўлиқ тасаввур этишлари учун қўшимча тушунтиришлар олиб бориш.

3. Ҳар бир иштирокчи, ҳар бир жуфтлик бўйича иккала вазиятни чуқур тасаввур қилиб бўлган ўзи учун маъқул бўлган биттасини танлайди ва белгилаб қўяди. Шу тариқа 24 та вазият батафсил ўрганилади ва 24 та жавоб танланади.

4. Ўқитувчи жавоб варақаларини териб олади, унинг ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилгач, ҳар бир маълумотни бирламчи қайта ишлаш учун киришади.

Усулнинг калити

№	Компонент саволлар	Усулнинг калити		
		Когнитив	Ҳиссий-иродавий	Баҳолаш компоненти
I	1,4,7,10,13,16,19,22,28	■		
II	2,5,8,11,14,17,20,23,		■	
III	3,6,9,12,15,18,21,24			■

Анкета саволларида қайд этилган барча жавоб вариантлари ўқув компонентлари тизими бўйича юқоридаги тартибда белгиланади. Илгари таъкидланганидек, ҳар бир альтернатив савол рақамидаги “А” вазиятнинг танланиши “0” балл билан “Б” вазиятнинг танланиши эса “5” балл билан белгиланади. Жами 24 та вазият учун энг юқори балл миқдори 120 баллни ташкил этади. Шунингдек, ҳар бир компонент учун 8 та вазият тақдим этилади. Яъни ҳар бир компонент учун энг юқори балл миқдори жами-40 баллни ташкил этади. Барча компонентлар бўйича танланган “А” вазиятларга ҳеч қандай балл қўйилмайди. Чунки, тақдим этилган барча “А” вазиятлар тегишли компонентга асосланган фаол-ижобий муносабат мотивациясининг мавжуд эмаслигига, “Б” вазиятларда эса фаол-ижобий муносабат мотивацияси иштирокининг мавжудлиги муносабат мотивациясига асосланиб тузилган.

Маълумотларнинг бирламчи қайта ишланиши.

1. Юқоридаги талаблар асосида ҳар бир иштирокчи учун характерли бўлган баллар миқдори аниқланади.

2. Аниқланган баллар миқдори шартли тарзда қабул қилинган муносабат мотивацияси шакллари (фаол-ижобий, ижобий, индифферент) бўйича жойлаштирилади.

3. Ҳар бир объект иштирокчиларидан олинган баллар миқдори ўртача-умумий кўрсаткичлар мажмуасига бирлаштирилади. Шунингдек, ўртача умумий фоизлар миқдори ҳам белгиланади.

4. Ҳар бир синф (2-синф ва 4-синф) ўқувчилари учун барча объектлар мисолида характерли бўлган оралик (диапазонлар) кўрсаткичлари ҳам аниқланиб, умумий хулосалар чиқарилади.

Маълумотларнинг иккиламчи қайта ишланиши.

1. Мактабга муносабат мотивацияси кўрсаткичлари корреляцион таҳлил учун қайтадан кўриб чиқилиб, махсус жадвалларга киритилади.

2. Мавжуд эмпирик маълумотлар ўртасидаги корреляцион боғланиш натижалари, маълумотларнинг ишончлилиқ қиймати махсус қабул қилинган статистик мезонлар ёрдамида қайтадан кўриб чиқилади. (SPSS дастури бўйича).

3. Барча маълумотлар бўйича йиғилган математик статистик натижаларга таяниб умумий қонуниятлар аниқланади.

Шундай қилиб мазкур биринчи йўналишдаги усуллар мажмуаси ёрдамида бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган муносабат мотивациясининг ўртача-умумий ҳамда қиёсий-типик кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Шу таҳлилларга таяниб тадқиқот мақсадига мос равишда тегишли илмий-амалий хулосалар чиқариш мумкин. Аввало шуни айтиш керакки, мазкур усуллар мажмуаси ўқувчи шахси фаолиятидаги ўқув компонентларининг қай даражада таркиб топаётганлигини аниқлашга хизмат қилади. ўқув фаоллиги ёки ўқув фаоллигини намоён қилишга бўлган муносабат мотивацияси замирида ўқув компонентларининг (когнитив, ҳиссий-иродавий, баҳолаш) иштироки муҳим ўрин тутаяди. Яъни тегишли даражадаги ўқув компонентини шакллантириш орқали ўқув фаоллиги ҳақида гапириш мумкин.

Мактабга муносабат мотивацияси намоён этилишининг ўртача – умумий қиёсий типик кўрсаткичлари, кўрсаткичлари бўйича оралик диапазонлари ва умумий иштирокчилар сонига нисбатан ўринлар

№	Муносабат тизими объект	Фаол ижобий оралик %	Ижобий оралик %	Индифферент оралик %
	$n_1=1000$ (4-синф) Ўринлар:	22.2 – 30.5 3 - ўрин	35.2 – 45 1 - ўрин	30.8 – 38.8 2 - ўрин
	$n_2=1000$ (4синф) Ўринлар:	26.7 – 35.2 2 - ўрин	33.5 – 43.1 1 - ўрин	22.5 – 40 3 - ўрин
	Жами $n_1 = n_2$	22.2 – 35.2 3 - ўрин	33.5 – 45 2 - ўрин	22.5 – 40 1 - ўрин

Бошланғич синф ўқувчиларида мактабга муносабат мотивацияси намоён этилишининг ўртача умумий кўрсаткичлари бўйича кореляцион боғланиш натижалари (2 синф)


		Фаол ижобий	ижобий	Инди ф ферент
Фаол ижобий	X^2 (Pirson)	1	0,313	0,400
		.	0,546	0,432
ижобий	X^2 (Pirson)	0,313	1	0,650
		0,546	.	0,162
Инди ф ферент	X^2 (Pirson)	0,400	0,650	1
		0,432	0,162	.

Бошланғич синф ўқувчиларида мактабга муносабат мотивацияси намоён этилишининг ўртача умумий кўрсаткичлари бўйича кореляцион боғланиш натижалари (4 синф)

		Фаол ижобий	ижобий	индифферент
$(n_2=1000)$				
Фаол ижобий	X^2 (Pirson)	1	0,985(**)	0,052
		.	0,000	0,923
ижобий	X^2 (Pirson)	0,985(**)	1	0,046
		0,000	.	0,930

индифферент	X ² (Pirson)	0,052	0,046	1
		0,923	0,930	

Мактабга муносабат мотивацияси кўрсаткичларининг диаграмма кўринишлари (% ҳисобида)



Ўқув фаоллигига бўлган индифферент муносабатлар ўқувчи шахси ижтимоий ва интеллектуал тараккиёти имкониятларидан унумли фойдаланишга бир мунча ҳалақит беради. Кузатишлар шундан далолат бермоқдаги, индифферент муносабат кўрсаткичларининг ўсиб бориши ўқув фаоллигининг пасайиб боришига ёки аксинча, индифферент муносабатларнинг пасайиб бориши ўқув фаоллигининг ортиб боришига олиб келади. Аниқланган бу ҳолат эса бошланғич синф ўқувчилари ҳамда мактаб психологларининг доимий диққат марказида бўлишини тақозо этади. Олинган бу маълумотлар методика мазмунига мос олдинги маълумотлар таҳлилининг объективлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Хулоса. Демак, юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, бошланғич синф ўқувчиларида ўқув жараёнларига бўлган муносабат мотивацияси даставвал мактаб ҳаётига қизиқиш, мактаб ҳаётини ҳис этиш мактаб ҳаётига маълум эътиқодларнинг шаклланиши билан бевосита боғлиқдир. Лусканова методикаси асосида қўлга киритилган эмпирик маълумотлар эса бошланғич синф ўқувчиларидаги мактабга муносабат даражаларининг турли туманлигидан далолат беради. Кўшимча усуллар ва махсус контент – таҳлил натижалари шунини кўрсатяптики бу жараённинг кечиши маълум ижтимоий – психологик омилларга боғлиқдир. Жумладан, боланинг илк бор ўқувчи сифатида у ёки бу вазифаларни бажариши, ўз тенгдошлари билан ҳамкорликда фаолият юритиши, ўқитувчига бўлган хайрихоҳлиги, оиладаги ва мактабдаги аъёнларга риоя қилиш орқали ўз – ўзини баҳолаш, ўз – ўзини ривожлантириб бориши, шахс сифатида илк бор ўз дунёқарашига ва ижтимоий фаоллигига эга бўлиши каби ҳолатлар ўқувчидаги муносабат мотивацияси шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув фаоллигига бўлган муносабат тизими (фаол-ижобий, ижобий, индифферент) мотивациясининг шаклланиши ва унинг у ёки бу даражада намоён этилиши ўқувчи шахсига, психологик таъсир этувчи “қизиқишлар”га, “шахс йўналганлиги” га, “маълум даражадаги ўқув кўрсатмалари”га ва “қадриятлар”га бевосита боғлиқдир. Аниқроғи, эмпирик маълумотлар таҳлиliga асосланиб шунини айтиш мумкинки, мазкур сифатларнинг ўқувчи шахсида беқарор ёки барқарор ҳолда таркиб топишига қараб, ўқувчининг ўқув жараёнига нисбатан фаол-ижобий, ижобий, ёхуд индифферент муносабатларининг ифода этилаётганлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Андреева Г.М. Социальная психология. – М., 1996.
2. Баратов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане. (Автореф. дисс. докт.псих. наук).–Т.,1998.-37 с.
3. Баратов Ш.Р. Кичик ёшдаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш. - Т.: «Ўқитувчи», 1992. - 48 б.
4. Психологические основы формирования личности в условиях общественного воспитания. – М., 1979.
5. Ғозиев Э. Психология. Ўқув қўлланма. - Т.: «Ўқитувчи», 1994. - 224 б.

Пираманова Гавхар Назаркуловна,
Навоийский государственный педагогический институт,
доктор философии (PhD) по педагогическим наукам

ПСИХОЛОГО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ИСТОРИКО-КУЛЬТУРНЫХ ПАМЯТНИКОВ АНГЛИИ

Аннотация. Статья посвящена познанию художественных ценностей, в ней идёт речь об интеллектуально-творческой деятельности подростков. Здесь активизируется интеллект и творческие способности. Тем более, что в подростковом возрасте оживлён интерес к искусству и имеется большая потребность в его познании на логико-познавательном и художественно-эстетическом уровнях. В общении с высокохудожественными произведениями (при подготовке подростков к их восприятию и самом процессе) развивается логико-художественное мышление, с максимальной активизацией творческого мышления и воображения, обобщения и собственного отношения, а также – воспроизведения. Однако для подростков этого недостаточно: интеллектуально-творческий потенциал требует его реализации в любой деятельности познания. Именно в таком процессе интеллектуально-творческого развития с результатом деятельности, например, познавательно-просветительской, формируется личность подростков.

Ключевые слова: педагогическая система, художественное наследие, возрастающий интерес, культурологические знания, педагогические знания, обучение, иностранный язык, английское художественное наследие.

PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL ASPECTS IN THE STUDY OF HISTORICAL AND CULTURAL MONUMENTS OF ENGLAND

Abstract. The article about intellectual and creative activity of teenagers is especially productive if it is devoted to the knowledge of artistic values. Here intelligence and creativity are activated. Moreover, in adolescence, there is a lively interest in art and a great need for its knowledge on the logical-cognitive and artistic-aesthetic levels. In communication with highly artistic works (when preparing teenagers for their perception and the process itself), logical and artistic thinking develops, with maximum activation of creative thinking and imagination, generalization and their own attitude, as well as reproduction. However, this is not enough for teenagers: intellectual and creative potential requires its implementation in any activity of knowledge. It is in this process of intellectual and creative development with the result of activities (for example, cognitive and educational) that the personality of teenagers is formed.

Keywords: pedagogical system, art heritage, activization interest, culturological knowledge, pedagogical knowledge, learn, foreign language, art heritage of England.

АНГЛИЯНИНГ ТАРИХИЙ ВА МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШДА ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ЖИХАТЛАР

Аннотация. Мақола ўсмирларнинг интеллектуал ва ижодий фаолияти бадий қадриятлари билишга бағишланган. Бу ерда ақл ва ижодкорлик фаоллашади. Бундан ташиқари, ўсмирлик даврида санъатга бўлган қизиқиши ва унинг билимларига мантиқий-когнитив ва бадий-эстетик даражаларда эҳтиёж катта. Юқори бадий асарлар билан алоқада (ўспиринни идрок этишига ва жараёни ўзи тайёрлашда) мантиқий ва бадий тафаккур ривожланиб боради, бунда ижодий тафаккур ва тасаввур, умумлаштириши ва шахсий муносабат, шунингдек, такрорлаш максимал даражада фаоллашади. Бироқ бу ўсмирлар учун етарли эмас: интеллектуал ва ижодий салоҳият уни ҳар қандай билим фаолиятида амалга оширишни талаб қилади. Фаолият натижасида (масалан, когнитив ва маърифий) бундай интеллектуал ва ижодий ривожланиш жараёнида ўсмирларнинг шахсияти шаклланади.

Калит сўзлар: педагогик тизим, бадий мерос, қизиқишини ошириши, маданий билим, педагогик билим, ўрганиш, хорижий тил, Англия бадий мероси.

Введение. Решение проблемы интеллектуально-творческой деятельности подростков требует рассмотрения психологических и психолого-педагогических аспектов интеллектуально-творческого развития, прежде всего, таких категорий и понятий, как:

личность подростка (возрастные особенности, интересы, потребности, способности, предпочтения; интеллектуальный потенциал, творческие проявления; деятельность на интеллектуально-творческом уровне); интерпретация в контексте исследования таких понятий, как интерес, активный интерес, духовные интересы; потребность (общая, частная, духовная);

восприятие, его трактовка в философии, психологии, педагогике, эстетике (эстетическое, художественное восприятие); восприятие – созерцание и художественно-эстетическое изучение – анализ историко-культурные памятники (принципы, логика, компоненты, схема, основные параметры);

системный подход к восприятию – анализу – изучению историко-культурные памятники;

интеллект – мышление – восприятие памятники истории и культуры (виды, мышление творческое, логико-аналитическое, художественное, творческое, художественно-творческое суждение);

творчество, интеллектуально-творческий способности; интеллектуально-творческая деятельность (структурно-уровневые компоненты, схема, технология), интеллектуально-творческая познавательная-просветительская деятельность;

мотивационный фактор, его роль в развитии интеллектуально-творческой деятельности подростков.

Основная часть. На основе рассмотренных и интерпретированных понятий в контексте исследования формируются критерии развития интеллектуально-творческой деятельности подростков в процессе изучения памятники истории и культуры Англии.

Личность рассматриваем как психолого-педагогическую категорию с выделением в ней особенно проявляющихся мотивов, интересов и потребностей, обуславливающих деятельности, её развитие.

Личность старших подростков: изучаются её особенности, доминирующая направленность, качества, предпочтения, потребности, уровень познавательного и интеллектуального развития, творческие способности и все само-факторы; отношение подростков к интеллектуальному развитию на творческой основе, самосовершенствованию, самооценке; внимание уделяется интересам в этом возрасте, особенно главному интересу – деятельностно - ориентационному, а также – потребности – духовной[1].

В развитии интеллектуально-творческой деятельности подростков при изучении историко-культурные памятники (Великобритании, Англии) как величайших ценностей архитектурного искусства, необходимым условием является психолого-педагогический подход к восприятию историко-культурное наследие.

В философии, психологии, педагогике восприятие рассматривается в разнотекстовых трактовках, но, в сущности, согласованно и не противоречиво.

Восприятие эстетическое – «вид эстетической деятельности, выражающийся в целенаправленном и целостном восприятии произведения искусства как эстетической ценности, которое сопровождается эстетическим переживанием». С приоритетом эстетического созерцания.

Художественное восприятие – приближенное к профессиональному, с определённой установкой на «прочтение» художественного произведения, его смысла, с переводом в «словесно-понятийный план» на основе системы выразительных средств. С эстетическим суждением, удовлетворением, радостью. Зависит от эстетических способностей воспринимающего, его эстетического чувства, культуры мышления, общей культуры и ценностных ориентаций личности[2].

Принципиально важным в логико-аналитическом художественно-эстетическом изучении историко-культурных памятников (Англии) ориентир на: историю памятника, функциональность, его культурологическое предназначение; общий облик, форму, силуэт, фасад; композицию в пространстве, конструктивную систему, стиль, отдельные стороны, архитектурные детали, элементы; мышление - субъективное, историческое, логико-аналитическое, художественное, творческое; впечатление от памятника: познавательное, художественное, эстетическое, собственно-личностное; суждение о нем – свое, смелое, аргументированное. В логику художественного восприятия – анализа историко-культурных памятников Англии включаем следующие компоненты: восприятие – непосредственное, эмоционально-субъективное; восприятие – познание – логико-художественно-аналитическое с мышлением в системе «синтез-анализ-синтез», активным, творческим, конкретно-компонентным и обобщённым с объективным выводом, собственным заключением и личным отношением.

Системный подход к восприятию – анализу историко-культурные памятники Англии требует: повышенной эмоциональности подростков;

знания: истории историко-культурные памятники (Великобритании, Англии) (основания, сооружения, функциональности), культурной, социально-общественное обстановки того времени; освоения художественной характеристики памятника; внимания его эстетической выразительности.

Следует заметить, что в этом восприятии – анализе происходит активная познавательная деятельность и напряженная интеллектуально-творческая работа – мышления (художественно-аналитического, ценностно-эстетического) на достаточно высоком творческом уровне (творческого мышления, творческого воображения). С формированием целостного архитектурно-художественного образа. С собственным смелым суждением, своим отношением к данному памятнику. Восприятие – анализ подростками историко-культурных памятников рассматриваем как значительное достижение в их интеллектуально-творческом развитии.

АНАЛИЗ МЕТОДИЧЕСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ В ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ В КАЧЕСТВЕ ФАСИЛИТАТОРОВ

Аннотация. В данной статье проведён анализ методической литературы по профессиональной педагогической подготовке будущих воспитателей-фасилитаторов, а также даны научно-теоретические рекомендации ведущих учёных в области, необходимой для воспитания дошкольников, дидактические основы совершенствования системы профессиональной подготовки, а также приобретение теоретических знаний и формирование профессиональных и практических навыков, организация каждого учебного занятия. На основе взаимодействия всех методов и форм деятельности выделяется процесс их объединения и применения на практике.

Ключевые слова: будущий педагог, профессиональная подготовка, профессиональная компетентность, развитие, совершенствование, педагогический, проблемный, актуальный, дошкольное образование, значимость, учебно-воспитательный процесс.

ANALYSIS OF METHODOLOGICAL LITERATURE IN PROFESSIONAL PEDAGOGICAL TRAINING OF FUTURE TEACHERS AS FACILITATORS

Abstract. In this article, the analysis of methodological literature in the professional pedagogical training of future educators as facilitators, as well as the scientific theoretical recommendations of leading scientists in the field necessary for the education of preschoolers, the didactic basis of improving the professional training system, as well as the acquisition of theoretical knowledge and the formation of professional and practical skills, organize each training session based on the interaction of all methods and forms of doing, the process of combining them and putting them into practice are highlighted.

Keywords: future educator, professional training, professional competence, development, improvement, pedagogical, problem, current, preschool education, importance, educational process.

Кириш. Ўзбекистон Республикасининг янги тахридаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни 45-моддасида: “Педагог-ҳодимлар замонавий педагогик шаклларни, ўқитиш ва тарбия воситаларини, усуллари эркин танлаш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга” [1] дейлади.

Ўрганилаётган муаммонинг долзарблиги таълим тизимининг ривожланишидаги замонавий давр таълим парадигмасининг ўзгариши натижасида таълим муассасаларининг хилма-хил турлари, муқобил педагогик тизимнинг ривожланиши билан тавсифланади. Оммавий- репродуктив шакл ва ўқитиш усулларида шаҳсга йўналтирилган, яқка тартибдаги ижодкорликка ўтишни англатади.

Ўқув жараёнида амалий машғулотлар жараёни, келажакдаги тарбиячи учун педагогик фаолиятда ҳақиқий муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ўқув кўлланмаларни танлаш, таълим-тарбия бериш усуллари таъминлаш бўлажак тарбиячилар касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштиришнинг асосидир [8;2-6]. Бўлажак тарбиячиларни фасилитатор сифатида

касбий фаолиятли ёндашуви келажакдаги мустақил педагогик фаолиятни моделлаштиришга имкон беради.

Илмий янгилик сифатида ватанимизнинг барча давлат ҳамда нодавлат мактабгача таълим ташкилоти бўлажак тарбиячилар фасилитатор сифатида касбий тайёргарлик тизимини такомиллаштиришнинг дидактик асослари назарий билимларни ўзлаштириш ва касбий-амалий кўникмаларни шакллантириш билан бир қаторда ҳар бир машғулотларини ташкил қилишнинг барча усуллари ва шаклларининг ўзаро таъсирига асосланган ҳолда уларни бирлаштириш жараёни ҳамда амалиётга жорий этиш назарда тутилади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Шахсий фаолиятли ёндашувда, шахс психологиясига оид адабиётларга кўра, ҳар томонлама ривожланиш учун ўйинли фаолият зарур ҳисобланади [8; 4-б].

1 – расм.



Бизнинг фикримизча, ушбу ёндашувдан фойдаланиш талабаларнинг касбий ўз-ўзини тарбиялашни, уларнинг касбий педагогик маҳоратни ўзлаштириш бўйича мустақил ишларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Айни пайтда бу ёндашув талабанинг индивидуаллигини ривожлантиришга имкон беради, уни инсонпарварлик кадрятларига йўналтиради. Шунингдек, бўлажак тарбиячиларда креативлик ва рефлексив ёндашувни шакллантиради [8;3-6]. Қуйида бўлажак тарбиячилар касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштириш бўйича касбий тайёргарлик компонентлари, элементлари, дидактик шарт-шароитлари каби тузилмаларни бизгача амалга оширилган тадқиқотларга таяниб жадвалда акс эттирдик (1-расмга қаранг). Бўлажак тарбиячиларни фасилитатор сифатида касбий тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш тузилмаси.

Бўлажак тарбиячилар касбий компетенцияларини тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштиришни таъминловчи марказий бўғини бўлиб, педагогик фаолиятда унинг таркибида қуйидагилар ўрганилади. Жумладан, меҳнат объектлари, меҳнат воситалари, педагогик жараён, мавзунини ривожлантирувчи муҳит, тарбияланувчига таъсир ўтказиш усуллари таълим муассасасида педагогик фаолиятни ташкил этиш билан алоқадорлигини кўрсатади [6;7-6]. Таълим технологиялари бўйича зарур тенденцияларга эътиборни кучайтиришга қаратайлик.

Власта Гмитрова мактабгача таълим бўйича инспектори лавозимида иш олиб бориш давомида у қуйидаги асосий ролни ўйнашга ўргатиш - мактабгача ёшдаги болаларда гўё ўйинни фасилитаторнинг самарали усули Унинг тадқиқотлари болалар ўйинларининг ўқув жараёнига таъсирининг назарий ва амалий масалаларига қаратилган бўлиб, улар гўзал ўйин ва мактабгача ёшдаги когнитив компетенцияга қаратилган. Ўрганишга 368 нафар мактабгача таълим тарбияланувчиси ҳамда 92 нафар малакали тарбиячиси жалб этилди. Назорат гуруҳида тарбиячи билвосита ўйинни бошлади, ўйин мавзусига мослаштирилган ўйин бурчагини яратди ва кетма-кет уч кун давомида ўйин жараёнига ҳақиқий вазият эҳтиёжларига мос равишда аралашиб, билвосита ўйинни бошқарди. Экспериментал гуруҳида тарбиячи биринчи кун давомида ўйинни фаол бошлайди ва олдиндан белгиланган сценарийга мувофиқ асосий ролни бевосита ўтказди ва кейинги икки кун давомида назорат гуруҳидаги каби ўйин жараёнини билвосита бошқарди. Экспериментал гуруҳда болаларнинг ўйин фаолиятининг когнитив жиҳатдан мураккаб кўрсаткичларининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада тарқалишини аниқлайди, бу эса гўё ўйин намойишини самарали фасилитацион воситаси эканлигини кўрсатади [10;85-6].

Эмили Перри ва Боодт касбий ривожланишга оид фасилитаторларининг амалиётлари ўрганишларини тушунишга ҳисса қўшдилар. Улар Англиядаги Қўшимча таълим ва кўникмалар секторидаги амалиётчилар учун касбий ривожланиш дастурини фасилитацион (Perry va Boodt Citation 2019). гуруҳдаги амалиётига (Wang va boshq. Citation 1993), яъни улар тарбиячилар билан касбий ривожланишга қўмаклашишда ўз ролларини бажаришда фойдаланиладиган тартиблар, ҳаракатлар ва процедуралар, шунингдек, ушбу амалиётларга оид танловлари ва ўрганишларига қаратилган. Кейинги бўлимда касбий ривожланиш бўйича фасилитаторларнинг роли ва амалиёти бўйича мавжуд тадқиқотлар умумлаштирилади [9;144-6].

Бўлажак тарбиячилар фасилитатор сифатида касбий фаолиятга тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштиришда лойиҳавий (проектив) ёндашувини амалга ошириш ўқув мазмунида нафақат меҳнатнинг асосий таркибий қисмларининг тавсифини (меҳнат объекти, меҳнат воситалари, таълим технологияси), балки тарбиячи касбий жараёнида ҳал қилиши керак бўлган муаммоларни ҳам ўз ичига олади. Тарбияланувчилар билан олиб бориладиган махсус ташкил доир машғулотларда этилган дарс мазмуни талабаларнинг педагогик фаолиятда таҳлил қилиш ва лойиҳалаш қобилиятларини шакллантириш, ўзларининг ўқув, билим ва касбий фаолиятига акс этувчи муносабатни шакллантиришдан иборат [8;6-6].

Бўлажак тарбиячилар фасилитатор сифатида касбий фаолиятга тайёрлашнинг касбий тайёргарликнинг ажралмас тузилишини шакллантиришнинг зарурий шarti бўлиб, у тарбиячининг шахсияти ва фаолиятига ижобий таъсир қилади ва уни ўқитиш ва тарбиялаш стратегиясини инсонпарварлаштиришга ундайди [8;5-6].

Бўлажак тарбиячилар касбий компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик механизмини такомиллаштиришнинг айрим масалалари, болаларнинг онги тасаввурларининг хусусиятлари, мактабгача таълим ташкилотнинг турли ёш гуруҳларида ўтиладиган машғулотларни ўқитиш усуллари ва шакллари билан таништириш ва таълим жараёнида юқоридаги жиҳатларни дидактика талаблари билан боғлашни тақозо этади. Бу эса олий таълим талабаларига касбий педагогик ривожланишининг муайян муаммолари бўйича методик адабиётларни, тарбиячи ва

методистларнинг замонавий методикаларини ўрганишга, шунингдек, педагогика асосларини ўргатиш бўйича амалий кўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради [184;57-б].

Т.С.Полякова ўз тадқиқот ишида эндигина ўз фаолиятини бошлаётган тарбиячилар дуч келадиган типик, дидактик қийинчиликларга бағишланганлиги билан аҳамиятлидир. Унинг таъкидлашича: «Дидактик қийинчиликлар – бу тарбиячининг таълим жараёнидаги қийинчилигидир. Ёки уни ҳал қилиш учун шарт-шароитларнинг йўқлиги, кескинлик, бепарволик, ўз ишдан қониқмасликнинг психологик ҳолати ёки, аксинча, педагогик маҳоратни такомиллаштириш учун шароитларни таъминлашга тўсиқ бўлувчи омиллар, дейиш мумкин» [7;12-б].

Сўнгги йилларда мактабгача таълим ташкилотларига вариатив дастурлар бўйича ишлаш ҳуқуқи берилган. Вариативлик – таълим тизимининг сифатини англади, бу эса тарбияланувчиларни таълим дастурлари ёки муайян турдаги таълим хизматларини яратиш ва уларга ўзларининг ўзгарувчан таълим эҳтиёжлари ва имкониятлари асосида танлаш имкониятини белгилайди [3;10-б]. Бу эса болаларнинг ҳар томонлама ривожланишини бошқара оладиган бўлажак тарбиячиларни фасилитатор сифатида тайёрлаш муаммосига эътиборни қаратади. Бўлажак тарбиячилар фасилитатор сифатида нафақат маълумотни қўллаш, балки ўзларининг асл бошқарув усулларини, муаллифлик технологияларини яратишни ҳам талаб қилади. Буларнинг барчаси бўлажак тарбиячиларни мактабгача таълим тарбияланувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишини бошқаришга тайёрлигини шакллантириш муаммосини долзарблаштиради [6;10-б].

Болада умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенциялари шаклланишига қўйилган талаблар



Педагогнинг касбий стандарти – мактабгача таълим ташкилоти педагогининг шахсий ва касбий сифатларига, билимига, малака ва кўникмаларига доир қўйиладиган асосий талаблар мажмуи.



Билимлар-меҳнатга оид фаолият учун таҳсил ва шахсий тажриба воситасида аҳамиятли ахборотларни ўзлаштириш натижаси;



Малакалар – инсоннинг муайян меҳнатга оид вазифаларини бажариш қобилиятини тафсиловчи, таҳсил олиш ва шахсий тажрибаси жараёнида ортирилган тажрибалари;



Тажриба-меҳнатга оид фаолиятни амалга ошириш жараёнида эгалланган билимлар ва малакалар;



Компетенция–тегишли билим, малака, кўникма ва кадриятларни касбий фаолиятда қўллаш ва татбиқ этиш.

2-расм. Умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантиришга қўйилган талаблар

Г.Н.Ибрагимова бўлажак мактабгача таълим мутахассисларини инновацион касбий фаолиятга тайёргарлигини белгилашнинг қуйидаги параметрларини таклиф қилади:

- бўлажак педагог-тарбиячида касбий сифатларнинг шаклланганлиги;
- бўлажак педагог-тарбиячида таълим-тарбия бериш маҳоратининг шаклланганлиги;
- инсонпарварлик сифатларининг шаклланганлиги;

–маънавий-маданий тайёргарликнинг таркиб топганлиги;
 –касбий педагогик фикрлашнинг такомиллаштирилганлиги;
 –ташхислаш, педагогик-психологик тайёргарликнинг таъминланганлиги;
 –бўлажак педагог-тарбиячиларнинг илмий тадқиқот фаолиятига йўналтирилганлиги;
 –коммуникатив қобилиятга эгаллиги ва индивидуал ижодий ривожланиш майлларининг қўллаб-қувватланганлиги;
 –тарбияланувчилар фаолиятини рағбатлантириш компетенциясига эгаллиги;
 –педагогик назокатнинг таркиб топганлиги;
 –тарбияланувчиларга нисбатан талабчанлик ва адолатлилик сифатларининг шаклланганлиги;
 –мустақил билим олиш кўникмаларининг барқарорлашганлиги;
 – педагогик одобга эгаллик;
 –умуминсоний ва миллий қадриятларни ҳурмат қилиши;
 –китобхонлик маданиятининг таркиб топганлиги;
 –образли ўқиш кўникмаларининг шаклланганлиги;
 –ташкilotчилик, таълим-тарбия ишларини ташкил этишга йўналганлиги;
 –педагогика фанининг сўнгги ютуқлари, илғор педагогик ва инновацион технологияларни қўллаш олишга тайёрлиги кабилар [4;3-6].

Ўзбекистонда бола ривожланишининг умумий истикболлари ва ягона ёндашувни таъминлаш учун “Илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ишлаб чиқилган[2].

Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган Давлат талаблари аниқ, бир ёшдаги боланинг ривожланиш стандартларини ва боланинг ютуқлари ва ривожланиш даражасини баҳолаш имкониятини берувчи индикаторларни белгилайди. Ушбу ҳужжат, биринчи навбатда, оилаларда боланинг тўлақонли ривожланиши, таълим-тарбияни тўғри ташкил этиш орқали уни мактабда таълим олишга самарали тайёрлашга ёрдам беришни назарда тутди [5;16-6].

Болаларда умумий асосий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантиришга қўйилган бир қатор талаблар мавжуд (1.2-расмга қаранг).

Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандартида педагог фаолиятига сифат даражасини берувчи самарали амалиётнинг батафсил кўрсаткичлари белгиланган. Фаолиятнинг ҳар бир кўрсаткичи учун педагогнинг малакасига боғлиқ равишда индикаторлар танланади: иккинчи тоифадаги мутахассис, педагог; биринчи тоифадаги педагог; олий тоифадаги педагог[2].

Олтита мақсадли соҳалар келтирилган:

1. *Таълимий муҳит*
2. *Ўқув жараёнини режаслаштириш*
3. *Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш*
4. *Болалар ривожланишининг даражалари*
5. *Шерикчилик ва ҳамкорлик*
6. *Касбий ривожланиш.*

Ҳар бир соҳа бўйича билимлар, фаолият стандарти ва самарали фаолият кўрсаткичлари берилган [2]. Хусусан, бўлажак тарбиячиларни фасилитатор сифатида касбий тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш кучли томонларига таянган ҳолда, ҳар бир боланинг таълим олиши ва ривожланишини рағбатлантирганча индивидуал тарзда ўзаро ҳаракатланади. Таълим-тарбия жараёнида тарбияланувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимли [6;61-6], одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш тарбиячи зиммасига юклатилган.

Хулоса. Дарҳақиқат, халқимизнинг келажаги, мустақил Ўзбекистоннинг истикболи кўп жиҳатдан тарбиячиларга, уларнинг билим даражаси, дунёқараши, фидоийлиги, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашдек маъсулиятли касбига бўлган муносабатига боғлиқ. Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялашга интилиш бизнинг олий мақсадимиздир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз” [2].

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ–637, 2020. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/4545884>

2. Мактабгача таълим ташкилоти педагогининг касбий стандарти. Электрон манбаа: <https://lex.uz/docs/4154478>
3. Абдуллаева Н. Мактабгача таълимни вариатив ёндашув асосида такомиллаштириш. Диссертация автореферати -Т.:2019-54б.
4. Ибрагимова Г.Н. Бўлажак мактабгача таълим мутахассисларининг инновацион касбий фаолиятга тайёргарлигини белгилаш параметрлари. Ж. № 7// Мактабгача таълим. -2019.- 63-65 б.
5. Қаландарова З. “Мактабгача таълим ёшидаги болаларда математик тасаввурларни шакллантиришнинг замонавий методикаси ва амалиёти”. Ўқув қўлланма. – Нукус:- 2018. -138 б.
6. Лебедева З.Е. Формирование начальных математических понятий у детей младшего и среднего дошкольного возраста. Автореферат дис. на соискание ученой степени кандидата педагогических наук. Киев: 1967, 87 с.
7. Полякова Т.Е. Анализ затруднений в педагогической деятельности начинающих учителей. М.: Педагогика. 2017. -121 с.
8. Таирова М.Б. Socio-historical stages of formation of mathematical concepts in preschool children (on the example of Uzbekistan) //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol. 8 No. 10, 2020 Part II ISSN 2056-5852 impact factor.
9. Emily Perry & Josephine Booth The practices of professional development facilitators Pages 144-156 | Received 16 Feb 2021, Accepted 30 Jun 2021.



Fayziyev Zohiddin Hasanboyevich,
Qarshi davlat universiteti Psixologiya kafedrasida dotsenti

MEHNAT FAOLIYATIDA NAMOYON BO'LADIGAN STRESSLI KECHINMALARNING IYERARXIK PIRAMIDASI

Annotatsiya. Mazkur maqolada rahbar va uning qo'l ostidagi xodimlarida namoyon bo'ladigan fizik, kimyoviy, organik, fiziologik va psixologik, uzoq va qisqa ta'sir etuvchi, aktiv, nomuvofiqlik, jismoniy, baholash va tabiiy stressorlar namoyon bo'lish belgilari hamda omillari batafsil yoritilgan. Shuningdek, stressorlarning turlari va uning salbiy oqibatlarini ilmiy tahlil etilgan.

Kalit so'zlar: fizik, kimyoviy, organik, fiziologik va psixologik, uzoq va qisqa ta'sir etuvchi, aktiv, nomuvofiqlik, jismoniy, baholash, tabiiy, stressor, distress, eustress.

ИЕРАРХИЧЕСКАЯ ПИРАМИДА СТРЕССОВЫХ ПЕРЕЖИВАНИЙ, ПРОЯВЛЯЮЩИХСЯ В ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье подробно описаны признаки и факторы физических, химических, органических, физиологических и психологических, долгосрочных и кратковременных, активных, непостоянных, физических, оценочных и естественных стрессоров, проявляющихся у руководителя и его подчинённых. Также научно анализируются виды стрессоров и их негативные последствия.

Ключевые слова: физические, химические, органические, физиологические и психологические, долгосрочные и краткосрочные, активные, несоответствия, физические, оценочные, природные, стрессор, дистресс, эустресс.

HIERARCHICAL PYRAMID OF STRESSFUL EXPERIENCES MANIFESTED IN LABOUR ACTIVITY

Abstract. The article describes in detail the signs and factors of physical, chemical, organic, physiological and psychological, long-term and short-term, active, non-subordinate, physical, evaluative and natural stressors that arise in the manager and his subordinates. The types of stressors and their negative consequences are also scientifically analyzed.

Keywords: physical, chemical, organic, physiological and psychological, long-term and short-term, active, inconsistencies, physical, evaluative, natural, stressor, distress, eustress, etc.

Kirish. Rahbar kundalik boshqaruv faoliyatida stressli holatlarga duch kelishi tabiiy. Barchamizga ma'lumki, inson hayotida yangi paydo bo'lgan muammoli vaziyat unda stress holatini yuzaga kelishiga sabab bo'lishi mumkin. Stresslarning haddan ziyod ortib ketishi inson salomatligining buzilishi, ruhiy mutanosiblikning izdan chiqishiga olib keladi. Stress insonda nerv tizimining qattiq emotsional zo'riqishi oqibatida yuzaga keladigan, kuchli va uzoq davom etuvchi psixologik tanglik holati hisoblanadi. Stress inson organizmida bosim, tanglik, kuchli zo'riqish holatini yuzaga ketiradi. Stress hozirgi kunda uch xil ma'noni anglatuvchi so'z sifatida qo'llaniladi. Birinchidan, stress tushunchasi insonda bosim yoki qo'zg'alishni uyg'otuvchi tashqi ta'sir yoki voqea-hodisa sifatida izohlanishi mumkin. Buning uchun ko'proq "stressor", "stress omil", "stress faktor" terminlari ishlatiladi. Ikkinchidan, stress individning subyektiv reaksiyasiga aloqador bo'lib, shaxsning ichki psixik holatini aks ettiradi. Insonda kechuvchi ushbu holat hissiyot, himoya reaksiyasi, yengish jarayoni sifatida talqin qilinadi. Bunday jarayonlar funksional tizimning rivojlanishi va takomillashishiga yordam berishi, shu bilan birga psixik bosimni keltirib chiqarishi mumkin. Uchinchidan, stress organizmning tashqi ta'sirga nisbatan kuchli jismoniy reaksiyasi sifatida ifodalanishi mumkin.

Stressga nisbatan bildirilgan reaksiyaga bog'liq ravishda stressni ikki turga ajratish mumkin. Agar stress insonga ijobiy ta'sir qilsa eustress, salbiy ta'sir qilsa distress deyiladi. Eustress insonga ruhiy kuch beradi, faoliyatga undaydi. Distress odamga salbiy ta'sir qiladi. Uning oqibati aqliy, jismoniy, emotsional va ruhiy zo'riqishga, organizmning holdan toyishiga va qon bosimining oshishi, yurak faoliyatining buzilishiga olib kelishi mumkin. G.Selye fikricha, stress bu— hayot. Inson suvsiz, havosiz, ovqatsiz yashay olmaganidek, stressiz ham yashay olmaydi. Lekin stress to'planishi va shunday kuchga ega bo'lishi mumkinki, oqibatda odam u bilan kurashishga qodir bo'lmay qoladi va kasallikka chalinaldi [2].

Nerv sistemasi yuqori rivojlangan odam va hayvonlarda, his-tuyg‘u ko‘pincha stressor vazifasini o‘taydi va u fizik stressor ta‘siriga zamin tug‘diradi. Stress reaksiyasini keltirib chiqaruvchi ichki va tashqi muhitning barcha omillari stressorlar nomini olgan. Agarda stressorlar uzoq vaqt davomida asab tizimiga ta‘sir etsa, u holda turli biologik buzilishlar vujudga kelishi va turli kasalliklar kelib chiqishi mumkin.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Stressning bir qancha turlari: jismoniy va ruhiy stress, eustress va distress tafovut qilinadi. Fizikaviy omillar jismoniy stressni, salbiy hissiyotlarga sabab bo‘luvchi taassurotlar esa ruhiy stressni keltirib chiqaradi. Eustress ijobiy stress bo‘lib, bunda himoyalovchi reaksiyalar organizmga zarar yetkazmaydi, aksincha organizmning salbiy ta‘sirlarga chidamliligini oshiradi ba‘zi bir somatik kasalliklar kechishini yengillashtiradi. Distress zararli stress bo‘lib, bunda shikastlantiruvchi omil organizmga zarar yetkazadi, uning himoyalanih imkoniyatlarini kamaytiradi, organizm rezistentligini pasaytiradi va kasallikning kechishini og‘irlashtiradigan haddan ortiq stressdir. G.Selye[2] stress natijasida rivojlanadigan kasalliklarni stressorning kuchli ta‘sir etishi, yoki gormonal tizimning «noto‘g‘ri» reaksiya berishiga bog‘liq deb hisoblaydi. Chunki ayrim hollarda distress uncha kuchli bo‘lmagan stressor ta‘sirida yuzaga keladi. (1-jadval).

Stressor va stresslarning turlari

1-jadval.

№	Stressorning turlari	Oqibati	Stress turlari	Oqibati
1	Fizik: Issiq, sovuq, shikastlanish	Turli ichki kasalliklar ya‘ni qandli diabet, rahbarda qon bosimini ko‘tarilishi, tanani orqa to-monida og‘riq, migren me‘da yaralari, infarktni keltirib chiqaradi.	Eustress	Ortiqcha energiyani yo‘qotilishini oldini oladi
2	Ruhiy: Qo‘rquv, qattiq tovush, o‘ta xursandchilik		Distress	Kundalik faoliyatdagi charchoqni kuchaytiradi va kuchsizlanish holatini vujudga keltiradi

Stress ta‘sirida paydo bo‘ladigan kasalliklarning organizmdagi dastlabki holati muhim ahamiyat egadir. Stress doimo bor, organizmga har qanday sharoitda ham stressorlar ta‘sir etadi. Stressorlarga quyidagi omillar kiradi:

1. Ijtimoiy muhitning zararli omillari (shaxslararo munosabatlarning buzilishi).
2. Turli fiziologik jarayonlarning buzilishi.
3. Axborotni tez va qayta ishlash (vaqt tig‘iz sharoitlardagi ish).
4. Organizmni xavf ostida qoldiruvchi sharoitlar.
5. Oila va jamoadagi kelishmovchiliklar.
6. Ajralib qolish yoki jamoaviy bosim.
7. Birov tomonida ta‘qib etilish.
8. Katastroflar, nochorlik,
9. Ijtimoiy himoyaning yo‘qligi yoki kamligi.
10. Patologik irsiy omil.
11. Mehnat faoliyatidagi hissiy va fizikaviy yuklamalar.
12. Maqsadsiz yashash va boshqalar kiradi.

Bu stressorlar eng kuchlisiz organizmlarga ta‘siri sezilarli kechadi. Turli darajada stress olgan rahbar yoki xodimlarda olib borgan kuzatishlari davomida ko‘pchiligida ishtahaning yo‘qligi, arterial qon bosimining yuqoriligi va irodasizlik holatlarini aniqlagan. Rahbar va xodimlar psixologik jihatdan barqaror shakllangan bo‘lsa, stressbardoshlilik yuqori kechadi. Agar psixologik jihatdan beqaror rivojlangan bo‘lsa, stressorlar uni faoliyati davomida ta‘qib qiladi va turli muvozanatsizliklarni vujudga keltiradi.


Stresslar rahbar shaxsi uchun xavfli va ijobiy bo‘lishi mumkin. Inson hayoti davomida juda ko‘plab uy-fikrlar paydo bo‘ladi, bularning barchasi miyaga katta bosim yuklaydi. Natijada ruhiyatning moslanish funksiyasi pasayadi va stressga olib keladi. G.Selye fikricha stresssiz hayot kechirib bo‘lmaydi, chunki stresslarning bo‘lmasligi bu o‘lim bilan barobar deb tuguntiradi. Demak stress organizmning favqulotdagi holatlarga nospetsifik reaksiya hisoblanadi[2].

V.S.Merlin[5] “Qachonki inson biror motivni amalga oshirishga harakat qilsa, u faoliyati jarayonida qarama-qarshilikka duch keladi. Har xil tashqi va ichki qarama-qarshiliklar natijasida qiyin vaziyat paydo bo‘ladi. Qiyin vaziyatdagi holat asab psixik zo‘riqishni hosil qiladi yoki bu stress deb talqin qilinadi”[5]–deydi.

Rahbar faoliyatida stressni keltirib chiqaruvchi ko‘plab omillarni keltirib o‘tish mumkin. Lekin tadqiqot ishi doirasida ushbu masalaga aniqlik kirish maqsadida rahbar shaxsiga xos bo‘lgan stressorlarni

vujudga keltiruvchi faktorlarga alohida e'tibor qaratildi. Natijada ularni aniq borasidagi ishlar mukammal tizimga keltirildi. Bu esa, rahbar faoliyatida stressni keltirib beruvchi stressorlarni muhim iyerarxik klassifikatsiyasini yaratishga imkon berdi. Shunday ekan, tadqiqot davomida rahbar psixologiyasida paydo bo'ladigan stressli kechinmalarning keltirib chiqaruvchi stressorlarning takomillashtirilgan iyerarxik peramidasi ishlab chiqildi.

Mualliflik tadqiqoti shuni ko'rsatdiki, rahbar shaxsida namoyon bo'luvchi stressorlarni asosiy manbai noto'g'ri pozitsiyani tanlab faoliyat olib borish oqibatida vujudga kelishi kuzatildi.



1-rasm. Rahbar-xodimlarda stressli holatlarni keltirib chiqaruvchi faktorlar piramidasi

G.Selye[2] nazariyasida stressga fizik, kimyoviy va organik omillarga nisbatan fiziologik reaksiya nuqtai-nazaridan qaraladi. Nazariyaning asosiy mazmunini quyidagi to'rt holatda umumlashtirish mumkin bo'ladi:

1. Barcha biologik organizmda o'z tizimi faoliyatining ichki balansi va muvozanati holatini ushlab turishga qaratilgan tug'ma mexanizm mavjud. Ichki muvozanatni saqlash gomeostazis jarayoni bilan ta'minlanadi. Gomeostazisni ushlab turish organizmning hayot uchun zarur vazifasi hisoblanadi. Gomeostaz organizmning doimiylikini (masalan tana harorati, qon bosimi, qondagi shakar konsentratsiyasi va boshq.) ushlab turuvchi jarayondir.

2. Stressorlar, ya'ni kuchli tashqi taassurotlar, organizmning ichki muvozanatini izdan chiqaradi. Organizm har qanday stressorga, yoqimli yoki yoqimsiz, nospetsifik fiziologik qo'zg'alishlarga javob reaksiyasini qaytaradi. Bu himoyaviy-moslashuv reaksiyasi hisoblanadi.

3. Stressning rivojlanishi va unga moslashish bir necha bosqichdan o'tadi. Stressning kechishi va bir bosqichdan keyingisiga o'tish vaqti organizmning rezistentlik darajasiga, stressor ta'sirining kuchi va davomiyligiga bog'liq.

4. Stressning oldini olish bo'yicha organizm chegaralangan zahiraga ega bo'lib, ularning kamayishi organizmning zaiflashishi va nobud bo'lishiga olib kelishi mumkin.

G.Selye [2] o'z tadqiqotlarini umumlashtirib, stressning quyidagi uch bosqichli jarayondan iborat ekanligini asosladi va umumiy adaptatsion sindrom deb nomladi:

Xavotirlanish bosqichi stressorning dastlabki ko'rinishida paydo bo'ladi. Qisqa vaqt davomida organizmning rezistentlik darajasi pasayadi, jismoniy va vegetativ funksiyalar izdan chiqadi. Keyin organizm

zahirani ishga tushiradi va himoya jarayonlarining o'zini boshqarish mexanizmlarini faollashtiradi. Agar himoya reaksiyasi samarali bo'lsa, xavotir so'nadi va organizm normal faoliyatga qaytadi. Stresslarning aksariyati ushbu bosqichda hal etiladi. Bunday qisqa muddatli stresslar stressning o'tkir reaksiyasi deb nomlanishi bilan fanga kiritilgan.

Rezistentlik bosqichi (qarshilik ko'rsatish) stressning ta'siri uzoq davom etganda va organizmning himoya reaksiyasini ushlab turish zarurati paydo bo'lganda boshlanadi. Adaptatsion zahiraning balanslashtirilgan sarfi yuz beradi.

Tugash bosqichi organizmning o'ta kuchli va uzoq davom etuvchi stressorlar ta'siri bilan kurashish mexanizmlarining buzilishini aks ettiradi. Adaptatsion zahiralar amalda kamayadi. Organizmning bardoshlilik pasayadi, oqibatda organizmda nafaqat funksional buzilishlar, balki morfologik o'zgarishlar ham yuz berishi mumkin.

Stress organizmning nafaqat biologik butunligiga, shu bilan bir qatorda inson psixologik holatiga ham tahdid soladi. Bunga asoslangan holda olimlar stress holatlarini 2 guruhga: fiziologik va psixologik stresslar sifatida tafvutlanadi.

Fiziologik stress– fiziologik ta'sirlar, ya'ni turli xildagi to'siqlar, shuningdek, kuchli ovozlari, kuchli yorug'lik, havoning yuqori yoki juda past harorati, vibratsiyalar va boshqalar oqibatida organizmning o'ta jismoniy zo'riqishi, tanada paydo bo'lgan kuchli og'riq, qo'rquv va kasallik tufayli paydo bo'ladi. Stressning fiziologik belgilariga tana a'zolaridagi kuchli kasalliklar (oshqozon-ichak yarasi), migren, gipertoniya, bel og'rig'i, artrit, astma, yurak xurujlari kiradi.

Psixologik stress– shaxs tomonidan o'zining qiyin, ekstremal holatini o'ziga xos ko'rinishda kuchli aks ettirishdan iborat bo'lgan psixik holatdir. Psixologik stress vaziyatning favquloddaligi, insonning yuzaga kelgan vaziyatga munosabati va uning murakkabligini baholashi bilan belgilanadi. Vazifaning kutilmaganda o'zgartirilishi, zarur tayyorgarlikning yo'qligi, vaqt tig'izligi, ishning yuqori ahamiyatga ega ekanligi, shuningdek, topshirilgan vazifa uchun shaxsiy mas'uliyat psixologik stressga olib keluvchi tipik vaziyatlar hisoblanadi. O'z navbatida psixologik stress 2 guruhga: axborot va emotsional stresslarga ajratiladi:

Axborot stressi –inson kundalik hayotida axborot oqimlari, voqealar juda ham ko'pki, ularning hammasini qabul qilish inson psixikasini zo'riqtiradi, toliqtiradi va oqibatda stressga olib keladi. Axborot stressi axborot yuklamalari ortib ketgan vaziyatlarda, inson o'zi qabul qiladigan qarorlar oqibati uchun juda katta mas'uliyatli bo'lganida paydo bo'ladi. Yoshlarning uzoq vaqt kompyuter oldida foydasiz o'tirishi, ya'ni zararli kompyuter o'yinlari o'ynashi, ongini zaharlovchi roliklar tomosha qilishi ham ularda axborot stressi paydo bo'lishiga sabab bo'ladi. Buning oqibatida ularda kompyuter allergiyasi, kompyuter isteriyasi, kompyuter fobiyasi kabi salbiy psixik holatlar yuzaga kelishi, o'qishdan orqada qolish, yaqinlar bilan munosabatdan qochishi, salbiy fikrlar, norozilik kayfiyati shakllanishi, oqibatida psixik zo'riqish paydo bo'lishi mumkin.

Emotsional stress–nizoli vaziyatlarda insonning ijtimoiy yoki biologik ehtiyojlarini ta'minlashni kuchli yoki uzoq vaqt chegaralovchi psixoemotsional kechinma holatidir [3]. Inson kutilmagan xabardan voqif bo'lishi oqibatida uning hayotida bo'ladigan o'zgarish – turmushdan ajralish, ishdan ketish, yakkalanib qolish, yaqin kishisining olamdan o'tishi va hokazolar bunga misol bo'ladi. Oilada yoki oiladan tashqarida kechirilgan ko'plab avvalgi qiyin vaziyatlar emotsional stress asoratini qoldiradi. Psixik va somatik jihatdan salomatlik uchun yaqin kishidan ayrilish kabi faqat bitta fojiali hodisa emas, balki qisqa vaqt mobaynida yuz bergan kichik ko'rinishdagi bir necha salbiy hodisalar ham xavfli hisoblanadi. Chunki ular ham moslashish imkoniyatini pasaytiradi. K.V.Sudakov fikricha, emotsional stress holatidagi shaxs chorasiz vaziyatda bo'lsa, bu unda kasallikning kuchayishiga olib keladi, ya'ni inson o'zini hech kimga keraksizdek his qiladi. Ayni holatdagi shaxs o'ziga doimo emotsional ko'mak topa oladigan ijtimoiy muhitda bo'lsa emotsional stressning kasallikni keltiruvchi ta'siri kamayadi[3].

Quyidagi stressorlar emotsional stressni keltiruvchi omillar hisoblanadi:

Falokat– tabiat injiqliklari, yer qimirlashi, suv toshqini, qor ko'chkisi, urush, turli halokatlar va boshqalar.

Har kungi muammolar – bu kundalik faoliyatda odamlarning arziyas sabablar tufayli bir-biri bilan o'zaro tushunmovchiliklari, amaldagi qonun va meyorlarni buzish oqibatida bo'ladigan hurmatsiz munosabatlari tufayli paydo bo'ladi. Munozara yoki ko'ngilsiz voqea sodir bo'lganda inson kuchli hayajonga beriladi, o'z hissiyatini jilovlay olmaydi.

G.Selye[2] stressorlarni ko'rinishi va davomiyligiga qarab tasniflagan:

Qisqa vaqt ta'sir etuvchi stressorlar

- omadsizliklar bilan bog'liq;
- og'ir yuk, tez harakat;
- qo'rquv, tasodifiy holatlar.

Uzoq vaqt ta'sir etuvchi stressorlar

- nizolar;
- qo'rqinchli vaziyatlar;
- ayriliq;
- uzoq faollikdan charchash.

S.A.Razumov stressorlarni to'rt guruhga ajratgan:

1. Aktiv faoliyat stressorlari– ekstremal (nizoli vaziyatlar, kosmik parvoz va boshq.), ish faoliyati (mas'uliyatdan qochish, vaqtning kamligi), shaxslararo motivatsiyalar (bellashuvlar, tortishuvlar).

2. Baholash stressorlari– kelajak, hozirgi va o'tgan faoliyatni baholash, oldindagi faoliyatdan xavfsirash, o'tgan qiyinchiliklarni eslash

3. Faoliyatning nomuvofiqligi stressorlari– ajralish stressorlari (oiladagi nizolar, ishdagi kamchiliklar), kundalik muloqot yoki faoliyatni chegaralovchi kasallik, fiziologik nuqsonlar.

4. Jismoniy va tabiiy stressorlar– muskul nagruzkalari, jarohatlar, qorong'ulik, qattiq ovoz, balandlik, issiqlik, zilzila va boshqalar.

Stress holatining quyidagi belgilar ajratiladi:

1. Stressning somatik belgilari: yurak urishi; siqilish, ko'krak og'rishi; ovqat hazm qilishdagi qiyinchilik; nafas olish qiyinchiligi; ko'p terlash, asosan, bo'yin, quloq orqa chekkasi, kuraklar orasi (sog'lom odamda jismoniy mashg'ulotlarsiz), uzoq vaqt davom etadigan oshqozon va ichaklarning to'liqsimon kerilish yoki siqilish harakatlari, qayt qilishga ehtiyoj paydo bo'lishi; qaltirash, titrash; teridagi allergiya; hushidan ketish; gripp, eski kasallikning qaytishi; ich qotish, diurez, tez semirish yoki ozish, tez shamollash va boshqalar hisoblanadi.

2. Stressning emotsional belgilari: kayfiyat o'zgarishi, xavotirlanish (tez-tez), tez jahl chiqishi, emotsional zo'riqish, entuziazm yo'qolishi, loqaydlik, emotsional asabiylashish, o'zini yordamsiz his qilish, o'ziga ishonch yo'qolishi, o'zini past baholash, diqqat pasayishi, o'zini boshqa joyda, o'tmishda tasavvur qilish.

3. Stressning xulq-atvor belgilari: muskul qisilishi oqibatida harakatlar koordinatsiyasi pasayishi, qo'l harakati tana harakati bilan noadekvat holatga kelishi, zo'r berish kuchayishi, yomon ishlash, chekish (tez-tez), alkogolga berilish, dorilarga bog'lanib qolish, ovqat ko'p yeyish yoki ishtahasizlik, uyqu muammolari, vaqtni yaxshi rejalashtira olmaslik, muomaladagi o'zgarishlar, munosabatdan qochish, ishlarni orqaga surish, o'ziga e'tibor bermaslik.

4. Stressning kognitiv belgilari: diqqat konsentratsiyasi kamayishi, diqqat tez buzilishi, xotiraning pasayishi, javob qaytarish reaksiyasining nazoratsizligi, xatolar ko'payishi, rejalashtirish qobiliyatining pasayishi.

Xulosa. Xullas, rahbar-xodimlarda paydo bo'ladigan stress holatini keltirib chiqaruvchi omillar ichki va tashqi voqealar ta'sirida ro'y berishi ilmiy tadqiqotlarda o'z isbotini topgan. Kutilmagan vaziyatlar inson hayoti uchun o'ta muhim ahamiyatga ega hisoblanib, bunday vaziyatlar rahbarlarda ro'y beradigan stress holatining manbasi turli stressorlar ekanligini ko'rishimiz mumkin. Tirik organizmning xar biri tashqi va ichki ta'sirlarga javob qaytarish xususiyatiga ega. Inson faoliyatida ma'lum qo'zg'atuvchilarga qarshi kurashadi va kelib chiqish sabablarini izlab topadi. Shunday ekan, stresslarni oldining olish rahbar faoliyatining samarali kechishiga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Бодров В.А. Система психорегуляции стрессоустойчивость человека-оператора. / Бодров В.А., Обознов А.А. // Психол.журн. 2000.- Т. 21. - № 4. – С. 32-44.
2. Селье Г. Стресс без дистрессап. –М.: Прогресс. 1999. -134с.
3. Судаков К.В. Системные механизмы эмоционального стресса // Механизмы развития стресса. –Кишинев.: 1997. -С.52-79.
4. Варданян Б.Х. Механизмы регуляции эмоциональной устойчивости //Категории, принципы и методы психологии. Психические процессы. – М. Дело, 2011. –194 с.
5. Мерлин В.С. Лекция по психологии мотивов человека. -М.: 1991.-63с

Шарафутдинова Хадичахон Гулямутдиновна,
Термиз давлат университети доценти, психология фанлари номзоди

ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ДЕСТРУКЦИЯСИ ВА "КОГНИТИВ ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТ ТЕРАПИЯСИ" УСУЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада оилавий муносабатлар деструкциясида когнитив психотерапияни қўллаш масаласи кўриб чиқилган ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган оилавий муносабатлар деструкциясини фаол бартараф этишига, психологик машқлантириш, эмоционал, мотивацион, когнитив, хулқ-атвордаги деструктивликни конструктивга ўзгартиришга хизмат қилишга қаратилган "Когнитив оилавий муносабат терапияси" усули, унинг бошқа когнитив психотерапия усулларидан фарқи ва имкониятлари баён этилган. Оилавий муносабатлар деструкциясига олиб келадиган вазиятлар таҳлил этилиб, агар инсон ўзини яхши англаган, ҳиссий-эмоционал ҳолатини назорат қила оладиган, мақсадларини тўғри қўйган ва унга етишиш учун астойдил ҳаракатда бўлса, унда ҳеч қачон салбий психологик ҳолат юзага келмаслиги ҳақидаги фикрлари ёритилган.

Калит сўзлар: оилавий муносабат, деструкция, модел, когнитив, когнитив терапия, тушуниш, англаш, ишонч.

ДЕСТРУКЦИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ И МЕТОД «КОГНИТИВНАЯ ТЕРАПИЯ СЕМЕЙНЫХ ОТНОШЕНИЙ»

Аннотация. В данной статье рассматривается вопрос использования когнитивной психотерапии при разрушении семейных отношений, а разработанный автором метод «Когнитивной терапии семейных отношений» направлен на активное устранение разрушения семейных отношений, психологическую подготовку, эмоциональную, мотивационную, когнитивную, и поведенческую деструктивность к конструктивным изменениям, описаны отличия и возможности от других методов когнитивной психотерапии. Анализируются ситуации, приводящие к разрушению семейных отношений, и если человек хорошо осознаёт себя, умеет контролировать своё эмоциональное состояние, правильно ставит цели и усердно работает над их достижением, то он никогда не испытает негативного психологического состояния.

Ключевые слова: семейные отношения, деструкция, модель, когнитивная, когнитивная терапия, понимание, осознание, доверие.

DESTRUCTION OF FAMILY RELATIONSHIPS AND THE METHOD OF "COGNITIVE THERAPY OF FAMILY RELATIONSHIPS"

Abstract. This article discusses the use of cognitive psychotherapy in the destruction of family relationships, and the method of "Cognitive Therapy of Family Relationships" developed by the author is aimed at actively eliminating the destruction of family relationships, psychological preparation, emotional, motivational, cognitive, and behavioral destructiveness for constructive changes, describes the differences and opportunities from other methods of cognitive psychotherapy. Situations that lead to the destruction of family relationships are analyzed, and if a person is well aware of himself, knows how to control his emotional state, sets goals correctly and works hard to achieve them, then he will never experience a negative psychological state.

Keywords: family relationships, destruction, model, cognitive, cognitive therapy, understanding, awareness, trust.

Кириш. Когнитив психотерапия асосчиси Аарон Т. Бек самарали мулоқот орқали бахтсиз жуфтликлар ўртасидаги реал ҳаётдаги суҳбатларни таҳлил қилиб, никоҳдаги энг кенг тарқалган - негатив фикрлашнинг кучи, умидсизлик, қатъий талаблар қўйиш, умидсизлик, тушунмовчилик улар ўртасида кучли муҳаббат бўлсада, оилавий муносабатларни бузиб юборишини таъкидлайди ва фақатгина улар ўртасидаги мулоқотнинг тўғри ва самарали бўлишиги никоҳ алоқаларини тиклаши ва мустақамлаши мумкинлигини кўрсатиб берди [1; стр. 464].

Когнитив психотерапия психотерапия замонавий когнитив-хулқ-атвор йўналишларидан бири бўлиб, у шахс хатти-ҳаракатлари даражасидаги ўзгаришлар билан ўз-ўзини тадқиқ қилиш ва ўз-ўзини

когнитив тузилишидаги ўзгаришларни кучайтириш учун қисқа муддатли, симптомларга йўналтирилган стратегик моделдир. Ҳозирги вақтда кўплаб мутахассислар когнитив хулқ-атвор психотерапиясини энг илмий психотерапиянинг асосланган, самарадорлиги ва технологик жиҳатдан тасдиқланган тасдиқловчи энг кўп тадқиқотларга эга йўналиши деб ҳисобланади ва юқори ўрин бўлмаса ҳам, етакчи ўринни эгаллайди.

Когнитив-хулқ-атвор ёндашуви тарафдорлари инсон ўз хатти-ҳаракатини содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги ғоялари асосида куради деб тахмин қилишади ва инсоннинг ўзини, одамларни ва ҳаётни қандай кўриши унинг фикрлаш тарзига, тафаккури эса инсонни қандай фикрлашга ўргатилганига боғлиқ бўлади деб ҳисоблайдилар. Бунинг мазмуни эса бирор киши салбий, деструктив ёки ҳатто нотўғри фикрлашдан фойдаланганда, у нотўғри ёки самарасиз ғояларга эга бўлади ва нотўғри ёки самарасиз хатти-ҳаракатлар қилади, натижада эса турли муаммолар пайдо бўлади деган хулосани беради. Когнитив-хулқ-атвор йўналишида одам даволанмайди, балки яхшироқ фикрлашни ўргатилади, бу эса кишини ўзини яхшироқ ҳис қилиш ва яхшироқ ҳаёт кечириш имконини беради. Демак, когнитив психотерапия усулларида фойдаланиб, деструктив муносабатли оила аъзолари билан машғулотлар олиб борилиши, уларнинг оилавий вазиятларини тўғри таҳлил қилиши, турли экстремал вазиятларга нисбатан ҳар бир оила аъзосининг адекват муносабатини шаклланишига хизмат қилади.

Инсон ёшлигиданоқ турли ҳиссий кечинмаларни бошдан кечирилади, ёш ўсиши билан турли муаммолар, ташвишлар, ғам-андухлар билан ўзи хохламаган тарзда тўкнаш келади. Ҳаёт давомида бошдан кечириладиган ҳилма хил ҳиссиётлар турли вазиятларда муаммоларга муносабатимизнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Жумладан, кутилаётган вазиятларга нисбатан юзага келадиган салбий ҳиссиётлар: кўркув, ваҳима, ҳавотирланиш кишининг ҳаётий муносабати сифатида онгида, тасаввур ва тафаккурида, вазиятни идрок қилишида қатъий ўринни эгаллаб олиб, кўпинча унинг бутун ҳаракатларини бошқариши мумкин. Буларнинг барчаси кундалик турмушда учраб турадиган одатдаги нохуш, кутилмаган стрессли вазиятлар билан боғлиқ ҳолда юзага келади.

Шахснинг ҳиссий кечинмалари, ҳавотирланиш ҳисси ва унинг инсон руҳияти ва саломатлигига салбий таъсири, ҳавотирланишни когнитив бошқариш билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ қилиш бўйича психолог олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Жумладан, хорижий психологлардан Роберт Сольсо, Аэрон Бек, Алберт Эллис, Э.Луфбор – Роудж, Грэй, Боулби, З.Фрейд, Э.Франус кабилар когнитив психотерапияни қўллашнинг мазмуни ва аҳамиятини кўрсатиб берганлар. [2; с.46].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар. Когнитив психотерапияда когнитив хатоларни автоматик фикрлар билан боғлаб, ҳодисаларни идрок қилиш ва уни талқин этишдаги стереотипик бузилишлар сифатида таҳлил қилинади.

1-жадвал.


Когнитив хатолар ва автоматик фикрлар асосидаги стереотипик бузилишлар тавсифи

1	“Максимализм”	нарсалар, одамлар ва ҳаракатларни икки қутбда баҳолаш, “яхши” ўз ҳолича ҳамда “ёмон” муроса қилиш керак кабиларга йўл кўйиш
2	“Хаёлий”	ҳаддан ташқари умумлаштириш, етарли асосларсиз хулоса чиқариш
3	“Ҳожеалаштириш”	бошқа вариантларни ҳисобга олмаган ҳолда келажакни энг ёмон оқибатда башорат қилиш
4	“Адолатли”	қатъий талаб ва стандартларга таяниш, ундан ташқарига чиқишни хато сифатида қабул қилиш
5	“Ёрлиқлаш”	ўзи ва бошқаларни дастлаб глобал хусусиятлар билан кўрсатиш
6	“Башорат”	бошқа одамлар қандай фикрда эканлигини билишга ишонч
7	“Филтрлаш”	танлаб идрок қилиш ва фақат ҳозирги нуқтаи назарни тасдиқлайдиган нарсага эътибор бериш

Когнитив психотерапияда юқоридаги каби когнитив хатолар туфайли келиб чиқадиган эмоционал, когнитив ҳамда хулқ-атвор бузилишларини коррекциялаш асосий вазифа ҳисобланади. Бизнинг тадқиқот ишимизда оилавий муносабатлардаги бузилишларни коррекциялашда когнитив психотерапия элементларини қўллаш назарда тутилган. Бизнинг назаримизда оилавий муносабатлар деструкциясига шахснинг эмоционал, когнитив ва хулқ-атворидаги салбий хусусиятлар сабаб бўлади. Бундай салбий хусусиятлар эса ўз ўзидан келиб чиқмайди, балки унинг ички ва ташқи кўзғовчилари мавжуд бўлади. Улар эса айнан когнитив хатоларни юзага келтиради.

Когнитив психотерапияда юқоридаги каби когнитив хатолар туфайли келиб чиқадиган эмоционал, когнитив ҳамда хулқ-атвор бузилишларини коррекциялаш асосий вазифа ҳисобланади.

Бизнинг тадқиқот ишимизда оилавий муносабатлардаги бузилишларни коррекциялашда когнитив психотерапия элементларини қўллаш назарда тутилган. Бизнинг назаримизда оилавий муносабатлар деструкциясига шахснинг эмоционал, когнитив ва хулқ-атворидаги салбий хусусиятлар сабаб бўлади. Бундай салбий хусусиятлар эса ўз ўзидан келиб чиқмайди, балки унинг ички ва ташқи кўзгочилари мавжуд бўлади. Улар эса айнан когнитив хатоларни юзага келтиради.



1-расм. “Оилавий муносабатлар деструкциясини бартараф этишнинг когнитив терапия модели”

Тадқиқотимизда когнитив психотерапиянинг ижобий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, оилавий муносабатлар деструкциясини бартараф этишнинг когнитив моделини ҳам яратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, “Оилавий муносабатлар деструкциясини бартараф этишнинг когнитив терапия модели” ни ишлаб чиқдик.

Биринчидан, деструктив шахс реакцияларини фаоллаштирувчи ҳодиса нафақат ташқаридаги нарса ёки вазиятлар, балки ўзининг ички реакциялари ҳам бўлиши мумкин ва шахснинг воқеликка қандай муносабатда бўлиши унинг навбатдаги реакциялари учун стимулга айланиши мумкин. Яъни кишининг ҳис-туйғулари, фикрлари когнитив жараёнлар асосида филтрланган фаоллаштирувчилар бўлиши ҳам жанжалдан кейин тинчлана олмаслиги, бошига қандай фикр ва ғоялар келиши натижасида ҳам унинг ташвишланиши давом этишини кузатиш мумкин.

Иккинчидан, деструктив шахснинг турли вазиятларда идрок ва жавоб танлашни филтрлайдиган когнитив жараёнлар бир қанча даражаларга бўлинади ва шу туфайли когнитив психотерапиянинг турли соҳалари турли даражалар билан ишлашга қаратилган. Жумладан, шахсдаги автоматик фикрлар ва чуқур эътиқодлар билан бир қаторда, оралик эътиқодлар, когнитив схемалар, мета-когнитив ва когнитив бузилишлар бўлиши мумкин.

Учинчидан, деструктив шахснинг воқеа ва ҳодисага муносабати эмоциялар, хулқ-атвор, ҳис-туйғулар, физиологик реакциялар ва фикрлар таъсирига ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Албатта, когнитив терапия катта ва ўзига хос йўналишларга эга бўлган соҳа ҳисобланади ва у терапия бугунги кунда алоҳида истикболли соҳа сифатида ривожлиш йўлидан бормоқда. Бугунги кунда когнитив психотерапияда турли когнитив жараёнлар билан ишлайдиган кўплаб йўналишлар мавжудлиги буни исботлайди.

Когнитив психотерапиянинг замонавий йўналишлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

1 Когнитив хулқ-атвор терапияси - Когнитив терапия десенсибилизация усулларини, таъсир қилиш ва малака оширишни қўшиш билан шаклланган.

2 Рационал-эмотив-хулқ-атвор терапияси когнитив бихевиорал терапия (КБТ) билан бир хил, аммо Алберт Эллиснинг асарларига асосланган.

3 Схематик терапия - бу Гештальт ва транзакцион таҳлил усулларини ўз ичига олган КБТнинг ривожланган кўриниши. Дисфункционал белгиларни диагностика қилиш ва тузатишга урғу беради, уларни адаптив хусусиятлар билан алмаштиради.

4 Эҳтиёткорликка асосланган когнитив терапия - асосий эътибор фикрларни қийинлаштиришга эмас, балки медитация усуллари орқали уларнинг ҳис-туйғулари ва хатти-ҳаракатларига таъсирини камайтиришга қаратилган.

5 Мета-когнитив терапия - фикрлар мазмунига эмас, балки фикрлаш жараёнига ва ички ҳиссиётларга нисбатан реакцияни камайтиришга қаратилган.

6. Реаллик терапияси - масъулиятни ривожлантириш, ижтимоий мослашиш ва узоқ муддатли мақсадларни амалга оширишга қаратилган.

7. Когнитив тарафқашликни ўзгартириш терапияси - фикрлашда нотўғри ва селективликни тузатишга ёрдам берадиган дастурий таъминотдан фойдаланишга қаратилган.

8. Когнитив ушлаб туриш терапияси (когнитив ушлаш терапияси) - когнитив тренинглари орқали хотира, тафаккур қобилиятини яхшилаш, жумладан, барча руҳий хусусиятларни ўз ичига олган машқлар тизимидан фойдаланиш.

Мазкур саккизта когнитив психотерапиянинг замонавий йўналишларига биз томонимиздан алоҳида оилавий муносабатлар деструкциясини бартараф этишда қўлланишга мўлжалланган "Когнитив оилавий муносабат терапияси" ни киритишни жоиз деб топдик. "Когнитив оилавий муносабат терапияси" - шахсни оилавий ўзини анлашга йўналтириш, оилани қадрият деб билишга асосланади.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. "Когнитив оилавий муносабат терапияси" йўналишини киритишга асос сифатида инсоннинг барча ҳаётини жараёнларини ва унинг юксалишини оиладан ташқарида тасаввур қилиб бўлмаслиги, оилавий муносабатларнинг шахс руҳий мувозанатини белгилаши, (кўчада, ишхонада ёки бошқа жойдаги муносабатлардан киши кучли руҳий таъсирланмаслиги мумкин аммо, оиладаги элементар салбий ҳолат ҳам уни ташвишга солади) инсон ўзининг бахтини кўпроқ оила бахти билан боғлаши қабиларни кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, "Когнитив оилавий муносабат терапияси" йўналишини киритишдан кўзланган асосий мақсадимиз шундан иборатки, биринчидан у асосан оилавий муносабатлар деструкциясини фаол бартараф этишга қаратилади, иккинчидан, ушбу йўналишдаги олиб бориладиган ишлар соф психокоррекцион тадбирлар, психологик машқлантириш, эмоционал, мотивацион, когнитив, хулқ-атвордаги деструктивликни конструктивга ўзгартиришга хизмат қилишидан иборат.

Когнитив психологияда дисфункционал эътиқодларни рад этиш ва янада аниқроқ адаптив фикрлашни тарғиб қилиш учун ҳам когнитив, ҳам баъзи хулқ-атвор усуллари қўлланилади. Когнитив психологияда шахснинг муаммолари, деструктив хулқи асосан, нотўғри тахминлар, ноадекват установкалар ва қарашларга асосланган ҳақиқатнинг муайян бузилишларидан келиб чиқади деб тахмин қилади. Ушбу нотўғри тушунчалар шахснинг когнитив ривожланиши жараёнини нотўғри ўрганиш ва талқин қилиш натижасида пайдо бўлади. Когнитив психотерапияда психолог мижозга фикрлашдаги бузилишларни топишга ва ўз тажрибасини шакллантиришнинг муқобил, янада аниқроқ усуллари ўрганишга ёрдам беради.

Когнитив психологик тузатиш дастлаб симптомларни, шу жумладан муаммоли хулқ-атворни ва мантиқий бузилишларни бартараф этишга қаратилган, аммо унинг пировард мақсади мижознинг фикрлашдаги тизимли ёпишқоқликларни йўқ қилишдир. Хулқ-атвор тажрибаси - бузилган эътиқод ёки қўрқувни ҳақиқий ҳаётини вазиятда синаб кўриш бўлиб, когнитив психолог мижозга унинг эътиқоди мантиқсиз ёки нотўғри эканлигини ёки психологнинг эътиқодини қабул қилиши кераклигини айтмайди. Бунинг ўрнига психолог функцияларнинг маъноси ва мижоз эътиқодининг оқибатлари тўғрисида маълумот олиш учун саволлар беради. Охир оқибат, мижоз ўзларининг эътиқодларини рад этиш, ўзгартириш ёки сақлаб қолиш тўғрисида қарор қабул қилади, уларнинг ҳиссий ёки хулқ-атворли оқибатларини олдиндан англаб етадиган бўлади. [4; с.45-46].

Когнитив психология намоёнларидан Д.Келли ўзининг шахсий конструкциялар назариясининг марказида асосий нарса келажакдаги воқеаларни башорат қилиш учун инсон дунёни тасвирлаши керак деган фикрни қўйди. Д.Келлининг фикрича, инсон воқеа-ҳодисалар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқларни ўрнатишга имкон берадиган махсус индивидуал концептуал ғоялар асосида воқелик образини яратади. Бундай ғояларнинг энг оддий мисоллари: яхшилик - ёмонлик; кучли - кучсиз; ақлли - аҳмоқ. Мураккаб ўзаро муносабатларга киритилган ушбу ғоялар, дунё ҳақида фаразларни илгари суришга имкон берадиган тизимларни шакллантиради. Гипотезаларни тасдиқлаш конструкцияни рад этишга ёки конструкциялар ўртасидаги муносабатларни қайта қуришга олиб келади. Шахсий қийинчиликлар, Келлининг сўзларига кўра, конструкцияларнинг етарли эмаслиги, уларни қайта қуришдаги қийинчиликлар билан боғлиқ. Ва шунга кўра, бунга тузатиш ҳаракатларини йўналтириш керак.

Агар инсон ўзини яхши англаган, ҳиссий-эмоционал ҳолатини назорат қила оладиган, мақсадларини тўғри қўйган ва унга етишиш учун астойдил ҳаракатда бўлса, унда ҳеч қачон салбий психологик ҳолат юзага келмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам иродали, шижоатли кишилар олдинга қараб интилади. Салбий кайфиятидаги кишиларни кузатсак, улар ҳар қандай кичик муаммони ҳам катталаштириб юборишади, беҳудага асабийлашишади. Чунки, бу тоифадаги шахслар ўзига берилган ҳаёт имкониятидан тўғри фойдалана олмайдилар.

Психологларнинг эътироф этишларича, инсон ўзини янгитдан шакллантириш тўғрисида рам бош қотириши керак. Психологлар мижоз билан ишлаётганда уларга «Ўзингизга савол беринг. Мен кимман? Нима учун яшайман? Қандай кучли томонларим бор? Нима қилсам ҳаётим яхшиланади? Атрофимдаги инсонлар учун қандай ёрдам бера олишим мумкин? Ўзимдаги қайси нуқсонларни ўзгартиришим керак? Ўзимдан нима истаяпман?» каби саволлар билан мурожаат қилиб, шахсни ўзини англашга йўналтирадилар. Инсон ана шу каби саволларни ўзига бериши билан ҳаётга шунчаки келмаганини, олдида улкан вазифалар турганини англайди. Мана шу англаш уни фикрлашга ундайди, фикрлаш эса олдида турган вазифаларнинг ечимига олиб боради.

Шунингдек, психологлар инсон руҳиятини соғломлаштириш учун "Миннатдорчилик", "Шукроналик"ни машқ қилишга ўргатадилар. Доимий тушуниш ва миннатдорчилик билдириш ҳар кимга ёқади, кайфиятни кўтариб, фаровонлигини яхшилайди.

Хулоса. Психолог шахсни ҳақиқийликдан ажратмаслигига ҳаракат қилади. Руҳий саломатлик учун ўтган кунлар тўғрисида ўйламасдан бугунги кун билан яшаш жуда муҳим. Ҳозирги замон билан яшаш, ўзини ва ўз танасини ҳис қилиш орқали англаш ёки тушуниш рўй беради. Англаш туфайли биз тўғри қарорлар қабул қиламиз, чунки бутун вазиятни тушунамиз ва нима хоҳлаётганимизни биламиз. Англаш нафақат чиройли сўз, балки ҳаётни қабул қилиш усули ҳамдир.

Бу каби хусусиятлар ҳар бир шахсда қутилганидек намоён бўлмаслиги мумкин. Бунинг сабаби шахснинг психологик етуқлиги масаласига бориб тақалади. шахснинг психологик етуқлиги ҳақида гапирсак, даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу ҳушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш, шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича объектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак.

Ҳар қандай жамиятда психологик етук шахс ўз олдида эришиши муқаррар ҳамда имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўли, унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Психологик етук шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини етарлича яхши назорат қила билиши - ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланади ва бошқаларнинг айниқса, яқин инсонларининг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ бўлади.[3; Б.25-27].

Психологик етуклик шахснинг бошқаларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам қилар тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради ва оилада юз берадиган деструктив муносабатларнинг авж олишини олдини олишга хизмат қилади. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қараш, позициясининг бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари ва жамият олдида ҳимоя қила олишидир.

Адабиётлар:

1. Бек А.Т. Одной любви недостаточно: как пары могут преодолеть недопонимание, урегулировать конфликты и решать проблемы во взаимоотношениях с помощью когнитивной терапии. Диалектика. 2022. Стр.464.
2. Психология семейных отношений с основами семейного консультирования. /Под редакцией Силяевой Е.Г. М., 2004. с. 46
3. Шарафутдинова Х.Г. Никоҳ олди омиллари ва уларнинг оила мустаҳкамлигига таъсири. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. Термиз. 2019. Б.25-27.
4. Шапиров А.З. Психолого-гуманистические проблемы позитивности-негативности внутрисемейных отношений. // Вопросы психологии. 1994. №4. с. 45-46

Cho'ponova Quvonch Otanazarovna,

Urganch davlat universiteti

Boshlang'ich ta'lim va metodikasi kafedrasida mustaqil tadqiqotchisi

OILAGA NISBATAN O'QUVCHILAR IJTIMOYILASHUVINING AYRIM IJTIMOYI-DEMOGRAFIK OMILLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada o'quvchi yoshlarda oila va oilaviy madaniyat tushunchalarining mustahkamlanishi haqidagi ijtimoiy-demografik fikr-mulohazalar, ota-onalar ta'lim va tarbiya ko'zgusi sifatida qaralishi, oila va uning farzand tarbiyasidagi ahamiyati, kelajak oilalalarining yanada mustahkam poydevorga egalik xususiyatini oshirish, ma'nan yetuk bo'lgan mustahkam oilalarni shakllantirishga bo'lgan munosabatlar masalasi bir qancha tavsiyalarda tadqiq qilingan.

Kalit so'zlar: oila va oila madaniyati, globallashuv jarayoni, ommaviy madaniyat, oila mustahkamligi, farzand tarbiyasi, milliy tarbiya, ta'lim imkoniyatlari, oilalarning tipik ko'rinishlari.

НЕКОТОРЫЕ СОЦИАЛЬНО-ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ СОЦИАЛИЗАЦИИ УЧАЩИХСЯ ПО ОТНОШЕНИЮ К СЕМЬЕ

Аннотация. В данной статье представлены социально-демографические суждения об усилении представлений о семье и семейной культуре у учащейся молодежи, родителях как зеркале образования и воспитания, о значении семьи в воспитании детей, повышении чувства нахождения будущих семей на более прочном фундаменте, даны ряд рекомендаций по вопросам формирования крепкой, духовно зрелой семьи.

Ключевые слова: семья и семейная культура, процесс глобализации, массовая культура, прочность семьи, воспитание детей, национальное воспитание, образовательные возможности, типичные виды семьи.

SOME SOCIO-DEMOGRAPHIC FACTORS OF STUDENTS' SOCIALIZATION IN RELATION TO THE FAMILY

Abstract. In this article, socio-demographic opinions about the strengthening of the concepts of family and family culture in young students, parents as a mirror of education and upbringing, the importance of the family in raising children, increasing the characteristics of future families with a more solid foundation, the issue of relations to the formation of strong mature families have been studied in several recommendations.

Keywords: family and family culture, globalization process, mass culture, family stability, child upbringing, national education, educational opportunities, typical views of families.

Kirish. Jahon hamjamiyati va davlat muassasalari oldiga jamiyatning bir bo'lagi bo'lmish oilaning mustahkamligini maksimal darajada saqlab qolishdek ulkan vazifa qo'yilgan. Shu bilan birga, oila normal ma'naviy, aqliy, jismoniy barkamol farzandlar tarbiyasi haqidagi zamonaviy qarashlarga ham ega bo'lishi lozimligi nihoyatda dolzarb va o'z ahamiyatini yo'qotmagan muammolardan bo'lib qolaveradi.

Ta'lim va tarbiyani bir-biridan alohida ajratib bo'lmaydi, bu ikki jarayon o'zaro uyg'un. Va oilada shu jarayon uzluksiz asosda, to'g'ri tashkil etilgandagina u odobli, axloqiy fazilatlariga ega, yuksak ma'naviyatli, shu bilan birga, bilimdon va zukko, ruhan va jismonan sog'lom, keng dunyoqarash va tafakkurga ega, zamonaviy kasb hunar egasi bo'lgan vatanparvar yoshlarni yetishtirib beradi [1.5].

Hozirgi tahlikali davrda ommaviy madaniyat, globollashuv jarayoni milliy tarbiya asoslariga jiddiy putur yetkazayotgan davrda oilalarda uzluksiz ma'naviy tarbiyani yaxshilash, farzand tarbiyasiga mas'uliyat hissini kuchaytirish masalasi mamlakatimizda eng dolzarb muammo sifatida qaralmoqda.

Mavzuning maqsadi: o'quvchi yoshlar ongida oila madaniyati va ma'naviy muhit tushunchalarini yaxshilash va uni amalga oshirish uchun kelajak oilalarni ma'naviy ozuqa va ma'nan mustahkam shart-sharoitlarni yaratishning ijtimoiy-psixologik jihatlarini tadqiq qilish va nazariy asoslarini yaratish hisoblanadi.

Tadqiqotning dolzarbligi shundaki, ta'lim va tarbiya jarayonidan unumli foydalangan holda oila atalmish jamiyatning birlamchi bo'g'inini mustahkamlash va kelajak yosh avlodda masuliyatlilik, javobgarlik tuyg'ularini shakllantiruvchi kuchni yanada rivojlantirish va, albatta, shu bilan birga, oilalar mustahkamligiga, farzand tarbiyasining o'zaro ishonch, suyanch tuyg'ulariga asoslangan holda olib borilishi

va barkamol avlod tarbiyasida muhim ahamiyatga egadir. Oila va oila tarbiyasi muammolari har doim olimlar – turli fan vakillarining diqqat markazida bo‘lgan.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Oila va insonlararo munosabatlar azal-azaldan o‘rganilib kelinayotgan masalalardan sanaladi. Bu borada oilaning etnik xususiyatlari, oila va shaxslararo munosabatlar psixologiyasi, shaxs ulg‘ayishidagi ijtimoiy va nasliy omillar borasida respublikamizda salmoqli tadqiqotlar olib borgan G‘.B. Shoumarov, U.D. Qodirov, N.A. Sog‘inov, V.M. Karimova, F.A. Akramova, A.B. Shamsiyev, A.D. Kurbanova, R.S. Samarov, G.S. Yunusova, N. Salayeva, G. Niyozmetova, R.S. Razakovalarning ishlarini ko‘rsatishimiz mumkin.

Darhaqiqat, oilani asrab avaylash va mustahkam qo‘rg‘on sifatida tasavvur qilish uchun oxirgi imkonimiz, oilaga bo‘lgan munosabatimizni madaniyat va ma‘naviyat tuyg‘ulari bilan boyitib borish yo‘llari va bu boradagi qarashlarimizning shaxsiy xususiyatlari, shaxsning oilaga bo‘lgan qadriyat yo‘nalishlari va boshqa qadriyat yo‘nalishlari o‘rtasida yuzaga keladigan munosabatlarning tabiatini atroflicha o‘rganishdir.

Oiladagi ma‘naviy muhitni yaxshilash, ularning mustahkamligini ta‘minlash bugungi tayanch va suyanchimiz bo‘lgan kelajak avlodning nechog‘lik tarbiya qilinganligi, mas‘uliyat hissining mavjudligi g‘oyat katta ahamiyatga ega.

Har qanday jamiyatda turli xarakterdagi yoshlar mavjud. Shu bilan birga, ular tarbiyalanayotgan muhit xarakteristikasida ayni shu tarbiya va ma‘naviy dunyoqarashning yaqqol namoyishini ko‘rishimiz mumkin. Yoshlar bilan ishlashning birinchi sharti ma‘nan yetuklikka chorchash va mas‘uliyatlilik hissini uyg‘ota olish va bu boradagi imkoniyatlarining o‘ziga xos xususiyatlarini o‘rganish, maksimal darajada hisobga olishdir. Ota-onalar bolalar uchun ko‘zgu vazifasini o‘tasa ularning hayotga bo‘lgan munosabatlarini, dunyoqarashini yanada rivojlantirish, o‘ziga bo‘lgan mas‘uliyatlilik hislarini mustahkamlash va bu ko‘zguning ezgu imkoniyatlaridan foydalanish zarur chunki o‘sib kelayotgan yosh avlod moslashuvchan, o‘z ustida ishlash va atrof-muhitning chiroyli yoki aksi ta‘siriga ham beriluvchan imkoniga ega. Shundan kelib chiqadiki, o‘quvchi yoshlarda oila madaniyatini shakillantirishning ijtimoiy pedagogik tatbiqi nafaqat uning subyektlariga, balki umuman jamiyatga ham foydali bo‘ladi. Bu o‘quvchi yoshlarda oilaga nisbatan ishonch, hurmat, o‘zaro suyanch tuyg‘ularini yaxshilashga, oilaning psixologik iqlimiga ijobiy ta‘sir ko‘rsatadi, bu esa o‘z navbatida oilalarning mustahkamligiga, ma‘nan yetukligiga yordam beradi.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Tadqiqotimiz natijasida oilaning tarbiyaviy salohiyatini yanada oshirishdan ko‘zlangan maqsad jamiyatimiz ehtiyojlaridan kelib chiqqan holda mavjud muammolarning yechimini topishdir.

Bu borada o‘quvchi yoshlardan oila va oila madaniyati tushunchalarini anglash jarayonlarini o‘rganish maqsadida ijtimoiy so‘rovnoma o‘tkazildi. So‘rovnomada jami 65 nafar o‘quvchi yoshlar qatnashdi. So‘rovnomaning o‘tkazishidan maqsad o‘quvchi yoshlarda oila va oila madaniyati, ma‘naviyati tushunchalarini tahlil qilish va yanada rivojlantirish bo‘yicha ilmiy-amaliy tavsiyalarni ishlab chiqishdan iborat bo‘ldi. Respondentlarga quyidagi savollar bilan murojaat qilindi:

Topshirilgan ishni oxirigacha bajarish — bu men uchun burchdir. Savoliga 21,2% o‘quvchilar “a’lo”, 70% — “yaxshi”, 17,8% “men uchun bu muhim emas” deb javob berganlar. 2. Ota-onalar va ularning voyaga yetgan farzandlari bilan bo‘ladigan nizolar bartaraf qilinib bo‘linmaydigan muqarrar nizolardir. Savoliga 24,5% o‘quvchi “bu to‘g‘ri”, 65,8% — “bo‘lishi mumkin”, 9,7% — “qo‘shilmayman” deya javob berganlar. Yana “Kishining ayrim beparvoligi va yengiltakligi, hatto oilaviy hayotni mustahkamlaydi ham.?” degan savolga o‘quvchilarning 80%dan oshiqrog‘i “mutlaqo qo‘shilaman” degan javobni keltirganlar. So‘rovnoma tahlilidan o‘quvchilarning ko‘pchiligi o‘zining oila va oilaviy muhit bilan bog‘liqlik jihatarini o‘rtachadan past darajada baholayotganliklarini ko‘rishimiz mumkin.


Bu ko‘rsatkichni tahlil qilar ekanmiz o‘quvchi yoshlarga oila va uning ahamiyatlari borasida birmuncha tavsiyalar bilan cheklanib qolmasdan, ular o‘rtasida ijodiy ishlar ko‘rgazmalari va tanlovlar e‘lon qilish, “Oilam fahrim”, “Mening oilam – kitobsevar”, kabi tadbirlarni o‘tkazish ularning oila borasidagi fikr va mulohazalarining yanda rivojlanishiga ta‘sir qilishi mumkin. Bu tadbir va tanlovlar jarayonida o‘quvchilar o‘zining iqtidorini namoyish qilish bilan birga tengdoshlari bilan muloqot, iqtidor, ijtimoiylashuv jarayonlarini boshdan o‘tkazadilar. 4. Men o‘z tengdoshlarim bilan bo‘ladigan nizolarni bartaraf eta olaman.? savoliga 91,4% o‘quvchi “qo‘shilaman”, 6,3% — “qo‘shilmayman”, 2,3% “bilmayman” degan javoblarni berganlar. 5. Ota-onangiz bilan munosabatda qanday muammoga duch kelyapsiz? savoliga 54,2% o‘quvchilar “ota-onam meni tushunmaydi, ularni anglash men uchun qiyin”, 21,0% — “ularning qiziqishlari muhim emas”, 16,5% — “hech qanday nizolarga duch kelmadim” degan fikrlarni bildirganlar. So‘rovnoma natijalaridan kelib chiqib, aytishimiz mumkinki, o‘quvchilarga oila va uning ahamiyati, ota-ona va ular oldidagi farzandlik burch va mas‘uliyati haqidagi masalalarda psixologik maslahatlar zarur. Bu boradagi amaliy ish jarayonlari maktab psixologi bilan hamkorlikda amalga oshiriladi. Maktab psixologida har bir

bola haqidagi ma'lumotlar banki shakllangan bo'lishi kerak. Bunda o'quvchilar bilan olib boriladigan ishlar ko'lamini quyidagicha bo'lishi mumkin: 1. O'quvchining shaxsiy-psixologik, ijtimoiy va intellektual rivojlanish xaritasi va xulosalar. 2. Maktab psixologining oila va farzand o'rtasidagi munosabatlarni o'rganish bo'yicha amaliy ish jarayonlari uchun mo'ljallangan reja. 3. O'quvchiga oila va uning ahamiyatlari haqida maslahatlar.

6. Ota-onalar tomonidan bola tarbiyasiga tanqidiy nazar bilan qarashni to'g'ri deb hisoblaysizmi? savoliga 68,5% o'quvchilar “noto'g'ri”, 10% – “to'g'ri”, 21,5% – “bilmayman”, degan fikrlarni bildirganlar. Tahlil natijalaridan ko'rinadiki, o'quvchilarning ota-onalardan kutuvlari katta. Farzand aynan omad va baxtlik darajasini ota yoki ona tomonidan rag'batlantirilishida deb biladi. O'quvchi yoshlar orasida, ayniqsa yuqori sinf o'quvchilari ta'limi va tarbiyasi borasida oilaning qo'llab-quvvatlovining ahamiyati yuqori ekanligini yaqqol ko'rishimiz mumkin. Buning uchun maktab psixologi o'quvchida oilaviy muhitning o'ziga xos vazifalari bilan birga munosabatlar yo'nalishida ota-onalarni ham birmuncha tushunib harakat qilishlari lozimligini anglashlariga yordam berishlari, oila madaniyatini rivojlantirish uchun barcha imkoniyatlaridan foydalanishi kerak. Amaliy ahamiyatli muammolarni ko'rib chiqishda oilaning tashabbuskorligiga ham tayanish talab etilishi navbatdagi so'rovnoma ko'rinadi. 7. Ota-onangiz bilan suhbatda “psixolog maslahati”, “ota-onalar uchun bolalar tarbiyasi, ular bilan murosa kelish” mavzularida suhbatlar taklif qilgan bo'larmidingiz? degan savolga 54,1% “albatta”, 45,6% “yo'q shart emas”, 20,0% “bo'lishi mumkin”, degan fikrlarni bildirdilar. 8. Ba'zan farzand sifatida nohaq ekanligingizni his qilaysizmi? degan savolga, 54,1% – “albatta”, 45,6% “yo'q”, 20% “ba'zi holatlardagina mumkin”. So'rovnoma natijalaridan kelib chiqqan holda, o'quvchilarda oila va oila madaniyati mas'uliyatlik darajasini oshirish borasida quyidagi tavsiyalarni keltirishimiz mumkin:

1-jadval.

Mezonlar	Ha qo'shilaman, bu to'g'ri.	Yo'q qo'shilmayman, bu noto'g'ri.	Bilmayman
“Ota-onalarning farzandiga tarbiya berish jarayonlari da mutlaqo qattiqqo'lligi haqida”, qanday fikrdasiz?” deb berilgan so'rovnoma natijalar	59,5%	25,5%	15%



So'rovnoma natijalaridan kelib chiqqan holda, o'quvchilarda oila va oila madaniyati mas'uliyatlik darajasini oshirish borasida quyidagi tavsiyalarni keltirishimiz mumkin:

1. O'quvchilarda oila madaniyatini shakllantirilishi, shaxsning munosabatlar tizimining darajali tarkibidagi oilaning o'rni bilan ham, oila munosabatlar ko'rinishining madaniy qiyofasi jihatdan o'ziga xosligi bilan ham tavsiflanadi.

2. O'quvchilar orasida oilaning asosiy tipik obrazlari: “to'g'ri shakllangan munosabatlar tizimi”, “o'zaro suyanch”, “mas'uliyatni anglash”.

3. O'quvchilarda oilaga nisbatan munosabat yo'nalishlari ijtimoiylashuvning jins omili va o'quvchi tarbiyalangan ota-ona oilasining ijtimoiy-demografik omillari bilan bog'liqlik jihatlari. Ularning ta'siri oilaning, o'quvchilarning munosabat yo'nalishlari va oila madaniyati tushunchalari tizimidagi mavqeida ko'proq darajada ta'siri ko'zga ko'rinib, oilaga nisbatan munosabatida yaqqol sezilib turadi.

4. O'quvchilarda oila haqidagi tasavvurlarni shakllantirish turli individual dunyoqarash va harakterlar, erkaklik/ayollik, qayg'urish va masuliyatlilik darajasi, o'z-o'zini nazorat qila olish kabilar bilan bog'liq.

Ushbu maqsadni amalga oshirishda quyidagi vazifalarni amalga oshirish muhim hisoblanadi:

1. Olingan ma'lumotlar o'quvchilarning oilaga munosabatlar yo'nalishlari tizimining hozirgi holatini aks ettiradi va kelajakda qay yo'sinda bo'lishi kerakligi bo'yicha tavsiyalar

2. Oilaviy madaniyat shakllanishida shaxsiy xususiyatlar va ota-ona oilasida ijtimoiylashuv shartlari bilan aniqlangan o'zaro bog'liqligi pedagogik va psixo-tuzatish ishlari, psixologik maslahat

3. Tadqiqot natijalaridan shaxsiyat psixologiyasi, ijtimoiy, rivojlanish va tarbiya psixologiyasi bo'yicha o'quv kurslarida foydalanishga imkoniyat beruvchi dastur.

4. Oila madaniyatini shakllantirish yo'nalishlarini o'rganish metodologiyasining ishlab chiqilgan turi aholining turli guruhlarining baholanish yo'nalishlarini o'rganish uchun xizmat qiluvchi so'rovnomalar.

Bugungi yoshlarimizning oila va oilaviy muhit tushuncha salohiyatini, yaxshilash, rivojlantirish kelajakdagi oilaga qiymat munosabatlarini shakllantirishga yordam beradi. "oila madaniyati" atamasidan foydalanish pedagogikada an'anaviy bo'lib kelgan bo'lsa-da, bu ta'rifning mazmuni to'liq emas. Shunga qaramay, oilaga nisbatan uning madaniy salohiyati iqtisodiy, axloqiy, ijodiy, reproduktiv va tarbiyaviy salohiyatini nazarda tutish mumkun.

Oila madaniyati tushunchasini o'quvchi yoshlarga singdirishda va uning vazifalarini amalga oshirish uchun zarur bo'lgan barcha shart-sharoitlarning birligi yagona talim jarayoninigina emas, balki oilaviy muhitning ham o'rni beqiyos degan xulosaga keldik. Aslida, u oilaviy muhitning holatini, uning ichki dunyosini, tashqi dunyo bilan aloqalarni belgilaydigan ko'plab omillar, shart sharoitlar to'plamidir. Oilaning axloqiy iqlimi ham turmush tarzi, ham xulq-atvori, munosabatlarida, oila a'zolarining muloqotida sezilarli darajada namoyon bo'ladi. Nafaqat o'qituvchilar, balki sotsiologlar ham ona va ota o'rtasidagi munosabatlar asosan oilaning axloqiy va ruhiy muhitini shakllantirganini ta'kidladilar [6, 1370]

S.E. Karklin ta'kidicha: "Ota-onalarning madaniy va ta'lim darajasi, bolalardagi ota-onaning obro'si va bolalarning ota-onalariga bo'lgan ishonchi, oiladagi talablarning birligi." [4, 208]

O'quvchilarda oila madaniyatini bir qismi sifatida quyidagilar ajratiladi:

- ota-onalar tomonidan turli xil tarbiyaviy vazifalarni doimiy ravishda hal qilish, ularni amalga oshirishda bolalar va ularning tarbiyasi haqidagi bilimlarga tayanish;

- ota-onalarning psixologik, pedagogik va huquqiy bilimlarning ma'lum miqdorini tushunadigan tarbiyaviy, ta'limiy va ma'nan tayyorgarligi;

- bolalarni tarbiyalash bo'yicha amaliyotda ishlab chiqilgan ko'nikmalar.

Shunday qilib, o'rganilayotgan muammoni chuqur tahlil qilish, ta'lim sohasida oilaviy munosabatlarni o'rganish va tadqiq qilish o'rganilayotgan va yoshlar ong-u shuuriga joriy qilinayotgan oilaviy madaniyatni yanada isloh qilishga, oila madaniyati tushunchasini, uni asrab-avaylash borasidagi fikrlar tizimini yanada mustahkamlashga olib keladi deya xulosa chiqarishga imkon beradi. Bu esa, o'z navbatida, kelajak oilalalarini yanada mustahkam poydevorga egalik xususiyatini oshiradi, ma'nan yetuk bo'lgan mustahkam oilalarni shakllantirishga yordam beradi. Shu o'rinda oila bilan tadqiqotchining barcha sheriklik subyektlari va eng avvalo, oila bilan hamkorlik chegaralarini kengaytirish zaruratining ham mavjudligini inobatga olishimiz zarur, negaki uning rivojlanishi manfaatlarining nisbatan muvozanatiga erishish imkoniyatini yaratadi, ijtimoiy konsensusga olib keladi, shu munosabat bilan maqsadga erishish uchun samarali vosita bo'lib xizmat qiladi, birgalikdagi faoliyatning o'zaro manfaatli usuli hisoblanadi.. Ushbu munosabatlarni o'rnatishda I. Xomenkoning takidlashicha, oila ta'lim muassasasining birinchi va asosiy hamkori bo'lib, ota-onalar bilan hamkorlik – bu yakuniy natija-bolaning shaxsiyati uchun ajratilgan mas'uliyat bilan munosabatdir. Bu ham uch bosqichda amalga oshirilishi bilan ahamiyatli. Birinchi bosqichda tomonlarning umumiy maqsadlari, qadriyatlar, resurs bazasi, o'zaro yordam, ota-ona so'rovlari va resurslari monitoringi, o'z "qiymat auditi" aniqlanadi. Natijada, ota-onalarning farzandlari bilan munasabatni birgalikda amalga oshirish istagi paydo bo'ladi. Ikkinchi bosqich-muayyan hamkorlik dasturlarini ishlab chiqish, mas'uliyatni taqsimlash. Natijada, ma'lum bir harakatlar algoritmi hosil bo'ladi. Uchinchi bosqichda ushbu munosabatlarning shartlari amalga oshiriladi: ixtiyoriylik (birgalikdagi faoliyatning turli shakllarida erkinlikning mavjudligi va tanlovning xabardorligi); uzoq muddatli (subyektlar o'zaro ta'sirining uzoq va takroriy xarakteriga qaratilishi) va o'zaro mas'uliyat. [2, 8]

Xulosa. Ushbu yondashuvga asoslanib, biz quyidagilarni nazarda tutamiz:

1) oilani kompleks tadqiq qilish va yoshlar ongida oilaning tipik turlari haqidagi ma'lumotlar va ularning afzallik darajalari haqidagi bilimlarni oshirish;

2) oilaviy munosabatlar va unga bo'lgan hurmat haqidagi ta'lim salohiyatining mavjud imkoniyatlar darajasida rivojlanish jarayonlarini rag'batlantirish;

3) o'zaro hurmat va suyanch tuyg'ularini yangi shakllarini qo'llash;

4) oila madaniyati salohiyatini rivojlantirish jarayonini ilmiy-uslubiy jihatdan ta'minlashga bo'lgan ehtiyojni aniqlash.

O'quvchi yoshlar bilan ishlash dasturining yo'nalishlari:

1) o'quvchi yoshlar uchun seminar;

2) o'quvchi yoashlar bilan birgalikda yosh va ibratli oilalarga tashrif tashkil etish.

Oila mustahkamligi tizimida mavjud muommolar yechimini oila subyektlarining o'zaro manfaatli hamkorligini yo'lga qo'ya olish orqaligina amalga oshirish mumkun. Tadqiqotimizning eng asosiy subyekti bo'lgan yoshlar, salohiyatini yaxshilamasdan ma'naviy barkamol, jamiyat taraqqiyotiga nafi tegadigan kelajak avlodni tarbiyalashdek sharafli vazifani uddalay olmaymiz.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 31-dekabrda I059-son “Uzluksiz
2. Ma'naviy tarbiya konsepsiyasini tasdiqlash va uni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Qarori / <https://lex.uz/docs/-4676839>
3. Хоменко И.А. Школа и родители: этапы развития социального партнерства [Текст] // И.А.Хоменко// Педагогическое обозрение. – 2008. – № 4 (79). – С.7-8.]
4. Shoumarov G'.B., Haydarov I.O., Sog'inov N.A. va bosh. Oila psixologiyasi: Akademik litsey va kasb-hunar kollejlari uchun qo'llanma / Shoumarov G'.B. tahriri ostida. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, o'rta-maxsus, kasb-hunar ta'lim markazi. – Toshkent: “Sharq”, 2010. – 296 b.
5. Карклина С.Е. Проблемы семейного воспитания. [Текст] /С.Е. Карклина. – М.: Советская Россия, 1983. – 208 с.
6. Koshanova N.M. Sinf murabbiylari faoliyati samaradorligini oshirishda pedagogik ta'lim klasterining o'rni. //Mug'allim ham uzluksiz bilimnedriu.№1-1.2020 жыл. ilimiy-metodikalыq jurnal. –Б. 35-42.
7. Koshanova N.M. Ta'lim samaradorligini oshirishda oila ta'lim salohiyatining ahamiyati. //Pedagogik ta'lim klasteri: muammo va yechimlar. Pedagogical Education Cluster: Problems and Solutions. Кластер педагогического образования: проблемы и решения. S.1370

Narziyeva Shaxnoza Rustamovna,

Osiyo xalqaro universiteti Pedagogika va psixologiya kafedrasida o'qituvchisi, mustaqil izlanuvchi

DEVIANT XULQ-ATVORLI O'SMIRLAR IJTIMOY-PSIXOLOGIK MOSLASHUVINING O'ZIGA XOSLIGI

Annotatsiya. Ushbu maqolada deviant xulq-atvorli o'smirlar ijtimoiy-psixologik moslashuvining o'ziga xos tomonlari nazariy va empirik tahlil qilinib, maxsus psixodiagnostik usul asosida olingan natijalardan kelib chiqib tegishli xulosaga kelingan.

Kalit so'zlar: me'yor xulq-atvor, deviant xulq-atvor, ijtimoiy moslashuv, deviant moslashuv, o'smirlar deviant xatti-harakatlari.

ОСОБЕННОСТИ СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ АДАПТАЦИИ ПОДРОСТКОВ С ДЕВИАНТНЫМ ПОВЕДЕНИЕМ

Аннотация. В данной статье теоретически и эмпирически анализируются специфические аспекты социально-психологической адаптации подростков с девиантным поведением, и делаются соответствующие выводы на основе результатов, полученных на основе специального психодиагностического метода.

Ключевые слова: нормативное поведение, девиантное поведение, социальная адаптация, девиантная адаптация, девиантное поведение подростков.

PECULIARITIES OF SOCIO-PSYCHOLOGICAL ADAPTATION OF ADOLESCENTS WITH DEVIANT BEHAVIOR

Abstract. In this article, specific aspects of socio-psychological adjustment of adolescents with deviant behavior are theoretically and empirically analyzed, and appropriate conclusions are drawn based on the results obtained on the basis of a special psychodiagnostic method.

Keywords: normative behavior, deviant behavior, social adaptation, deviant adaptation, adolescent deviant behavior.

Kirish. Bugungi kunda deviant xulq-atvor muammosi sotsiologiya, psixologiya, tibbiyot fan sohalarning tadqiqot obyektiga aylangan. Deviant xulq-atvor asosan ijtimoiy muhitda shakllanadi, ijtimoiy muhit normalari asosida tartibga solinadi. Muammoni o'rganishda e'tibor beradigan bo'lsak, asos me'yor (ijtimoiy me'yor) termini o'zagini tashkil etadi. Me'yor xulq-atvorni tartibga soladi va ijtimoiy nazoratni amalga oshiradi. Deviant xulq-atvor muammosi bo'yicha sharq olimlarining asarlarida ham bir qancha nazariy ma'lumotlar mavjud bo'lib, ularning har biri tadqiqotimizning metodologik asosini tashkil qiladi. Endi sharq manbalaridan foydalanilgan holda keltirilgan nazariy ma'lumotlar tahlillariga o'tamiz.

Inson axloqining birmuncha muhim xususiyatlaridan biri – bu uning o'z mohiyati bo'yicha ijtimoiyligidir, u jamiyatga shakllanadi va amalga oshadi. Inson axloqining boshqa barqaror xususiyati – bu uning nutqiy boshqaruv va maqsad qo'yilganligi bilan mustahkam aloqasi hisoblanadi. Umuman, insonning axloqi uning ijtimoiylashuvi jarayonini – jamiyatga integratsiyasini aks ettiradi. Ijtimoiylashuv, o'z navbatida, individual xususiyatlarni hisobga olgan holda ijtimoiy muhitga moslashishni ko'zda tutadi. Moslashuv – individuallashuv jarayonlarining nisbati bo'yicha, shuningdek, jamiyatda shaxs mavqei yuzasidan ijtimoiy moslashuvning quyidagi variantlarini ajratish mumkin:

radikal moslashuv – shaxsning mavjud ijtimoiy hayotda o'zgarishi orqali o'zini-o'zi ro'yobga chiqarishi;

gipermoslashuv – shaxsning o'z oliy yutuqlari vositasida ijtimoiy hayotga ta'siri orqali o'zini-o'zi ro'yobga chiqarishi;

uyg'unlashgan moslashuv – shaxsning jamiyatda ijtimoiy talablarga orientatsiyasi vositasida o'zini-o'zi ro'yobga chiqarishi;

konformistik moslashuv – individuallikni bostirish, o'zini-o'zi ro'yobga chiqarishni birlashish hisobiga;

deviant moslashuv – mavjud bo'lgan ijtimoiy talab(me'yor)lardan chiqish vositasida o'zini-o'zi ro'yobga chiqarish;

ijtimoiy psixologik moslashmaganlik (dezadaptatsiya) – o‘zini-o‘zi ro‘yobga chiqarish va moslashish jarayonlarini blokirovkalash holati.

Muayyan inson axloqida ijtimoiylashuvning istalgan variantida axloqning umumiy tavsifnomasidan foydalanib, quyidagilarni ifodalash mumkin:

- ❖ asoslanganlik – shaxsning ehtiyojlari va maqsadlariga yo‘naltirilgan harakatlanishga ichki tayyorlik;
- ❖ o‘xshashlik – aniq vaziyat bilan kelishish;
- ❖ moslashish – ijtimoiy muhitning yetakchi talablariga muvofiqlik;
- ❖ haqqoniylik – individuallik axloqining mosligi, uning ushbu shaxs uchun tabiiy ekanligi;
- ❖ mahsuldorlik – ongli maqsadlarni amalga oshirish. Shaxs xulqining shunday belgilari borki, ular anchagina xususiy, biroq kam bo‘lmagan ahamiyatga egadir;
- ❖ faollik darajasi (energiyalilik va tashabbuskorlik);
- ❖ hissiy ifodalanganlik (namoyon etilayotgan affektlarning kuchi va xarakteri);
- ❖ jo‘shqinlik;
- ❖ turg‘unlik (turli vaqt va turlicha vaziyatlarda ko‘rinishlarning doimiyligi);
- ❖ onglilik (o‘z axloqini tushunish uni so‘z bilan tushuntira olish qobiliyati);
- ❖ ixtiyoriylik (o‘zini-o‘zi nazorat);
- ❖ egiluvchanlik (muhitning o‘zgarishiga javoban axloqni o‘zgartirish).

“Axloq” turidagi tushunchaning barcha ko‘rib chiqilgan tavsifnomalari uning “shaxsning og‘ishgan xulqi” kabi turiga ham to‘la ma’noda taalluqlidir.

Ijtimoiy-me‘yoriy mezon nuqtayi nazaridan axloq me‘yoriyligining yetakchi ko‘rsatkichi shaxsning ijtimoiy moslashganlik darajasi hisoblanadi. Bunda me‘yordagi, muvaffaqiyatli moslashuv qadriyatlararo, individning xususiyatlari va uni o‘rab turgan ijtimoiy muhitdagi talablar, qoidalarning maqbul muvozanati bilan xarakterlanadi. Shubhasiz, ijtimoiy talablarni yaqqol inkor etish kabi individuallikni tenglashtirish, masalan, konformizm shaklida – shaxs manfaatlarini muhit bosimiga to‘liq bo‘ysundirish ham birdek muammo hisoblanadi. Moslashmaganlik – bu shaxsiy ahamiyatli bo‘lgani kabi muhit talablarini qabul qilish va bajarishga shuningdek, o‘z individualligini aniq ijtimoiy sharoitlarda ro‘yobga chiqarish sust layoqat holatidir.

Moslashmaganlikning ijtimoiy va individual ko‘rinishlarini ajratish mumkin. Moslashmaganlikning ijtimoiy ko‘rinishlari quyidagilar hisoblanadi:

- past o‘zlashtirish, o‘z mehnati bilan mablag‘ ishlab topishga layoqatsizlik;
- hayotiy muhim sohalarda surunkali yoki yaqqol ifodalangan omadsizlik (oilada, ishda, shaxslararo munosabatlarda);
- qonun bilan nizolar;
- yakkalanib qolish.

Moslashmaganlikning individual ko‘rinishlari sifatida quyidagilarni ko‘rib chiqish mumkin:

- ijtimoiy talablarga munosabati yuzasidan salbiy ichki tartib (ular bilan kelishmaslik, tushunmaslik, norozilik, qarshi harakat);
- o‘zining mas’uliyatdan qochishga intilishida atrofdagilarga ko‘tarinki e’tiroz bildirish, egosentrizm;
- surunkali hissiy noqulaylik;
- o‘zini-o‘zi boshqarishning besamarligi;
- janjalkashlik va kommunikativ ko‘nikmalarning zaifligi;
- reallikni kognitiv buzib ko‘rsatish.

Odam turlicha tuyg‘ularni – yengil xavotir va o‘ziga ishonchsizlikdan tortib, chidab bo‘lmas darajadagi nochorlik, qo‘rquv, umidsizlik jazavalarigacha boshidan kechirishi mumkin. Bunda shaxsning real ijtimoiy maqomi va uning individual ongi o‘rtasida bo‘linishi yuzaga kelishi mumkin.

So‘nggi mezon – individual psixologik mezon har bir shaxs, uning individualligining o‘sib boruvchi barcha qadriyatlarini aks ettiradi.

Ushbu mezonga muvofiq insonga zamonaviy talablar ijtimoiy me‘yorlarni bajarishga uning qobiliyatini cheklamaydi, biroq shaxsning o‘zini-o‘zi anglashi va o‘ziga xosligini ham ko‘zda tutadi. Shu bilan bog‘liq ravishda bizning zamonda shaxsning asos soluvchi sifatleri deb quyidagilarni aytish mumkin: tashqi olam va o‘ziga nisbatan uning ichki pozitsiyasi, qaror qabul qilish va tanlash layoqati, shuningdek, shaxsiy axloqiga mas’uliyati. Ijtimoiy borliqda o‘zini-o‘zi aniqlash va shaxsiy potensialining o‘zini-o‘zi ro‘yobga chiqarishi unda individual rivojlanishning yetakchi vazifasi deb tan olinadi.

Ma’lumki, maxsus adabiyotlarda “og‘ishgan xulq” atamasi ko‘pincha deviant axloq (deviatio – lotin tilida og‘ishgan) sinonimi bilan almashtiriladi. Kelgusida biz o‘zaro bir-birining o‘rnini to‘ldiruvchi sifatida

har ikkala atamani qo‘llaymiz – “og‘ishgan”, “deviant”, bunda birinchi atama aniq va o‘rganilgan bo‘lgani sababli afzal ko‘riladi

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Respublikamiz olimlari ham o‘smirlar orasidagi deviant xulq muammolarini ilmiy izlanishlarida tadqiq etganlar. Jumladan, N.G.Komilova, Z.S.Elov, F.F.Ganjiyev, L.Y.Olimov, U.D.Qodirov, G.Q.To‘laganova, Sh.A.Isroilov, Y.M.Asadov, D.Sharipova, G.Xudoyarova, G.T.Yadgorova, O.U.Avlayevlar o‘z ilmiy izlanishlarida deviant xulqli o‘smirlar xulq-atvoriga xos salbiy illatlarning oldini olish, unga qarshi kurashish, ularni qayta tarbiyalashning psixologik, pedagogik hamda huquqiy masalalarini o‘rgangan bo‘lsalar, faylasuf olimlardan E.Yusupov, X.Shayxova, Q.Nazarov, N.Komilov, M.Xolmatova, M.Imomnazarovlar shaxs tarbiyasida ma‘naviy-axloqiy tarbiya masalalarini, sotsiolog M.Bekmurodov shaxs axloqini shakllantirishda hamda axloqiy buzilishlarni oldini olishda jamoatchilik fikrining tutgan o‘rni masalalarini, huquqshunoslar O.Oqilov, A.Qulahmetov, M.Usmonaliyev, R.Turdiyevlar jinoyatchilik, jumladan o‘smirlar jinoyatchiligi masalalarini ilmiy o‘rganishgan [7].

O‘smirlar deviant xatti-harakatlarining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari mavzusida tadqiqot olib borgan Y.Asadov, o‘smirlik yoshini shunday ta‘riflaydi: «shaxsning kamol topishidagi asosiy bosqichlardan bo‘lgan o‘smirlik yoshi shu bilan ajralib turadiki, unda shaxs ijtimoiy xususiyatlarga ega bo‘lib, jinsiy tomondan yetiladi. Ba‘zi o‘smirlar tezroq, ba‘zilar sustroq rivojlanishadi. Bu davr shunchalik qarama-qarshiliklar, keskinliklarga boyki, olimlarning ba‘zilari bu davrni uzluksiz muammolar davriga tenglashtirishadi. O‘smirlarning yosh xususiyatlari ular fe‘lidagi hislatlarga chambarchas bog‘liqdir. Ba‘zan o‘smirlarning bir-biridan farqi aniq namoyon bo‘lmasligi mumkin. Deviant xulqli o‘smirlar uchun tartibbuzarliklar, yaqin insonlar bilan keskin muomala qilish, «ko‘cha» va turli to‘dalarning ta‘siriga oson berilish kabilar xosdir. Oiladagi salbiy, beshafqat muhit, o‘smirlarda qo‘pollik, yovvoyilik, sovuq munosabat kabi illatlarni paydo bo‘lishiga zamin yaratadi, ular atrofdagilarga nisbatan qarama-qarshi ruhda harakatlanib, o‘zini tajovuzkorona namoyon etadilar

U.D.Qodirov Yoshlarni destruktiv g‘oyalar ta‘siridan himoyalashning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari mavzusida doktorlik dissertatsiya ishida psixologik himoyaning yosh tafovutlari, tashqi muhitga va psixologik jihatdan destruktiv ta‘sirga ega axborotga qarshi yo‘naltirilgan (ichki) psixologik himoyaning turlari hamda ko‘rinishlarini tasniflab chiqqan, psixologik himoyaning yetakchi mexanizmlari asosida destruktiv ta‘silarga tushish ehtimoli mavjud shaxslarning psixologik portretini yaratib amaliyotga joriy qilgan. Shuningdek, ijtimoiy va individual-psixologik ko‘rsatkichlar, destruktiv g‘oyalar ta‘siriga moyillikni keltirib chiqaruvchi omillar asosida shaxsning individual xaritasini ishlab chiqqan, qolaversa shaxsga xos bo‘lgan individual-psixologik xususiyatlar bilan nosog‘lom ijtimoiy muhit o‘rtasidagi o‘zaro moslik va ularning bir-birini to‘ldirishi, yoshlarning mikro va makro muhitga nisbatan ijtimoiy-psixologik jihatdan moslasha olmasliklari ularning destruktiv g‘oyalar ta‘siriga tushib qolishiga sabab bo‘lishi aniqlab, yoshlarda axborot iste‘moli madaniyatini shakllantirishga, destruktiv g‘oyalar ta‘sirining oldini olishga qaratilgan ijtimoiy-psixologik, pedagogik texnologiyalarni takomillashtirilgan, tegishli tavsiyalar ishlab chiqqan [3].

O‘smirlarda suitsidga moyillik motivatsiyasini aniqlash va korreksiyalashning psixologik mexanizmlari mavzusida ish olib borgan Z.S.Elov deviant xulq-atvorli o‘smirlarda suitsidga moyillik motivatsiyasini namoyon bo‘lishida xavotirlanishni ijtimoiy pessimizm, tajovuzkorlikni affektivlik, maksimalizm bilan integratsiyasi tufayli differensial farqlarning mavjudligini, o‘smirlarning ijtimoiy moslashishida o‘zini-o‘zi, boshqalarni qabul qilish, emotsional komfort, internallik, ustunlikka intilish xususiyatlarini ustuvorligi tufayli suitsidal xulq motivlariga korreksion ta‘sir etish usullarini, suitsidga moyilligi mavjud o‘smirlarda agressiv xulqning diffensial namoyon bo‘lishi tufayli hissiy-konativ komponentning ustuvorligini, o‘smirlarda suitsidal xulqqa moyillik motivlarini namoyon bo‘lishiga subyektiv lokus nazoratning ta‘siri natijasida o‘g‘il bolalarda internal lokus, hayotdan qoniqish indeksining yuqoriligi, qizlarda o‘ziga-o‘zi beradigan baho hamda hayotdan qoniqish indeksining yuqoriligi tufayli gender farqlarning namoyon bo‘lishini, deviant xulq-atvorli o‘smirlarda suitsidal xulq motivlarini korreksiyalashda o‘zini-o‘zi anglash, axloqni konstruktiv o‘zgarishi, o‘zini va boshqalarni qabul qilish xususiyatlarini shakllantirish muhimligi tufayli «faoliyatli», «qadriyatli» yo‘nalishidagi adaptiv ta‘sirni kuchaytirish zaruratini asoslab bergan [4].

G.Q.To‘laganova tarbiyasi qiyin o‘smirlar, deviant xulq psixologiyasi va uning korreksiyasi sohalarida keng qamrovli ilmiy tadqiqot ishlarini olib borib, tarbiyasi qiyinlik mohiyatiga klassik va zamonaviy yondashuvning ilmiy-nazariy jabhalarini o‘rgangan. Muallifning tadqiqot tahlillariga tayanib, inson muammolarini o‘rganuvchi hamda oila, maktab va hatto jamiyatimiz uchun muayyan qiyinchiliklar tug‘diruvchi xulqiy og‘ishlar, ularning psixologik diagnostika va korreksiyasini qanday tezkor hamda samarali usullar bilan amalga oshirish mumkinligi xususidagi zarur savollarga ham javob topish mumkin. Tadqiqotda xulqiy og‘ishlarning nazariy va amaliy metodologik jihatlari bilan birga uni belgilovchi sotsial

psixologik omillar, insoniyat jamiyatining qat’iy belgilangan ijtimoiy xulq-atvor dasturlari tizimiga va jamoatchilik fikri, odatlar, axloqiy tamoyillar, an’analar kuchiga tayanuvchi xulq-atvor qoidalari xususida fikr yuritiladi. Qabul qilingan me’yorlar xulq-atvorning tarixan shakllangan qoidalari sifatida talqin qilinib, uning baholovchi mazmunga, shunga muvofiq ravishda har qanday xatti-harakat tavsiflanishida me’orning tabiiy korrelyatsion, ya’ni unga bog’liq tuchuncha «og’ish» haqidagi tasavvurlarning turli xil ma’no-mazmun kasb etish xususiyatlarining tadqiqiy tahlili keng yoritilgan va o’smirlarda assertiv xulqni shakllantirishning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini aniqlash orqali psixodiagnostika va psixokorreksiya tadbirlari samaradorligini oshirish muhim masalalar sirasiga kirishini ta’kidlab, olib borilgan tadqiqot natijasida o’smirlar o’quv faoliyatida assertiv xulqning intellektual (erkin fikrlovchi, axloqiy me’yorlarga amal qiluvchi), shaxsiy (ma’suliyat, dadillik, intiluvchanlik) va emotsional (kayfiyat, optimizm) darajalarini aniqlagan. Shuningdek, o’smirlarda assertiv xulqni shakllantirishga yo’naltirilgan “O’smirlarda assertiv xulqni shakllantirish darajasini aniqlash” psixologik trening dasturi samaradorligini isbotlagan [3].

X.X.Jabborov tadqiqotlari asosida, o’smirlar o’rtasida vayronkor g’oya va buzg’unchi mafkuralarga nisbatan barqaror mafkuraviy immunitet shakllantirish va rivojlantirishga qaratilgan ijtimoiy-psixologik treninglar o’tkazish orqali, o’smirlardagi mafkuraviy immunitet beqarorlik darajalarini baholashning uslubiy ta’minoti ishlab chiqib, amalda sinovdan o’tkazdi. Haqiqatdan ham o’smirlardagi barqaror mafkuraviy immunitet ularning emotsional holatlarini ham normallashtirishga xizmat qiladi [63].

O.S.Qodirovning “O’smirlarda (11-15 yosh) jinoyat motivlari shakllanishining psixodiagnostikasi va psixokorreksiyasi” nomli nomzodlik dissertatsiyasida o’smirlarda jinoyat motivlari shakllanishini o’rganish, o’smirlar xulq-atvorida jinoyat motivlari shakllanishida salbiy omillardan himoya qiluvchi (huquqiy ongni shakllantiruvchi) zamonaviy-psixologik mexanizmlar tuzilmasi, - o’smirlarning individual va ijtimoiy-psixologik rivojlanishiga salbiy ta’sir qilishi mumkin bo’lgan “o’zini tasdiqlash”, “o’z manfaatlarini boshqalardan ustun qo’yish”, “o’g’rilik”, “bezorilik”, “buzg’unchilik”, “qasoskorlik”, “o’z kuchi va jasoratini ko’rsatuvchi” jinoyat motivlarini oldini olishga xizmat qiluvchi uslubiy tavsiyalar ishlab chiqilgan [18].

R.O.Begmatovning “Talabalarda tajovuzkorlik hissi namoyon bo’lishining psixologik xususiyatlari” deb nomlangan tadqiqot ishida Oliy ta’lim tizimida tahsil olayotgan talabalarda tajovuzkorlikni differensial namoyon bo’lishiga ta’sir etuvchi omillari, tajovuzkorlikning shaxs xususiyatlariga bog’liqligi hamda tajovuzkorlik hissini rivojlanishi shaxs xususiyatlaridagi emotsional komponentlar indeksleri haqida ma’lumotlar keltirib o’tilgan [1].

D.T.Ismatovanning “Oilaviy munosabatlarda emotsional zo’riqishlarni korreksiyalashning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari (o’smirlar misolida)” nomli tadqiqot ishida oliadagi o’smirlarning hissiy holatlari, ulardagi salbiy emotsional holatlarni oilaviy munosabatlarga ta’siri haqida ma’lumotlar keltirilgan. Albatta oilaviy munosabatlardagi emotsional zo’riqishlar o’smirlardagi agressiv holatlarni keltirib chiqaradigan muhim omillardan biri sanaladi. Shuning uchun ham korreksion dasturlarda nafaqat o’smirlarni, balki, ularning ota-onalarini ham jalb etish maqsadga muvofiq [21].

O’smirlarda stress holatidan keyingi psixologik xususiyatlarni tadqiq etgan G.V.Xrulnova jarohatdan keyingi stress holati belgilari, jarohatdan so’nggi stress holatining tarqalganligi, psixologik jarohatni boshidan o’tkazgan o’smirlardagi boshqa psixik buzilish va shaxsiy og’ishishning ifodalanishiga e’tiborini qaratib, jinsiy belgilar bo’yicha stressli holat dinamikasining psixologik xususiyatlarini yoritib beradi. G.V.Xrulnovaning fikricha, o’smirlarning stressli vaziyatlardan chiqish malakalarining mavjud emasligi somatik, emotsional, xulq-atvor, kognitiv, shaxsiy bosqichda ma’lum darajada stressdan keyingi buzilishlarni vujudga keltiradi. U o’smirlarda stress reaksiyalarini vujudga kelishiga oiladagi, tengdoshlari va kattalar bilan shaxslararo munosabatlar jarayonidagi muammolar, travmatik malaka sabab bo’ladi, deb hisoblaydi [202].

Demak, bu kabi muammolarni o’rganish, profilaktika ishlarini olib borish, bu borada zaruriy adabiyotlar yaratish, inqirozli vaziyatlar oqibatida kelib chiqadigan bir qator salbiy holatlarning oldini olishga, har qanday og’ir vaziyatlarda o’zini-o’zi boshqara oladigan, sog’lom fikrlashga qodir bo’lgan shaxsni voyaga yetkazishga mustahkam poydevor yaratadi.

Intellekt va hissiyot (emotsiya) o’rtasidagi o’zaro bog’liqlik, insonning o’z hissiyotlarini tushunishi va boshqarishi masalasida juda ko’plab ilmiy izalishlar olib borilgan.

Chunonchi, barcha tadqiqotchilar ham ijtimoiy psixologiyaning metodologik tamoyillariga asoslangan holda emotsional intellekt uchun muhim bo’lgan u yoki bu jihatini nazariy-ilmiy tarzda asoslab beradilar. Bular ichida emotsional intellekt uchun muhim nazariy-ilmiy ahamiyat kasb etuvchi ijtimoiy psixologik vazifalarni aniqlashga qaratilgan bir qancha psixologik yondashuvlarni keltirib o’tish mumkin.

Emotsional intellektning o’ziga xos tomonlarini yoritishda intellektmasalasi bo’yicha mavjud psixologik, pedagogik yondashuvlarning umumiy holatini tahlil etar ekanmiz, shu kungacha mavjud bo’lgan

yondashuvlarning quyidagi tartibdagi intellekt yondashuvlari sifatida qayd etish mumkinligiga yana bir bor amin bo'ldik.

Intellektning tarkib topishi va shakllanishi bo'yicha muayyan yondashuvlar mavjud bo'lib, ular bir qator ilmiy manbalarda o'z aksini topgan. Jumladan, intellektga fenomenologik yondashuv: intellekt ong mazmunining asosiy shakli sifatida qaralsa (K.Dunker; V.Keller; M.Vertgeymer; Dj.Kempion va boshqalar), intellektga genetik yondashuvda esa intellekt insonning tashqi olam bilan o'zaro ta'sirlashuvining tabiiy sharoitidagi o'rab turgan muhit talablariga qiyin moslashuvi oqibati sifatida talqin etiladi (U.Charlzvort; J.Piaje). Ayni paytda, intellektga sotsio-madaniy yondashuv tarafdorlari intellekt insonning ijtimoiylashuvi, shuningdek, madaniyatning maqsadli ta'siri natijasi, degan g'oyani ilgari sursa (Dj.Brunner; L.Levi-Bryul; A.Luriya; L.Vigotskiy va boshqalar), intellektga jarayonli-faoliyatli yondashuvda intellekt inson faoliyatining asosiy shakli sifatida bayon qilingan (S.Rubinshteyn; A.Brushlinskiy; L.Venger; K.Abulxanova-Slavskaya va boshqalar). Intellektga ta'limiy yondashuv vakillari esa, intellekt maqsadga yo'naltirilgan ta'limning mahsuli deb e'tirof etsalar (A.Staats; K.Fisher; R.Feyershteyn va boshqalar), intellektga axborot yondashuvi namoyondalari axborotlarni qayta ishlashning elementar jarayonlari majmui sifatida qaraydilar (G.Ayzenk; E.Xant; R.Shternberg va boshqalar). Intellektning funksional-darajaviy yondashuvida, intellekt har xil darajadagi bilish jarayonlarining tizimi sifatida ko'rsatilsa (B.Ananav; Ye.Stepanova; B.Velichkovskiy va boshqalar), intellektning regulyatsion yondashuvi: intellekt aqliy faollikni, o'zini o'zi idora qilish omilidir, deya ta'kidlaydi (L.Terstoun va boshqalar).

Aqliy taraqqiyot muammosi Rubinshteyn tomonidan chuqur tahlil qilingan. Uning tafakkur jarayoni muammoli vaziyatdan boshlanadi degan fikri to hozirgi kungacha o'z ahamiyatini yo'qotmagan. Uning fikriga ko'ra, insonda biron narsani anglashga nisbatan ehtiyoj tug'ilgandan keyin u fikr yuritishga harakat qiladi. Bu esa o'z o'zidan shaxsda aqliy intellektning rivojlanishiga olib keladi.

Yuqoridagi ilmiy yondashuvlar va izlanishlar borasidagi tahlillarimiz sotsial intellektni ijtimoiy foydali moslashuvning namoyon bo'lishi tarzida talqin etishimizga olib kelmoqda. Masalan, ushbu fikrimizga mos V.Shternning intellektga xos bo'lgan quyidagi xulosasi, ya'ni intellekt «yangi hayotiy sharoitlarga moslashishga umumiy qobiliyatlilik» tarzida qarashi va «moslashuv akti – hayotiy masalalarni intellekt yordamida hal etish, fikrlashda ongning ongsizlik ustidan ustunlik qilishi barobarida amalga oshiriladi», degan mulohazasini keltirib o'tishimiz mumkin.

Yuqorida keltirilgan tadqiqotlarga ko'ra, psixologik-pedagogik adabiyotlarning nazariy tahlili emotsional intellektni quyidagi tarkibiy qismlarga ajratishni taqozo etadi: bilish-baholash, kommunikativ-qadriyatli, refleksiv-korreksion.

Atoqli psixolog Ya. Ponomaryov insonning aqliy taraqqiyoti muammosiga alohida, o'ziga xos qarash, original yondashish bilan kirib kelganligi muhim ahamiyat kasb etadi. Olimni ko'proq intellektning psixologik mexanizmlarini ochish masalasi qiziqtiradi va bu sohada yetarli darajada yuksak natijalarga erisha olgan. Muallif intellektni psixologik mexanizmining markaziy tarkibiy qismi sifatida ikki bir-biriga kirisha oluvchi muhitlarni keltirgan, ya'ni intuitiv va mantiqiy.

Brushlinskiy fikricha, ijod-bu rivojlanishdir, rivojlanish esa doim o'tmish chegaralaridan, oldindan belgilangan namunadan kelib chiqadi. Oldindan sezish va oldindan aytib berishni (diagnoz, prognoz kabilar) taqozo etadi.

D.Bogoyavlenskayaning nazariyasiga binoan, intellektual faoliyatning uchta darajasi mavjud. Reproktiv, evristik, kreativlik. Uning fikricha, intellektual tashabbus, yangi g'oyalarning tug'ilishi intellektual faollikning o'lchovi, mezoni hisoblanadi. Intellektual faollik atamasi intellektual sustlik (passivlik) ning qarama-qarshi ko'rinishi sifatida vujudga keladi.

N.Menchinskayaning qayd etishicha, axborotlar ijobiy bo'lishi va qabul qilinishi, yoki aksincha, salbiy bo'lishi va inkor etilishi mumkin. Har ikki holatda ham biz axborotlarni qayta ishlashning ma'lum tempi bilan bog'liq aqliy faollikni namoyon etishimizga to'g'ri keladi. Olingan axborotlar, undan foydalanish imkoniyati, natijalarga real erishish darajasi, barcha baholash tizimini namoyon etishni ta'minlaydi. Bu esa insonni o'zini o'zi anglash jarayonida o'zini o'zi va o'z mavjudligini tushunishiga olib keladi.

V.Shadrikov intellektga ma'naviyat bilan ma'naviy qobiliyatlarning birgalikdagi komponenti tarzida qaraydi. Unga ko'ra, bu tarkibiy qism o'rab turgan voqelikni oddiy baholash bo'lmasdan, balki insonning ma'naviy jihatlari bilan solishtirish va shaxsning ichki o'zgarishlarini belgilovchi sotsial muhit bilan o'zaro ta'sirlashuvini muvofiqlashtirish hisoblanadi.

J.Piaje intellekt muammosiga o'z shaxsiy nuqtayi nazaridan kelib chiqib yondashadi. U ko'p hollarda tafakkur tushunchasi o'rniga, «intellekt» terminini ishlatadi. J.Piaje intellekt nazariyasini ikkita muhim jihatlarga ajratib, ularni intellekt funksiyalari hamda intellekt davrlari deb nomlaydi.

Zamonaviy psixologiyada “emotsional intellekt” tushunchasi keng qo'llanilib, ushbu tushunchani fanga P.Selov va Dj.Meyerlar olib kirdilar.

Emotsiyalarni tadqiq qilish ko'pincha intellekt tadqiqotlaridan alohida tarzda amalga oshiriladi. Shunga qaramasdan, affektiv va kognitiv (bilish) jarayonlari o'rtasidagi munosabatlarni tizimli tahlil qilishning dastlabki urinishlari amalga oshirilmoqda. Nemis psixologi va faylasufi G.Mayerning “Psuchologie des yemotionalen Denkens”(1908) nomli kitobida tafakkur turlarining mukammal tasnifi keltirib o'tilgan. G.Mayer “hukm qiluvchi” tafakkur turi bilan birga emotsional tafakkurni ajratib ko'rsatadi, unda amaliy ehtiyojlar – iroda va his-tuyg'u birinchi o'rinda turadi. Bu tafakkur turlarini bir-biriga taqqoslagan G.Mayer ular o'rtasidagi bir qancha umumiyliklarni, xususan: o'xshash mantiqiy jarayonlar kuzatish mumkinligini ta'kidlaydi (sharhlash, ob'ektivlashtirish, kategorial apparat faoliyati). Shunga qaramasdan, emotsional tafakkur harakatlarida mantiqiy tafakkurdan farqli tendensiya mavjud bo'lib: unda bilish jarayoni “ko'lankali, orqa fonga surilgan, diqqat markazi amaliy maqsadga qaratilgan bo'lib, unda bilish shunchaki qo'shimcha vosita sanaladi”.

G.Mayer emotsional tafakkurni affektiv (estetik va diniy) va irodaviy turlarga ajratadi. Estetik tafakkur deyilganda, “yoqadi-yoqmaydi” ko'rinishidagi mulohazasini o'z ichiga oladigan estetik kechinmalar tushuniladi. Diniy tafakkurda esa fantaziyaning emotsional tasavvurlari, e'tiqod fikrlari (irratsional, affektiv hamda irodaviy istak bilan yuzaga keladigan “Olloh mavjud” mulohazasi namuna bo'ladi)ga kiritiladi. G.Mayerning tadqiqotlari go'yoki tafakkurda bilishga bo'lgan qiziqish ikkinchi darajali hisoblanishi haqidagi “intellektual xurofotlar”ni tarqatadi va “emotsional tafakkur” insonning aqliy faoliyatida ahamiyatli rol o'ynashini ta'kidlab o'tadi.

Mualliflarning fikricha, emotsional intellekt – emotsiyani ifoda etish va baholash qobiliyati; emotsiyani tushunish va emotsional bilimlarga egalik; qolaversa, shaxsning emotsional va intellektual kamolotini o'zaro birlashtiruvchi emotsional boshqaruv qobiliyati hisoblanadi. “Emotsional intellekt” terminini fanga kiritilishi bilan emotsional va bilish jarayonlarining nisbati nuqtayi nazaridan tadrijiy o'zgarish yuz berdi.

P.Selov, Dj.Meyer, D.Karuzolarning ilmiy izlanishlarida emotsional intellekt inson tomindan his-tuyg'ular va ularni tushunish, hissiy bilimlardan fikrlash samaradorligini oshirish uchun foydalanish qobiliyati” sifatida qaraladi. Tadqiqotchilar emotsional intellektning ierarxik modelini quyidagicha talqin qilishadi: emotsiyalarni aniqlash, fikrlash samaradorligini oshirish uchun emotsiyalardan samarali foydalanish, emotsiyalarni tushunish, emotsiyalarni boshqarish. Mualliflar emotsional intellektni tashkil etuvchi qobiliyatlarining ontogenezi, ularning oddiy qobiliyatlardan murakkab qobiliyatlarga rivojlanishi muammolarini ko'rib chiqadilar. Dj.Mayer va uning hamkasblarining emotsional intellektni emotsional ma'lumotlarni qayta ishlashga qaratilgan intellekt turi sifatida ko'rish kerakligini ta'kidlashadi. Emotsional intellektning individual jihatlarini ko'rib chiqadigan yondashuvlar bilan solishtirganda emotsiyalarni idrok etish va aniqlash, emotsional baholash, emotsiyalar va fikrlash o'rtasidagi munosabatlarni emotsional intellektga bo'lgan yondashuvni integrativ bog'liqlik asosida tushuntirishadi.

Dj.Mayer va uning hamkasblari hissiyotlarni boshqarishni emotsional intellektni tashkil etuvchi qobiliyatlar ierarxiyasining eng yuqori darajasi deb ham bilishgan.

R.Barning sotsial va emotsional intellektni emotsional intellektning yagona konsepsiyasiga birlashtiradi. Uningcha: emotsional intellekt - bu "o'zaro bog'liq ijtimoiy va emotsional kompetentsiyalarning profili, biz o'zimizni qanchalik samarali tushunishimiz va ifoda etishimizni, boshqalarni tushunish va o'zaro munosabatda bo'lishimizni va kundalik hayot muammolarini yengishimizni belgilaydigan ko'nikmalar"dir. R.Bar On emotsional intellektning beshta asosiy kompetentsiyasini aniqladi: emotsiyalarni tushunish, anglash va ifoda etish qobiliyati; boshqa odamlarning emotsiyalarini tushunish va ular bilan munosabatda bo'lish qobiliyati; emotsiyalarini tartibga solish va boshqarish qobiliyati; shaxs ichki va shaxslararo munosabatlardagi muammolarini hal qilish qobiliyati, o'zini-o'zi rag'batlantirish va motivatsiya berish qobiliyati. Uning fikricha, emotsional intellekt - o'zini, jamiyatni va atrof-muhitni real tarzda muvaffaqiyatli o'zgartirish qobiliyatida namoyon bo'ladi va mavjud vaziyatni moslashuvchan tarzda yengish, muammolarni hal qilish va qaror qabul qilish hisoblanadi.

Natijalar. Endi tadqiqotimiz maqsadiga erishish uchun deviant xulq-atvorli o'smirlarning ijtimoiy-psixologik moslashuv darajalarini aniqlash uchun tanlangan usul orqali olingan dastlabki tahlillar natijalariga o'tamiz. Biz deviant xulq-atvorli o'smirlardagi moslashuvchanlik darajalarini yanada aniqroq o'rganish maqsadida mazkur metodikani qizlar hamda yigitlar kesimida tahlil qildik.

1-jadval.

Ijtimoiy psixologik moslashuvchanlik metodikasi bo'yicha olingan dastlabki natijalar tahlili

№	Omillar	Obyektlar	M	σ	t
1	Moslashuv	Qizlar	80,71	21,44	-4,428*
		Yigitlar	91,14	23,41	
2	O'zini-o'zi qabul qilish	Qizlar	24,21	7,21	-2,124**

		Yigitlar	26,54	6,71	
3	Boshqalarni qabul qilish	Qizlar	26,96	4,37	-3,702***
		Yigitlar	29,32	4,76	
4	Hissiy qulaylik	Qizlar	16,20	3,44	-2,506*
		Yigitlar	16,36	5,41	
5	Ichki nazorat	Qizlar	28,42	10,58	-3,218***
		Yigitlar	19,52	10,76	
6	Hukmronlik istagi	Qizlar	7,36	2,83	-1,198
		Yigitlar	9,01	3,33	
7	Eskapizm (muammolardan qochish)	Qizlar	14,49	4,212	-0,340
		Yigitlar	11,23	4,41	

Izoh: * $p < 0,05$; ** $p < 0,01$; *** $p < 0,001$.

Ijtimoiylashuvdan farqli ravishda moslashuv jarayoni odatiy turmush sharoitlarining o'zgarishi, ijtimoiy o'zaro ta'sir muammolarining yuzaga kelishi odatiy ahamiyat bilan cheklanmaydigan hal qilishning faoliyat yo'llari sharoitida rivojlanadi. Uning mohiyati shundaki, amal qilishning obyektiv sharoitlariga ularni muvofiqlashtirish maqsadida shaxslararo va ijtimoiy rollarning qadriyatlar va me'yorlar o'zaro ta'siri transformatsiyasi (almashinishi) uchun asos bo'lib xizmat qiladigan xulq-atvorning yangi ijtimoiy-psixologik regulyatorlari shakllanishidan iborat. Ko'rilayotgan muammoga bag'ishlangan ayrim tadqiqotlarda moslashuv ijtimoiylashuv jarayoni mexanizmlaridan biri, degan fikr aytiladi. Ushbu metodika natijalariga ko'ra, deviant xulq-atvorli qizlarda moslashuv darajasi bo'yicha o'rtacha arifmetik qiymat 80,71 ballni, yigitlarda esa bu ko'rsatkich bo'yicha 91,14 ballni tashkil etdi ($t = -4,428^*$, $p < 0,05$). Deviant xulq-atvorli o'smirlar turli xil ruhiy zo'riqishlar, xususan oiladagi normal muhitning mavjud emasligi, mas'ullar tomonidan nazoratning yo'qligi, qo'llab quvvatlanmasligi natijasida ularning ijtimoiy-psixologik moslashuvi jarayoni juda past darajada ekanligini ko'rsatgan. Tabiiyki, bu holat xulqi og'ishning turli ko'rinishlarining shakllanishiga va rivojlanishiga sabab bo'lganligini ko'rishimiz mumkin.

O'zini-o'zi qabul qilish omilida ham boshqa barcha omillarda kuzatilganidek, o'rtacha arifmetik qiymat pastligini ko'rishimiz mumkin. Xususan, o'rtacha arifmetik qiymat 24,21 ni, yigitlarda esa 26,54 ni, tashkil etdi ($t = -2,124^*$, $p < 0,01$). Mazkur ko'rsatkichlar orqali ham o'smirlarda o'zidan qoniqmaslik, o'zini o'zi baholash tizimida past baholash kuzatilishini e'tirof etishimiz mumkin.

Hissiy qulaylik omili yuzasidan ham xuddi shunga o'xshash holatga duch keldik: qizlarda o'rtacha arifmetik qiymat 16,20 ni, yigitlarda esa 16,36 ni ($t = -2,506$, $p < 0,05$) tashkil etdi. Tabiiyki, bunday natijalardan jamiyatga va shaxslararo munosabatlarda diskomfort holati yuzaga kelganligi tufayli hissiy qoniqish darajasining pasayib ketishiga olib kelganligi sababli begonalashuv (marginal) bosqichida ekanligini ko'rsatadi.

Ichki nazorat omilida qizlarda o'rtacha arifmetik qiymat 28,42 ga, yigitlarda 19,52 ga ($t = -3,218$, $p < 0,001$) tengligi ma'lum bo'ldi. Yuqorida bir necha bor ta'kidlanganidek, moslashuv jarayoni deviant xulq-atvorli o'smirlarda o'ziga xos murakkabliklar va qiyinchiliklar bilan kechishi mazkur natijalarda ham o'z aksini topgan deb xulosaga kelish mumkin. Bunday o'smirlar hissiy holatlarda noqulaylik, bezovtalanish, xavotirlanish, agressiya kabi salbiy emtosional holatlar yuqoriroq ekanligi namoyon bo'ldi. Ichki nazorat ko'rsatkichlaridagi keskin tafovutlar ham, o'smirlarning jamiyatga moslashib ketish jarayonida ko'proq tashqaridagi insonlarga yo'nalganligi, boshqalar yordamiga suyanishga intilishidan dalolat beradi.

Hukmronlik istagi omili bo'yicha deviant xulq-atvorli qizlarda umumiy o'rtacha arifmetik qiymat 7,36 ballni va yigitlarda esa 9,01 ni ($t = -1,198$) tashkil etdi. Ushbu ko'rsatkichlar ikkala guruh respondentlari oilada ijrochi rolini bajarayotganliklarini bildiradi. "Eskapizm (muammolardan qochish)" shkalasi bo'yicha qizlarda o'rtacha arifmetik qiymat 14,49 ni va yigitlarda 11,13 ni ($t = -0,340$) tashkil etdi, bu holat o'smirlarda oiladagi va ta'lim muassasalardagi va tegdoshlari bilan bog'liq va boshqa munosabatlarda turli nizoli vaziyatlar kuzatilishi oqibatida muammolardan qochish tendensiyasi ustunlik qilishidan darak beradi.

Xulosa. Ijtimoiy-psixologik moslashuv jarayoni xususiyatlari asosan ijtimoiylashuv jarayonining turli jihatlarini bilan belgilanadi: "Insoniyatning insoniylashuvi" tajribasi, aniq ijtimoiy va etnik jamoalarning shakllanish tarixi bilan 12-15 yoshga yetgan zamonaviy o'smir muayyan jinsga mansub kishi, muayyan tarzda tashkil topgan jamiyatning faol a'zosi, aniq etnos vakili sifatida shakllangan. U ijtimoiy normalar va ijtimoiy talablarni o'zlashtirgan, jamiyatda mos ijtimoiy rolni o'ynashni o'zlashtirgan va u yoki bu tarzda ularga tegishli bo'ladi. Uning shaxsi, tuzilishi asosan shakllangan hisoblanadi va ijtimoiylashuv jarayoni tajribasini o'zida aks ettiradi. Yuqoridagi faktlardan ko'rinib turibdiki, deviant xulq-atvorli o'smirlar ijtimoiy

moslashuvi oddiy o‘smirlarga nisbatan qiyin kechishi, ular bilan ishlashda alohida dastur asosida psixologik korreksion va rivojlantiruvchi tadbirlarni amalga oshirishni taqozo qiladi.

Adabiyotlar:

1. Elov Z.S. O‘smirlarda suitsidga moyillik motivatsiyasini aniqlash va korreksiyalashning psixologik mexanizmlari. psix. fan. dok. ...diss. – Toshkent, 2023.
2. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. – Buxoro: “Durdona” nashriyoti, 2021. -B. 747.
3. Olimov L.Ya. Umumiy psixodiagnostika. Buxoro: “Durdona” nashriyoti, 2020. – B.103.
4. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. O‘quv qo‘llanma. – T. “Turon zamin ziyo” nashriyoti, 2020. – B. 820.
5. Olimov L.Ya., Nazarov A.M.. Xulqi o‘gishgan bolalar psixologiyasi. O‘quv qo‘llanma. “Tafakkur avlodi” nashriyoti. – Buxoro. 2020. -B. 490.
6. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. O‘smirlarda psixologik himoya mexanizmlarining namoyon bo‘lishining o‘ziga xosligi. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021yil, 4 son 103-112 b.
7. Олимов Л.Я., Махмудова З.М. Психологический механизмы девиантного поведения. Психология ХХИ века. Ярославл., 2020. –С. 125-127.
8. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. Stressli vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlari va koping xulq-atvor namoyon bo‘lishining ijtimoiy psixologik xususiyatlari. Psixologiya. Учредители: Бухарский государственный университет, 31-38.
9. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. Stressli vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlari va koping xulq-atvor namoyon bo‘lishining ijtimoiy psixologik xususiyatlari: stressli vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlari. // Psixologiya ilmiy jurnali. 2020-yil, 4 son 109-115 b.

Nazarova Zarnigor Raxmatjon qizi,

Toshkent tibbiyot akademiyasi Pedagogika, psixologiya va tillar kafedrasida o'qituvchisi

AYOLLARDAGI TUG'RUQDAN AVVALGI VA TUG'RUQDAN KEYINGI SHAXSLARARO MUNOSABATLARNING IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Mazkur maqola ayollarning tug'ruqdan avvalgi va tug'ruqdan keyingi ijtimoiy psixologik xususiyatlarini o'rganishga bag'ishlangan bo'lib, onalikka tayyorlanayotgan ayollarning psixologik holati, er-xotin munosabatlari, ona va bola o'rtasidagi sifatli aloqani ta'minlashning ijtimoiy-psixologik shart-sharoitlariga asosiy etibor qaratilgan. Onalik va bolalik muammolari eng muhim va jamiyat rivojlanishining asosiy strategiyalaridan biri ekanligi maqolada atroflicha tahlil va talqin etilgan.

Kalit so'zlar: ayollarda tug'ruqdan avvalgi stress, individual psixologik xususiyatlar, onalik muammosi, psixosotsial hodisa, shaxslararo munosabatlar, ijtimoiy-psixologik holatlar.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА МЕЖЛИЧНОСТНЫХ ОТНОШЕНИЙ У ЖЕНЩИН ДО И ПОСЛЕ РОДОВ

Аннотация. Данная статья посвящена изучению социально-психологических особенностей женщин до и после родов, психологического состояния женщин, готовящихся к материнству, супружеских отношений, социально-психологических аспектов обеспечения качественного общения между матерью и ребёнком. В статье подробно анализируется и поясняется, что проблемы материнства и детства являются важнейшими и одной из основных стратегий развития общества.

Ключевые слова: пренатальный стресс у женщин, индивидуально-психологические особенности, проблема материнства, психосоциальный феномен, межличностные отношения, социально-психологические состояния.

SOCIAL-PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF INTERPERSONAL RELATIONSHIPS IN WOMEN BEFORE AND AFTER CHILDBIRTH

Abstract. This article is devoted to the study of the social psychological characteristics of women before and after childbirth, the psychological state of women preparing for motherhood, marital relations, social-psychological aspects of ensuring quality communication between mother and child. The main focus is on the conditions. The article thoroughly analyzes and explains that the problems of motherhood and childhood are the most important and one of the main strategies of society's development.

Keywords: prenatal stress in women, individual psychological characteristics, motherhood problem, psychosocial phenomenon, interpersonal relations, socio-psychological conditions.

Kirish. Ayollarning tug'ruqdan avvalgi va tug'ruqdan keyingi ijtimoiy psixologik xususiyatlarini o'rganishning dolzarbligi bir qator muammolar bilan bog'liq. Bu muammolar qatoriga ayrim misollar keltiramiz, jumladan, onalikka tayyorlanayotgan ayollarning ijtimoiy holati, er-xotin munosabatlari, ona va bola o'rtasidagi sifatli aloqani ta'minlash shular jumlasidandir. Onalik va bolalik muammolari eng muhim va jamiyat rivojlanishining asosiy strategiyalaridan biri bo'lgan va bo'lib qolmoqda. Shunday qilib, bola tug'ilishidan oldin va undan keyin ayolning ijtimoiy psixologik xususiyatlarida muammolarning mavjudligini o'zi emas, balki uni hal qilishning dolzarb yondashuvlariga bog'liqdir. Bizning ishimizda bola tug'ilishidan oldin va keyin ayolning shaxslararo munosabatlarda ijtimoiy psixologik xususiyatlarini o'rganishga harakat qilindi. Ko'plab nazariy va amaliy tadqiqotlar onalik muammosiga bag'ishlangan bo'lib, unda ayolning onasining roli bilan qoniqishi o'rganiladi.

Oila – inson hayoti davomida hamroh bo'ladigan eng muhim ijtimoiy institutdir. Oilani o'rganishda juda ko'p turli xil yondashuvlar, uning ahamiyatini, shaxsga ta'sirini, uning ko'p qirraliligi va muammoligini belgilaydi. Yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev ta'kidlaganidek, "Yer yuzidagi qaysi bir jamiyatning madaniy darajasi uning ayollarga bo'lgan munosabati bilan belgilanadi" shunday ekan, xotin-qizlarga bugungi kunda berilayotgan e'tibor, ularning jismoniy salomatligi bilan bir qatorda ruhiy salomatligiga ham jiddiy e'tibor qaratishni taqozo qilmoqda. "Ayollarda farzand ko'rgandan so'ng shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy psixologik xususiyatlari"ni o'rganishning ahamiyatli tomoni shundaki, ayollarning ruhiy salomatligini saqlash, oilalarda tinchlik va xotirjamlikni ta'minlashda ayollardagi depressiv holatlarini bartaraf etish,

ayollarning oilada o‘z rollaridan qoniqish his qilishlarini ta‘minlash, ayollarga nisbatan oila a‘zolarining e‘tibor va g‘amxo‘rligini kuchaytirish, hamda farzand ko‘rgan ayollar bilan farzandsiz ayollarning o‘ziga bo‘lgan bahosi va shaxslararo munosabatlarga qanday kirishadi bularning barchasi solishtiriladi va o‘rganiladi. Ayollarning o‘ziga yarasha muammolari, orzu va istaklari mavjud. Ko‘pincha ular o‘z muammolarini ochiqchasiga ayta olmay, stress va ruhan tushkunlikka tushib qoladilar. Ularning psixologik muammolarini bartaraf etish esa oilada tinchlik-xotirjamlikni saqlash bilan bir qatorda, ayollarning ruhan salomatligiga ham erishishlari uchun mustahkam poydevor bo‘ladi. So‘nggi yillarda psixoterapiyada yangi – Sindrom atamasi paydo bo‘ldi. Mazkur sindrom nevroitik tushkunlikka asoslangan bo‘lib, mazkur holatda – doimiy kayfiyatsizlik, o‘ziga ishonchning pastligi, o‘zidan qoniqmaslik hissi, oilaviy rolining ahamiyatsizligi hissi kabilar kuzatiladi.

K.Xorni fikriga ko‘ra, gender sotsializatsiyasi oqibatlarini ayollarning ijtimoiylashuvi muammolarini yuzaga chiqaradi. Bu esa ularda muvaffaqiyatsizlikdan qo‘rqish, ijtimoiy rad etilishdan qo‘rqish, o‘ziga bo‘lgan ishonchning yo‘qolishi, qat‘iyatsizliklarni keltirib chiqarib, ayollarning aqliy rivojlanishlari hamda oilaviy munosabatlarga o‘z ta‘sirini ko‘rsatadi. Redbook oilaviy jurnalida “Nega yosh onalar o‘zlarini tuzoqqa tushib qolgandek his qilmoqdalar” kitobi yaratildi. Mazkur kitob uchun o‘quvchilar o‘zlarining hayotiy hikoyachalarini yuborishlari so‘raldi va 20000 dan ortiq javob olindi. Mazkur xatlarga asoslanib, Redbook tomonidan “Nega yosh onalar o‘zlarini tuzoqqa tushib qolgandek his qilmoqdalar” nomli hujjatli film olindi. Tekshiruvlar natijasida shu ma‘lum bo‘ldiki, uyda qolgan onalar depressiya, qayg‘u, tushkunlik va xavotirlanish kabillardan azob chekish ehtimoli o‘tkazilgan 60000 onaning so‘rovnomalardan yuqori ekanligi tadqiq qilingan. Yosh onalarda vujudga kelishi mumkin bo‘lgan mazkur sindrom hamda depressiyaning asosiy sabablariga quyidagilar kiradi:

1. Ayollarning – tug‘ruqdan keyingi psixoz yoki tug‘ruqdan keyingi depressiya ko‘rinishida ham yuzaga chiqishi mumkin. Albatta mazkur holat tug‘ruqdan keyingi nerv siqilishlari hamda organizmda magniy miqdorining tushib ketishi bilan ham bog‘liq bo‘lishi mumkin. Magniy – stressga qarshi asosiy modda bo‘lib, nerv impulslarining tarqalishida faol o‘rin egallaydi. Mazkur modda tanqisligi bilan bog‘liq holatda – tushkun kayfiyat, jahldorlik, qo‘llarning qaltirashi, suyaklarning qaqshashi, tomoqda tiqilishni his qilish, uyquning buzilishi, charchoq kabi belgilar kuzatiladi. Bunday holatda organizm uchun magniy, omega-3 yog‘ kislotalari va serotanin kabi moddalar miya uchun juda muhim. Chunki past ko‘rsatkichli serotanin oqibatida depressiya va boshqa turli ruhiy kasalliklar kelib chiqish ehtimoli yuqori bo‘lishi mumkin.

2. “Perfeksionizm” yoki “a‘lochilik kompleks” – barcha vazifalarni mukammal bajarish istagi. Ko‘pincha, bunday ayollar har bir narsada muvaffaqiyatga erishmoqchi bo‘ladilar, ya‘ni, ishda, uyda, bolalarni tarbiyalashda va eri bilan munosabatlarda. Agar to‘satdan ba‘zi qiyinchiliklar vujudga kelsa, mazkur holat ularda o‘z-o‘zini ayblashga sabab bo‘ladi. Hattoki, farzandidagi kichik bir kamchiligi uchun ham o‘zini ayblaydi;

3. Keskin o‘zgarishlar. Ma‘lumki, ishlovchi ayollar tug‘ruqdan oldin faol hayot tarziga moslashgan bo‘ladilar. Tug‘ruq ta‘tiliga chiqqach esa ular keskin ona rolga o‘tadilar. Moslashuv bilan bog‘liq muammo ruhiy tushkunlikka sabab bo‘lishi bilan bir qatorda, uning erkinligini ham cheklashi mumkin. Mazkur holatda moliyaviy masala ham muhim o‘rin tutadi. Bundan oldin ayol o‘zini moddiy ta‘minlash uchun maoshidan sarflagan bo‘lsa, endi moddiy rag‘bat uchun qaramlik vujudga keladi. Sevimli kasbi va mashg‘ulotidan ba‘zan butunlay voz kechishiga ham sabablar bo‘lishi mumkin.


4. Onalik mehri. Oilada farzand dunyoga kelishi bilan uning kelajagi uchun ota-onalardan katta mas‘uliyat talab etiladi. Bolalar tarbiyasiga buvi va dodalarning aralashuvlari, ota-onalarni uquvsizlikda ayblash kabilar ko‘pincha tajribasiz oilalarda kuzatilib turadi. Agar ota-onalarning o‘zlari yoshlikdan psixologik travma bilan katta bo‘lgan bo‘lsalar, farzandlarining ruhiyatiga jiddiy e‘tibor qaratadilar va ko‘pincha o‘zlarini ko‘p narsalardan cheklay boshlaydilar.

Ushbu sindrom ko‘pincha yosh onalarda kuzatiladi. Ularni ko‘pchilik ayollar orasidan – kayfiyatsiz qarashlar, yuzda tabassumning aks etmasligi, yelkalarining biroz pastlagani bilan ham ajratib olish mumkin. Balki u o‘zicha hayotdan mamnundek o‘zini tutishi mumkin, lekin aslida qalban mukammal turmush sharoitidan yiroq. U o‘zini ko‘pincha salbiy baholashni boshlaydi. U rivojlanishni, uyidan chiqib ketishni, turmush o‘rtog‘i bilan suhbatlashishni va o‘zining his-tuyg‘ulari bilan dardlashishni istaydi. Biroq uning istaklari, xohishlari, afsuski, doim ham samara bermaydi. Muloqotga bo‘lgan ehtiyojning qondirilmaligi uning o‘ziga bo‘lgan bahosini pasayishiga sabab bo‘ladi. Hatto o‘z dardlari haqida boshqalarga aytsa ham, uning hayoti me‘yorda ketayotgani, u bilan barchasi joyida ekanligini aytib uni yupatadilar. Psixologiya fanida onalik muammosi, onalik shaxsiyatining qanday o‘zgarishi va tug‘ruqdan keyingi holati uzoq yillar davomida o‘rganilib kelinmoqda. Ushbu tadqiqot doirasida onaning psixologik xususiyatlarini o‘rganish yani tug‘ruqdan keyingi ruxiy holati va shuning bilan birgalikda onalarga bola bilan muomala qilish san‘ati,

onalik roli, bolaning qiziqishlarini qo‘llab quvvatlash va uning sog‘ligiga katta ahamiyat berish ko‘rsatilib o‘tilgan. Barcha tadqiqotlar shuni ko‘rsatadiki, tug‘ruq davri ayollarning hayotida katta o‘tish davri hisoblanadi va u ayollarning psixologik holatiga o‘z ta‘sirini o‘tkazadi. Yuqorida keltirilgan barcha mulohazalar shuni ko‘rsatadiki, onalarga psixologik yordam, ona va bolaning o‘rtasidagi muomala madaniyatida onalarga motivatsiya berishda psixologiyaning o‘rni katta ekanligini ko‘rsatmoqda.

Muhtaram Yurtboshimiz Sh.M.Mirziyoyev ta‘kidlaganidek, “Ayolni e‘zozlash, ayolga ehtirom ko‘rsatish xalqimizga xos oliyanob qadriyat hisoblanadi. Biz barchamiz qanday kasb, qanday lavozimda ishlamaylik, qalbimiz, yuragimizdagi jamiki ezgu fazilatlar uchun, siz mehribon ayollardan umrbod qarzdormiz. Ayollar hayotdan rozi bo‘lib yashashi uchun sidqidildan xizmat qilishga tayyormiz. Yer yuzidagi qaysi bir jamiyatning madaniy darajasi uning ayollarga bo‘lgan munosabati bilan belgilanadi”, shunday ekan, xotin-qizlarga bugungi kunda berilayotgan e‘tibor, ularning jismoniy salomatligi bilan bir qatorda ruhiy salomatligiga ham jiddiy e‘tibor qaratishni taqozo qilmoqda.

Asosiy qism. Ayollarda farzand ko‘rgandan so‘ng shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarini diagnostikasi va birlamchi tahlili. Tadqiqotimizning maqsadi va vazifalaridan kelib chiqqan holda biz 108 nafar sinaluvchilardan 76 nafari (70 %) farzandli va 32 nafari (30%) farzandsiz sinaluvchilar tadqiqotimiz obyekti sifatida ishtirok etishdi (1-rasm)



1- rasm. Ayollarning guruh taqsimoti

Tadqiqotimizning maqsad va vazifalaridan kelib chiqqan holda biz Mann Uitni U-mezoni bo‘yicha ayollar o‘rtasida guruhiy tahlil o‘tkazdik. Unda ayollarning farzandlilar va hali farzand ko‘rmagan ayol sinaluvchilar ishtirok etdilar. Natijalarimiz esa qo‘yidagicha aniqlandi va jadvalda aks etdi (1-jadval).

Mann Uitni U-mezoni bo‘yicha K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasi va Ch.D. Spilberger, Yu.L. Xaninning o‘z-o‘zini baholash diagnostikasi metodikasi ko‘rsatkichlar tahlili.

Mann Uitni U-mezoni bo‘yicha natijalarimizdan ko‘rinib turibdiki, K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasining affektiv tip shkalasi guruhlar o‘rtasida ahamiyatli tafovutlar ($U=-2,417$; $p<0,05$) kuzatildi. Ushbu turdagi shaxslar yuqori aloqa, suhbatdoshliklari va shaxslararo munosabatlarga moyilliklari bilan ajralib turadi. Bu tipdagi ayollar tez-tez bahslashadilar, o‘zlarini fikrlarini uqtiradilar lekin ochiq nizolarga olib kelmaydilar. Ayollar shaxslararo munosabatlardagi nizolarda ular ham faol, ham passiv tomon bo‘lishi mumkin. Ular qarindoshlari va do‘stlarini qadrlashadi, ularga juda bog‘langan va ularga e‘tiborlidirlar. Ular mehribon, altruistik xususiyat ularda ustunlik qilib, samimiy his-tuyg‘ularni namoyon etishga qodirlar. Natijalarimizdan affektiv tipiga xos xususiyatlar farzand ko‘rmagan ayollarda ustunlik qilishi aniqlandi. Ular hali farzand ko‘rmaganliklari uchun ham ularda altristik xususiyat ustunlik qilishi shu bilan birga ularning salbiy xususiyatlari: bir lahzalik kayfiyatga rioya qilish, xavotirlikdir. Bu tip ayollarining salbiy tomoni "umidsizlikka tayyorlik" deb atash mumkin. Ulardagi bu xavotir farzand ko‘rish bilan bog‘liqdir. Ular turmush qurganlariga bir necha yillar o‘tgan sari ularda har bir holatni fojiali qayg‘uli tarzda qabul qiladilar va natijada ular nevroitik depressiyaga moyil bo‘ladilar.

Ushbu mezon bo‘yicha vaziyatli xavotir turi farzandsiz va farzandli ayollar o‘rtasida ahamiyatli tafovutlar ($U=-2,273$; $p<0,05$) kuzatildi. Xavotirlik hissiy noqulaylik tajribasini va yaqinlashib kelayotgan xavfni oldindan ko‘rishni aks ettiruvchi individual psixologik xususiyatdir. Xavotirning sababi bo‘lib tarbiya va hayot jarayonida shakllanadigan ichki shaxsiy ziddiyat bo‘lishi mumkin. Ayollardagi ushbu xavotir turi aynan farzandsizlarda yuqori ekanligi aniqlandi. Vaziyatli xavotir shaxsning muayyan vaqtdagi holati bilan

tavsiflanadi va "hayotiy" yoki ijtimoiy tahdidni keltirib chiqaradigan tashqi omillar bilan bog'liq. Bunday xavotir subyekt tomonidan stressli deb hisoblangan vaziyatlarning o'zgarishiga javobdir. Xavotir yo'qolib shaxslararo va oiladagi muammoli vaziyatlar barham topganda, shaxsning holati normal holatga qaytadi. Ushbu xavotir turini barcha insonlarda jumladan ayollarda turli sabablarga ko'ra yuzaga kelishi mumkin: og'ir siyosiy va iqtisodiy vaziyat, tabiiy ofatlar, salbiy yangiliklar, oiladagi va ishdagi muammolar, yomon tajribalar, qo'rquvlar. Ayollarda bu xavotir aynan farzandli bo'lish va shu vaziyatga tegishli muammolarda shaxslararo munosabatlarda farzand mavzusi ko'tarilganda yuzaga kelishi kuzatilgan. Fiziologik darajada vaziyatli xavotir yurak urish tezligining oshishi, nafas olishning kuchayishi, qon bosimining oshishi, sezgirlik chegarasining pasayishi va og'ir hayotiy vaziyatni o'zgartirish istagi sifatida umumiy qo'zg'aluvchanlikning oshishi bilan namoyon bo'ladi.

Keyingi tahlillarimizda Kruskoll Uollis N-mezoni bo'yicha yosh tahlilida amalga oshirdik. Ayollarning yoshini 3 guruhga taqsimlab oldik. Bunda 19-23 yoshgacha bo'lgan ayollar, 24-29 yoshgacha bo'lgan ayollar, 30-36 yoshgacha bo'lgan ayollar ishtirok etdilar hamda natijalarimizda ahamiyatli farqlar kuzatildi (1-jadval)

1-jadval.

Kruskoll Uollis ayollarning yosh guruhlarida o'rtasidagi ko'rsatkichlar taqsimoti

Ko'rsatkichlar	19-23 N=34	24-29 N=49	30-36 N=25	H	P
Qoloq	53,03	56,60	52,38	0,424	0,809
Pedantik	55,46	55,32	51,60	0,289	0,865
Qo'zg'aluvchan	63,99	50,14	50,14	4,695	0,096
Gipertim	63,54	45,72	59,40	7,630	0,022*
Distim	42,44	61,73	56,72	8,170	0,017*
Xavotirli	54,78	56,48	50,24	0,705	0,703
Affektiv	59,44	53,92	48,92	1,785	0,410
Emotiv	60,65	49,05	56,82	3,141	0,208
Siklotim	58,81	53,55	50,50	1,153	0,562
Vaziyatli Xavotir	51,34	57,35	53,22	0,795	0,672

Tadqiqotimiz sinaluvchilarning yosh taqsimoti bo'yicha olingan natijalarimiz tahlilida Kruskoll-Uollis N-mezoni bo'yicha gipertim shkalasi bo'yicha ahamiyatli farqlar ($N=7,630$; $p<0,05$) kuzatildi. Tadqiqotimizda aniqlanishicha gipertim tipi 19-23 yosh oralig'idagi ayollarda yuqoriligi ularni bu yoshda shaxslararo munosabatlarga ehtiyoji balandligi chunki ular yangi oila qurgan va oilaga moslashish jarayonida muloqotga ma'lumot almashishga, oilalaridagi turli vaziyatlarni o'zlarini yaqinlari tengdoshlari va maxalladagi oilali ayollar bilan almashishga hamda taqqoslashga harakat qiladilar. Ushbu yosh oralig'ida aksariyat ayollar farzandli bo'ladilar va farzand katta qilish yuzasidan tajriba almashinuv hamda xali bir necha nafar farzandli bo'lmaganlari tufayli ular shaxslararo munosabatlarga kirishishga ko'proq ehtiyoj sezadilar. Gipertim tipi har doim hayotga optimistik qaraydi, qayg'uni juda qiyinchiliksiz engadi, umuman olganda, ular uchun dunyoda yashash qiyin emas. Faoliyatga bo'lgan chanqoqlik tufayli, bu tur osongina ishlab chiqarishda muvaffaqiyatiga erishadilar. Gipertim shaxslar ajoyib suhbatdoshlar bo'lib, ular doimo diqqat markazida bo'lib, barchani qiziqtiradilar. Ular cheksiz gapirishga qodir ayollar sanaladilar. Bunday ayollar hech ham zerikmaydilar, ular bilan qiziq, ular nutqni hazillar bilan etkazib beradilar bu tip ayollari va hech qachon bir mavzuda uzoq vaqt o'tirmaydilar, doimo mavzuni o'zgartirib suhbatdoshlarini ham zeriktirmaydilar. Bu tip shkalasi bo'yicha keyingi ko'rsatkich 30-36 yoshli ayollarda ustunlik qilganini ko'rishimiz mumkin. Bu yoshda ayollar aksariyatlarini farzandli bo'lib ularni katta qilib yosh onalarga va kelinlarga o'zlarini tajribalari yuzasidan maslahatlar berdilar. Shaxslararo munosabatlarga suhbat qurishga vaqt topadilar. Ushbu yosh yetuklik davrining birinchi bosqichi bo'lib, unda oila, mehnat faoliyati, norasmiy ulfatlar tanlab bo'lingan va ozmi ko'pmi hayot tajribasiga ega ayollardir. Ular o'z oilalariga to'liq moslashib bo'lgan va oiladagi statuslarini to'liq egallagan bo'ladilar.

Gipertim tipida 24-29 yoshli ayollar past ko'rsatkichni aks ettirgan bo'lib, ularning bu yoshlarida farzandli bo'lish ularni katta qilish hamda uy vazifalariga ulgurish bir vaqtning o'zida bir necha vazifalarni bajarishi kerakligi ulardagi muloqotga va shaxslararo munosabatlarga bo'lgan ehtiyojni qondirishga moyilligi pastroq.

Distim shkalasi bo'yicha ($N=8,170$; $p<0,05$) ayollarning yosh taqsimotlarida ahamiyatli farqlar aniqlandi. Bu tip shkalasi bo'yicha yuqori ko'rsatkich 24-29 yoshli ayollarda aks etdi. Bu tip ayollarida ko'pincha past kayfiyat, jimlik, pessimistik odamlarga xosdir xatti-harakatlarni amalga oshiradilar, ba'zida ma'lum bir vaziyatlarga befarq munosabatda bo'ladi. Bu tip ayollarida juda chuqur hayratda qoldiradigan

voqealar uni reaktiv depressiya holatiga olib kelishi mumkin. Distim tip shaxslarda faoliyatni rag'batlantirish zaiflashadi, fikr sekin ishlaydi. Distim tip ayollari va shaxslar mas'uliyatli, ular ishga jiddiy munosabatda bo'lishadi, lekin faollik yetishmasligi doimo o'z hayotlarini qoniqish hissini his qiladigan tarzda tashkil etishga to'sqinlik qiladi. Ularning bu yoshida oiladagi bir qancha shaxslararo munosabatlardagi muammolari va oila qurgandagi staj kamligi ularda shu tip xususiyatlarida ko'rinadi. Kamdan-kam hollarda mojarolarga kiradi, ko'pincha ularda passiv tomon bo'ladi. Bunday ayollar o'zlarining eng yaqinlarini va ular bilan do'st bo'lgan va unga bo'ysunishga moyil bo'lganlarni qadrlaydilar. Distim shkalasi bo'yicha o'rtacha ko'rsatkichni 30-36 yoshdagi ayollarda ko'rishimiz mumkin. Ular yuqorida izohlaganimizdek ijtimoiylashuv jarayonida ancha hayotiy va psixologik tajribaga ega ayollar bo'lgani sababli, ular atrofdagi insonlarga ularni qabul qilishlariga qarab distim tip xususiyatlarini tanlaydilar. Past ko'rsatkich 19-23 yoshdagi ayollarda ma'lum bo'ldi, chunki bu yoshdagi ayollar muloqotga, ma'lumot almashishga, shaxslararo munosabatlarga, yangi davralarga ehtiyojlari baland yoshda ekanligi uchun ham distim shkalasi ularda past ko'rsatkichni aks ettirdi. Keyingi tahlillarimizda Kruskoll Uollis N-mezoni bo'yicha farzandli va farzandsiz ayollar guruhlarida tahlilni amalga oshirdik.

Ayollarda farzand ko'rgandan so'ng shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarining korrelyatsion tahlili

K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasi va Ch.D. Spilberger, Yu.L. Xaninning o'z-o'zini baholash diagnostikasi metodikalarining o'zaro bog'liqlik qonuniyatlarini aniqlab ulardagi bog'liqlik tomonlarini tahlil qilib chiqamiz.

Bu korrelyatsion tahlilni amalga oshirish uchun biz yuqorida asoslab berilgan noparametrik mezonlardan foydalangan holda, Spirmen mezonini asosida amalga oshirdik.

2--jadval.

K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasi va Ch.D. Spilberger, Yu.L. Xaninning o'z-o'zini baholash diagnostikasi metodikalarining korrelyatsion tahlili

	namoyishkor	Qoloq	Pedantik	Qo'zg'aluvchan	Gipertim	Distim	Xavotirli	Affektiv	Emotiv	Siklotim	Vaziyatli xavotir	Shaxsiy xavotir
Namoyishkor	1	,144	,116	,027	,261**	-,158	-,170	,086	,035	,177	-,172	-,060
Qoloq			,046	-,038	-,085	,176	,005	-,189*	,014	,100	-,181	-,001
Pedantik			1	,140	-,007	,122	,089	,016	-,052	,184	,121	-,062
Qo'zg'aluvchan				1	-,016	,053	,046	,248**	,155	,280**	,207*	,065
Gipertim					1	-,259**	-,122	,096	,003	,119	-,083	-,118
Distim						1	,115	-,068	-,116	,098	,092	,167
Xavotirli							1	-,070	,223*	,078	-,120	,027
Affektiv								1	,106	,124	,104	,105
Emotiv									1	,035	,076	,128
Siklotim										1	,073	,043
Vaziyatli Xavotir											1	,192*
Shaxsiy xavotir												1

Natijalarning tahliliga ko'ra, bir qator shkalalarda bog'liqlik qonuniyatlarini ko'rishimiz mumkin. K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasining vaziyatli xavotir va qo'zg'aluvchan tiplar o'rtasida o'zaro musbat aloqadorlik ($r=0,207$; $r<0,01$) namoyon bo'ldi. Natijalarimiz tahlildan ma'lum bo'ldiki, ayollardagi biron bir vaziyat taqozosi bilan vujudga keladigan xavotirlanish umumiy jihatda qo'zg'aluvchan tip bilan birga sodir bo'ladi. Ular kichkina muammolarda ham nizoga janjalga moyil bo'ladilar. Xavotir holat sifatida barchamizga xosdir va bu tananing tahdidli yoki stressli ta'sirga fiziologik (normal) javobimizdir. Insonning hissiy, intellektual va irodaviy resurslarini safarbar qilish uchun ma'lum darajadagi xavotir zarur. Xavotir darajasi insonning individual xususiyatlariga qarab har bir shaxs uchun farq qiladi. Odatda, xavotir belgilari yaxshi nazorat qilinadi va shuning uchun tezda hal qilinadi. Ayollarda esa asab tizimining harakatchanlik darajasi, qo'zg'alish jarayoni qanchalik yuqori bo'lsa, shu jumladan xavotir bilan bog'liq qo'zg'alish tezroq sodir bo'ladi. Korrelyatsion tahlil natijalarimizda ma'lum bo'lishicha gipertim va distim tiplari o'zaro manfiy ($r=-0,259$; $r<0,01$) aloqadorlikka ega.

Bu ikkala bir-biriga teskari tiplar xususiyatlari bir birini inkor etadi. Gipertim ayollar mehribon, sezgir hazil-mutoyibalarga moyilligi bilan ajralib turadi. Ular erkinlikning cheklanishiga toqat qilmaydi, chunki ular doimo hamisha bahoriy kayfiyatda yuradilar. Tanqidni yaxshi qabul qilmaydi. Gipertim tip ayollari shaxslararo munosabatlarga yaxshi kirishadigan oilaga ham yangi davralarga ham oilada yuzaga keladigan qiyinchiliklarga tez moslasha oladilar. Ayollar bu tipga xos xususiyatlarida muvaffaqiyatsizliklarni boshdan kechirishganda ham, lekin ular uni bezovta qilmaydi. Ular o'zlarini ko'proq sevadilar o'zlariga ko'p hollarda erkinlikni o'zlarini sevishni hadya etadilar. Qoidalar va majburiyatlarga yengil munosabatda bo'lganlari uchun ham ularni tezda bartaraf etadilar. Ushbu tipga xos ayollar yangi kompaniyalarni qidiradi, notanish jamiyatga osongina moslashadi. Oilada, jamoat joylarida va guruhda yetakchi bo'lishga intiladi.

Distim tip ayollari va shaxslar esa doimiy past kayfiyatda, aqliy va motor harakatlarini analiz qilishda namoyon bo'ladi. Jamiyatda bunday ayollar deyarli suhbatda qatnashmaydilar, faqat vaqti-vaqti bilan uzoq pauzalardan so'ng sharhlar kiritadilar. Ularda qo'rquqlik va qat'iyatsizlik oilada va jamolarda yaqqol ko'zga tashlanadi. Pessimizm passivlik, inersiya, yaqinlarini qo'llab-quvvatlash istagi yo'qligi boshqalar bilan xursand bo'lish qobiliyatining pastligi hamda amaliy ko'nikmalar, jismoniy epchillik yo'qligi gipertim tipiga xos emasligida ko'rinib turadi. Ushbu tiplarning birini yuqori bo'lishi ikkinchisining past ko'rsatkichda namoyon bo'lishiga olib keladi.

Emotiv tip bilan xavotirli tiplar o'rtasida o'zaro musbat ($r=0,223$; $r<0,05$) aloqadorlik aniqlandi. Emotiv tipga mansub ayollar emotsional reaksiyalarning nozikligi, idrok, sezgirlik, xavotir hamda nozik hislar sohasidagi chuqur reaksiyalar bilan ajralib turadi. Eng aniq xususiyat - insonparvarlik, boshqa odamlar yoki hayvonlarga hamdardlik, sezgirlik, mehribonlik. Ularda ayollik, onalik, kelinlik burch hissi, mehnatsevarlik bilan ajralib turadi. Xavotirli tip esa doimo xavotir hissi, ichki taranglik bilan har bir narsa va hodisalarga hissiy emotsional javob berish orqali ajralib turadilar. Bu tip o'z harakatlari va fikrlarining to'g'riligiga doimiy shubha bilan qarashlari, o'zlarini xatti-xarakterini to'g'ri bajarayotganliklariga hissiy qarash bilan tavsiflanadi. Shaxslararo munosabatlarda unchalik ham faol emaslar. Ularda burch, mas'uliyat hissi, yuksak ma'naviy-axloqiy talablar mavjud. Ta'sirchanlik, sezgirlik, uyatchanlik, bu turdagi ayollarga xosdir. Ulardagi ichki xavotir tufayli o'zlari xohlagan kishilar bilan yaqinlashishga to'sqinlik qiladi.

Ayollardagi vaziyatli xavotir va shaxsiy xavotir o'zaro musbat aloqada bo'lib ($r=0,192$; $r<0,05$) farzandli bo'lgan ayollarda ushbu ikki xavotir turi ulardagi oilalardagi vaziyatlar ichki er-xotin o'rtasidagi munosabatlardagi, farzandlari o'rtasidagi, qaynona va kelin o'rtasidagi munosabatlardagi muammolar hamda nizolarda to'qnash keladi. Ayollarda doimiy qo'rquv va xavotir holati odatda ma'lum bir qiyin hayot davrida - ishini yo'qotish, moliyaviy qiyinchiliklar, bola tug'ilgandan keyin va boshqa sharoitlarda sodir bo'ladi. Odatda, bemorlar qo'rquvni engishadi, tinchlanishadi va dam chiqish yo'lini izlaydilar. Biroq, ba'zi hollarda, xavotir hayotning doimiy hamrohi bo'lishi mumkin va ortib borayotgan xavotir uyqusizlik va bir qator somatik kasalliklarga olib keladi.

Bu esa ko'pincha ayollarda kuzatiladi. Buning sababi shundaki, ayollar, erkaklardan farqli o'laroq, ko'pincha mantiqdan ko'ra his-tuyg'ular bilan boshqariladi, bundan tashqari, ular gormonal o'zgarishlarga duchor bo'lishadi. Ular ko'proq xavotirlanishadi va ushbu xavotir uchun juda ko'p sabablar mavjud - bolalar va ularning kelajagi, martaba, oilaviy munosabatlar, sog'liq, tashqi ko'rinish tug'ruqdan so'ng o'zlaridagi tashqi ko'rinishdan qoniqmaslik va umr bo'yi shu ko'rinishda qolishdan xavotirga tushish natijada erlarini yo'qotib qo'yishdan xavotirlanish va boshqalar. Xavotirlanish rivojlanishiga ijtimoiy rollardan birining - ona, xotin, uy bekasi, kelin rollaridagi vazifalarning bajarilmasligi ta'sir qilishi mumkin.

Doimiy tashvish surunkali holatga aylanib, nafaqat ayolning o'zi, balki uning yaqinlari uchun ham hayot sifatini pasayishiga olib kelishi mumkin. Xavotirda ayollardagi buzilishining odatiy belgilari asabiylashish, uyqu buzilishi va diqqatni jamlashda qiyinligidadir. Xavotirning eng keng tarqalgan namoyon bo'lishi keskinlik, shubha va qo'rquvdir. Xavotir farzandsiz ayollarda farzandli ayollarga qaraganda ancha kuchli chuqur depressiv holatda yuz beradi.

Xulosa. Psixologiya fanida farzand ko'rgan ayollarda shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlari muammosining nazariy asoslarini ko'rib chiqish quyidagi xulosalarni chiqarishga imkon beradi: O'rganilayotgan muammo bo'yicha ilmiy adabiyotlar tahlili farzand ko'rgandan so'ng ayollarda oilaviy hayot bilan bog'liq bo'lgan masalalarni o'rganishning yuqori darajada dolzarbligini ko'rsatdi, shuningdek, er-xotin hamkorligi, oilaviy muloqot jarayoni, ijtimoiy-psixologik adaptatsiya hozirgi zamon ijtimoiy psixologiyasining asosiy muammolaridan biri sifatida maydonga chiqadi. Ayollarning ham o'ziga yarasha muammolari, qiziqish va istaklari mavjud. Ko'pincha ular o'z muammolarini ochiqchasiga ayta olmay, stress va ruhan tushkunlikka tushib qoladilar. Ularning muammolarini bartaraf etish esa oilada tinchlik-hotirjamlikni saqlash bilan bir qatorda, ayollarning ruhan salomatligiga ham erishishlari uchun ustuvor yo'nalish bo'ladi.

Shunday qilib, onalik holati obyektiv parametrlar va subyektiv jihatlar nuqtayi nazaridan ham ko'rib chiqiladi. Ijtimoiy vaziyat ijtimoiy o'ziga xoslik parametrlari bilan o'zaro bog'liqdir. Homiladorlik paytida va tug'ruqdan keyingi davrda ayolning ijtimoiy o'ziga xos xususiyatining ijtimoiy-rol tarkibiy qismini onalik holati belgilaydi, bu esa o'z navbatida bolaning qadr-qimmatini va ijtimoiy identifikatsiyaning tuzilishini belgilaydi. Ilk farzand ko'rgan ayollarda shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarining empirik tahlili natijalari bo'yicha affektiv tip va vaziyat xavotiri shkalalari tahlilida guruhlar o'rtasida ahamiyatli tafovutlar kuzatildi. Farzandli va farzandsiz ayollar guruhi tahlil qilindi va affektiv hamda vaziyatli xavotir shkalasi ko'rsatkichlari farzandsiz ayollarda yuqoriligi aniqlandi.

Ayollarning yosh guruhlari o'rtasida ham ahamiyatli tafovutlar kuzatildi. Bunda gipertim shkalasi bo'yicha 19-23 yoshdagi ayollarda yuqori ko'rsatkich, 30-36 yoshdagi ayollarda o'rta ko'rsatkich va 24-29 yoshdagi ayollarda past ko'rsatkichlar aniqlandi va izohlandi.

Xarakter aksentuatsiyasi shkalasidagi distim tip shkalasi 24-29 yoshdagi ayollarda yuqori ko'rsatkichni, 30-36 yoshdagi ayollarda o'rta ko'rsatkich va 19-23 yoshdagi ayollarda past ko'rsatkichlar aniqlandi. Ayollarda farzand ko'rgandan so'ng shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy-psixologik xususiyatlarining empirik tahlili natijalari bo'yicha affektiv tip va vaziyat xavotiri shkalalari tahlilida guruhlar o'rtasida ahamiyatli tafovutlar kuzatildi. Farzandli va farzandsiz ayollar guruhi tahlil qilindi va affektiv hamda vaziyatli xavotir shkalasi ko'rsatkichlari farzandsiz ayollarda yuqoriligi aniqlandi.

Korrelyatsion tahlil natijalariga ko'ra K.Leongardning shaxsdagi xarakter aksentuatsiyasini turlarini tashxislash metodikasi va Ch.D. Spilberger, Yu.L. Xaninning o'z-o'zini baholash diagnostikasi metodikasi ko'rsatkichlari hamda shkalalari o'rtasidagi o'zaro bog'liqliklar tahlil qilindi va ilmiy faraz tasdiqlandi.

Adabiyotlar:

1. Андреева Г.М. Социальная психология / Г.М. Андреева. - М.: Аспект Пресс, 2007. - 363 с.
2. Анохин А.А. Психопрофилактическая подготовка беременных к родам / А.А. Анохин // Медицинская помощь. 1996. № 5. - С. 26-28.
3. Коваленко Н.П. Психопрофилактика и психокоррекция женщины в период беременности и родов (Медико-социальные проблемы): дис. ... д-ра психол. Наук: 19.00.04 / Коваленко Наталья Петровна. - Санкт-Петербург, - 2002. - 492с.
4. Хорни К. Женская психология: пер. с англ - СПб. : Восточно-Европейский институт психоанализа, 1993. - 222 с. - (Шедевры мировой науки: Т.1; Библиотека психоаналитической литературы).
5. Абдурасулова Т.Д., Лиминова О.В. Ефимова Н.В. Индивидуально-психологические особенности неработающих женщин // Семейная психология и семейная терапия. - 2006.-№2.-С.114-126.
6. Баз Л.Л. Исследование и восприятие психологической поддержки беременными женщинами / Л.Л. Баз, О.В. Баженова // Психологический журнал. 1994. Т. 15. №1.- 137 с.
7. Филиппова Г.Г. Динамика психологического состояния женщин во время беременности и после родов Вопросы психологии, 2002, №1.
8. Нарметова, Ю.К., & Махкамова, Н.М. (2022). Ҳомилаларда аёлларда соматик ва психосоматик касалликларини психопрофилактикаси. // Central Asian Academic Journal of Scientific Research, 2(5), 346-350.
9. Нарметова, Ю. (2014). Бемор аёлларда депрессия ҳолатининг психопрофилактикаси. // Таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар.
10. Nazarova, Z. (2023). Ilk farzand ko'rgan ayollarda shaxslararo munosabatlarning ijtimoiy psixologik xususiyatlari.
11. Zarnigor, N. (2024). Ayollarda tug'ruqdan keyingi moslashuvda shaxslararo munosabatlarning o'rni. IMRAS, 7(3), 117-121.

*Nuraliyeva Dildora Mamurjonovna,
Farg'ona davlat universiteti Psixologiya
kafedrasida dotsenti v.b., psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Bonu_dilya84@mail.ru*

TURLI MILLATLI OILALARDA TUG'ILGAN SHAXSLARDA ETNIK IDENTIKLIK NAMOYON BO'LISHINING EMPIRIK TADQIQ ETILISHI

Annotatsiya. Turli xalqlarning etnomadaniy o'ziga xosligini o'rganish an'anaviy ravishda shaxsning rivojlanishi va shakllanishini o'rganish usullaridan biridir. Umuman olganda, etnik-madaniy o'ziga xoslik yetarlicha o'rganilmagan, garchi so'nggi o'ttiz yillikda u bir qator tadqiqotchilarning e'tiborini o'ziga tortgan bo'lsa ham. Millatlararo nikohda tug'ilgan bolalarda etnomadaniy o'ziga xoslikni rivojlantirishning o'ziga xos psixologik xususiyatlari va qiyinchiliklari mavjud.

Kalit so'zlar: oila, munosabatlar, shaxs, oilaviy diagnostika, qabilaviy munosabatlarni, kichik guruh.

ЭМПИРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ЭТНИЧЕСКОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ У ЛИЦ, РОЖДЁННЫХ В РАЗНЫХ ЭТНИЧЕСКИХ СЕМЬЯХ

Аннотация. Изучение этнокультурной самобытности разных народов традиционно является одним из методов изучения развития и становления личности. В целом этнокультурная идентичность малоизучена, хотя в последние три десятилетия она привлекла внимание ряда исследователей. Дети, рождённые в межнациональных браках, имеют специфические психологические особенности и трудности в развитии этнокультурной идентичности.

Ключевые слова: семья, взаимоотношения, личность, семейная диагностика, родоплеменные отношения, малая группа.

EMPIRICAL STUDY OF ETHNIC IDENTITY IN PERSONS BORN IN DIFFERENT ETHNIC FAMILIES

Abstract. Studying the ethno-cultural identity of different peoples is traditionally one of the methods of studying the development and formation of a person. In general, ethno-cultural identity is understudied, although it has attracted the attention of a number of researchers in the last three decades. Children born in inter-ethnic marriages have specific psychological characteristics and difficulties in developing ethno-cultural identity.

Keywords: family, relationship, person, family diagnostics, tribal relations, small group.

Kirish. Etnopsixologiyada tarixan tadqiqot olib borishning 2 ta yondashuvi mavjud: etnologik psixologiya (yoki psixo-antropologiya) va madaniyatlararo (qiyosiy madaniyat psixologiyasi). Birinchi yondashuv mazmuniga ko'ra, bitta madaniyat tashuvchilarning ruhiy xususiyatlarini o'rganishda madaniyatga xos tahlil birliklari va atamalar qo'llaniladi. O'rganilayotgan hodisa asta-sekin ochiladi, mazkur jarayonda tadqiqotchi diniy guruhga qo'shilishi, o'z xatti-harakati va odatlarini qayta qurishi, uning a'zosi bo'lishi kerak mazmunidagi gipotezalar mumkin emas:

Ikkinchi yondashuv mazmuniga binoan, madaniyatlararo farqlar va o'xshashliklarni tushuntirish istagi bilan ikki yoki bir nechta etnik guruh shaxslarining psixologik hayotini o'rganish, tahlil birliklaridan foydalanish, o'zga madaniyat ta'siridan ozod deb hisoblanadi. Tadqiqotchining o'rganilayotgan etnik guruhlardan uzoqlashish istagi bilan tashqi kuzatuvchi pozitsiyasini egallashi, tadqiqotning psixometodologik strukturasi va uni tavsiflash uchun toifasini dastlabki qurish, gipotezalarni ilgari surish mumkin.

Tadqiqot turli sohalar doirasida amalga oshiriladi: umumiy psixo-idrok, xotira va fikrlash xususiyatlarini o'rganadi, mehnatni tashkil etish va boshqarishning sanoat psixo-muammolari, yosh psixo-turli xalqlar orasida idrok usullari, ijtimoiy psixologik turli etnik jamoalarga kiruvchi kishilar xulq-atvorining ma'lum qonuniyatlarini o'rganadi, bu jamoalarning psixologik xatti-harakatlarida namoyon bo'ladi. Odatda etnopsixologik tadqiqotlar amaliy ehtiyojlar bilan belgilanadi. Olimlarning ko'pyillik izlanishlari asosida etnopsixologik tadqiqotlarning quyidagi turlari mavjudligi aniqlangan. 1-standart - dastlab madaniyatlararo taqqoslashni o'z ichiga olmaydi. Obyekt, milliy ong yoki o'zlikni anglash, milliy qadriyatlar va yo'nalishlar,

ehtiyoj va motivlar; avto- va getero-stereotiplarning o‘ziga xos xususiyatlari, etnik munosabatlar, an’analar, odatlar va urf-odatlar, muayyan millat va elat vakillarining xulq-atvorining o‘ziga xosligi kabilar bo‘ladi.

2-madaniyatlararo - turli millatlarga mansub odamlarning bir nechta guruhlarida yoki turli millat vakillari bir joyga to‘plangan guruhlarda parallel ravishda olib boriladigan shaxslarning psixologik va ijtimoiy-madaniy xususiyatlarini o‘rganish.

3-tarixiy va gnoseologik yondashuv – millatlarning kelib chiqishini tarixiy tahlil, kontent tahlili, omil tahlili va boshqa tadqiqotlarda turli ma’lumotlarni umumlashtirish va boshqa usullar yordamida o‘rganish. U ma’lum bir millat vakillari bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa qilishning iloji bo‘lmaganda qo‘llaniladi (tarixiy, siyosiy, arxiv manbalarini tahlil qilish). Etnopsixologik tadqiqotlarni olib borishda tadqiqotchi tomonidan bir nechta etikaviy-axloqiy, konfidensiallik tamoyillariga amal qilish tadqiqot natijalarining ishonchli chiqishini kafolatlashga xizmat qiladi. Xususan, dastlabki etnopsixologik etikaviy tamoyilga ko‘ra, etnik jamoa shakllanishi va uning psixologiyasining turli omillarini hisobga olish - milliy ruhiyatni tarix, iqtisod, siyosiy va madaniy rivojlanish mahsuli sifatida va bu etnik jamoa uzoq vaqt yashaydigan boshqa sharoitlarni o‘rganishdan dalolat beradi.

Ikkinchisi, bir etnik guruh vakillarining nodavlat notijorat tashkilotlarini boshqa xususiyatlarning namoyon bo‘lishi bilan birlikda tahlil qilish - ularning ijtimoiy va individual onglari tarkibida turli xil ijtimoiy guruhlarning milliy, sinfiy, kasbiy, yosh xususiyatlari bilan qanday bog‘liqligini to‘g‘ri tushunishga qaratilgan. Uchinchisi, shaxslarning milliy psixik xususiyatlarining namoyon bo‘lishining xilma-xilligini hisobga olish - ularning nafaqat butun majmuasi va o‘ziga xosligini har tomonlama tushunish va to‘g‘ri talqin qilish, balki ularning har birini tizimli tadqiq qilish. To‘rtinchisi, nodavlat, notijorat tashkilotlarni, milliy-madaniyat markazlarni tahlil qilishda taqqoslash – etnoo‘ziga xoslik faqat boshqa jamoalar vakillarining bir xil xususiyatlari bilan taqqoslash va qiyoslash orqali ma’lum bo‘lishiga qaratilganligini inobatga olish.

Adabiyotlar tahlili va metodikasi. O‘smirlarning etnik identikligini o‘rganish uchun tadqiqotimiz davomida quyidagilar qo‘llanildi: Dj.Finnining “Etnik identiklikni o‘rganish” metodikasi [1], “Etnik identiklik turlari” so‘rovnomasi (G.U.Soldatova, S.V.Rijova), O.L.Romanovanning “Bolalar va o‘smirlarning etnik identiklik xususiyatlarini o‘rganish” [2] shkalasi. Yuqoridagi tamoyillarga tayanib, biz tomonimizdan tashkil etilgan tadqiqot mezo darajada olib borilgan bo‘lib, unda tadqiqot obyekti sifatida mamlakatimiz hududida istiqomat qilayotgan geteromillatli oilalarning o‘smir yoshdagi farzandlari qatnashgan.

Geteromillatli oila farzandlaridagi etnik identiklik shakllanishining psixologik jihatlarini tahlil qilish bir necha bor empirik tadqiqot mavzusiga aylangan. Biz tomonimizdan turli millatdagi nikohlar asosida tug‘ilgan bolalarda etnik identiklik namoyon bo‘lishining psixologik jihatlarini o‘rganish maqsadida olib borilgan tadqiqotimiz uch bosqichda o‘tkazildi:

1. Aniqlash bosqichi (o‘smirlarning etnik identiklikni o‘rganish);
2. Shakllantiruvchi bosqich (o‘smirlardagi etnik o‘ziga xosligini tadqiq etish uchun metodik vositalarni tanlash);
3. Nazorat bosqichi (eksperimental ish natijalarini taqqoslash).

Natija. Quyida berilgan jadval orqali tadqiqotimizda ishtirok etgan obyektlarning qaysi geteromillat vakillari ekanligini bilib olishimiz mumkin.


1-jadval.

Tadqiqotda ishtirok etgan sinaluvchilarning etnik guruhga tegishlilik ko‘rsatkichlari

Geteromillatli oilalar	Son	Foiz (%)
O‘zbek-qirg‘iz oila farzandlari	30 ta	25,0 %
O‘zbek-tojik oila farzandlari	30 ta	25,0 %
Qirg‘iz-tojik oila farzandlari	30 ta	25,0 %
O‘zbek-tatar oila farzandlari	30 ta	25,0 %
Umumiy:	120 ta	100,0 %

Tadqiqotda jami 120 nafar o‘smirlar sinaluvchi sifatida ishtirok etib ularning tanlama to‘plamdagi representativligi to‘liq ta’minlangan deyishimiz mumkin. Xususan, o‘zbek-qirg‘iz oilasiga mansub o‘smirlar 30 nafar, o‘zbek-tojik oilasiga mansub o‘smirlar 30 nafar, tojik-qirg‘iz oilasiga mansub o‘smirlar 30 nafar, o‘zbek-tatar oilasiga mansub o‘smirlar 30 nafardan iborat bo‘ldi.

Tadqiqot sinaluvchilarining etnik tarkibi



- O'zbek-qirg'iz oila farzandlari
- O'zbek-tojik oila farzandlari
- Qirg'iz-tojik oila farzandlari
- O'zbek-tatar oila farzandlari

1-rasm. Tadqiqot obyektining foiz hisobida ifodalanishi

Yuqorida berilgan rasm orqali tadqiqotda ishtirok etgan respondentlarimizning oila vakillari nisbati foiz hisobida keltirilganini guvohi bo'lishimiz mumkin. Unga asosan, 25% o'zbek-qirg'iz oilasiga mansub o'smirlar 25% o'zbek-tojik oilasiga mansub o'smirlar 25% tojik-qirg'iz oilasiga mansub o'smirlar 25% o'zbek-tatar oilasiga mansub o'smirlardan ekanligi ma'lum bo'ldi.

2-jadval.

Dj.Finning "Etnik identiklikni o'rganish" metodikasining tavsiflovchi ko'rsatkichlari tahlili (n=120)

Shkalalar	Min	Max	M	σ	Assimetriya	Ekzess
Kognitiv komponent	1,00	20,00	10,09	5,68	,214	-1,170
Affektiv komponent	1,00	28,00	12,06	7,51	,644	-,521
Integral ko'rsatkich	15,00	48,00	30,67	9,77	,069	-1,087

Metodika bo'yicha olingan natjalaridan ma'lum bo'ladiki, kognitiv komponent bo'yicha o'rtacha qiymat 10,09, standart og'ish 5,68 ni tashkil etib, chap tarafga manfiy ekzess ko'rsatkichda ekan. Bundan sinaluvchilar savollarga to'liq va tushungan holda javob bergan deyish mumkin.

Ushbu metodikaning affektiv komponenti bo'yicha minimal qiymat ballni, maksimal qiymat 28 ballni tashkil etib, o'rtacha qiymat 12,09 ni, standart og'ish 7.51 ballni, eksess -0,521 chap tarafga maxfiy og'ishni ko'rsatdi. Integral ko'rsatkich shkalasi bo'yicha minimal qiymat 15 ballni, maksimal qiymat 48 ballni tashkil etib, o'rtacha qiymat 30.67 ni, standart og'ish 9.77 ballni, eksess -1,087 chap tarafga maxfiy og'ishni ko'rsatdi.

Pozitiv etnik identiklik ko'rsatkichining yuqori ko'rinish olishi nazarimizda, o'smirlarda o'z etnik guruhiga nisbatan pozitiv etnik stereotiplarning yaxshi namoyon bo'lishi natijasida ijtimoiy tasavvurlarida etnik guruhi haqida ideal va normal ustanovkalar shakllanganining oqibati deya baholashimizga yordam beradi. Etnoizolyatsionizm shkalasi bo'yicha esa mavjud ko'rsatkichlar orasida pastroq natijalar olinganini o'smirlarda o'zi mansub bo'lgan etnik guruhni boshqa etnik guruhlardan yaqqol ajratish, o'zining guruhini cheklash kabi negativ etnik identiklik ko'rinishlarining etnik identiklik strukturasi deyarli ko'zga tashlanmasligi hisobiga ham deyishimiz mumkin.

3-jadval.

O.L.Romanovanning "Bolalar va o'smirlarning etnik identiklik xususiyatlarini o'rganish" so'rovnomasining Kolmogorov-Smirnov mezonini bo'yicha ko'rsatkichlari tahlili (n=120)

№	Shkalalar	Z qiymat	Ishonch darajasi
1.	O'z millatiga mansublik hissi	3,018	0,000***
2.	Millatning ahamiyati	0,847	0,470
3.	Etnik ozchilik va ko'pchilik o'rtasida munosabat	1,152	0,141
4.	U yoki bu tildan foydalanish	2,332	0,000***

Izoh: ***- p<0,001

O.L.Romanovanning “Bolalar va o‘smirlarning etnik identiklik xususiyatlarini o‘rganish” so‘rovnomasining natijalarini normal taqsimot qonuniga muvofiqligini tekshirish asosida o‘z millatiga mansublik hissi shkalasi bo‘yicha ($Z=3,018$; $p\leq 0,001$), millatning ahamiyati shkalasi bo‘yicha ($Z=0,847$; $p\leq 0,470$), etnik ozchilik va ko‘pchilik o‘rtasida munosabat shkalasi bo‘yicha ($Z=1,152$; $p\leq 0,141$), u yoki bu tildan foydalanish shkalasi bo‘yicha ($Z=2,332$; $p\leq 0,001$) natijalar kuzatildi va mazkur metodikaning ko‘rsatkichlari tahlilini ham noparametrik mezonlarga solgan holda izohlash maqsadga muvofiqligi ma’lum bo‘ldi.

Muhokama. O‘z millatiga mansublik hissi shkalasi bo‘yicha olingan natijalar maksimal ko‘rinish olgani har bir shaxs uchun o‘zi tegishli, daxldor bo‘lgan millat, guruhning ahamiyati doim muhimligi sababli deb baholasak, ikkinchi tarafdin esa, aynan o‘smirlarda mazkur yoshning psixologik xususiyatlaridan kelib chiqib aynan milliy g‘urur, millatga daxldorlik hissi yaxshi rivojlanish pallasida bo‘ladi kabi mulohazalar yuritishimizga olib keladi. Millatning ahamiyati shkalasi bo‘yicha past natijalarning kuzatilganini esa, o‘smir uchun u tug‘ilib o‘sayotgan millat, oilaning ahamiyati past yoki kamroqligidan emas, balki ularda hamma millat vakillari, ularning qadriyatlar va urf-odatlariga nisbatan tolerantlik shakllanayotganidan deb xulosalar qilishimiz mumkin.

So‘nggi yillarda mahalliy ilmiy muomalaga “etnik o‘ziga xoslik” atamasi kirib keldi. Psixologlarning fikricha, shaxsning etnik o‘ziga xosligi shaxsning ijtimoiy o‘ziga xosligining tarkibiy qismi, ma’lum bir etnik jamoaga mansubligini anglash bilan bog‘liq psixologik kategoriyadir. Ruhiiy buzilishlar, ayniqsa, assimilyatsiyaga uchragan etnik ozchiliklar vakillari va millatlararo nikohlarning avlodlari orasida, shaxs aniq va ijobiy shaxsni shakllantirmaganida tez-tez uchraydi.

Ijobiy etnik identiklik psixologik xavfsizlik va barqarorlik tuyg‘usini beradi, shaxsning individualligini rivojlantirishga yordam beradi, nafaqat o‘ziga, balki boshqa odamlarga, shu jumladan turli millat vakillariga hurmatni ta’minlaydi. Tadqiqotlar empirik tarzda shuni ko‘rsatdiki, insonlarga nisbatan bag‘rikenglik munosabatining asosi ijobiy etnik o‘ziga xoslik bo‘lib, o‘z etnik guruhining ijobiy qiyofasi boshqa etnik guruhlarga nisbatan ijobiy munosabat bilan birga mavjud bo‘lsagina shaxsda pozitiv etnik identiklik shakllanadi. Salbiy etnik o‘ziga xoslik millatlararo ziddiyatning kuchayishiga olib keladi.

Etnik o‘ziga xoslikni o‘rganishda shaxsning etnik o‘ziga xosligining o‘ziga xos xususiyatlari va uning ba’zi shaxsiy xususiyatlari o‘rtasidagi munosabatni o‘rganish bo‘yicha qilingan ishlarni alohida ta’kidlash mumkin (muloqot jarayonida suhbatdoshning rivojlanishiga, hatto zarariga ham yordam berish istagi, o‘z farovonligi, rivojlanishiga to‘sqinlik qilish va shu kabilar). Olingan tadqiqot natijalariga asosan, etnik o‘ziga xoslik darajasi past bo‘lgan o‘smirlarda konservatizm, tashvishlanish pastligi, muloqotda egosentrizm, birovning nuqtayi nazarini hurmat qilmaslik kabi holatlar aniqlangan. Etnik identiklik darajasi yuqori o‘smirlarda tajovuzkorlikning yo‘qligi, o‘zidan norozilik va o‘zgarish istagi, yuqori darajadagi tashvish, teng muloqotga yo‘naltirilganlik, kommunikativ hamkorlik, o‘zaro tushunish, muloqotda dialogik yo‘nalish kabilar yaxshi rivojlangan bo‘ladi [3].

Xulosa. Yuqorida aytib o‘tilganidek, shaxsning ruhiy salomatligini saqlash sharti va millatlararo munosabatlarning farovonligi sharti - bu ijobiy etnik o‘ziga xoslikka asoslangan bag‘rikenglik xulq-atvori, agar inson tabiiy vatanparvarlikni boshdan kechirsa, ayni paytda boshqa xalqlar bilan muloqotga ijobiy munosabatda bo‘ladi. U boshqa xalqlarning tarixga qo‘shgan hissasini xolisona baholay oladi, ularga do‘stona tuyg‘ularni, hurmatni his qiladi. Aksincha, etnik murosasizlik va begonolashuv etno-dominant o‘ziga xoslik (yoki etnik giperidentiklik) tomonidan targ‘ib qilinadi, uning ekstremal shakli etnik fanatizmdir. Bunday turdagi etnik o‘ziga xoslikka ega bo‘lgan shaxs o‘z xalqining ustunligini his qiladi, tarixdagi alohida o‘rni, “missiyasi”ni ta’kidlaydi, boshqa etnik guruhlarga nisbatan millatchilik munosabatida bo‘ladi.

Bizning fikrimizcha, shaxsning ruhiy farovonligini va jamiyatdagi qulay millatlararo munosabatlarni saqlash nuqtayi nazaridan etnik o‘ziga xoslikning affektiv, hissiy va baholovchi komponenti eng katta ahamiyatga ega.

Adabiyotlar:

1. Стефаненко Т. Г. Этнопсихология, 2013. С. 21.
2. Стефаненко Т.Г. Компоненты этнической идентичности: когнитивный, аффективный, поведенческий // Мир психологии.- 2004. - №3 (39). - С. 38-43.
3. Nuraliyeva D. M. The problems of developing social psychological mechanisms in the family // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 711-713.
4. Nuraliyeva Dildora Mamurjonovna Psychological assistance to families on the verge of divorce // "Экономика и социум" 2021/10.

5. Nuraliyeva Dildora Mamurjonovna. The concept of psychological service and its controversial issues in family. Stran/34-36 Proceedings of International Conference on Multidisciplinary Sciences and Innovative Technologies Organized by Novateur Publications, India /2020/6/25.
6. Нуралиева, Д. М. (2020). Концепция психологической службы семьи. ББК Ю953, 405.
7. Nuraliyeva D. M. Examining the orientation of women in the field of psychosocial service for the family and the empirical analysis of psychological qualities // International scientific and practical conference Cutting Edge-science Primedia E-launch page 115-116. USA Conference Proceedings. – 2020. – Т. 6.
8. Nuraliyeva D. M. The problems of developing social psychological mechanisms in the family // Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 1. – С. 711-713.



Olimov Laziz Yarashovich,

*Buxoro davlat universiteti Psixologiya va sotsiologiya kafedrası professori,
psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*

SUD VA TERGOV JARAYONIDA PSIXOLOG KOMPETENTLIGINING NAMOYON BO'LISHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada sud psixolog eksperti faoliyatida ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillarining namoyon etilishi va rivojlanishini tadqiq etish hamda uning o'ziga xos ijtimoiy-psixologik omillarini takomillashtirish haqida fikr yuritilib, sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantiruvchi ijtimoiy-psixologik omillar, komponentlarini aniqlash, sud psixolog ekspertidagi kommunikativ, emotsional va shaxslilik komponentlarining namoyon bo'lishi va rivojlanishini tadqiq qilish; sud psixolog ekspertlarining sotsial-psixologik kompetentligini rivojlantirishda ularning sud-huquq tizimi bilan bog'liqligi ochib berilgan.

Kalit so'zlar: sud psixolog eksperti, ijtimoiy-psixologik kompetentligi, sud psixologik ekspertizasi, kasbiy kompetentlik, kompetentlik, emotsional intellekt, kasbiy faoliyat.

ДЕМОНСТРАЦИЯ КОМПЕТЕНТНОСТИ ПСИХОЛОГА В СУДЕБНОМ И СЛЕДСТВЕННОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация. В данной статье рассматривается исследование проявления и развития факторов социально-психологической компетентности в деятельности судебного психолога и совершенствование её конкретных социально-психологических факторов, выявление компонентов, исследование проявления и развития коммуникативных, эмоциональных и личностных компонентов судебного психолога; раскрывается их связь с правовой системой в развитии социально-психологической компетентности судебных психологов.

Ключевые слова: судебный психолог-эксперт, социально-психологическая компетентность, судебно-психологическая экспертиза, профессиональная компетентность, компетентность, личность эксперта, эмоциональный интеллект, профессиональная деятельность.

DEMONSTRATION OF THE PSYCHOLOGIST'S COMPETENCE IN THE COURT AND INVESTIGATION PROCESS

Abstract. This article discusses the study of the manifestation and development of factors of socio-psychological competence in the activities of a forensic psychologist and the improvement of its specific socio-psychological factors, the identification of components, the study of the manifestation and development of communicative, emotional and personal components of a forensic psychologist; in the development of socio-psychological competence of forensic psychologists, their connection with the legal system is revealed.

Keywords: forensic psychologist-expert, socio-psychological competence, forensic psychological examination, professional competence, competence, personality of an expert, emotional intelligence, professional activity.

Kirish. Sud doimiy ham real voqelikni adekvat aks ettiruvchi u yoki bu shaxslar tomonidan yetkaziladigan ish uchun muhim bo'lgan faktlar haqida ma'lumotlarga to'liq ega bo'la olmaydi. Bu esa turli sabablar va odatda subyektiv sabablar bilan izohlanadi (masalan, qabul qilish sharoitlarning xususiyatlari va subyektning shaxsiy fazilatlari, umuman xulq-atvor vaziyatining psixologik spesifikasi bilan). Ushbu sabablarni aniqlash obyektiv haqiqatga erishish uchun o'ta muhimdir. Bundan tashqari, bir qator psixologik omillar mavjud bo'lib, ularni bilish sudning ish ko'rish predmetiga to'g'ri huquqiy baho berish uchun zarurdir. Va bunday holatlarni aniqlash uchun psixologiya sohasida maxsus bilimlarga ega bo'lish talab qilinadi. Odatda bunday bilimlarga psixologik ekspertizani o'tkazadigan mutaxassislar ega bo'ladilar.

Agar psixik sog'lom inson avval kelishib, keyinchalik sudda o'z harakatlarini boshqara olmaganligini (ongli tarzda amalga oshirmaganligi) va ularning mazmunini tushunmaganligini ta'kidlab tursa, chunki bunga qattiq ruhiy iztirob sabab bo'lgan va u hammasini oqilona o'ylab chiqmagan bo'lsa – bu vaziyatda nima qilish kerak? kabi savollarni yechimini topish o'ta muhim masalalardan biri hisoblanadi va bu borada bir necha yillik tajribaga ega bo'lgan sud psixolog ekspert(lar)i holatga adekvat baho bera olishadi.

Sud va tergov jarayonida psixologning mutaxassis va sud psixolog eksperti sifatidagi kompetentligini o'rganish bo'yicha olib borilgan kuzatishlarimiz va tadqiqot muammosiga aloqador bo'lgan fundamental adabiyotlar tahlili psixolog kompetentligi muammolari bilan shug'ullanuvchi olimlarning qarashlariga alohida e'tibor qaratishni taqozo etadi.

Psixologning mutaxassis va sud psixolog eksperti sifatidagi kasbiy kompetentligi deganda - ularning shunday kasbiy faoliyati nazarda tutiladiki, bunda yetarlicha yuqori darajada amaliy kasbiy faoliyat, kasbiy muomalani amalga oshira olishi nazarda tutiladi. Ayni paytda, psixologning kasbiy kompetentligi uning kasbiy bilim va malakalari, boshqa bir tomondan esa kasbiy pozitsiyasi va psixologik sifatleri mutanosibligi bilan baholanishi mumkin.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Ko'pgina chet el va mahalliy psixologik va pedagogik adabiyotlarni tahlil qilar ekanmiz, xodim kasbiy kompetentligining turlicha xususiyatlarini o'rganishga qaratilgan ilmiy tadqiqotlarda ochib berilgan kasbiy kompetentlik metodologiyasiga oid pedagogik psixologik xususiyatlarni nazariy jihatdan izohlashga harakat qildik. Ko'pgina ilmiy adabiyotlarning tahliliga qaraganda, kasbiy kompetentlikni aniqlashga doir tadqiqotchilar tomonidan turli yondashuvlar mavjudligini ko'rishimiz mumkin.

Jahon va respublikamizdagi ko'pgina psixologiya maktablarida inson omilini tahlil qilish, ularni kasbiy va ijtimoiy-psixologik jihatdan kamol toptirishda turli xil psixologik usullardan foydalanishga alohida e'tibor qaratilib kelinmoqda.

Adabiyotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, chet el va mahalliy pedagogik-psixologik adabiyotlarda «Kompetentlik» tushunchasini ta'riflashda yagona yondashuv mavjud emas. Kompetentlik so'zining lug'aviy ma'nosi lotinchadan olingan bo'lib, «competo» «erishayapman, munosibman» degan ma'nolarni anglatadi, hamda ma'lum faoliyat turidan xabardorligini bilishini bildiradi. «Kompetensiya» bu – inson faoliyatiga namoyon bo'ladigan, yetarli darajada boxabar faoliyat yoki sohada insonning amaliy jihatdan qodirligi, shuningdek, kasbiy faoliyatning ma'lum bir tizim bo'yicha shakllanganligini belgilovchi xususiyat hisoblanadi. Shunga qaramay, aksariyat mualliflar tomonidan kompetentlik faoliyat yoki harakatning samarali ishlashi bilan bog'lanadi.

Jumladan, Yevropa va amerikalik tadqiqotchilar kasbiy kompetentlikning amaliy jihatlarini, ya'ni muhitga ta'sir etuvchi (I.Borg, M.Muller, V.I.Lupandin), vazifani muvaffaqiyatli uddalashga xizmat qiluvchi bilim, ko'nikma va malakalar majmuasi (O.O.Gonina, M.Kaplan, L.Nugust); faoliyat tuzilmasidagi alohida xatti-harakatlarni amalga oshirishni ta'minotchisi (A.A.Blaginin, G.Birkgoff), amaliyotga tatbiq etiladigan usullarni bilish jarayonlariga qo'llovchi (S.P.Destra, S.Dollinger) sifatida o'rganishgan.

Sud doimiy ham real voqelikni adekvat aks ettiruvchi u yoki bu shaxslar tomonidan yetkaziladigan ish uchun muhim bo'lgan faktlar haqida ma'lumotlarga to'liq ega bo'la olmaydi. Bu esa turli sabablar va odatda subyektiv sabablar bilan izohlanadi (masalan, qabul qilish sharoitlarning xususiyatlari va subyektning shaxsiy fazilatlarini, umuman xulq-atvor vaziyatining psixologik spesifikasi bilan). Ushbu sabablarni aniqlash obyektiv haqiqatga erishish uchun o'ta muhimdir. Bundan tashqari, bir qator psixologik omillar mavjud bo'lib, ularni bilish sudning ish ko'rish predmetiga to'g'ri huquqiy baho berish uchun zarurdir. Va bunday holatlarni aniqlash uchun psixologiya sohasida maxsus bilimlarga ega bo'lish talab qilinadi. Odatda bunday bilimlarga psixologik ekspertizani o'tkazadigan mutaxassislar ega bo'ladilar.

Agar psixik sog'lom inson avval kelishib, keyinchalik sudda o'z harakatlarini boshqara olmaganligini (ongli tarzda amalga oshirmaganligi) va ularning mazmunini tushunmaganligini ta'kidlab tursa, chunki bunga qattiq ruhiy iztirob sabab bo'lgan va u hammasini oqilona o'ylab chiqmagan bo'lsa – bu vaziyatda nima qilish kerak? kabi savollarni yechimini topish o'ta muhim masalalardan biri hisoblanadi va bu borada bir necha yillik tajribaga ega bo'lgan sud psixolog ekspert(lar)i holatga adekvat baho bera olishadi.

Bunday arzni e'tiborsiz qoldirish mumkinmi yoki sud uni tekshirish chiqishga majburmi? “Ha”, – degan taqdirda ham, – qanday dalillar eng samarali bo'lishi mumkin? Aynan ana shu yerda maxsus psixologik bilimlar sud ekspertizasining jarayon shaklida bo'lishi zarurdir.

Psixologik tadqiqotning umumiy usullariga asosan: eksperiment, psixodiagnostika, taxmin qilish, modullashtirish, ta'sir o'tkazish usullarini kiritish mumkin. O'z navbatida, umumiy usullarning har bittasi maxsus usullar majmuidan iborat bo'lishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Psixologiya rivojlanishining zamonaviy ko'rinishlaridan biri bu - sud psixologik ekspertizaning katta imkoniyatlarga ega bo'layotganligi hisoblanadi. Albatta, bu imkoniyatlar chegarasiz degani emas. Bu borada O'zbekistonda yechilmagan muammolar hali juda ham ko'p. Masalan, ayrim ishlarda psixologik sababni aniqlash imkoniyati yetarli emas, ammo shaxsning asosiy sabab chiziqlari ierarxiyasini va mazmunini aniqlash real holatdir.

Ta'kidlash joizki, amaliy psixologiyada yuridik amaliyot ehtiyojlari uchun uning qo'llanilishi asosan jinoiy jarayon ishtirokchilari ko'rsatmalarining haqiqiylikni aniqlash metodikalarini ishlab chiqish uchun

qo‘llanilgan. T.V.Saxnova yozishicha, bir tomondan bu qonunbuzar shaxsini o‘rganib chiqishga e‘tibor kuchayishidan darak bergan (ilgari u faqat qonunbuzarning o‘zini o‘rganilishida to‘xtalgan), bu esa o‘z navbatida, obyektiv va subyektiv tomonlarni inobatga olgan holda, sodir etilgan qonunbuzarlikka aniq va to‘g‘ri baho berishga imkon bergan. Boshqa tomondan, jarayon ishtirokchilarining ko‘rsatmalarini haqiqiy ekanligini isbotlash uchun, sud psixolog eksperti sud yoki tergov jarayonida berilgan ma‘lumotlar qay darajada haqiqiy ekanligini aniqlash bo‘yicha vazifani o‘z zimmasiga yuklatadi.

T.V.Saxnova yondashuvlarning tipik misollarini keltiradi, ular haqiqatni aniqlash ekspertizasi doirasida shaxsga tashhis qo‘yish uchun qo‘llanilgan. Respondentning erkin hikoyasi (o‘zi bilan sodir bo‘lgan holat yoki hodisa to‘g‘risida bildirgan fikrlari) va ekspert bergan savollarning javoblari asosida, obyektiv u yoki bu shaxs tipi bilan shartlangan, yolg‘onchilik belgilari mavjudligi (yoki mavjud emasligi) haqida xulosa qilinadi. Taxmin qilinishicha, sovuqqon, xo‘mraygan va yopiq odam oldindan uylab qo‘ygan yolg‘onni aytishga tayyor bo‘lishadi. Shuning uchun u bergan ko‘rsatmalar ahamiyatli emas. Bajarilmagan istak-xohishlar majmui mavjud bo‘lgan shaxsning ko‘rsatmalari ham to‘la haqiqiy, deb tan olinmasligi mumkin, biroq boshqa sabablariga ko‘ra: subyekt boshqalar nigohida o‘z mavqeiga ega bo‘lishi uchun, tilaklarini qiziq tarzda amalga oshiradi. Bu turdagi ekspertizalar voyaga yetmagan guvohlarga nisbatan samaralidir. Bu borada shuni ta‘kidlash joizki, o‘sha paytda ishonchli, ilmiy asoslangan shaxsni tadqiq etish bo‘yicha metodikalar ishlab chiqilmagan edi, shu tufayli ekspert vazifasini obyektiv tarzda hal etish imkoni bo‘lmagan [3].

O‘rganish jarayonida keltirilgan vajlarning haqiqiylikni aniqlash ekspertizaning asosiy kamchiligi bundan iborat bo‘lmagan. Ko‘rsatmalarning haqiqiylik haqida savolga javob berayotganda, sud psixolog eksperti o‘zining maxsus bilimlari chegarasidan, jarayondan tashqari, o‘z vakolati doirasidan chiqib ketgan va sud vakolati chegaralariga kirgan. Rivojlanishining birinchi bosqichida sud psixologik ekspertizasi imkoniyatlariga vakolatidan ortiqcha baho berish, ehtimol qonuniydir, chunki amaliy psixologiya darajasi yuridik amaliyot ehtiyojlaridan ochiq-oydin orqada qolgan edi. Bu esa o‘z navbatida vazifalarni noto‘g‘ri, xato belgilashga va ularni yechish uchun vositalarni noadekvat tanlashga olib kelar edi.

Sud psixologik ekspertizaga huquqiy holatlarni aniqlash vakolati berilib, faqatgina ko‘rsatmalar haqiqiylikni tekshirish emas, balki ularni isbotlash, qonunbuzarlikni sodir etgan shaxs xatti-harakatlarida aybdorlikni aniqlash vositasi sifatida mustahkamligini tekshirish ham kiritilganligini ko‘rishimiz mumkin. Garchi bunga asos bo‘lmasa ham, qandaydir ishonchsizlik haligacha ham oxirigacha bartaraf etilmagan. Aksincha, qonuniy sud ishida mukammalashib borayotgan amaliyotning, o‘ziga borayotgan ehtiyojlari sharoitida, zamonaviy psixologiya fanining imkoniyatlariga yetarlicha baho bera olmaslik o‘rinlidir.

Olimlarning jiddiy tadqiqot ishlari (xususan, A.R.Luriya, M.M.Kochenov, A.R.Ratinov, V.L.Vasilev, V.F.Pirojkov, A.V.Dulov, V.F.Yengalichev, S.S.Shipshin va boshqalarning) jinoiy va fuqarolik ishlari bo‘yicha sud jarayonlarining maqsadlariga nisbatan sifatli darajada psixologik vazifalarni qo‘yish va hal etish imkonini beradi.

Sodir bo‘lgan jinoyatni tergov qilish jarayonida, shuningdek uni sud muhokamasida tekshiruv vaqtida ish uchun ahamiyatli bo‘lgan qator holatlar yuzasidan maxsus bilim, ya‘ni fan, texnika, san‘at yoki kasbni qo‘llab, tekshiruv o‘tkazish va shuning asosida tegishli ma‘lumotlarni olish zarur bo‘ladi. Bunday tekshiruvlar maxsus jihozlangan laboratoriya va ilmiy-tekshirish muassasalarida maxsus bilimga ega bo‘lgan mutaxassislar tomonidan o‘tkaziladi.

Hozirgi vaqtda sud psixologik ekspertiza nazariyasida, mavjud bo‘lgan hal etilmagan muammolarga qaramay, yetarli darajada ilmiy vositalar mavjud. Ular yuridik faoliyatning turli sohalarida amaliy vazifalarni hal etish uchun psixologiya fanining yutuqlaridan foydalanish imkonini beradi.

Kriminalistik ekspertizasining jinoyatni tekshirishda, tergov qilishda va sud jarayoni muhokamasi davrida o‘tkazilish zaruriyati tug‘iladi. O‘zbekiston Respublikasi JPKning 172-moddasida ko‘rsatilishicha “Ish uchun ahamiyatli holatlar to‘g‘risidagi ma‘lumotlarni fan, texnika, san‘at yoki kasb sohasi bo‘yicha bilimi bo‘lgan shaxs o‘tkazadigan maxsus tekshirish orqali olish mumkin bo‘lganda ekspertiza tayinlanadi. Surishtiruvchi, tergovchi, prokuror, sudya, mutaxassislar, xolislarning bunday bilimlarga ega bo‘lishi ekspertiza tayinlash zaruratidan ozod etmaydi [5].

Ekspertizaning mohiyati. Bugungi kunda murakkab muammoli vaziyatlarda, nazariyada ham, amaliyotda ham sud psixolog ekspertlar baholashiga zaruriyat mavjud. Ekspertiza odatda o‘ziga xos vaziyatlarda, qachonki ijtimoiy va ishlab chiqarishni boshqarish, sud ishi, ta‘lim sohalaridagi qaror qabul qilish uchun javobgar shaxslarning bilimlari yetarli darajada bo‘lmasa o‘tkaziladi.

Quyidagi holatlarda ekspertiza o‘tkazish maqsadga muvofiq:

- qaror qabul qilish yoki xatti-harakat sodir etishda manfaatdor bo‘lmagan mutaxassisning obyektiv fikriga zaruriyat bo‘lsa;

- boshqarish sohasidagi mojaroli vaziyat, hukumat vakolatlarini amalga oshirish, bir xil masalada bahsli vaziyat mavjudligida, qachonki manfaatdor bo'lmagan mutaxassisning fikriga zaruriyat bo'lsa;

- ilm-fan va texnika turli sohalarining negizida paydo bo'lgan muammolarni yechishga zaruriyat bo'lsa;

- qachonki muammoning chegaralari mavjud bo'lgan bilimning chegaralaridan kengroq bo'lsa;

- qachonki qonun yoki qonun aktida bu haqida ko'rsatma berilsa.

O'zbekiston Respublikasi Jinoyat Protsessual kodeksining 173-moddasida "Ekspertiza tayinlash va o'tkazishning shartligi" quyidagilarga asoslanadi:

Basharti, ish bo'yicha:

1) o'limning sababini, yetkazilgan tan jarohatlarining xususiyati va og'irlik darajasini;

2) jinsiy aloqada bo'lganlikni, homiladorlik holatini va homilani sun'iy yo'l bilan tushirish belgilarini;

3) gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchi, jabrlanuvchining yoshini, agar bu haqda hujjatlar bo'lmasa yoki hujjatlar shubha tug'dirsa;

4) gumon qilinuvchi, ayblanuvchi, sudlanuvchining, ustidan tibbiy yo'sindagi majburlov choralarini qo'llashga doir ish yuritilayotgan shaxsning ruhiy va jismoniy ahvolini hamda ularning g'ayrihuquqiy qilmishni sodir etayotgan paytda o'z harakatlarini idrok etish va idora qilish layoqatini, shuningdek jinoyat javobgarlikning ahamiyatini tushunish, jinoyat protsessida ko'rsatuvlar berish hamda o'z huquqlari va qonuniy manfaatlarini mustaqil himoya qila olish layoqatini;

5) jabrlanuvchining, guvohning ruhiy va jismoniy holatini hamda ular ish uchun ahamiyatli bo'lgan holatlarni idrok qilish, esda saqlash va so'roq qilganda ifodalab berish layoqatiga ega ekanliklarini, shuningdek jabrlanuvchining jinoyat protsessi chog'ida o'z huquqlari va qonuniy manfaatlarini mustaqil himoya qila olish layoqatini;

6) tanosil va boshqa yuqumli kasalliklarga chalingan, surunkali ichkilikbozlikka va giyohvandlikka duchor bo'lgan shaxslarni davolash zarurligini va imkoniyatlarini;

7) giyohvandlik vositalari va ularning turlari mavjudligini;

8) pul belgilari, qimmatli qog'ozlar va boshqa hujjatlar qalbakilashtirilganligini;

9) portlashlar, halokatlar va boshqa favqulodda hodisalarning texnikaviy sabablarini aniqlash zarur bo'lganda ekspertiza tayinlash va o'tkazish shart.

Ish uchun ahamiyatga molik boshqa holatlarni aniqlashda ham, agar buning uchun maxsus bilimlarni qo'llash zarur bo'lsa va bu holatlar isbotlashning boshqa vositalari bilan puxta aniqlanmagan bo'lsa, ekspertiza o'tkazish shart.

Maxsus vazifalarni yechish uchun ekspertizani qo'llash bir qator prinsiplarga tayanadi, ular quyidagilardan iborat:

- ekspert baholari ma'lum bilim sohasida tan olingan mutaxassislardan olinishi kerak, baholarni umumlashtirish imkonini beruvchi, maksimal tizimlashtirilgan shaklda;

- ekspert mulohazalarini maksimal tizimlashtirilgan shaklda olish uchun ularning oldiga vazifani aniq ravshan holda qo'yish kerak;

- ekspertlarni tanlash, vazifalarni qo'yish, ularning mulohazalarini umumlashtirish aniq uslubga asoslanishi kerak.

Sud psixologik ekspertizasini o'tkazish bosqichlari.

Sud psixologik ekspertizani o'tkazish haqida masala jinoyat, fuqarolik, ma'muriy va oila protsessual kodekslarini qabul qilinishidan so'ng qonuniy ruxsatga ega bo'ldi. Umumiy qoida sifatida, zaruriyat bo'lganda ilm-fan, texnika, san'at va hunar sohalaridagi maxsus bilimlardan foydalanilsa, ushbu bilimlarga ega bo'lgan sud psixolog ekspertini, shu bilan birga psixolog mutaxassisni ham jalb qilish mumkin va bu holatda sud psixologik ekspertizasi tayinlaniladi.

Psixologik bilim, maxsus bo'la turib, psixika faoliyati va rivojlanish qonuniyatlari haqidagi ilmiy ma'lumotlarga obyektiv asoslangan va boshqa bilimlar qatori fuqarolarning shaxsiy haq-huquqlarini va mulk munosabatlarini muhofaza qilish uchun, qonunchilikni ta'minlash maqsadida qo'llanilishi mumkin. O'zbekiston Respublikasi JPKda ko'rsatib o'tilganidek, ekspertizani majburiy o'tkazish vaziyatlarini aniqlashda, ekspertiza gumondor shaxs yoki ayblanuvchining psixik holatini aniqlash uchun, qachonki uning aqli rasoligi yoki o'z harakatlariga javob bera olishi va harakatlarini boshqara olishiga shubha bo'lsa, hamda guvoh yoki jabrlanuvchining psixik holatini aniqlash uchun, qachonki ish uchun ahamiyatli bo'lgan va ular haqida to'g'ri ko'rsatmalarni olish uchun ular tomonidan holatlarni to'g'ri qabul qila olishida shubha paydo bo'lsa o'tkaziladi.

O'zbekiston Respublikasi JPK me'yorlarining tahlili quyidagi xulosa qilishga imkon beradi: qonuniy sud, tergov va ish yurituvchi organlari psixikaning shaxsiy xususiyatlari bo'lmish, iroda, intellekt, qabul qila olish, xotira, ong va boshqalarni aniqlash uchun psixologik ekspertizani o'tkazishga majburdir. Tahlil

qilinayotgan voqea bilan bog‘liq bo‘lgan holatni to‘g‘ri qabul qila olish qobiliyati va ular haqida to‘g‘ri ko‘rsatuv berish faqatgina biror xil ruhiy kasallik borligi yoki yo‘qligi bilan bog‘liq emas, balki inson psixikasining ba’zi bir shaxsiy xususiyatlariga, uning rivojlanish sharoitlari, shaxs fe‘l-atvoriga ham bog‘liqdir. Shubhasiz, psixik faoliyatning ushbu qirralarini psixiatr emas, balki sud psixolog eksperti tadqiq etishga majburdir.

Ekspertiza deganda – protsessual qonun asosida tergov yoki sud organlari tomonidan tayyorlanib o‘tkaziladigan maxsus tekshiruv bo‘lib, uning natijasida ishning ayrim holatlari yuzasidan ilmiy asoslangan xulosa beriladi. Bu xulosa jinoiy ish yuzasidan dalil bo‘lib, boshqa dalillar bilan bir qatorda baholanadi.

Sud va tergov organi xodimlari ekspertiza tekshiruv uchun zarur bo‘lgan maxsus bilimga ega bo‘lgan taqdirda ham ekspertiza tayinlash zaruratidan ozod qilinmaydi, chunki ularning protsessual holati bo‘yicha ishni tekshirishda o‘ziga xos vakolati bo‘lib, ekspertiza o‘tkazadigan mutaxassislarining vakolatlari ham protsessual holatidan kelib chiqadi.

Xulosa berish uchun zarur fan, texnika, san’at yoki hunar sohasida maxsus bilimlarga ega bo‘lgan har qanday jismoniy shaxs ekspert sifatida chaqirilishi mumkin. Uning huquq va majburiyatlari O‘zbekiston Respublikasi JPKning 68-moddasida belgilangandir. “Ekspert: ekspertiza predmetiga oid ish materiallari bilan tanishish, ulardan zarur ma’lumotlarni yozib olish yoki ko‘chirma nusxalar olish; ekspertizani o‘tkazish uchun zarur bo‘lgan qo‘shimcha materiallar va tekshirish obyektlari taqdim etilishi haqida iltimosnomalar berish; tergov harakatlari o‘tkazilayotganda surishtiruvchi, tergovchi, prokurorning ruxsati bilan hozir bo‘lish hamda shu tergov harakatlarida ishtirok etuvchi shaxslarga ekspertiza predmetiga oid savollar berish; sud muhokamasida ekspertiza predmetiga oid dalillarni tekshirishda ishtirok etish va so‘roq qilinayotgan shaxslarga sudning ruxsati bilan savollar berish; ashyoviy dalillar va hujjatlarni ko‘zdan kechirish; o‘z xulosasida nafaqat o‘zining oldiga qo‘yilgan savollar bo‘yicha, balki ekspertiza predmetiga oid va ish uchun ahamiyatga molik boshqa masalalar bo‘yicha ham fikrlarini bayon etish; uning xulosasi yoki ko‘rsatuvlari protsess ishtirokchilari tomonidan noto‘g‘ri talqin qilinganligi xususida tergov harakati yoki sud majlisi bayonnomasiga kiritilishi lozim bo‘lgan bayonotlar berish; agar u ish yuritilayotgan tilni bilmasa yoki yetarlicha bilmasa, o‘z ona tilida xulosa taqdim etish va ko‘rsatuvlar berish hamda bunday holda tarjimon xizmatidan foydalanish; agar ishni yuritayotgan surishtiruvchi, tergovchi, prokuror va sudning qarorlari, harakatlari (harakasizligi) ekspertning huquq va erkinliklarini buzayotgan bo‘lsa, bu qarorlar, harakatlar (harakasizlik) ustidan shikoyatlar qilish huquqiga egadir.

Ekspert: ushbu Kodeksning nazarda tutilgan asoslar mavjud bo‘lgan taqdirda o‘zini-o‘zi rad etishi haqida darhol arz qilishi; o‘ziga taqdim etilgan tekshirish obyektlarini har tomonlama va to‘liq tekshirishdan o‘tkazishi, o‘z oldiga qo‘yilgan savollar yuzasidan asosli va xolisona yozma xulosa berishi; surishtiruvchi, tergovchi, prokuror yoki sudning chaqiruviga binoan surishtiruvda, dastlabki tergovda yoki sud majlisida shaxsan ishtirok etish uchun kelishi; o‘zi o‘tkazgan ekspertiza xususida ko‘rsatuvlar berishi va o‘zi bergan xulosani tushuntirish uchun qo‘shimcha savollarga javob berishi; ekspertizani o‘tkazishi munosabati bilan o‘ziga ma’lum bo‘lib qolgan ma’lumotlarni oshkor qilmasligi; taqdim etilgan tekshirish obyektlari va ish materiallarining saqlanishini ta’minlashi; ish tergov qilinayotganda va sud muhokamasi vaqtida tartibga rioya qilishi shart.

Ekspert uzrsiz sabablarga ko‘ra kelmagan taqdirda qonunda nazarda tutilgan javobgarlikka tortilishi mumkin.

Ekspert bila turib noto‘g‘ri xulosa berganligi, surishtiruv yoki dastlabki tergov ma’lumotlarini surishtiruvchi, tergovchi yoxud prokurorning ruxsatisiz oshkor qilganligi, shuningdek uzrsiz sabablarga ko‘ra xulosa berishni rad etganligi yoki bu ishdan bo‘yin tovlaganligi uchun jinoiy javobgar bo‘ladi.

Ekspert xodimlarining faoliyati - ishlash joylari davlat ekspertiza muassasalarida yoki boshqa tashkilotlarda bo‘lishi mumkin.

Ularning qaerda ishlashlaridan qat’iy nazar ish yuzasidan ekspert qilib tayinlash protsessual qonunda ko‘rsatilgan tartib asosida amalga oshiriladi va ularning huquq majburiyatlari tengdir. Ekspertiza tekshiruvini o‘tkazish jarayonida ekspert mustaqil protsessual shaxs sifatida ekspertizaga oid bo‘lgan qo‘shimcha obyektlar, axborotlar jinoiy ish va ekspertiza materialidan tashqariga chiqmaydigan ma’lumotlarni talab qilishlari mumkin.

Ekspert oldiga qo‘yiladigan savollar, uning maxsus bilimlari hajmidan tashqariga chiqmasligi lozim. Tekshiruv natijasida beriladigan xulosalar esa ekspertning bilim doirasi bilan chegaralanadi va uning vakolatidan tashqari chiqmasligi kerak.

Ekspert xodimi jinoyatni tergov qilish va sud jarayoni davrida mutaxassis sifatida ham jalb etilishi mumkin.

Sud psixologik ekspertiza – ishning to‘g‘ri hal etilishi uchun ahamiyatli bo‘lgan holatlar yuzasidan xulosa berish maqsadida, psixologiya sohasidagi maxsus bilimlar asosida ekspert tomonidan o‘tkaziladigan

tadqiqotdir. Shunday qilib, ekspertiza – bu maxsus harakat, bor ma’lumotlarni aniqlash maqsadida tergovchi bergan vazifa bo’yicha yoki sud tomonidan ish uchun ahamiyatli bo’lgan taqdim etgan materiallar yuzasidan belgilangan shaklda xulosa berish uchun vakolatli shaxs-psixolog tomonidan o’tkaziladigan tadqiqot.

Ekspert psixolog xulosasi – jinoyat protsessual kodeksda ko’rsatilgan isbotlar manbaalaridan biri. Bu ekspert tomonidan o’tkazilgan tadqiqotning jarayoni va natijalari haqida va oldiga qo’yilgan savollar yuzasidan xulosalar haqida yozma xabar. O’zbekiston Respublikasi JP Kodeksinig 184-moddasiga muvofiq, Ekspert yoki ekspertlar komissiyasi ekspert tekshiruvlarini o’tkazib bo’lganidan keyin tegishincha ekspert yoxud ekspertlar komissiyasi tarkibiga kiruvchi har bir ekspert imzosi bilan tasdiqlanadigan xulosa tuzadi.

Xulosada: ekspertiza o’tkazilgan sana va joy; ekspertizani o’tkazish asosi; ekspertizani tayinlagan organ (shaxs) to’g’risida ma’lumotlar; ekspert (famiyasi, ismi, otasining ismi, ma’lumoti, ixtisosligi, ish staji, ilmiy darajasi, ilmiy unvoni, egallab turgan lavozimi) va ekspertizani o’tkazish topshirilgan tashkilot haqida ma’lumotlar; ekspertning bila turib noto’g’ri xulosa berganligi, surishtiruv yoki dastlabki tergov ma’lumotlarini surishtiruvchi, tergovchi yoxud prokurorning ruxsatisiz oshkor qilganligi, shuningdek xulosa berishni rad etganligi yoki bu ishdan bo’yin tovlaganligi uchun jinoiy javobgarlik to’g’risida ogohlantirilganligi; ekspertning oldiga qo’yilgan savollar; ekspertga taqdim etilgan tekshirish obyektlari va ish materiallari; ekspertiza o’tkazilayotganda hozir bo’lgan shaxslar haqida ma’lumotlar; qo’llanilgan usullar ko’rsatilgan holda ekspert tekshiruvlarining mazmuni va natijalari, shuningdek bu ekspert tekshiruvlari, agar ekspertlar komissiyasi ishlagan bo’lsa, kim tomonidan o’tkazilganligi; ekspert tekshiruvi natijalarining baholanishi, qo’yilgan savollarga berilgan asosli javoblar; ish uchun ahamiyatga molik bo’lgan va ekspertning tashabbusiga ko’ra aniqlangan holatlar ko’rsatilishi lozim.

Xulosada huquqbuzarlik sabablari va uning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlar, shuningdek ularni bartaraf etishga doir tashkiliy-texnikaviy tavsiyalar ko’rsatilgan bo’lishi mumkin.

Xulosani va uning natijalarini tasvirlovchi materiallar ushbu xulosaga ilova qilinadi hamda uning tarkibiy qismi bo’lib xizmat qiladi. Ekspert tekshiruvining olib borilishi, shart-sharoitlari va natijalarini hujjatlashtiradigan materiallar davlat sud-ekspertiza muassasasida yoki boshqa korxonada, muassasa, tashkilotda qonun hujjatlarida belgilangan muddatlarda saqlanadi. Ular ekspertizani tayinlagan organing (shaxsning) talabiga binoan ishga qo’shib qo’yish uchun taqdim etiladi.

Agar taqdim etilgan tekshirish obyektlarining, materiallarning yoki ekspertning maxsus bilimlari yetarli emasligi ekspert tekshiruvi davomida ma’lum bo’lib qolsa, xulosa ayrim qo’yilgan savollarga javob berishni rad etish asosini o’z ichiga olgan bo’lishi lozim.

Ekspert tekshiruvi tugaganidan so’ng xulosa, tekshirish obyektlari va ish materiallari ekspertizani tayinlagan organga (shaxsga) yuboriladi.

Turli shakldagi ekspertizalar uchun xos bo’lgan, sud psixologik ekspertizaning asosiy belgilari, quyidagilar:

1. Tadqiqot psixologik fan sohasidagi maxsus bilimlar asosida o’tkaziladi. Ekspert psixolog – xulosa berish uchun yetarli bo’lgan, psixologiya sohasida ma’lum bilimlarga ega shaxs yoki organ;

2. Ekspert xulosasiga qonun isbotlash manbai kuchini beradi, unga tayangan holda ma’lum bir isbotlar borligi yoki yo’qligini aniqlash mumkin;

3. Sud psixologik ekspertizaning tayyorlanishi, tayinlanishi va o’tkazilishi maxsus huquqiy reglamentga muvofiq amalga oshiriladi, u tadqiqot jarayonini aniqlash bilan birga jarayon qatnashchilarining huquq va majburiyatlarini ham aniqlaydi.

Oxirida, psixologik tadqiqot natijalarini baholash yo’li bilan olingan ekspert xulosasi beriladi. Shunday qilib, maxsus psixologik bilimlarni qo’llash va xulosa berish – o’zaro bog’liq ikkita omildir, bular ekspertizani haqiqiy ma’lumotlarni aniqlashning boshqa usullaridan farqlab turadi.

Natijalar. Endi bevosita nazorat tajribadan keyin sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligi va emotsional intellekti o’rtasidagi korrelyatsion bog’lanishlar tahliliga o’tamiz.

Sud psixolog ekspertlari ko’rsatkichlarida ham emotsional intellekt bilan ijtimoiy-psixologik kompetentlik o’rtasida yuqori korrelyatsion bog’liqlikni ifodalovchi koeffitsientlar kuzatilganligini ko’rishimiz mumkin. Bu esa besh yildan ortiq ish stajiga ega sud psixolog kasbiy faoliyatini tashkil etishda shaxsiy tajriba va tasavvurlariga yaqqol tayanishlarini ko’rsatmoqda.

Tajriba-sinov natijalarida kuzatilishicha, sud psixolog ekspertlari emotsional intellekti ijtimoiy-psixologik kompetentlikning insonlarni tushunish o’zga insonlarning kechinmalarini sezish bilan ($r=0,701$, $p\leq 0,05$), vaziyatlarni tushunish o’z emotsiyasini boshqarish bilan ($r=0,659$, $p\leq 0,05$); axloqiy ustanovkalar emotsional bilimdonlik bilan ($r=0,741$, $p\leq 0,05$), sotsial psixologik kompetentlik empatiya bilan ($r=0,713$, $p\leq 0,05$), barqaror insoniy munosabatlar o’z emotsiyasini boshqarish bilan ($r=0,776$, $p\leq 0,05$) va shaxslilik kommunikativ imkoniyati o’z-o’zini rag’batlantirish bilan muvofiqlikda ($r=0,763$, $p\leq 0,05$) rivojlanishi mumkinligini ko’rsatmoqda. Korrelyatsion munosabatlardan, besh yildan ortiq ish stajiga ega sud psixolog

ekspertining ijtimoiy-psixologik vaziyatlarni oqilona baholash, sud psixolog ekspertining o‘zining statusiga ega bo‘lishi muhim ekanligini anglaganliklarini ifodalamoqda, deyish mumkin (1-jadval).

1-jadval.

Sud psixolog ekspertlari ijtimoiy-psixologik kompetentligi bilan emotsional intellekti umumiy ko‘rsatkichlari orasidagi korrelyatsion bog‘lanish natijalari

	Shkalalar	Emotsional intellekt (N.Xoll metodikasi bo‘yicha)				
		Emotsional bilimdonlik	O‘z emotsiyasini boshqarish	O‘zini-o‘zi rag‘batlantirish	Empatiya	O‘zga insonlarning kechinmalarini sezish
Ijtimoiy-psixologik kompetentlik (Kunitsina metodikasi bo‘yicha)	Insonlarni tushunish	0,331	0,304	0,486	0,267	0,701**
	Vaziyatlarni tushunish	-0,033	0,659**	0,123	0,329	0,421
	Uddaburonlik	0,087	0,141	0,226	0,241	0,478
	Axloqiy ustanovkalar	0,741**	0,276	0,083	0,236	0,195
	Muvaffaqiyatga erishganlik motivatsiyasi	0,312	-0,019	0,498	0,398	0,239
	Emotsional barqarorlik	0,196	-0,031	0,308	0,454	0,351
	Imidj	0,313	0,353	0,109	0,452	0,398
	Sotsial psixologik kompetentlik	0,017	0,446	0,236	0,713**	0,219
	Verbal kompetentlik	0,122	0,482	0,431	0,227	0,193
	Operativ ijtimoiy-psixologik kompetentlik	0,741**	0,103	0,060	0,149	0,491
	Ego kompetentlik	0,313	0,321	0,314	0,228	0,223
	Kommunikativ kompetentlik	-0,029	0,232	0,738*	0,405	0,389
	Ishonchlik	0,062	0,435	0,423	0,412	0,278
	Barqaror insoniy munosabatlar	0,241	0,776**	0,453	0,474	0,687*
	Shaxslilik kommunikativ imkoniyati	0,063	0,485	0,763**	0,193	0,309

* $p \leq 0,05$, ** $p \leq 0,01$

Demak, yuqoridagilarga asoslanib shuni aytish mumkinki, sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligiga tayanch kompetensiyalarini faoliyat jarayonida shakllantirilishi kognitiv, emotsional, xulqiy omillarni o‘zaro mutanosib ravishda rivojlanishi faoliyat samadorligini ta‘minlashda individual va differensial farqlarga bog‘liqligi haqidagi g‘oyalarimiz o‘z tasdig‘ini topdi. Bu borada ijtimoiy-psixologik kompetentlik, eng avvalo, kasbiy faoliyat samadorligini belgilashga va shaxs barkamolligini ta‘minlashga xizmat qilishi aniq.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60-son “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”, 2020-yil 6-noyabrdagi PF-6108-son “O‘zbekistonning yangi taraqqiyot davrida ta‘lim-tarbiya va ilm-fan sohalarini rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”, 2021-yil 5-iyuldagi PF-6256-son “O‘zbekiston Respublikasida sud-ekspertlik tazimini takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”, 2022-yil 17-martdagi PF-89-son “Fuqarolarning huquq va erkinliklarini ta‘minlash hamda huquqiy ixzmat ko‘rsatishda adliya organlari va muassasalari faoliyati samadorligini yanada oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” Farmonlari, O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2019-yil 7-iyundagi 472-sonli “Psixologiya sohasida kadrlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va jamiyatda huquqbuzarliklarning oldini olish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi, 2022-yil 13-dekabrda 705-sonli “Sud-ekspertlik faoliyatini tartibga soluvchi ayrim normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to‘g‘risida”gi, hamda faoliyatga oid boshqa me‘yoriy-huquqiy hujjatlarda belgilangan keng ko‘lamli strategik chora-tadbirlarni amalga oshirish bugungi kunning dolzarb masalasi hisoblanadi.

Sud psixolog ekspertlarining sud psixologik ekspertizalarni belgilangan me‘yorlar asosida tashkil qilishi va uni o‘tkazishi bevosita ularning sohaga oid bilimdonligiga bog‘liq. Shu nuqtayi nazardan sohaga

oid tushunchalar haqida bilimga ega bo'lishi va uni amaliyotga qo'llay olishi imkoniyatlarini baholash orqali ularning ijtimoiy-psixologik kompetentligini aniqlash imkoniyati yaratiladi.

2-jadval.

Sud psixolog ekspertlar emotsional intellektning qiyosiy ko'rsatkichlari tahlili (N.Xoll usuli bo'yicha)

	Shkalalar	Amaliyotchi psixolog				Inspektor psixolog			
		Aniqlovchi tajriba		Nazorat tajriba		Aniqlovchi tajriba		Nazorat tajriba	
		M	S	M	S	M	S	M	S
Emotsional intellektni o'rganish testi (N.Xoll metodikasi)	Emotsional bilimdonlik	10,02	2,18	13,68	1,99	11,26	2,20	15,38	1,38
	O'z emotsiyasini boshqarish	9,09	1,26	15,49	2,13	12,18	1,31	16,25	1,36
	O'zini-o'zi rag'batlantirish	9,73	1,47	15,73	1,53	12,39	1,45	15,80	1,51
	Empatiya	9,80	1,56	15,54	1,94	11,29	2,18	16,46	1,18
	O'zga insonlarning kechinmalarini sezish	7,27	2,48	15,87	2,21	12,24	2,04	16,67	0,68

Izoh:

M – o'rtacha qiymat

S – standart xatolik

Yuqoridagi jadvallardan ko'rinib turibdiki, trening dasturi qo'llanilgandan keyin amaliyotchi psixologlarining emotsional intellektning umumiy natijalari shuni ko'rsatadiki, o'rtacha ko'rsatkich emotsional bilimdonlik 3,66, o'z emotsiyasini boshqarish 6,40, o'zini-o'zi rag'batlantirish 6,00, empatiya 5,74, o'zga insonlarning kechinmalarini sezish 8,60 ball doirasida o'shishga erishilganligini ko'rishimiz mumkin.

Inspector psixologlari emotsional intellektning umumiy ko'rsatkichlarini tahlil qilar ekanmiz, emotsional bilimdonlik 4,12, empatiya 5,17, o'zga insonlarning kechinmalarini sezish 4,43, o'z emotsiyasini boshqarish 4,07, o'zini-o'zi rag'batlantirish 3,41 ball yuqorilaganligi sud psixologik ekspertizasini o'tkazish jarayonida o'rganilayotgan respondentni yuqori validlik va ishonchli baholash imkonini berishi bilan ahamiyat kasb etib, emotsional kechinma chegaralari, emotsional intellektning ikki tomoni, ya'ni o'zining emotsiyalarini tushunish uchun intellektual boshqaruvga yoki aksincha kasbiy faoliyat jarayonida ijodiy impuls va intuisiyalarni ta'minlashda emotsiyaga zarurat borligini anglash, ekspertiza qilinayotgan shaxs emotsiyasining vazifalari to'g'risidagi bilimlarga, ekspertiza jarayonida emotsional barqarorlik va beqarorlik, salbiy emotsional holatlar, xususan: affekt, stress, frustratsiya, depressiya va ulardan chiqish yo'llarini izlash to'g'risidagi psixologik tomonlari va hayotiy tajribadan yetarli darajada boxabar ekanligidan dalolat beradi (3-jadval).

Sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirishda kommunikativ kompetentlik, sud psixologik ekspertizasiga doir ijtimoiy-psixologik bilimlar diapazoni va emotsional intellekt ko'rsatkichlarining muhimligiga ko'ra muammolar yechimini izlashda hissiy-irodaviy, kognitiv va kommunikativ motivatsiya imkoniyatlarini takomillashtirishga qaratilgan psixotexnikalarni qo'llash orqali yuqori samaradorlikka erishilganligini ko'rishimiz mumkin.

Xulosa. Shaxsning kasbiy rivojlanishi bilan bog'liq ravishda yuzaga keladigan psixologik xususiyatlarni rivojlantirishga qaratilgan psixotexnika, hamda o'quv modulining samaradorligini baholashda aniqlovchi va nazorat tajribalaridan olingan natijalarning tahlillariga asoslanib, qolaversa, sud psixolog ekspertlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish dasturi va uni sud psixolog ekspertlarining kasbiy faoliyatiga ta'siri natijasini tadqiq qilish bo'yicha quyidagilar aniqlandi:

1. Sud psixolog ekspertlarining ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish muhim ahamiyatga ega va ularning ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish dasturida sud psixologik ekspertizasiga doir psixologik vaziyatlar va shaxslararo munosabatlar tizimining ta'sirchan mexanizmlariga alohida e'tibor qaratildi.

2. Kasbiy kompetentlikning rivojlantirish bo'yicha o'quv modulini amalda qo'llash natijasida qator samaradorlikka erishildi, sud psixolog eksperti ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillariga aloqador bo'lgan kasbiy kompetentlik (kasbiy layoqat)ning o'ziga xos tarzda o'zgarganligini ko'rsatadi. O'quv modulida sud psixolog eksperti kasbiy kompetentligini ta'minlovchi sohaga oid qonun va qonun osti hujjatlari yuzasidan huquqiy, hamda psixodiagnostik ishlarni amalga qo'llay olishi, sud psixologik ekspertiza xulosasini rasmiylashtirish bo'yicha bilimdonligini oshirishga erishildi.

3. Sud psixologik ekspertizasi ishlarida faoliyat olib boradigan ekspertlarning ijtimoiy-psixologik kompetentligi omillarini namoyon etilishi va rivojlanishi masalasini chuqurroq tahlil qilish uchun kelgusida ijtimoiy-psixologik kompetentlikning ekspertlik faoliyatiga tayyorlik darajasi bilan bog'liqlik tomonlarini tadqiq etish maqsadga muvofiq.

Adabiyotlar:

10. Golniiz G., Schulz-Wulf G. Rhythmisches psychomotorische Musiktherapie. Yena, 2004.-112 p.
11. Glassman A. H., Shapiro P.A., Depression and the course of coronary artery disease. Am J Psychiatry. 1998. – P. 4-11.
12. Gmott H.G. between Parent and Children. N.Y., 2003. P – 219.
13. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. O'smirlarda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini shakllantirish. Monografiya. "Buxoro viloyat bosmaxonasi MChJ" nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 160.
14. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Psychodiagnostics. O'quv qo'llanma. "Turon zamin ziyo" nashriyoti. Toshkent 2014. -B. 298.
15. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. "Durdona" nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747.
16. Plutchik R., Kellermann H., Conte H.R. A structural theory of ego defences and emotions // Isard C. E. (ed.) Emotions in personality and psychopathology. N.Y.: Plenum, 1979. – P. 229-257.
17. Pratt L.A. Ford D.E., Crum R.M., et al. Depression, psychotropic medication, and risk of myocardial infarction: prospective data from Baltimore ECA follow-up. Circulation 1996; 94:3123-3129.
18. Reynolds C.K., Gutkin T.B. School Psychology: Essentials of theory and Practice – IV.V., 1984.
19. Satir V. The new peoplemaking. – California: Science and Behavior Books, Inc., Mountain View, 2003. - 400 p.

Pulatova Gulnoza Murodilovna,
Farg'ona davlat universiteti Psixologiya kafedrasida o'qituvchisi
gulnozapulatova1982@gmail.com.

KICHIK MAKTAB YOSHIDAGI BOLALARDA KO'P TILLILIKNING DIQQAT XUSUSIYATLARIGA TA'SIRI

Annotatsiya. Maqolada bolalarning individual xususiyatlarini e'tiborga olgan holda, ularga maqbul bo'lgan ta'lim turini tanlash, ota-onalarga maslahatlar berish ishlarini maqsadga yo'naltirilgan va malakali ravishda olib borish zarurligi hamda shularga bog'liq ravishda psixik va jismoniy rivojlanishida, xususan, maktablarda ko'p tilli bolalarni psixologik jihatdan o'rganish tushunchasini tarkib toptirib borish muhimligi keltirilgan. Ko'p tillilik tushunchasi va uning kichik maktab yoshidagi bolalarda diqqat xususiyatlariga ta'siri jarayonlari borasidagi tadqiqotlar va umumiy xulosalar bayon etilgan.

Kalit so'zlar: ko'p tillilik, bilingvizm, ko'p tillik, kichik maktab yoshi, diqqat, psixolingvistika, til, fonetik, leksik.

THE EFFECT OF MULTILINGUALISM ON ATTENTION CHARACTERISTICS IN CHILDREN OF SMALL SCHOOL AGE

Abstract. The article presents the importance of choosing the type of education that is acceptable to children, the need to purposefully and competently carry out the work of providing advice to parents, taking into account the individual characteristics of children, and, accordingly, the content of the concept of psychologically studying multilingual children in psychic and physical development, in particular in schools. Studies and general conclusions on the concept of multilingualism and the processes of its influence on attention characteristics in young school-aged children are described.

Keywords: multilingualism, bilingualism, small school age, attention, Psycholinguistics, language, phonetic, lexical.

ВЛИЯНИЕ МНОГОЯЗЫЧИЯ У ДЕТЕЙ МЛАДШЕГО ШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА НА ОСОБЕННОСТИ ВНИМАНИЯ

Аннотация. В статье рассматриваются индивидуальные особенности детей, необходимость целенаправленного и грамотного выбора оптимального для них вида образования, целенаправленная и грамотная работа по консультированию родителей, а также, в связи с этим, важность содержания концепции психологического изучения многоязычных детей в их психическом и физическом развитии, особенно в школах. Изложены исследования и общие выводы о понятии многоязычия и процессах его влияния на особенности внимания у детей младшего школьного возраста.

Ключевые слова: многоязычие, билингвизм, младший школьный возраст, внимание, психолингвистика, язык, фонетика, лексика.

Kirish. Mamlakatimiz kelajagi, xalqimizning, mamlakatimizning intellektual salohiyatiga, aql-zakovatiga milliy ta'lim – tarbiya tizimini jahon andozalari asosida takomillashtirishga uning milliy zaminini mustahkamlashga kadrlar tayyorlashga bevosita bog'liq. Inson o'z hayotida bolalik davridanoq boshqa insonlar bilan turli ijtimoiy munosabatlarga kirishadi. SHu asosda Prezidentimiz SHavkat Mirziyoyevning aytganlaridek; «Farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarini egallagan, mustahkam pozitsiyaga ega, chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun dolzarb ahamiyatga ega bo'lgan masala hisoblanadi». [1.157-158]

Kichik maktab yoshi davri ta'lim tizimi uzluksiz ta'limning eng asosiy bo'g'inidir. Shu bois bolalarning sog'lom va bilimli, yetuk kadrlar bo'lib voyaga yetishida boshlang'ich ta'lim tarbiyasi juda - muhim o'rin tutadi.

Bolalarning individual xususiyatlarini e'tiborga olgan holda, ularga maqbul bo'lgan ta'lim turini tanlash, ota-onalarga maslahatlar berish ishlarini maqsadga yo'naltirilgan va malakali ravishda olib borish zarur. Shularga bog'liq ravishda psixik va jismoniy rivojlanishida, xususan maktablarda ikki tilli bolalarni psixologik jihatdan o'rganish tushunchasini tarkib toptirib borish zaruriyatini keltirib chiqaradi.

Nutqiy aloqa jarayonida kishilar fikr almashadilar va bir birlariga ta'sir etadilar. Nutqiy aloqa til orqali amalga oshiriladi. Til – bu fonetik, leksik va gramatik vositalar sistemasidir. Gapiruvchi o'z fikrini bayon etish uchun zarur bo'lgan so'zlarni tanlaydi, ularni til grammatikasi qoidalariga asoslanib bog'laydi va nutq a'zolari artikulyatsiyasi orqali talaffuz etadi. Ma'lumki, til vositasida inson muloqotga kirishadi – fikr almashadi, axborot oladi, bilim, ko'nikma va malakalarni egallaydi.

Ko'p tillilik, polilingvizm (yunoncha: pol-ko'p va lot. Ppyopa — Til) - muayyan ijtimoiy birlik (eng avvalo davlat) doirasida bir necha tilning qo'llanishi; yakka shaxsning bir paytning o'zida bir necha tildan foydalanishi. Ko'p tillilik aksar hollarda ikki tillilik (ko'p tillik) shaklida amalga oshadi. Uch yoki undan ortiq'ini ommaviy ravishda egallash (bilish) nisbatan kam uchraydi.

Hozirgi kunda ko'p tillikning kognitiv afzalligi juda tushunarli ko'rinadi. Ammo o'z vaqtida bu ekspertlarni lol qoldirgan. XX asrning 60-yillarigacha ikki tillilik, tillar orasida doimiy o'tishga kerak bo'lgan energiyani sarflagani uchun, bola rivojlanishni sekinlashtiradigan to'siq deb hisoblangan. Ushbu nuqtayi nazar birinchi navbatda noto'g'ri bo'lgan ilmiy ishlarga asoslangan edi. Oxirgi paytdagi tadqiqotlar bir necha til bilish insonning qaror qabul qilish, vazifalar o'rtasida o'tish, e'tiborni jamlash kabi fazilatlarini rivojlanishiga olib kelishini tasdiqlab berdi.

Zamonaviy ko'p madaniyatli jamiyatda ko'p tillilikni o'rganish muammosi so'nggi paytlarda ayniqsa dolzarbdir. Nutq faoliyati har bir millatning o'zini ifoda etish va o'zini o'zi tasdiqlash vositasi bo'lib, xalqning milliy ruhini, milliy o'ziga xosligini ifodalash vositasidir. Bilingvizm milliy to'siqlarni bartaraf etishga imkon beradi, ko'p tilli jamiyatning barcha a'zolari o'rtasida bir vaqtning o'zida nutq aloqalarini ta'minlaydi.

"Ikki tillilik" tushunchasi birinchi marta 1938 yilda V.A. Avrorin buni "ikki tilda teng ravonlik" deb ta'riflaydi. Boshqacha aytganda, ikki tillilik ikkinchi tilni bilish darajasi birinchi tilni bilish darajasiga yaqinlashganda boshlanadi. Shuni ta'kidlash kerakki, ikki tillilik haqidagi dastlabki ishlardan boshlab, bu hodisa ma'lum bir lingvistik (belgi) tuzilmani, o'zlashtirilgan belgilar tizimidan aloqa holatida foydalanish qobiliyatini o'z ichiga olgan murakkab, tizimli intrapersonal shakllanish sifatida ko'rib chiqildi.[2.49-62]

Kichik maktab davri 6-7 yoshdan 9-10 yoshgacha davom etadi. Uning psixikasi bilim olishga yetadigan darajada rivojlanadi. Kichik maktab yoshidagi bolaning muhim xususiyatlaridan biri, unda o'ziga xos ehtiyojlarning mavjudligidir. Bu ehtiyojlar o'z mohiyatiga ko'ra faqat muayyan bilim, ko'nikma va malakalarni egallashga qaratilmay, balki o'quvchilik istagini aks ettirishdan ham iboratdir. Shu ehtiyojlar asosida bolaning o'z portfeliga, shaxsiy o'quv qurollariga, dars tayyorlash stoliga, kitob qo'yish javoniga ega bo'lish, kattalardek har kuni maktabga borish istagi yotadi. Ana shu ehtiyoj bola shaxsining shakllanishida, shuningdek, uning ijtimoiylashuvida katta ahamiyatga ega hisoblanadi [3.108 b.].

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning yoshlar siyosatiga oid fikrlari, 2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalish bo'yicha harakatlar strategiyasi, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining fundamental asarlaridan, Bundan tashqari, mazkur ishda mamlakatimiz va xorijda o'tkazilgan tadqiqotlarning nazariy g'oyalari, jumladan, L.S.Vigotskiy, Elizabet Pill, Uoless Lambert Monrealda, P.Ya.Galperin, N.F.Talizina, O.S.Ushakova, Ye.M.Strunina, Jinkin, M.R.Lvov, T.A.Ladijenskay, V.M.Smokotin, I.A.Tolmachyova, J.Cenoz, A.Larisa, F.R.Qodirova, 1989; R.M.Qodirova, 1990; G.Salayeva 2022, M.Shamsiyeva, 2019; va boshqalarning nazariy hamda metodologik qarashlari va xulosalaridan foydalanildi.

Tahlillar shuni ko'rsatadiki, respublikamizda ko'p tillik hodisasi ilmiy-amaliy o'rganish dastavval filologlar, sotsiolingvistlar tomonidan o'rganilgan, lekin ko'p tillik psixologik jihatdan o'rganilmagan.

Bilingvlarning til o'rganishi — ancha mushkul masala. Agar bola ikki va undan ortiq tilda so'zlashiladigan oilada o'ssa, u ikkala tilni ham bemalol o'rgana oladi va ushbu tillarda ravon so'zlashadi. SHu bilan birga, bilingv bir paytning o'zida ikki tilda so'zlashadi, shunga ko'ra buni kamchilik deb atab bo'lmaydi. Demak, uyda ikki tilda so'zlashuvchilar tarbiyasi ostida katta bo'lgan bolalar muammosiz ikkala tilni ham baravariga o'rganadi.

Savodxonlik borasida esa bilingvlar ancha oqsoqlanadi. Ikkala tilni savodli o'rganish uchun ikki til yozuvi bir xil tizimda bo'lishi lozim. Agar farqlanadigan bo'lsa, bu bola tillarning har birida qanday ta'lim olganiga bog'liq bo'ladi.

Demak, psixologiyada ko'p tillilik kognitiv jarayonlarning usuli va vositasi deb ayta olamiz, chunki u zamonaviy aloqa va shaxs madaniyati tuzilishining zaruriy elementidir.

Ko'p tillik ijtimoiy hodisa sifatida katta ahamiyat kasb etmoqda va zamonaviy jamiyatning muhim omiliga aylanmoqda.

Kichik maktab yoshidagi 9-10 yoshli bir tilli (o'zbek) ikki tilli (o'zbek va rus tilida so'zlashadigan) bolalarning diqqat xususiyatlarini o'rganish maqsadida Gorbov Shulte jadvali tanlandi. Bu metodikadan diqqatning ko'chish va bo'linish xususiyatlarini, sensomotor reaksiyalar tezligini o'rganish uchun

foydalaniladi. Sinaluvchilarga 1 dan 25 gacha sonlar ixtiyoriy joylashtirilgan 5 ta jadval ketma - ket ko'rsatiladi. U sonlarni tartib bilan izlab ko'rsatishi va ovoz chiqarib aytishi kerak. Har bir topshiriqni bajarish vaqti tadqiqot qaroriga yozib boriladi (5-jadval).

Sinaluvchi faoliyatini miqdoriy baholashdan tashqari sensomotor reaksiyalar tezligining sifatli tahlili ham amalga oshiriladi. «Topshiriqni bajarish xususiyatlari» bo'limiga sinaluvchi o'zini qanday tutganligi, verbal va emotsional reaksiyalari yozib boriladi. 6-7 yoshli bolalar uchun bitta jadvalni 1-1,5 daqiqa qarash me'yoriy hisoblanadi, o'rtacha o'quvchilar uchun 45 soniyadan 1 daqiqagacha me'yor hisoblanadi. Katta bog'cha davridagi bolalar va 1-2-sinf o'quvchilari ba'zi sonlarni chalkashtirib yuboradilar. 10-12 yoshli bolalar uchun sensomotor reaksiyalar tezligi oshishi, harakatlarning avtomatlashuvi xarakterlidir.

Har bir topshiriqni bajarish xususiyatlari hamda 4 ta jadval bo'yicha olingan natijalardan, nerv jarayonlari o'zgarishini, jismoniy va ruhiy zerikish hodisasi aniqlanadi. Masalan, agar har bir keyingi topshiriqni bajarish vaqti oshib borsa, tez charchash, ixtiyoriy diqqat darajasining susayganligidan dalolat beradi. Bu metodikadan foydalanish bolalarning diqqati xususiyatlarini tajribada o'rganish imkonini beradi.

Kichik maktab yoshidagi 9-10 yoshli bir tilli (o'zbek) ikki tilli (o'zbek va rus tilida so'zlashadigan) bolalarning diqqat xususiyatlarini o'rganish maqsadida biz Farg'ona shahar 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabida 9-10 yoshli o'quvchilarda diqqat barqarorligini o'rganish uchun Gorbov Shulte metodikasi 205 nafar o'quvchilarda o'tkazildi. Ularning 91 nafari qiz bolalar bo'lishsa, 114 nafari o'g'il bolalarni tashkil etadi. Quyida jadval va diagrammalarda ularning natijalari qayd etilgan.

Shulte metodikasi shkalalarining ko'rsatgichlari bo'yicha jinsiy tafovutlarni aniqlash natijalari (Mann-Uitni U mezon)

Ko'rsatgichlar	Jinsi (O'rtacha ranglar)		U	p
	Qiz bolalar (n=91)	O'g'il bolalar (n=114)		
Shulte 1	96,64	108,08	4608,000	0,169
Shulte 2	100,82	104,74	4989,000	0,639
Shulte 3	104,76	101,59	5026,500	0,704
Shulte 4	94,71	109,62	4432,500	0,074

Kichik maktab yoshidagi bolalarning bir tilli (o'zbek) va ikki tilli (o'zbek-rus) 3-sinf o'quvchilarida diqqat xususiyatlarini aniqlash maqsadida Farg'ona shahar 6-sonli umumiy o'rta ta'lim maktabining 203 nafar o'quvchilarida diqqat barqarorligini o'rganish uchun shulte metodikasi o'tkazildi. Ularning 81 nafari o'zbek bir tilli bolalar bo'lishsa, 122 nafari ikki tilli bolalarni tashkil etadi. Quyida jadval va diagrammalarda ularning natijalari qayd etilgan. Bu jadvaldan ko'rish mumkinki, o'g'il bolalar va qiz bolalar diqqat xususiyatlarida tafovut aniqlanmadi.

Shulte metodikasi shkalalarining ko'rsatgichlari bo'yicha biladigan ikkinchi til aniqlash natijalari (Mann-Uitni U mezon)

Ko'rsatgichlar	biladigan ikkinchi til (O'rtacha ranglar)		U	p
	o'zbek (n=81)	rus (n=122)		
Shulte 1	103,87	102,43	4951,500	0,865
Shulte 2	90,54	111,14	4013,000	,015*
Shulte 3	92,75	109,70	4191,500	,045*
Shulte 4	93,56	109,17	4257,000	0,065

Ushbu jadval va diagrammalardan ham ko'rinib turibdiki, olib borilgan tadqiqot natijalarida bir tilli bolalarga qaraganda ikki tilli bolalarning 2-va 3-shakli va bosqichida topshiriqni bajarish vaqti oshib borgan, tez charchash, ixtiyoriy diqqat darajasining susayganligidan dalolat beradi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarida diqqatni irodaviy zo'r berish bilan boshqarish va vaziyatga moslash imkoniyati yaxshi bo'lmaydi. Buning asosiy sababi, ularda ixtiyoriy diqqatning kuchsizligi va beqarorligidir. Bolalarda ixtiyorsiz diqqat ko'proq rivojlangan bo'ladi. Boshlang'ich sinf o'quvchilari materiallarining yaqqoligi, yorqinligi, jozibadorligi, o'quvchilarda beixtiyor his-tuyg'ularni uyg'otadi va kuchli irodaviy zo'riqishsiz fan asoslarini egallash imkonini beradi. 1-2 sinf o'quvchilari diqqatining o'ziga xos xususiyatlaridan biri - uning yetarlicha barqaror emasligidir. Shuning uchun ham ular o'z diqqatlarini uzoq muddat muayyan narsalarga qarata olmaydilar va diqqat obyektlari ustida uzoq tura olmaydilar. Ta'lim jarayoni kichik maktab yoshidagi

o‘quvchilarning ixtiyoriy, barqaror, mustahkam, kuchli, faol ongli diqqatni rivojlantirishga qulay shart-sharoit yaratadi. Bilim olish jarayonida mustaqil aqliy mehnat qilish, misol-masalalar yechish, mashqlar bajarish, takrorlash irodaviy zo‘r berish jarayonida ixtiyoriy, ongli diqqat tarkib topadi. Bu yoshdagi bolalarda ixtiyoriy diqqatni to‘plash, tashkil qilish, uni taqsimlash, ongli ravishda boshqarish uquvi shakllana boshlaydi.115b. Shuning uchun kichik maktab yoshidagi bolalarda ko‘p tillarni o‘zlashtirish jarayonida ularning kognitiv sohasida diqqatini jamlashda tormozlanish holati kuzatilmoqda. Metodikaning 4–bosqichida bolalarda diqqatning barqarorlashganini kuzatish mumkin.

Muhokama. Xullas, ko‘p tillikni tadqiq qilish uchun eng istiqbolli deb turli yo‘nalishlar ma‘lumotlarini yagona nazariyaga birlashtiruvchi (integratsiya qiluvchi) kompleks yondashuvni hisoblash mumkin.

Faoliyat o‘quvchilarning nutq taraqqiyoti darajasi bilan bog‘liqligi uchun ko‘p tillik individ o‘quv faoliyatda muvaffaqiyatga erishishi omillaridan biri hisoblanadi.

Bizning nazarimizda, ko‘p tillilikni tadqiq qilishda yangi yondashuv bo‘lgan neyro-psixologopedagogik yondashuvni amalga oshirishga aloxida zaruriyat mavjud, chunki ikki tillilik – bu chuqur aqliy planda sodir bo‘ladigan jarayon bo‘lib, unda intellektual operatsiyalar faollashadi (yondashuvning neyrologik tomoni), bilingvning individual xususiyatlariga bog‘liq (yondashuvning psixologik tomoni), o‘quvchilarning ta‘limi, tarbiyasi va rivojlanishini boshqaradi (yondashuvning pedagogik tomoni). Ushbu yondashuv ko‘p tilli shaxslarning shakllanishi va rivojlanishining chuqur mexanizmlarini ro‘yobga chiqarish va o‘quvchi-bilingv rivojlanishida ko‘p tillilik resurslarini aniqlashga mo‘ljallangan.

Xulosa. Bilingvlarning til o‘rganishi — ancha mushkul masala. Agar bola ikki va undan ortiq tilda so‘zlashiladigan oilada o‘ssa, u ikkala tilni ham bemaolol o‘rgana oladi va ushbu tillarda ravon so‘zlashadi. Shu bilan birga, bilingv bir paytning o‘zida ikki tilda so‘zlashadi, shunga ko‘ra buni kamchilik deb atab bo‘lmaydi. Demak, uyda ikki tilda so‘zlashuvchilar tarbiyasi ostida katta bo‘lgan bolalar muammosiz ikkala tilni ham baravariga o‘rganadi.

Savodxonlik borasida esa bilingvlar ancha oqsoqlanadi. Ikkala tilni savodli o‘rganish uchun ikki til yozuvi bir xil tizimda bo‘lishi lozim. Agar farqlanadigan bo‘lsa, bu bola tillarning har birida qanday ta‘lim olganiga bog‘liq bo‘ladi.

Demak, psixologiyada ko‘p tillik kognitiv jarayonlarning usuli va vositasi deb ayta olamiz, chunki u zamonaviy aloqa va shaxs madaniyati tuzilishining zaruriy elementidir.

Adabiyotlar:

1. Avrorin V.A. Ikki tillilik va maktab // Ikki tillilik va ko‘p tillilik muammolari. M., 1972 yil. 49-62-betlar.
3. Do‘stmuhamedova Sh.A., Nishanova Z.T., Jalilova S.X., Karimova S.K., Alimbaeva Sh.T. Yosh davrlari va pedagogik psixologiya. 2013.108-115b.
4. Babayeva D.R. Nutq ostirish nazariyasi va metodikasi. – Toshkent, 2018. 11-b
5. Жинкин Н.И. Механизмы речи. - Жинкин Н.И. Механизмы речи. - М. АПН, 1958. - С. 38.

*Raxmanova Dilnoza Farmanovna,
Renessans ta'lim universiteti Pedagogika-psixologiya kafedrasida o'qituvchisi*

VOYAGA YETMAGANLAR MASALALARI BO'YICHA INSPEKTOR-PSIXOLOG KASBIY KOMPETENTLIGIGA TA'SIR ETUVCHI MEKANIZMLAR

Annotatsiya. Ushbu maqolada Respublikamizda so'nggi yillarda huquq-tartibot organlari faoliyati samaradorligini oshirish, voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlarni tayyorlash tizimini yanada takomillashtirish va ularning kasbiy tayyorgarlik darajasini oshirish masalalariga alohida e'tibor qaratilgan bo'lib, qonun hujjatlarida ko'rsatib o'tilgan muhim vazifalarni bajarishda voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixolog kasbiy kompetentligini takomillashtirishga oid tadqiqotlar muhim ahamiyat kasb etadi. Shu boisdan, voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlar kasbiy kompetentligini oshirish, ularning shaxsiy sifatlariga xos bo'lgan xususiyatlarni ro'yobga chiqarish, psixokorreksion va rivojlantiruvchi usullar orqali ularning kasbiy faoliyat samaradorligiga bevosita ta'sir etuvchi kasbiy, kommunikativ va ijtimoiy-psixologik kompetentlik omillarini shakllantirish dolzarb muammo sifatida yoritilgan.

Kalit so'zlar: inspektor-psixolog, ijtimoiy-psixologik kompetentligi, psixologik ekspertiza, kasbiy kompetentlik, kompetentlik, emotsional intellekt, kasbiy faoliyat.

МЕХАНИЗМЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА ПРОФЕССИОНАЛЬНУЮ КОМПЕТЕНТНОСТЬ ИНСПЕКТОРА-ПСИХОЛОГА ПО ВОПРОСАМ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИХ

Аннотация. В данной статье в последние годы особое внимание уделяется вопросам повышения эффективности работы правоохранительных органов, дальнейшего совершенствования системы подготовки инспекторов-психологов по делам несовершеннолетних, повышения уровня их профессиональной подготовки, исследования по повышению профессиональной подготовки компетентность инспектора-психолога по вопросам несовершеннолетних имеет большое значение при выполнении важных задач. По этой причине необходимо повышать профессиональную компетентность инспекторов-психологов по делам несовершеннолетних, осознавать особенности, характерные для их личностных качеств, а через психокоррекционные и развивающие методы - факторы профессиональной, коммуникативной и социально-психологической компетентности, которые непосредственно влияют на эффективность их профессиональной деятельности, выделяется как актуальная проблема.

Ключевые слова: инспектор-психолог, социально-психологическая компетентность, психологическая экспертиза, профессиональная компетентность, компетентность, личность эксперта, эмоциональный интеллект, профессиональная деятельность.

MECHANISMS AFFECTING THE PROFESSIONAL COMPETENCE OF INSPECTOR-PSYCHOLOGIST ON JUVENILE ISSUES

Abstract. In recent years, this article has paid special attention to the issues of increasing the efficiency of law enforcement agencies, further improving the system of training inspectors-psychologists for juvenile affairs, and increasing the level of their professional training research on professional development the competence of a juvenile psychologist inspector is of great importance when performing important tasks. For this reason, it is necessary to increase the professional competence of inspectors-psychologists for juvenile affairs, to be aware of the features characteristic of their personal qualities, and through psycho-correction and developmental methods - the factors of professional, communicative and socio-psychological competence that directly affect the effectiveness of their professional activities are highlighted as a pressing issue.

Keywords: inspector-psychologist, socio-psychological competence, psychological examination, professional competence, competence, expert's personality, emotional intelligence, professional activity.

Kirish. Emotsiyalarni tadqiq qilish ko'pincha intellekt borasidagi tadqiqotlardan alohida tarzda amalga oshiriladi. Shunga qaramasdan, affektiv va kognitiv (bilish) jarayonlari o'rtasidagi munosabatlarni tizimli tahlil qilishning dastlabki urinishlari amalga oshirilmogda. Nemis psixologi va faylasufi G.Mayerning "Psichologie des yemotionalen Denkens"(1908) nomli kitobida tafakkur turlarining mukammal tasnifi

keltirib o‘tilgan. G.Mayer “hukm qiluvchi” tafakkur turi bilan birga emotsional tafakkurni ajratib ko‘rsatadi, unda amaliy ehtiyojlar – iroda va his-tuyg‘u birinchi o‘rinda turadi. Bu tafakkur turlarini bir-biriga taqqoslagan G.Mayer ular o‘rtasidagi bir qancha umumiyliklarni, xususan: o‘xshash mantiqiy jarayonlar kuzatish mumkinligini ta’kidlaydi (sharhlash, ob’ektivlashtirish, kategorial apparat faoliyati). Shunga qaramasdan, emotsional tafakkur harakatlarida mantiqiy tafakkurdan farqli tendensiya mavjud bo‘lib: unda bilish jarayoni “ko‘lankali, orqa fonga surilgan, diqqat markazi amaliy maqsadga qaratilgan bo‘lib, unda bilish shunchaki qo‘shimcha vosita sanaladi”.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Zamonaviy psixologiyada “emotsional intellekt” tushunchasi keng qo‘llanilib, ushbu tushunchani fanga P.Selov va Dj.Meyerlar olib kirdilar.

P.Selov va Dj.Meyerlarning fikri bo‘yicha, emotsional intellekt bu – emotsiyani ifoda etish va baholash qobiliyati; emotsiyani tushunish va emotsional bilimlarga egalik; shuningdek, shaxsning emotsional va intellektual kamolotini o‘zaro birlashtiruvchi emotsional boshqaruv qobiliyati hisoblanadi. “Emotsional intellekt” tushunchasini fanga olib kirilishi bilan emotsional va kognitiv jarayonlarining nisbati nuqtayi nazaridan tadrijiy o‘zgarish yuz berganligini ko‘rishimiz mumkin.

G.Mayer emotsional tafakkurni affektiv (estetik va diniy) va irodaviy turlarga ajratadi. Estetik tafakkur deyilganda, “yoqadi-yoqmaydi” ko‘rinishidagi mulohazasini o‘z ichiga oladigan estetik kechinmalar tushuniladi. Diniy tafakkurda esa fantaziyaning emotsional tasavvurlari, e‘tiqod fikrlari (irratsional, affektiv hamda irodaviy istak bilan yuzaga keladigan “Olloh mavjud” mulohazasi namuna bo‘ladi)ga kiritiladi. G.Mayerning tadqiqotlari go‘yoki tafakkurda bilishga bo‘lgan qiziqish ikkinchi darajali hisoblanishi haqidagi “intellektual xurofotlar”ni tarqatadi va “emotsional tafakkur” insonning aqliy faoliyatida ahamiyatli rol o‘ynashini ta’kidlab o‘tadi.

1970-1980-yillarning oxirlariga kelib emotsiya va tafakkurning o‘zaro ta’sirini o‘rganishga doir qiziqish ortib bordi. Bu davrda emotsional va kognitiv jarayonlarning o‘zaro samarali ta’siri haqidagi qarashlar ko‘pgina tadqiqotlarda o‘z isbotini topdi. Masalan: tafakkur realligiga depressiyaning ta’sirini o‘rganish inson kayfiyatining o‘zgaruvchanligi va kreativlikka moyillikning o‘zaro bog‘liqligi shuningdek, emotsional o‘zini-o‘zi boshqarish imkoniyatlarini o‘rganish, kayfiyat va fikr-mulohazani birlashtiruvchi “kognitiv halqa” mavjudligi haqidagi gipoteza ilgari surilgan edi. Bunday qarashning mohiyati shundaki, salbiy his-tuyg‘ular negativ fikrlarga olib keladi va o‘z navbatida emotsional kechinmalarning tezligini kuchaytirib yuboradi. Qolaversa, ijobiy emotsiyalar pozitiv fikrlarni faollashtiradi. R.Lazarusning kognitiv konsepsiyasida emotsiyalarning bilish determinatsiyasi haqidagi g‘oya markaziy hisoblanadi.

Kognitiv bvosita ifodalanihi emotsiyalarning paydo bo‘lishidagi zarur sharti sifatida baholanadi. R.Lazarusning konsepsiyasida asosan ikkita holat muhim hisoblanadi:

- 1) mohiyatidan qat’iy nazar har bir emotsional reaksiya o‘ziga xos turdagi kognitiv yoki baho funksiyasi;
- 2) emotsional javob reaksiyasi qandaydir sindromni o‘zida ifodalaydi, uning har bir alohida qismi umumiy reaksiyadagi qandaydir muhim lahzani o‘zida aks ettiradi.

Intellektning ko‘plab turdagi kategoriyalarining imkoniyatini aniqlagan X.Gardner 1983 yilda “intropsixik qobiliyatlar” (introspeksiya – o‘zini-o‘zi kuzatish qobiliyati) va “shaxsiy qobiliyatlar” deb ataluvchi turli intellektual qobiliyatlarining mavjud bo‘lishi mumkinligi to‘g‘risidagi fikrni bildirdi. Gardner dastlab intellektning yetti turini ajratib ko‘rsatadi: vizual-makonli, verbal-lingvistik, mantiqiy-matematik, tana-harakatli, musiqali-ritmik, shaxslararo va ichki shaxsiy; 1998-yilga kelib uning tarkibiga tabiiy va mavjudlik turlari qo‘shildi.

Har bir intellektual qobiliyat hayot faoliyatining muayyan sohasida muvaffaqiyatga erishishda muhim hisoblanadi. Intellektning har bir komponentining qimmati muayyan intellektual qobiliyatlarining rivojlanishiga rag‘batlantiruvchi va rag‘batlantirmaydigan umumiy mezonlar orqali aniqlanadi.

Gardner har bir yangi aniqlanadigan intellekt turi (shakl)ga mos keladigan mezonlarni taklif qildi. Avvalo, har bir intellekt shakli o‘zining belgilar tizimiga ega bo‘lishi lozim. Shu bilan birga, u o‘zining asosiy operatsiyalari yoki funksiyalari tizimiga tayangan holda dalillarni olish kerak. Gardnerning moduli yanada integrallashgan, shu bilan birga, intellekt tabiati va paydo bo‘lish shakllariga bo‘lgan farqli qarashni amalga oshirishga imkon berdi. E.Doll, D.Veksler va R.Liperlar tomonidan boshlangan tadqiqotni R.Sternberg davom ettirdi. Natijada “real hayotda yuzaga keladigan vaziyatlarga moslashish, o‘zgartirish yoki tuzatish qobiliyati” sifatida belgilangan “amaliy intellekt” konsepsiyasi paydo bo‘ldi.

R.Sternbergning nazariyasida intellekt shaxsning atrof-muhitga moslashishiga xizmat qiluvchi informatsion tizim sifatida qaraladi. Triarxik nazariyaning asosiy mazmuni quyidagicha: “Intellektni aqliy o‘zini-o‘zi boshqarish, butun hayotni konstruktiv maqsadga yo‘naltirilgan usul yordamida aqliy boshqarish sifatida belgilash mumkin”. Aqliy o‘zini-o‘zi boshqarish uch asosiy elementni o‘z ichiga oladi: atrof-muhitga moslashish, yangi atrof-muhit ta’sirini tanlash yoki shaxs bilan mos muhitni tanlash va atrof-muhitni shakllantirish.

Kasbiy kompetentlikni psixodiagnostik baholash masalasi o'ziga xos ahamiyat kasb etib, amaliy vositalari mavjudligi sababli amaliyotda foydalanib va tadqiqotlarda o'zining psixometrik talablarga asoslanib, tadqiq qilinayotgan jihatlarni o'lchash uchun quyida tanlab olingan tadqiqot usuli to'g'risida batafsil to'xtalib o'tamiz.

Inspektor-psixologning kasbiy kompetentligini rivojlanishida emotsional intellekt orasidagi uyg'unlikni baholashda E.D.Lyusinning “Emotsional intellekt” so'rovnomasi metodikasini tanladik. Test natijalarining dastlab umumiy natijalari borasida to'xtaladigan bo'lsak, uning emotsional intellekt bilan o'zaro aloqadorligini aniqlash imkoniyati paydo bo'ladi. A.Adler emotsional intellekt haqida to'xtalib, shaxsning mulohazaga nisbatan qobiliyatini IQ emas, balki uning emotsional ekvivalenti hisoblangan emotsional intellekt (EQ) eng muhim ko'rsatkichi sifatida belgilaydi, deb ta'kidlagan edi.

Hozir paytda inson emotsional intellektini xarakterlovchi beshta asosiy element borligini ta'kidlashimiz mumkin:

- o'z emotsiyasini bilish;
- o'z emotsiyasini boshqarish;
- shaxsiy motivatsiyasini shakllantirish;
- boshqa insonlarning emotsiyasini aniqlash;
- o'zaro munosabatlar bilan boshqarish.

Endi asosiy natijalar sharhiga murojaat etaylik. Emotsional intellektning o'ziga xos jihatlarga e'tibor qaratadigan bo'lsak, unda kasbiy kompetentlikni to'ldiruvchi tomonlari borligini ko'rishimiz mumkin.

Tadqiqotimiz davomida biz asosan voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixolog kasbiy kompetentligiga bevosita ta'sir etuvchi omillar hisoblangan o'zini va boshqalarni emotsiyasini tushunish, o'z-o'zini va boshqalarning emotsiyasini boshqarish kabi darajalarining namoyon bo'lishini baholadik. Ushbu usul orqali qo'lga kiritilgan empirik natijalarda quyidagi ko'rsatkichlarni qayd qildi (1-jadval).

1-jadval.

Voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlar emotsional intellektning qiyosiy ko'rsatkichlari tahlili (E.D.Lyusinning “Emotsional intellekt” so'rovnomasi bo'yicha)


№	Shkalalar	Ideal xodim	O'rtacha qiymati		t	p
			Ayol xodimlarda M ₁ (n=70)	Erkak xodimlarda M ₂ (n=190)		
1	Shaxslararo emotsional intellekt	31	23,88	26,48	-1,23	0,120
2	Ichki emotsional intellekt	25	18,84	18,56	-2,69	0,005
3	Emotsiyalarni tushunish	26	20,57	16,5	-2,45	0,005
4	Emotsiyalarni boshqarish	18	13,34	13,32	-2,23	0,005
5	Boshqalarni emotsiyasini tushunish	34	12,15	10,56	-2,21	0,005
6	Boshqalarni emotsiyasini boshqarish	53	41,64	42,84	0,90	0,123
7	O'zini emotsiyasini tushunish	55	42,36	43,02	0,82	0,032
8	O'zini emotsiyasini boshqarish	54	42,56	42,74	0,76	0,029
9	Tashqi ta'sirlardan o'z emotsiyasi nazorati	54	42,36	42,86	0,66	0,024

Amaliyotdan ma'lumki, voyaga yetmaganlar bilan ishlash yuqori darajadagi kasbiy kompetentlikni talab qiladi. Shu nuqtiy nazardan yuqorida bir necha bor ta'kidlaganimizdek bu borada yuqori samaradorlikka erishish uchun xodimlarning kasbiy kompetentligi va ularning emotsional intellekti o'rtasida integratsiya ta'minlanishini talab qiladi.

Yuqoridagi jadval va rasmdan ko'rinib turibdiki, dastlabki tadqiqot natijalari xodimlarning emotsional intellektning muhim hisoblangan omillari yuzasidan ijobiy natijalarni qo'lga kiritgan bo'lishsada, afsuski, o'rtachadan past yoki juda past ko'rsatkich namoyon qilganligi ular bilan tegishli tartibda amaliy ishlarni olib borishni talab qiladi. Qolaversa, gender nuqtayi nazardan ham erkak va ayol xodimlarning ko'rsatkichlarida ham tafovut kuzatilganligini qayd edishimiz mumkin.

Shaxslararo emotsional intellekt omili bo'yicha ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich M₁=23,88 ballni tashkil qilgan bo'lsa-da, bir nafarida juda past (M₁=15,0), olti nafarida past (M=20,6), erkak xodimlarda ham umumiy o'rtacha ko'rsatkich M₂=26,48 ballni, shundan o'n to'rt nafarida past (M₂=21,18) ekanligi voyaga

yetmaganlar bilan qilinadigan mulohazada turli qiyinchiliklarni keltirib chiqarishi mumkinligidan dalolat beradi.



1-rasm. Voyaga yetmaganlar masalalari bo'yicha inspektor-psixologlar emotsional intellektning qiyosiy ko'rsatkichlari tahlili.

Ichki emotsional intellekt omilida ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=18,84$ ballni tashkil qilgan bo'lsa-da, uch nafarida juda past ($M_1=11,5$), o'n uch nafarida juda past ($M=11,5$), erkak xodimlarda ham umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=18,56$ ballni, shundan uch nafarida juda past ($M_2=10,2$) yigirma besh nafarida past ($M_2=15,16$) ekanligi xodimlarning o'z ichki his-tuyg'ularini ro'yobga chiqarishda qiyinchiliklar mavjudligi, uning sabablarini tushunish va og'zaki bayon qilishda muammolar borligi bilan izohlanadi.

Emotsiyalarni tushunish omilida ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=20,57$ ballni tashkil qildi, shunday bo'lsa-da, uch nafarida juda past ($M_1=11,5$), o'n uch nafarida past ($M=11,5$), erkak xodimlarda ham umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=16,15$ ballni (ayol xodimlarga nisbatan 4,42 ball past), shundan yigirma olti nafarida past ($M_2=15,2$) ekanligi o'zlarining va boshqalarning his-tuyg'ularini tushunish qobiliyatini rivojlantirish zarurligidan dalolat beradi.

Emotsiyalarni boshqarish omilida ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=13,34$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, to'rt nafarida juda past ($M_1=7,9$), o'n ikki nafarida past ($M=10,5$), erkak xodimlarda ham umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=13,32$ ballni, shundan to'qqiz nafarida juda past ($M_2=7,5$) o'ttiz yetti nafarida past ($M_2=10,4$) ekanligi o'zlarining va boshqalarning his-tuyg'ularini boshqarish jarayonida turli darajada qiyinchilikka duch kelishi mumkinligini ko'rsatadi.

Boshqalarni emotsiyasini tushunish omili boshqa odamlarning his-tuyg'ularini tushunishni baholashga mo'ljallangan bo'lib, bu omil yuzasidan ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=12,15$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, o'n bir nafarida past ($M_1=7,9$), erkak xodimlarda ham umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=10,56$ (ayollarga nisbatan erkaklarda 1,59 ball past) ballni, shundan ikki nafarida juda past ($M_2=4$) qirq yetti nafarida past ($M_2=7,3$) ekanligi tuyg'ularning tashqi ko'rinishlariga (yuz ifodalari, imo-ishoralar, ovoqli tovushlar) va intuitiv ravishda insonning hissiy holatini tushunish, boshqa odamlarning, xususan voyaga yetmagan bolalarning ichki holatlariga nisbatan sezgirlik bilan munosabatda bo'lish imkoniyatini cheklashi mumkin.

Boshqalarni emotsiyasini boshqarish omilda boshqa odamlarda boshqa his-tuyg'ularni uyg'otish, istalmagan his-tuyg'ularning intensivligini kamaytirish qobiliyati baholanadi, qolaversa, odamlarni manipulyatsiya qilish moyilligi bo'yicha ma'lumot olish imkonini beradi. Ushbu omil bo'yicha ham ayrim xodimlarda ko'rsatkichlar qoniqarli emasligi ular bilan rivojlantiruvchi va korreksion ishlarni olib borish zarurligini ko'rsatdi. Xususan: ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=41,64$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, to'rt nafarida juda past ($M_1=29,3$), o'n besh nafarida past ($M_1=36,2$), erkak xodimlarda esa umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=42,84$ (ayollarga nisbatan erkaklarda 1,20 ball yuqori) ballni, shundan o'n bir nafarida juda past ($M_2=31,6$) qirq bir nafarida past ($M_2=37,2$) ball qayd etildi.

O'zini emotsiyasini tushunish omilda ham muayyan sondagi xodimlarda salbiy holatlar mavjudligini ko'rishimiz mumkin. Xususan: ayollarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=42,36$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, bir nafarida juda past ($M_1=30$), yetti nafarida past ($M_1=35,6$), erkak xodimlarda esa umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=43,02$ (ayollarga nisbatan erkaklarda 0,66 ball yuqori bo'lib sezilarli farq mavjud

emas) ballni, shundan o'n to'qqiz nafarida juda past ($M_2=31,7$) o'ttiz sakkiz nafarida past ($M_2=35,9$) ball qayd etildi. Bunda ularning his-tuyg'ularini ro'yobga chiqarishida, ularni aniqlash va baholash, sabablarini tushunish, og'zaki tavsiflash bilan bog'liq holatda muammolar borligidan dalolat beradi.

O'zini emotsiyasini boshqarish omili o'zining his-tuyg'ularini boshqarish, istalgan his-tuyg'ularni uyg'otish va saqlash, istalmaganlarni boshqarish qobiliyati va ehtiyojlarini aniqlashga mo'ljallangan bo'lib, bu omil yuzasidan ayol xodimlarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=42,56$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, bir nafarida juda past ($M_1=31$), olti nafarida past ($M_1=35,8$), erkak xodimlarda esa umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=42,74$ ballni, shundan to'qqiz nafarida juda past ($M_2=31$) o'ttiz besh nafarida past ($M_2=35,5$) ball qayd etildi.

Va nihoyat metodikaning so'nggi tashqi ta'sirlardan o'z emotsiyasi nazorati ovili bo'yicha qo'lga kiritilgan ma'lumotlarni tahlil qilar ekanmiz, ayol xodimlarda umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_1=42,36$ ballni tashkil qilgan bo'lsada, bir nafarida juda past ($M_1=30$), sakkiz nafarida past ($M_1=36,4$), erkak xodimlarda esa umumiy o'rtacha ko'rsatkich $M_2=42,86$ ballni, shundan uch nafarida juda past ($M_2=27,9$) ellik uch nafarida past ($M_2=36,6$) ball qayd etildi. Bu esa xodimlarning o'z his-tuyg'ularining tashqi ko'rinishlarini boshqarishda ma'lum qiyinchiliklar borligidan dalolat beradi.

Xulosa. Shaxsning kasbiy rivojlanishi bilan bog'liq ravishda yuzaga keladigan psixologik xususiyatlarni rivojlantirishga qaratilgan psixotexnikaning samaradorligini baholashda aniqlovchi va nazorat tajribalaridan olingan natijalarning tahlillariga asoslanib, xodimlarning ijtimoiy-psixologik kompetentligini rivojlantirish dasturi ishlab chiqildi. Umuman, yuqoridagi tahlillarga asoslangan holda, xodimlarning emotsional intellektini yanada rivojlantirish zarur degan xulosaga kelishimizga olib keldi. Tadiqiqot ishimizning keyingi bosqichida amalga oshiradigan ishlarimizni belgilab olishimiz uchun katta ahamiyat kasb etganligini ta'kidlash lozim.

Adabiyotlar:

1. Бодалева А.А. Психология межличностного познания. – М.: Педагогика, 198. – 244 с.
2. Булавенко О.А. Характеристики компетентности специалиста. // Проф. Образование № 4. – М., 2005.– С. 21.
3. Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и её формирование в системе непрерывного образования. автореф.дисс.доктора психол.наук. – Санкт-Петербург, 1992. С. 37-45.
4. Гаранина Ж.Г. Психологическая компетентность будущего специалиста: на материале экономико-управленческих профессий: дис.канд. психол. наук. – Казань, 1999. – 183 с.
5. Qodirov B.R., Qodirov K.B. Kasbiy tashxis metodikalari to'plami/ Amaliyotchi psixologlar uchun metodik qo'llanma. – Toshkent: O'zMU, 2003. – 94 b.
6. Лаптева М.Д. Компетентность социального взаимодействия: компонентный состав и подходы к формированию // Проблемы качества образования: материалы XV Всерос. науч.-метод. конф. – Уфа, 2005. – С.39-47
7. Суннатов Р.И. Саморегуляция мыслительной деятельности. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 83.

Salixov Timur Mansurovich,
Buxoro shahar 6-Idum o'qituvchisi
Salixovtimur9@gmail.com
<https://orcid.org/0000-0003-4769-1075>

BO'LAJAK JSIMONIY MADANIYAT FANI O'QITUVCHILARIDA SPORT TURIZMIGA OID BILIMLARNI SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Mazkur maqolada bo'lajak jismoniy madaniyat fani o'qituvchilari orasida sport turizmiga oid bilim ko'nikmalarni shakllantirish. Sport turizmiga oid ya'ni sport tadbirlarini tashkillashtirish, ommaviy sport turizmiga oid bilimlarni shakllantirish kabi jarayonlar yoritib berilgan. Hozirgi davrga kelib sport turizmiga bo'lgan talab va xorij nazariyalarida o'rganilishi, eng avvalo mazkur sohaga oid asosiy ko'nikmalarni shakllantirish juda muhim hisoblanadi. Ko'p holatlarda sport turizmi tushunchasi yevropaning rivojlangan mamlakatlarida shakllanganligini inobatga oladigan bo'lsak, ushbu mavzuni o'zimizni sharoitdan kelib chiqqan holda rivojlantirish masalasi maqolamizda yoritilgan.

Kalit so'zlar: sport faoliyati, jismoniy tarbiya, sport turizmi, yosh davrlari, mexanizmlar.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ ЗНАНИЙ О СПОРТИВНОМ ТУРИЗМЕ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ

Аннотация. В данной статье рассматривается формирование знаний и умений, связанных со спортивным туризмом, у будущих учителей физической культуры. Освещены процессы, связанные со спортивным туризмом, т.е. организация спортивных мероприятий, формирование знаний, связанных с массовым спортивным туризмом. К настоящему времени очень важно изучить спрос на спортивный туризм и зарубежные теории и, в первую очередь, сформировать базовые навыки, связанные с этой сферой. Учитывая, что понятие спортивного туризма во многих случаях формировалось в развитых европейских странах, в нашей статье освещается вопрос развития этой тематики, исходя из наших собственных условий.

Ключевые слова: спортивная деятельность, физическое воспитание, спортивный туризм, возрастные периоды, механизмы.

PSYCHOLOGICAL FEATURES OF FORMING KNOWLEDGE ABOUT SPORTS TOURISM IN FUTURE PHYSICAL EDUCATION TEACHERS

Abstract. This article examines the formation of knowledge and skills related to sports tourism among future physical education teachers. The processes associated with sports tourism are covered, i.e. organization of sporting events, formation of knowledge related to mass sports tourism. By now, it is very important to study the demand for sports tourism and foreign theories and, first of all, to develop basic skills related to this area. Considering that the concept of sports tourism in many cases was formed in developed European countries, our article highlights the issue of the development of this topic based on our own conditions.

Keywords: sports activity, physical education, sports tourism, age periods, mechanisms.

Введение. Туризм как массовое социальное явление стал складываться лишь после второй мировой войны, хотя корни туризма уходят в глубокое прошлое. В истории развития туризма различают четыре этапа. Первый этап – от древности до начала XIX века. Второй этап – от начала XIX века до начала XX века. Третий этап – от начала XX века до Второй мировой войны. Четвертый этап – после Второй мировой войны до наших дней. Первый этап развития туризма называют предысторией туризма. Начало этого этапа относится к античному периоду (Древняя Греция и Рим), когда основными мотивами путешествий были торговля, паломничество, лечение, образование. В этот период зародились спортивные поездки. Например, участники и зрители Олимпийских игр добирались до места соревнований из самых удаленных уголков Греции. Позже, в Средние века, стимулом к путешествиям становится религиозный фактор – поклонение святыням христианства и мусульманства. В результате развития производительных сил общества происходит разграничение рабочего времени и свободного времени работника (отпуска). Это создавало предпосылки для второго этапа развития туризма. Второй этап развития туризма называют элитарным туризмом.

Важнейшую роль на этом этапе развития туризма сыграли революционные изменения в транспорте. Изменились средства доставки и передвижения. В 1807 году изобретателем Фултоном был сконструирован и построен первый пароход. Первый паровоз был создан Стефенсоном в 1814 году. Совершенствовались средства доставки почтовых отправок, расширялись сети дорог. Всё это обусловило большую надежность и скорость передвижения. При этом расходы на путешествие снижались за счёт более экономичных средств передвижения. Научно-технический прогресс и социальная борьба трудящихся за свои права, а также растущее благосостояние общества создали возможность путешествий для большинства простых людей. Третий этап ознаменовал собой начало становления социального туризма. Первая мировая война, экономическая депрессия 30-х годов и Вторая мировая война оказали негативное влияние на развитие туризма. Вместе с тем, именно в этот период появляются элементы массового туризма, который достиг своего расцвета в послевоенные десятилетия. Четвертый этап называется этапом массового туризма. Именно в этот период туризм приобретает массовый характер.

Основным содержанием спортивного туризма является преодоление естественных препятствий природного рельефа местности. Эти препятствия отличаются большим многообразием: скалы, снег, лед, водные преграды и многие другие типы, виды и формы естественных препятствий макро и микрорельефа местности. Многообразны и условия преодоления препятствий: климатические, метеорологические, высокогорные и др. При преодолении естественных препятствий используются различная техника и тактика, различные средства передвижения и обеспечения безопасности.

Преодоление естественных препятствий требует различной по времени и интенсивности работы туриста-спортсмена. Туристская работа в данном случае – это совокупность физических и технических действий туристаспортсмена. Она имеет определенное сходство с физическими упражнениями, принятыми за первооснову в теории и методике физического воспитания, но значительно шире по своему содержанию. Туристская работа имеет определенную, отличную от физических упражнений структуру. Ее структурную основу составляют действия туриста-спортсмена, направленные на преодоление естественных препятствий с минимальными затратами сил и максимальным обеспечением безопасности.

Основная часть. В теории спортивной тренировки (Матвеев Л.П., 1991) первоосновой выступают собственно соревновательные упражнения (часто тождественные понятию «вид спорта») и тренировочные формы соревновательных упражнений. Соревновательные упражнения рассматриваются как целостные действия (в том числе и сложные совокупности действий), которые служат средством ведения спортивной борьбы и выполняются в том же составе, что и в условиях соревнований по избранному виду спорта. В этом смысле основные элементы туристской работы можно считать соревновательными упражнениями, учитывая особенности тренировочных форм таких упражнений и особенности их использования в подготовке туристаспортсменов. В спортивном туризме эти упражнения многообразны. Они могут быть и скоростно-силовыми, и собственно силовыми, и сложнокоординированными. Они могут иметь относительно стабильные и переменные формы в зависимости от ситуационных условий. При этом сложно-координированные упражнения составляют основу техники туризма в условиях преодоления естественных препятствий. Спортивный туризм относится к видам спорта, для которых характерна активная двигательная деятельность с проявлением физических и волевых качеств. Его можно отнести к комплексным (смешанным) видам спорта типа многоборий. Спортсмен-турист должен обладать специфической многоборной специальной туристской выносливостью.

Таблица 1.

Основные виды туризма на сегодня:

➤ <i>пешеходный,</i>	➤ <i>горный,</i>
➤ <i>водный,</i>	➤ <i>пешеходный,</i>
➤ <i>велосипедный,</i>	➤ <i>лыжный,</i>
➤ <i>парусный</i>	➤ <i>автомобильный</i>


Эти виды включены в спортивную классификацию, как части спортивного туризма, они могут развиваться в рамках любого типа (спортивного, рекреационного, реабилитационного, профессионально-прикладного, учебного и др), но в спортивном туризме они нормированы определёнными требованиями по набору технически сложных препятствий, продолжительности, протяжённости и другим факторам спортивного туристского маршрута. Соревнования по спортивному туризму проводятся, как правило, на самостоятельной основе, регулируются

общественными и государственными организациями и относятся к важному для государства социальнотуринскому сектору духовного и физического совершенствования человека. По своей форме организации и конечным целям Туринсткостуринские мероприятия имеют следующую направленность: – путешествие; – спортивный поход; – экспедиция; – туриада; – туристско-спортивная школа; – локальные соревнования на реальном и искусственном рельефе. По своему масштабу соревнования делятся на международные, республиканские, областные, городские, районные и др.

В общетуринской подготовке преобладает теоретическая подготовка по всем указанным разделам. Она направлена в основном на формирование знаний туристов. Отдельные ее разделы, связанные с охраной окружающей среды, краеведением, проведением туристских слетов и соревнований, предполагают формирование умений и навыков туристов в конкретных условиях. Такие разделы общетуринской подготовки требуют практических занятий в аудиториях или природных условиях. Количество часов теоретических и практических занятий и распределение их по периодам подготовки зависят в основном от уровня квалификации занимающихся и частично от вида туризма. Малые объемы общетуринской подготовки новичков по ряду разделов частично компенсируются в процессе многолетней подготовки, повышая интеллектуальный потенциал занимающихся спортивным туризмом.

Таблица 2.

Специальная туристская подготовка обеспечивает формирование специфических для каждого вида туризма знаний, умений и навыков, по следующим основным направлениям:



Основу специальной туристской подготовки составляет формирование практических умений и навыков по указанным разделам подготовки со значительным акцентом на вид туризма.

Заклучение и обзор. В многолетней спортивно-туристской подготовке можно выделить несколько этапов:

- ознакомительный этап подготовки;
- начальный этап подготовки;
- базовый этап подготовки;
- специализированный этап подготовки;
- этап спортивного совершенствования;
- этап спортивного мастерства.

Спортивный туризм развивает и совершенствует необходимые человеку физические качества – выносливость, быстроту, силу различных групп мышц, ловкость. Кроме того, в туристских походах совершенствуются морально-волевые качества, такие, как смелость, решительность, дисциплинированность, коллективизм, активность, воля и др. Все эти качества должны вырабатываться и развиваться в учебно-тренировочном процессе. Достижение высоких спортивных результатов в туризме возможно при решении основных задач учебно-тренировочного процесса: обеспечения всестороннего физического развития; воспитания высоких моральных качеств; овладения туристской техникой и тактикой; приобретения необходимых знаний по основам теории, методики и организации физического воспитания и спортивной тренировки; совершенствования спортивного мастерства.

Ознакомительный этап подготовки целесообразно планировать в рамках школьного туризма с широким охватом видов спортивного туризма, с нефорсированными нагрузками по объему и

интенсивности, с воспитательно-оздоровительными целями для расширения кругозора занимающихся и привития им определенного интереса к занятиям туризмом

Базовый этап подготовки может соответствовать базовому уровню подготовки общественных туристских кадров (инструкторов туризма, гидов-проводников) при использовании программ Туристско-спортивного союза России. Форсированный срок этой подготовки не менее одного года.

Этап спортивного мастерства целесообразно планировать не менее чем на два года. В результате этой подготовки обеспечивается выполнение норматива мастера спорта, создаются предпосылки высших спортивных достижений в соревнованиях на «маршрутах» и «дистанциях».

Подготовка туристских кадров в настоящее время проводится по примерным программам, которые соответственно утверждены. Общая и специальная физическая подготовки в этих программах нормами нагрузок не регламентируются. Однако тренировочный процесс не может быть построен без учета физической подготовленности, поэтому, исходя из местных условий, необходимо дополнить примерные программы соответствующими разделами и принять скорректированные программы за основу при разработке необходимых документов. Функциональное состояние организма можно разделить на три фазы. Первая - утомление со всеми присущими ему признаками выражается в пониженной работоспособности. Вторая - восстановление работоспособности организма до начального уровня. Третья - повышение работоспособности до уровня выше начального. Длительность каждой фазы зависит от степени тренированности, интенсивности и продолжительности. Если последующее занятие совпадает с первой фазой, т. е. с периодом утомления, то в организме развивается хроническое утомление, так называемое переутомление. Если последующее занятие совпадает со второй фазой, то переутомление исключается, но и не создаются предпосылки для повышения работоспособности. Наибольший эффект дают повторные занятия в третьей фазе.

Устойчивость уровней физической и технической подготовленности достигается правильным планированием и проведением тренировок. При этом нужно учитывать все названные принципы и «не засорять» тренировки множеством специальных упражнений и приемов. Не следует также приступать к изучению нового приема, пока не создана достаточная основа для его усвоения. Необходимо закреплять и совершенствовать полученные навыки в практике туристских походов. Методы тренировки должны обеспечивать выполнение задач учебно-тренировочного процесса. В процессе тренировки туристы получают определенную нагрузку. Эта нагрузка складывается из объема и интенсивности выполнения упражнений. Объем нагрузки определяется количеством выполняемых упражнений за одну тренировку или тренировочный цикл. Его можно выразить в километрах (для циклических упражнений) или в часах (для ациклических упражнений). Интенсивность определяется скоростью выполнения определенного объема нагрузки. В практике спортивного туризма используют различные методы выполнения упражнений

Литература:

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Тошкент шаҳри, 2018 йил 5 март
2. Schwarzer R. Stress, Resources, and Proactive Coping / R. Schwarzer // Applied Psychology: An International Review. - 2001. - № 50(3). - P. 400- 407
3. Салихов Т. и др. Psychological Characteristics Of Increasing Cognitive Activity In Elementary School Students // Центр научных публикаций (buxdu.uz). – 2021. – Т. 7. – №. 7.
4. Mansurovich S. S. Methodology of organizing physical education lessons through digital technologies // European Journal of Modern Medicine and Practice. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 107-111.

*Samarova Shohista Rabidjanovna,
Chirchiq davlat pedagogika universiteti
Psixologiya kafedrasida dotsenti, psixologiya fanlari nomzodi*

O'QITUVCHINING SHAXSLILIK PREDIKTORLARI

Annotatsiya. O'qituvchilar faoliyati hamma davrlarda ham insoniyat jamiyati tomonidan yuqori baholangan, chunki o'qituvchining asosiy maqsadi yosh avlodni o'z xalqi va butun insoniyatning madaniy qadriyatlarini bilan tanishtirishdir. Muloqot uslubi, tashqi ko'rinishi, harakatlari, xulq-atvor xususiyatlari o'qituvchining qiyofasini shakllantiradi va bu tasvirni idrok etish ko'pincha mashg'ulot qanchalik muvaffaqiyatli bo'lishini belgilaydi.

Ushbu maqolada zamonaviy o'qituvchining shaxslilik prediktorlarini kasbiy tayyorgarlik jarayonida shakllantirish masalasiga qaratilgan. Bu bugungi kunning dolzarb mavzularidan bo'lib, zamonaviy o'qituvchining psixologik xususiyatlari, pedagogik qobiliyatlarini shakllantirishning asoslari o'rganib chiqilgan.

Kalit so'zlar: xususiyat, soha, vaziyat, faoliyat, usul, vosita, muloqot, harakat. o'qituvchining shaxslilik prediktorlari, qobiliyat, shaxsiy xislatlar, kasbiy tayyorgarlik, pedagogik qobiliyatlar, kommunikativ qobiliyat, bilish qobiliyati, diqqatni taqsimlash, avtoritar qobiliyatlar.

ПРЕДИКТОРЫ ЛИЧНОСТИ УЧИТЕЛЯ

Аннотация. Деятельность учителей всегда высоко оценивалась человеческим обществом, ведь главная цель учителя – приобщить молодое поколение к культурным ценностям своего народа и всего человечества. Стиль общения, внешний вид, действия, поведенческие характеристики формируют образ педагога, и восприятие этого образа зачастую определяет, насколько успешным будет обучение.

Данная статья посвящена вопросу формирования личностных предсказателей современного педагога в процессе профессиональной подготовки. Это одна из актуальных тем современности, и изучены психологические особенности современного учителя, основы формирования педагогического мастерства.

Ключевые слова: особенность, поле, ситуация, деятельность, метод, средство, общение, действие. предикторы личности учителя, способностей, личностных качеств, профессиональной подготовки, педагогического мастерства, коммуникативных навыков, когнитивных способностей, распределения внимания, авторитарных навыков.

PREDICTORS OF TEACHER PERSONALITY

Abstract. The activities of teachers have always been highly valued by human society, because the main goal of a teacher is to introduce the younger generation to the cultural values of their people and all humanity. Communication style, appearance, actions, behavioral characteristics form the image of the teacher, and the perception of this image often determines how successful the training will be.

This article is devoted to the issue of the formation of personal predictors of a modern teacher in the process of professional training. This is one of the pressing topics of our time, and the psychological characteristics of a modern teacher and the basis for the formation of pedagogical skills have been studied.

Keywords: feature, field, situation, activity, method, means, communication, action, predictors of teacher personality, abilities, personal qualities, professional training, teaching skills, communication skills, cognitive abilities, attention distribution, authoritarian skills.

Kirish. Respublikamizda oliy ta'lim tizimida bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan texnologik jarayonlar, ijtimoiy madaniy faoliyat kategoriyalari integratsiyalashuvi asosida muntazam takomillashtirib borilmoqda. Shunga ko'ra, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini to'g'risida"gi Farmoni, 2017-yil 20-apreldagi PQ-2909-son "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori, 2018-yil 5-iyundagi PQ-3775-son "Oliy ta'lim muassasalarida ta'lim sifatini oshirish va ularning mamlakatda amalga oshirilayotgan keng qamrovli islohotlarda faol ishtirokini ta'minlash bo'yicha qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi Qarori,

hamda mazkur faoliyatga tegishli boshqa me'yoriy-huquqiy hujjatlarda oliy ta'lim tizimida bo'lajak o'qituvchilarni kasbiy faoliyatga tayyorlash tizimini takomillashtirishga qaratilgan muhim vazifalar belgilab berilgan [1].

Sog'lom va har tomonlama barkamol avlodni yetishtirish uzluksiz ta'lim tizimida mehnat qilayotgan pedagogning saviyasiga, tayyorgarligiga va fidoiyligiga, uning yosh avlodni o'qitish va tarbiyalash ishiga bo'lgan munosabatiga bog'liqdir. O'qituvchi jamiyatning ijtimoiy topshirig'ini bajaradi, har tomonlama yetuk mutaxassislarni tayyorlashda o'qituvchi muayyan ijtimoiy-siyosiy, pedagogik va shaxsiy talablarga javob berishi lozim. Hozirda ta'lim-tarbiya sohasida olib borilayotgan bosh islohatlardan kutiladigan natija avvalo, raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash va barkamol avlodni shakllantirish masalasi har bir pedagog oldiga ma'suliyatli vazifalarni qo'yadi. Bu borada prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev "Mana shunday imkoniyatlardan samarali foydalanib, zamon talabini his yetmasdan, eskicha ishlashga endi hech birimizning xaqqimiz yo'q. Xalqimiz bugun katta orzu-umidlar bilan yashayapti. Bu orzu istaklarni kim amalga oshiradi? Avvalo, mana shu zalda o'tirgan rahbarlar, mutasaddi va mutaxassislar, navqiron yoshlarimiz. Buning uchun bizda kuch va imkoniyat, bilim va salohiyat ham, qat'iy iroda, intilish va azm-u shijoat ham yetarli"[2].

Tadqiqotning metodologiyasi va obyekti. Muomala - hamkorlik faoliyatining ehtiyojidan vujudga kelib chiquvchi, shaxslararo muloqot rivojlanishining ko'p qirrali jarayonidir. Muomala quyidagi tarkibiy qismlardan tashkil topgan:

- Kommunikativ (bir tomonlama axborot o'zatisi). Muomala o'z ichiga hamkorlik faoliyatining qatnashchilari bilan o'zaro axborot almashuvni qamrab olgan bo'lib, kommunikativ jabha sifatida tavsiflanishi mumkin. Odamlar bir-birlari bilan muloqotda kirishishi jarayonida muomalaning muhim vositalaridan biri tilga va nutq faolyaitiga bevosita murojaat qiladilar.

- Interaktiv (ikki tomonlama ta'sir) - muloqotga kirishuvchilarni o'zaro ta'siri, ularning nutq faoliyatida nafaqat so'z orqali fikr almashinuvi, balki xatti-harakat va xulq-atvori bilan o'zaro ta'sir o'tkazishi tushuniladi.

- Perseptiv (o'zaro bir-birini idrok qilishi, anglashi) bunda muloqotga kirishuvchilar o'zaro bir-birlarini idrok qilish jarayoni namoyon bo'ladi, ya'ni ulardan biri ikkinchisining ishonchiga loyiq, aqlli, farosatli, tajribali, yuksak tayyorgarlikka ega inson sifatida idrok g'ilinadi.

Muomalaning har uchala tomonini birlikda yaxlit olib qarash, u hamkorlik faolyaitini tashkil qilishning usuli va unda ishtirok etuvchilarning munosabatlari tariqasida namoyon bo'ladi.

Kasbiy muammoni muvaffaqiyatli yechish mumkinki, qachonki o'qituvchi bilan o'quvchilar (talaba) hamkorlik faoliyatiga kirisha olsa, shaxsni shakllantirishning maqsad va vazifalariga o'zaro ta'sir va tushunuvchi yo'lga qo'ya olsa shundagina pedagogik muomala amalga oshadi. Pedagogik muomala - bu o'qituvchining talabalarga ta'sir o'tkazish usullarining muayyan tizimidir.

- hamkorlik ishtirokchilarning o'zaro axborot almashuvi;
- turlicha kommunikativ vositalar yordamida o'qituvchi tomonidan talabalar bilan o'zaro ta'sir va o'zaro munosabatni tashkil qilish;

- muayyan maqsadni dasturiy asosda amalga oshirishning rejalashtirish va o'tkazish funksiyasini bajaradi. Pedagogik faoliyatda muomala birinchidan, o'quv faoliyatini yakkahol bajarishning vositasi, ikkinchidan tarbiya jarayonini ta'minlashning ijtimoiy-psixologik tizimi, uchinchidan ta'lim va tarbiyaning muvaffaqiyatini ta'minlovchi o'qituvchi bilan talabalarining o'zaro munosabatining muayyan tizimini tashkil qilishning usuli, turtinchidan talaba individualligini takomillashtirish, iste'dodini qaror toptirish imkonini beruvchi jarayon ekanligi, beshinchidan yakkahol faolyaitning subyekti sifatida ruyobga chiqarish asoslidir.

Pedagogik muomala deganda o'qituvchi va talabalar (o'quvchi) jamoasining o'zaro ta'sir malakasi, usuli va tizimi anglashinib uning mohiyati, o'zaro axborot almashishi, ta'limiy va tarbiyaviy ta'sir o'tkazish o'zaro tushunishga erishish va uni tashkil etish tushuniladi.

Bolalarni o'qitish va tarbiyalashdagi muvaffaqiyat ko'plab omillar bilan belgilanadi, ularning har biri juda muhim va bu omillarni e'tiborsiz qoldirish muqarrar ravishda muvaffaqiyatsizlikka olib keladi. Ta'lim va tarbiya usullari, bolalarning yosh xususiyatlari, rivojlanish darajasi, shubhasiz, dars muvaffaqiyatining muhim omilidir.

Mahoratli o'qituvchi o'z vaqtining ko'p qismini bolalarni o'qitish va tarbiyalashga bag'ishlaydi. Hatto ota-onalar ham o'zlarining kasbiy muammolari va uy ishlari bilan band bo'lib, bolalarga ko'p vaqt ajrata olmaydilar. Agar o'qituvchilar bolalarga ta'lim va tarbiya berish bilan shug'ullanmasa, bir necha avloddan keyin jamiyat rivojlanishdan to'xtaydi.

Pedagogning kasbiy mahoratini takomillashtirish masalalari pedagog olimlar N.Azizxo'jaeva [3], J.G'.Yo'ldoshev [6]larning ishlarida tadqiq etilgan.

O'qituvchilar faoliyati hamma davrlarda ham insoniyat jamiyati tomonidan yuqori baholangan, chunki o'qituvchining asosiy maqsadi yosh avlodni o'z xalqi va butun insoniyatning madaniy qadriyatlarini

bilan tanishtirishdir. Pedagogik faoliyat, uning mohiyati, mazmuni va tuzilishini o‘rganishga ko‘plab olimlar o‘z asarlarini bag‘ishlaganlar. Ular orasida I.F.Demidova [4], I.A.Zimnyaya [5] va boshqa mashhur psixologlar bor. Ularning har biri “pedagogik faoliyat” tushunchasining ta‘rifiga o‘ziga xos tarzda yondashgan.

I.A.Zimnyaya nuqtayi nazaridan: “Pedagogik faoliyat - bu o‘qituvchining o‘quvchiga (talabalarga) ta‘lim va tarbiyaviy ta‘siri, bu ta‘sir uning shaxsiy, intellektual va faolligini rivojlantirishga qaratiladi, shu bilan birga o‘z-o‘zini takomillashtirish va o‘z-o‘zini rivojlantirish uchun asos bo‘lib xizmat qiladi” [5] Biroq, bu ta‘rif o‘qituvchining pedagogik jarayonining faqat bir tomonini amalga oshirishga va o‘quvchini ta‘limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi harakatlariga qaratilgan. Shuning uchun ko‘pchilik olimlar o‘qituvchi va talaba o‘rtasidagi o‘zaro munosabatlarni pedagogik faoliyatning eng muhim tarkibiy birligi sifatida e‘tirof etadilar.

Bizning fikrimizcha, eng mukammal ta‘rif I.D.Demidova tomonidan taklif qilingan pedagogik faoliyat ta‘rifi bo‘lib, unga ko‘ra pedagogik faoliyat “o‘qituvchining o‘quvchilar bilan va o‘zaro munosabatlari tizimi, shuningdek, o‘qituvchining kasbiy muhim shaxsiy fazilatlarini rivojlantirishga asoslangan ta‘lim jarayonida o‘zini o‘zi boshqarish tizimini shakllantirishi” deb tushuniladi [4].

Har qanday boshqa faoliyat kabi, o‘qitish faoliyati ham ma‘lum uslub bilan tavsiflanadi.

I.A.Zimnyayaning ta‘rifiga ko‘ra, “faoliyat uslubi (masalan, boshqaruv, ishlab chiqarish, pedagogik) so‘zning keng ma‘nosida uning mavjudligining turli sharoitlarida namoyon bo‘ladigan barqaror usullar tizimidir” [5]. U faoliyatning o‘ziga xos xususiyatlari, uning subyekting individual psixologik xususiyatlari bilan belgilanadi.

Bu shaxs tuzilishining o‘ziga xos xususiyatlari, faoliyat subyekti, uning individual xususiyatlari faoliyat usullari va usullarini tanlashga ta‘sir qiladi va faoliyat uslubidagi individual farqlarni belgilaydi. Bu faoliyatning individual uslubi tushunchasini keltirib chiqaradi.

E.A.Klimovning fikricha, tor ma‘noda faoliyatning individual uslubi “ma‘lum bir faoliyatni eng yaxshi tarzda amalga oshirishga intilayotgan shaxsda shakllanadigan tipologik xususiyatlar bilan belgilanadigan barqaror usullar tizimidir. Inson o‘zini muvozanatlash uchun ongli ravishda yoki faoliyatning obyektiv tashqi sharoitlariga individual murojaat qiladi [7].

Tadqiqot natijalari va muhokamasi. O‘qituvchilarining o‘z faoliyatiga doir individual samarali uslublarni shakllantirishning asosiy omillari quyidagilardan iborat:

- asab tizimining turi (temperament);
- qadriyat, dunyoqarashi;
- shaxsning psixologik xususiyatlari (xulq-atvor va hissiy sohaning xususiyatlari, turli vaziyatlarga reaksiya turlari);
- pedagogik vaziyatning xususiyatlari (o‘qituvchi kim bilan, qanday sharoitda va qanday vazifalar bilan ishlaydi).

O‘qituvchilarining o‘z faoliyatiga doir individual samarali uslublari quyidagi ko‘rinishlarda namoyon bo‘ladi:

- muayyan pedagogik vaziyatlarga reaksiyalar xarakterida;
- o‘qitish usullarini tanlashda;
- ta‘lim vositalarini tanlashda;
- pedagogik muloqot uslubida;
- o‘quvchilarning harakatlari va harakatlariga javob berishda;
- xulq-atvorda;
- mukofot va jazolarning ayrim turlariga ustunlik berish;
- o‘quvchilarga psixologik-pedagogik ta‘sirni qo‘llashda.

Bu omillar birgalikda individual o‘qitish uslubi haqida yaxlit tasavvur hosil qiladi.

Muloqot uslubi, tashqi ko‘rinishi, harakatlari, xulq-atvor xususiyatlari o‘qituvchining qiyofasini shakllantiradi va bu tasvirni idrok etish ko‘pincha mashg‘ulot qanchalik muvaffaqiyatli bo‘lishini belgilaydi. Bolalar uchun namuna, nafaqat matematika, ingliz tili yoki biologiyani bilishda, balki shaxsiy nuqtayi nazardan ham namuna bo‘lish orqali o‘qituvchi:

- o‘quvchilarda ishonch uyg‘otish;
- o‘quv materialining sifatiga ta‘sir ko‘rsatish;
- talabalarning ijodiy, intellektual, ijtimoiy faolligini rag‘batlantirish;
- o‘quvchilar shaxsini, ularning axloqiy fazilatlarini, odamlarga, tabiatga, ma‘naviy qadriyatlarga, obyektiv dunyoga to‘g‘ri munosabatda bo‘lishni shakllantirish;
- o‘quvchilarga shaxsiy va ishbilarmonlik muloqot qilish ko‘nikmalarini, tashqi ko‘rinish madaniyatini o‘rgatish, ularni malakali gapirishga o‘rgatish va boshqalarga erishadi.

Ta’limning hissiy-metodik uslubiga ega o’qituvchi asosiy e’tiborni o’quv jarayoniga ham, uning natijasiga ham qaratadi. Uning faoliyati operativ, ammo intuitivlik aks ettirishdan ustun turadi. U o’quvchilarni tashqi o’yin-kulgi bilan emas, balki mavzuning o’ziga xos xususiyatlari bilan faollashtiradi.

O’qitishning asosli fikrlash-improvizatsion uslubiga ega bo’lgan o’qituvchi asosiy e’tiborni o’rganish jarayoni va ta’lim natijalariga qaratadi. U orientatsiya, adekvat rejalashtirish, samaradorlik va intuitivlik va refleksivlikning kombinatsiyasi bilan tavsiflanadi. U kamroq zukkolik va o’qitish usullarining xilma-xilligi bilan ajralib turadi va har doim ham jamoaviy muhokamalardan foydalanmaydi. Ammo o’qituvchining o’zi, ayniqsa so’rov paytida kamroq gapiradi va shu bilan respondentlarga o’z javoblarini batafsil shakllantirish imkoniyatini beradi.

O’qitishning asosli fikrlash uslubiga ega bo’lgan o’qituvchi, birinchi navbatda, ta’lim natijasiga e’tibor beradi. U pedagogik faoliyat vositalari va usullaridan foydalanishda konservativizmni namoyon etadi. Yuqori metodiklik kichik, standart o’qitish usullari to’plami, o’quvchilarning reproduktiv faolligini afzal ko’rish va noyob jamoaviy muhokamalar bilan birlashtirilgan. O’qituvchi refleksivligi, darsdagi vaziyatlarning o’zgarishiga sezgirligi pastligi va harakatlarida ehtiyotkorlik bilan ajralib turadi.

N.V.Kuzmina [8] pedagogik faoliyatning 5 darajasini va mos keladigan malakalarni belgilaydi:

Reproduktiv o’qituvchi o’zi bilgan narsalarni boshqalarga qanday yetkazishni biladi.

Moslashuvchan o’qituvchi ma’lumotni qanday yetkazishni biladi, uni o’zi ishlayotgan obyektning xususiyatlariga qarab o’zgartiradi.

Mahalliy miqyosda modellashtiruvchi o’qituvchi ma’lumotni yetkazish, o’zgartirish va individual masalalar bo’yicha bilimlar tizimini modellashtirishga qodir.

Bilimlarni tizimli modellashtirgan o’qituvchi o’z fanida bilimlar tizimini tashkil etuvchi faoliyat tizimini modellashtirishga qodir.

Xulq-atvorni tizimli ravishda modellashtirgan o’qituvchi o’quvchilarda shaxsiy xususiyatlarni shakllantiradigan faoliyat tizimini modellashtirishga qodir.

Har bir daraja oldingi darajadagi ko’nikmalarning tuzilishini o’z ichiga oladi va ularni qayta tiklaydi.

Tadqiqotimizning aniqlovchi bosqich tajribalarida pedagog va psixolog olimlarning zamonaviy maktab o’qituvchisining eng muhim xislatlariga bag’ishlagan mezonlari yordamida ishlab chiqilgan “Zamonaviy maktab o’qituvchisining kasbiy-shaxsiy sifatlarini o’rganish” anketasi yordamida, ularning kasbiy tayyorgarlik jarayonidagi shaxsga xos xislatlari hamda kasbiy bilimlarini o’rganishga erishildi. Ularning tahliliga quyida alohida to’xtab o’tiladi. Har bir band bo’yicha ajratilgan sifatning rang ko’rsatkichlari, xususiyatlarning chastotalari asosida korrelyatsion munosabatlari mutaxassislar tayyorlash jarayonida ishtirok etgan pedagoglar va talabalarning munosabatlari asosida tahlil etiladi (1-jadval).

1-jadval.


O’qituvchining shaxslilik prediktorlarining kasbiy tayyorgarlik jarayonida shakllanishi ahamiyatini o’rganish natijalari

№	Prediktorlar	O’qituvchilar		Talabalar		t
		x	m	x	m	
1	O’z vataniga, xalqiga sodiqlik, bolalarni sevishlik	1,77	1,610	2,35	0,831	2,129
2	Amaliy-psixologik savodxonlik	2,67	1,30	2,82	1,78	0,438
3	Mehnatsevarlik va ijodkorlik	2,45	1,41	3,25	1,8	-2,856**
4	Jamoat ishlarida faollik	3,10	1,75	2,40	1,21	3,618***
5	Mehribonlik, dilkashlik, odamiylik	2,77	1,77	3,87	1,78	-3,376***
6	Kamtarlik, samimiylilik	3,02	1,83	3,30	1,82	-0,776
7	Qat’iylik, dadillik va mustahkam xarakterga ega bo’lishlik	2,55	1,19	2,65	1,84	-0,344
8	O’z bilimi va mahoratini izchil oshirishga intilishlik	3,97	2,16	2,67	1,40	3,134**

** $p \leq 0,01$; *** $p \leq 0,001$

Izoh: x-o’rta arifmetik qiymat; m-standart og’ish; t-student mezon

O‘qituvchining shaxslilik prediktorlarining kasbiy tayyorgarlik jarayonida shakllanishi ahamiyatini o‘rganish natijalari diagrammasi



O‘qituvchi va talabalar tomonidan zamonaviy maktab o‘qituvchisini kasbiy tayyorgarlik jarayonida shaxsiy xislatlarni kamol toptirishning ahamiyatini o‘rganish natijalarining ko‘rsatishicha, o‘z vataniga, xalqiga sodiqlik, bolalarni sevishlik; amaliy-psixologik savodxonlik; mehnatsevarlik va ijodkorlik; jamoat ishlarida faollik; mehribonlik, dilkashlik, odamiylik; kamtarlik, samimiylilik; qat’iylik, dadillik va mustahkam xarakterga ega bo‘lishlik; o‘z bilimi va mahoratini izchil oshirishga intilishlik kabi sifatning barchasi tekshiriluvchilar tomonidan sakkiz darajali rang ko‘rsatkichlari bo‘yicha o‘rtacha uch darajali ahamiyatga egaligi qayd etilgan.

Natijalardan ko‘rinadiki, kasbiy tayyorgarlik uchun zarur psixologik ko‘rsatkichlarni tahliliga qadar, o‘qituvchi va talabalar shaxsiy xislatlari kasbiy tayyorgarlik uchun muhim ekanligini ko‘rsatishda yanglishmaganlar, deyish mumkin. Bu o‘rinda o‘qituvchilar bilan talabalarning zamonaviy maktab o‘qituvchisi uchun “o‘z vataniga, xalqiga sodiqlik, bolalarni sevishlik” xislati (1,77 va 2,35), “amaliy-psixologik savodxonlik” (2,67 va 2,82); “kamtarlik, samimiylilik” (3,02 va 3,30), “qat’iylik, dadillik va mustahkam xarakterga ega bo‘lishlik” (2,55 va 2,65) xislatlari o‘rtasida farqlar kuzatilmadi. O‘qituvchi va talabalar zamonaviy maktab o‘qituvchilarning mazkur shaxsiy xislatlarini shakllantirish ahamiyatini nisbiy tenglikda anglaganlar, deyish mumkin.

O‘qituvchi va talabalar tomonidan zamonaviy maktab o‘qituvchisining shaxsiy xislatlari kasbiy tayyorgarlik jarayonida kamol topishi muhim ahamiyatga ega ekanligini rang ko‘rsatkichlari asosida qayd etganlar. Hattoki ushbu xislatlarni rang ko‘rsatkichlari bo‘yicha solishtirganda ham “o‘z vataniga, xalqiga sodiqlik, bolalarni sevishlik” bir xil rang ko‘rsatkichni aks ettirganligining o‘zini ham ijobiy hol deya olamiz. Ammo ular bir qator shaxsiy xislatlarni farqli baholaganliklari statistik mezonlarda ham kuzatildi: “mehnatsevarlik va ijodkorlik” (2,45 va 3,25); “jamoat ishlarida faollik” (3,10 va 2,40); “mehribonlik, dilkashlik, odamiylik” (2,77 va 3,87); “o‘z bilimi va mahoratini izchil oshirishga intilish” (3,97 va 2,67) (2-jadval). Zamonaviy maktab o‘qituvchisi uchun zarur shaxsiy xislatlarning ahamiyatini o‘qituvchi va talabalar tomonidan baholanishdagi tafvutlar, ularning rang va o‘rin ko‘rsatkichlari bo‘yicha ham o‘z aksini topdi.

Xulosa. O‘qituvchilarining o‘z faoliyatiga doir individual samarali uslublarining rivojlanishiga asos bo‘ladigan shaxs tuzilishi yo‘naltirish quyi tuzilmasi, tajriba quyi tuzilmasi, aks ettirish shakllarining pastki tuzilmasi va biologik jihatdan aniqlangan pastki tuzilma va boshqalarni o‘z ichiga oladi. Bunday uslublar turli xil variantlarni o‘z ichiga oladi. Uning jarayoni plastika, o‘zgarish qobiliyati, o‘qituvchining kasbiy faoliyati davomida turli darajada bo‘lsa-da, saqlanib qoladi va natijalari ham bir tomonlama emas, bir xil yakuniy holatga olib keladi. O‘qituvchi pedagogik faoliyatining nomukammal individual uslubi uning kasbiy va pedagogik madaniyatining tashqi ko‘rsatkichi bo‘lib, uni optimallashtirish uchun o‘z uslubini tartibga solishga qaratilgan chora-tadbirlar tizimini ishlab chiqish zarurligini ko‘rsatadi.

Muntazam olib boriladigan jonli pedagogik faoliyatni hozirgi zamon talablari bilan uzviylikda bog‘lab ilmiy tadqiqotlar olib borilishi natijasida “pedagogik mahorat” hodisasi turli fikr va mulohazalar bilan boyitilib boriladi. Jonli pedagogik faoliyatda kuzatiladigan “pedagogik mahorat” tushunchasi ayrim belgilardan iborat bo‘lgan obyekt kabi tasavvur qilinmasdan, bo‘linmas yaxlit tushuncha hisoblangan, ya’ni o‘qituvchini majburiy pedagogik bo‘shqa kiritadigan munosabatlar tarmog‘i hisoblangan.

1. Hozirgi zamon ta’limi o‘qituvchilarining kasbiy tayyorgarligi va uning shaxsiy hamda kasbiy kamolotiga (psixologiyasiga) yuksak talablar qo‘yadi. Mamlakatimiz ijtimoiy-tarixiy taraqqiyotining barcha bosqichlarida o‘qituvchining shaxsi yuksak ijtimoiy mavqega ega bo‘lib, xalqning etnik ongi va tafakkuri

namunasi sifatida e'zozlangan. Zamonaviy boshlang'ich sinf o'qituvchisi ham ana shunday yuksak ijtimoiy mavqeni egallashi nazarda tutilgan.

2. Hozirgi zamon maktab o'qituvchisi kasbiy faoliyatga moslashuvining samarali kechishi zamonaviy o'qitish metodlarining o'ziga xos xususiyatlarini mukammal egallaganligi, amaldagi ta'lim va tarbiya tamoyillariga qat'iy rioya qilishi, zamonaviy o'qituvchi uchun zarur bo'lgan kasbiy bilim, shaxsiy hamda kasbiy xislatlarni o'zida mujassamlashtirganligi va undan kasbiy faoliyatida oqilona foydalana olishi bilan belgilanadi.

3. Zamonaviy maktab o'qituvchisining kasbiy tayyorgarligi jarayonida, o'qituvchi egallashi zarur bo'lgan psixologik-pedagogik tarbiyaviy ta'sirlarning majmui mazkur etnik jamoaga xos axloqiy, ijtimoiy-huquqiy va ishlab chiqarish mehnati me'yorlarining evolyusiyasiga mos tushishi hamda tarbiyalanuvchilarning mazkur psixologik-pedagogik ta'sirlarga moslasha olish imkoniyatlarini ham e'tiborga olishi zarur.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi PF-5847-son «O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini to'g'risida»gi Farmoni. Qonun hujjatlari to'plami milliy bazasi <https://lex.uz/>

2. Azizxodjaeva N.N. Pedagogik texnologiya va pedagogik mahorat. O'quv qo'llanma. – T.: TDPU, 2003. - 174 b.

3. Демидова И.Ф. «Педагогическая психология» учебное пособие Ростов на Дону: издательство: «Феникс», 2003г. 224 стр.

4. Зимняя И.А. « Педагогическая психология» Учебное пособие для вузов. Издательство второе, дополненное, исправленное и переработанное. Москва: ЛОГОС, 2004г. 384стр.

5. Ёўлдошев Ж.Ф., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари (Халқ таълими ходимлари учун қўлл.). – Т.: Ўқитувчи, 2004. - 101 б.

6. Климов Е.А. Профессии научных работников: Учеб. пособие. М.: Академия, 2005.

7. Кузьмина Н.В. «Формирование педагогических способностей». Ленинград: ЛГУ, 1961г. 252 стр.

Shomurodov Ibrohim Xusanmurot o'g'li,
Qarshi davlat universiteti mustaqil izlanuvchisi
ibrohimshomurodov93@gmail.com

EKSTREMAL VAZIYATLARDA SHAXS PSIXOLOGIK HIMOYA MEXANIZMINI EMPIRIK O'RGANILISHI VA UNDA OLINGAN NATIJALAR TAHLILI

Annotatsiya. Maqolada talabalar bilan olib borilgan empirik tadqiqot natijalari quyidagi ilmiy xulosalarni bayon etish imkonini berdi. Kellerman-Plutchik-Kontening "Psixologik himoya mexanizmlarini diagnostika qilish" so'rovnomasi, A.YE.Uessman va D.F.Riksning "O'z-o'zini hissiy baholash motivatsiyasi" va Ch.D.Spilberg-Y.Xanin tomonidan ishlab chiqilgan "Shaxsiy va vaziyatli xavotirlanish darajasini o'rganish" metodikalari yordamida shaxsdagi xavotirlik xususiyatlari va psixologik himoya mexanizmlarining o'zaro mutanosiblik yoki nomutanosiblik ko'rsatkichlari tadqiq qilinishi talabalar uchun xarakterli bo'lgan ayrim ma'lumotlarning o'rtacha-umumiy va qiyosiy tipik ko'rsatkichlarida o'ziga xos o'xshashliklar va tafovutlar mavjudligi ko'rsatib o'tilgan.

Kalit so'zlar: adekvat, noadekvat, proyeksiya, reaktiv tuzilma, respondent.

ЭМПИРИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ МЕХАНИЗМА ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ЗАЩИТЫ ЛИЧНОСТИ В ЭКСТРЕМАЛЬНЫХ СИТУАЦИЯХ И АНАЛИЗ ПОЛУЧЕННЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ

Аннотация. Результаты эмпирического исследования, проведённого со студентами в статье, позволили сформулировать следующие научные выводы. Опросник «Диагностика механизмов психологической защиты» Келлермана-Плутчика-Конте, «Мотивация самооценочной оценки» А.Е. Вессман и Д.Ф. Рикс и Ч. Д. Спилберг-Ю. Ханин, используя методы «Исследования уровня личностной и ситуативной тревожности», исследовали особенности тревожности человека и показатели взаимной пропорциональности или дисбаланса психологической защиты. механизмы являются некоторыми характерными для студентов; показано, что имеются конкретные сходства и различия средне-общих и сравнительно-типических показателей данных.

Ключевые слова: адекватный, неадекватный, проекция, реактивная структура, респондент.

EMPIRICAL STUDY OF PERSONAL PSYCHOLOGICAL PROTECTION MECHANISM IN EXTREME SITUATIONS AND ANALYSIS OF THE RESULTS OBTAINED FROM IT

Abstract. The results of the empirical research conducted with students in the article made it possible to state the following scientific conclusions. Questionnaire "Diagnosis of psychological defense mechanisms" by Kellerman-Plutchik-Conte, "Motivation of self-emotional assessment" by A.YE. Wessman and D.F. Ricks. and Ch. D. Spielberg-Y. Khanin, using the methods of "Researching the level of personal and situational anxiety", researching the characteristics of anxiety in a person and the indicators of mutual proportionality or imbalance of psychological protection mechanisms are some characteristic for students it is shown that there are specific similarities and differences in the average-general and comparative typical indicators of the data.

Keywords: adequate, inadequate, projection, reactive structure, respondent.

Kirish. Shaxsning psixologik himoya mexanizmi va o'zini o'zi real baholash jarayoni turli xil ko'ngilsizliklardan, muvaffaqiyatsizliklardan hamda ekstremal vaziyatlardan ma'lum darajada himoya qilish uchun muhim ahamiyat kasb etadi. Ayniqsa, talabalik davrida bu jarayonga jiddiy e'tibor qaratish kerak bo'ladi. Shuni hisobga olib talabalarda psixologik himoya mexanizmini shakllantirish, o'zini o'zi real baholash va psixologik himoya imkoniyatlari o'rtasidagi mutanosiblik bilan bog'liq ijtimoiy psixologik omillarni empirik jihatdan o'rganish va tegishli mezonlar asosida uning natijalarini tahlil qilish maqsadga muvofiqdir.

Shuni ta'kidlash joizki, ba'zan har bir talaba, o'z hissiy tabiati va uning faoliyat samaradorligiga xizmat qiluvchi psixologik himoya imkoniyatlariga adekvat baho bera olishga ma'lum ma'noda "ojizlik" qilishlari kuzatiladi. Bizningcha, bunday "ojizlik" zamirida hissiy qoniqmaslik, hissiy bezovtalik, o'z-o'ziga nisbatan noadekvat hissiy tasavvur va turli xavotirlar shakllanadi.

Adabiyotlar tahlili va metodlar. Oliy ta’lim tizimida tahsil olayotgan talabalarning o’qish faoliyati va kundalik ishlariga psixik barqarorligini oshirish bugungi kunning dolzarb masalalaridan biri sifatida qaralmoqda. Talabalarning o’zini o’zi boshqarish, tasodifiy vaziyatlarda tushkunlikka tushishini oldini olish, turli ta’sirlardan o’zini o’zi nazorat qilish, bosimdan chiqish va xavf-xatarda xavotirga tushmaslik kabi holatlarni o’rganish, ularni ilmiy tahlil etish va uning salbiy ta’sirlarini aniqlash muammosi bugungi kunda yechimini kutayotgan muammo hisoblanadi.

Tadqiqotimizda yuqoridagi zaruratni e’tiborga olib, talabalarning ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya mexanizmlarini o’rganish va uning ahamiyatini baholash muhim vazifamiz sifatida belgilandi. Tadqiqotimizda Qarshi davlat universiteti va Samarqand davlat universitetlaridan va jami 321 nafar sinalluvchilar ishtirok etdi. Jumladan, Qarshi davlat universitetidan 207 nafar, Samarqand davlat universitetidan 114 nafar sinalluvchi talabalar tajriba tadqiqotlarida qatnashdilar.

Tadqiqot ishimizda Kellerman-Plutchik-Kontening “Psixologik himoya mexanizmlarini diagnostika qilish” so’rovnomasini, A.YE.Uessman va D.F.Riksning “O’z-o’zini hissiy baholash motivatsiyasi” va Ch.D.Spilberg-Y.Xanin tomonidan ishlab chiqilgan “Shaxsiy va vaziyatli xavotirlanish darajasini o’rganish” metodikalaridan foydalanildi.

Muhokama va natijalar. Dastlab talabalarning turli ekstremal vaziyatlarda o’zlarini psixologik himoya qilish darajasini o’rganish maqsadida olib borilgan tadqiqotlarning sharhi to’g’risida batafsil to’xtalsak.

1-jadval.

Kellerman-Plutchik-Kontening “Psixologik himoya mexanizmlarini diagnostika qilish” so’rovnomasidan olingan natijalar tahlili (n=321)

Psixologik himoya mexanizm tiplari	Sinalluvchilar obyekt	n1 n2	O’rtacha qiymat (M)	Standart og’ish	t	Ishonch darajasi
Siqib chiqarish	QarDU	207	5,73	2,1	-2,3	0,05
	SamDU	114	4,78	2,0		
Proyeksiya	QarDU	207	8,92	2,1	-2,7	0,05
	SamDU	114	9,79	1,8		
Reaktiv tuzilma	QarDU	207	6,22	1,6	-2,5	0,19
	SamDU	114	6,86	1,7		

Izoh: *-p <0,05, **-p <0,01, ***-p <0,001.

Ushbu metodika bo’yicha olingan natijalar tahlil qilinganda ekstremal vaziyatlarda QarDU sinalluvchilari (n1=207) SamDU sinalluvchilari (n2=114) ga nisbatan “siqib chiqarish” psixologik himoya mexanizmi (5,73 ball) nisbatan yuqoriligi namoyon bo’ldi (t=2,3; p<0,05). Buning asosiy sababi sifatida talabalarning anglanilmagan qarorlarni inkor etishlari hodisasi bilan izohlash mumkin.

Sinalluvchilarda “proyeksiya” psixologik himoya mexanizmi bo’yicha ham ishonch darajadagi farqlarni kuzatish imkoniyati yuz berdi (t=2,7; p<0,05). “Proyeksiya”li psixologik himoya mexanizm tipi- bu boshqa insonga yoki obyektga nisbatan fikrlarning ko’chishi hisoblanadi. “Proyeksiya” psixologik himoya mexanizmining noma’lum ko’rinishlari doimiy hayotda namoyon bo’lishi kutiladi. Ko’pgina talabalar o’zlarining kamchiliklariga nisbatan tanqidiy nazar bilan qaramaydilar, biroq boshqalarning kamchiliklarini esa, osonlik bilan aniqlaydilar.

O’tkazilgan tadqiqotda “proyeksiya” psixologik himoya mexanizmining darajasi SamDU talabalarida (n2=114)da QarDU talabalarida (n1=207)ra nisbatan yuqoriroq (9,79 ball) ekanligini ko’rsatdi. Mazkur holat “proyeksiya” himoya mexanizmi yuqori bo’lgan SamDU sinalluvchilari (n2=114)da nizoli vaziyatlardan ko’r-ko’rona xulosa chiqarish va bunga o’z izohini berish xislatining darajasi yuqori ekanligini, QarDU sinalluvchilari (n1=207)da esa, bunday vaziyatlarda asosan dalillarga tayanish holatlari ustun ekanligini namoyon qildi.

Tadqiqotlarda “reaktiv tuzilma” psixologik himoya mexanizmini ham SamDU talabalarida (6,86 ball)da nisbatan yuqoriligini ko’rsatdi (t=2,3; p<0,019). SamDU sinalluvchilarida ekstremal vaziyatlarda o’ylab o’tirmasdan xulosa chiqarish, so’ngra inkor etish holatlari, demak, bu bilan psixologik himoyani kuchaytirishni inkor etish holatlari ko’zga tashlanadi.

Yuqoridagi tahlillardan ma’lum bo’ldiki, QarDU sinalluvchilarida anglanilmagan qarorlarga nisbatan rad etish va ekstremal vaziyatlarda avvalgi dalillarga tayanish mexanizmi barqaror rivojlanganligi bilan muhim ahamiyat kasb etadi. SamDU talabalarida o’zlarining kamchiliklariga nisbatan tanqidiy nazar bilan qarash kam uchraydi, biroq boshqalarning kamchiliklarini, ko’r-ko’rona xulosa chiqarish va uni tezda inkor

etish mexanizmlarida ayrim muammolar kuzatilganligiga guvoh bo'ldik. Demak, SamDU talabalari bilan tizimli va mukammal dastur asosida psixokorreksion ishlarni amalga oshirish maqsadga muvofiqdir.

Tadqiqotning keyingi bosqichida talabalarning ekstremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholash va nazorat qilish aspektini o'rganish maqsadida A.E.Riks-D.F.Uessman testini hamda shunga mos bo'lgan qo'shimcha savolnomalarni qo'llab, tegishli empirik natijalarni qo'lga kiritishni rejalashtirdik. Endi bevosita mazkur metodikalar yordamida olingan empirik ma'lumotlar tahliliga o'tamiz.

2-jadval.

A.YE.Uessman va D.F.Riksning “O‘z-o‘zini hissiy baholash motivatsiyasi” metodikasidan olingan empirik natijalar tahlili (n=321)

Shkallalar	Mezon-lar	Sinaluvchilar obyekt	n1 n2	O‘rtacha qiymat (M)	Standart og‘ish	t	Ishonch darajasi
Xotirjamlik – asabiylik	A-B	QarDU	207	52,8-47,2	2,2	-2,9	0,05
	A-B	SamDU	114	42,7-57,3	3,0		
G‘ayrat va shijoatlilik - tortinchoqlik	A-B	QarDU	207	52,5-47,5	2,11	-2,6	0,02
	A-B	SamDU	114	46,5-53,5	3,86		
Hissiy ko‘tarinkilik-hissiy tushkunlik	A-B	QarDU	207	57,4-42,6	2,75	-2,3	0,04
	A-B	SamDU	114	48,5-51,5	3,73		
O‘z-o‘ziga ishonch – o‘z-o‘ziga ishonchsizlik	A-B	QarDU	207	51,0-49,0	2,31	-2,1	0,021
	A-B	SamDU	114	56,2-43,8	2,41		

*Izoh: *p < 0,05, **p < 0,01, ***p < 0,001.*

Dastavval shuni ta'kidlash joizki, natijalar taniqli amerikalik psixologlar A.E.Uessman va D.F.Riks tomonidan ishlab chiqilgan maxsus to'rt shkalali (1-shkalla: xotirjamlik-asabiylik, 2-shkalla: g'ayrat va shijoatlilik – tortinchoqlik 3-shkalla: hissiy ko'tarinkilik-hissiy tushkunlik, 4- shkalla: o'z-o'ziga ishonchlik-o'z-o'ziga ishonchsizlik) usuli majmuasini qo'llash asosida va barcha empirik dalillarning haqqoniyligini tasdiqlovchi qo'shimcha statistik mezonlar yordamida aniqlandi. Buning uchun ma'lum ilmiy adabiyotlardagi nazariy va amaliy fikrlar asos qilib olindi.

Har qanday shaxsning u yoki bu faoliyatga nisbatan faolligi yoki sustligi uning ijobiy yoki salbiy ichki hissiy holatiga ko'p jihatdan bog'liqdir. Bu ichki holat esa shaxs faoliyati unumdorligini ham belgilovchi muhim omillardan bo'lishi mumkin. Jumladan, taniqli psixolog K.Izardning fikricha, inson faoliyatining yoki faolligining samaradorligi asosan “qiziqish”, “quvonch”, “hayratlanish”, “iztirob chekish” kabi hissiy kechinmalarga uzviy bog'liqligini ta'kidlaydi.

Binobarin, hissiy kechinmalar to'g'ri yo'naltirilmas ekan shaxs psixologik holatida turli nomutanosibliklar vujudga keladi.

Bunda ichki diskonfort qanchalik kuchayaversa, shaxsning o'zini o'zi psixologik himoya qilish imkoniyatlari shunchalik pasayib boradi. Natijada, shaxsning ijtimoiy taraqqiyoti va shaxsiy sifatidagi faolligi bir muncha zaiflashadi. Bunday zaiflikka yo'l qo'ymaslik uchun har bir talabadagi ekstremal vaziyatlarda o'zini o'zi hissiy baholash me'yorlari haqidagi tegishli tasavvur hosil qilish muhim ahamiyat kasb etadi deb o'ylaymiz. Shu nuqtayi nazardan qo'llanilgan o'zini o'zi hissiy baholash (A.E.Riks-D.F.Uessman) metodikasi tegishli empirik ma'lumotlar olishga va uni maxsus tadqiqot tizimi bo'yicha tahlil qilishga imkon beradi.

Endi bevosita A.E.Riks va D.F.Uessman metodikasi asosida talabalarning ekstremal vaziyatlarda o'zini-o'zi hissiy baholash shkalasi bo'yicha olingan empirik ma'lumotlar tahliliga o'tamiz.

Olib borilgan tadqiqot shkallalar o'rtasida ishonchli farqlar mavjudligining guvohi bo'ldik. O'zini o'zi baholash shkalasining “A” mezon bo'yicha QarDU sinaluvchilarida yuqori ball qayd etilgan bo'lsa, SamDU sinaluvchilarida esa ushbu mezon bo'yicha olingan natijalar biroz past darajada ekanligini ko'rishimiz

mumkin. Ushbu metodika shkallasining “B” mezon natijalari SamDU respondentlarida yaqqol ifodalanganligini kuzatdik.

Metodikadagi “o‘z-o‘ziga ishonch-o‘z o‘ziga ishonchsizlik” shkallasi bo‘yicha natijalar har ikkala obyektida ham bir ekanligi isbotlandi.

Shuni alohida ta’kidlash mumkinki, shaxsning o‘zini o‘zi hissiy baholashda shaxsiy faoliyat va faolligining mazmuni, talablari hamda ijtimoiy psixologik jihatdan to‘g‘ri– “adekvat” yo‘naltirilganlikning bugungi kunda ekstremal vaziyatlarda psixologik himoya qay tariqa o‘rin tutayotganligiga empirik materiallar asosida baho berishni ko‘zlab mazkur usul qo‘llanildi.

Olingan dastlabki ma’lumotlar A.E.Riks va D.F.Uessman shkalasi talabiga muvofiq ravishda ikki toifaga bo‘lib tadqiq qilindi. Ya’ni birinchi toifaga (“a” toifa) barcha shkalalar bo‘yicha olingan ma’lumotlarning shaxs faolligi bilan bog‘liq psixologik himoyaga “adekvat” bo‘lgan “me’yoriy – hissiy baholash” asosidagi ko‘rsatkichlari (masalan 1 “a” – xotirjamlik: 2 “a” – g‘ayrat – shijoatlilik: 3 “a” – hissiy – ko‘tarinkilik: 4 “a” – o‘z – o‘ziga yuksak ishonch bilan yondashish), ikkinchi toifa sifatida qabul qilingan “b” toifaga esa shaxs faolligi bilan bog‘liq psixologik himoya “noadekvat” bo‘lgan “nome’yoriy – hissiy baholash” asosidagi ko‘rsatkichlar (masalan 1 “b” – asabiylik, 2 “b” – toliqqanlik, 3 “b” – hissiy tushkunlik, 4 “b” – o‘z-o‘ziga ishonchsizlik) majmuasi kiritildi. Bu esa ekstremal vaziyatlarda talaba sinaluvchilarda mavjud o‘z – o‘zini “noadekvat” hissiy baholash (“b” toifa) jarayoni bilan bog‘liq o‘rtacha umumiy ko‘rsatkichlar ko‘lamini tadqiq qilish imkonini beradi.

A.E.Riks-D.F.Uessman shkalasi bo‘yicha ekstremal vaziyatlarda sinaluvchilarda o‘zini-o‘zi hissiy baholashga asoslangan adekvat va noadekvat psixologik himoya ko‘rsatkichlarining respondentlar umumiy soniga nisbat tutgan o‘rinlari

№	QarDU respondentlari				SamDU respondentlari			
	adekvatlilik		noadekvatlilik		adekvatlilik		noadekvatlilik	
	shkalasi	ball	shkalasi	ball	shkalasi	ball	shkalasi	ball
1	3	57,4	4	49,0	4	56,2	1	57,3
2	1	52,8	2	47,5	3	48,5	2	54,5
3	2	52,5	1	47,2	2	46,5	3	51,5
4	4	51,0	3	42,6	1	42,7	4	43,8

Olingan empirik ma’lumotlarni sinchiklab o‘rganadigan bo‘lsak, ekstremal vaziyatlarda o‘zini o‘zi hissiy baholashga asoslangan psixologik himoya ko‘rsatkichlarida turli xil qonuniyatlar mavjudligini ko‘ramiz.

1. Tadqiqot maqsadiga mos qo‘llanilgan asosiy va qo‘shimcha usullar hamda jadvaldagi ma’lumotlar shundan guvohlik beradiki, talabalikning dastlabki davrida ham, oxirgi bosqichida ham o‘zini o‘zi hissiy baholashga asoslangan psixologik himoya haqidagi tasavvurlarning “adekvat” va “noadekvat” ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi tafovutning unchalik katta emasligini ta’kidlash mumkin.

2. QarDU va SamDU sinaluvchilarida “adekvat” ko‘rsatkichlar ko‘lami talaygina miqdorni tashkil etishi, jumladan QarDU respondentlari orasida barcha to‘rtala shkalani umumlashirgan holdagi o‘rtacha umumiy ko‘rsatkich miqdori nisbatan ko‘proq miqdorni, ya’ni 53,4 ballni tashkil etgan bo‘lsa, bu miqdor SamDU sinaluvchilariga nisbatan olganda esa 48,5 ballga kamayganligini ko‘rish mumkin. “Noadekvat” ko‘rsatkichlar miqdori esa QarDU sinaluvchilari orasida nisbatan kamroqni ya’ni 46,6 ballni tashkil etgan bo‘lsa, SamDU sinaluvchilari orasida nisbatan ko‘proq miqdorni, ya’ni 51,5 ballni tashkil etganligi bilan xarakterlanadi. Olingan bu ko‘rsatkichlar ekstremal vaziyatlarda talabalarda o‘zini o‘zi hissiy baholash jarayoni va uning psixologik himoya mexanizmi jarayoniga nechog‘liq mutanosiblik jihatlari va uning dinamikasi haqida tahlillar olib borish imkoniyatini ochib beradi.

3. Olingan ma’lumotlarga asoslanib A.E.Riks va D.F.Uessman shkalasi bo‘yicha ekstremal vaziyatlarda o‘zini o‘zi hissiy baholashga asoslangan “adekvat” va “noadekvat” psixologik himoya ko‘rsatkichlarining respondentlar umumiy soniga nisbatan tutgan o‘rinlari belgilandi. Jumladan, QarDU talabalari orasida belgilangan to‘rt shkaladagi adekvat ko‘rsatkichlar bo‘yicha 1-o‘rinni 3-shkala “hissiy ko‘tarinkilik” ko‘rsatkichlari (57,4 ball) egallagan bo‘lsa, SamDU talabalari orasida esa mazkur yo‘nalish bo‘yicha 1-o‘rin 4-shkalaga “o‘z-o‘ziga ishonchlilik”ga taalluqliligi (59,9ball) ma’lum bo‘ldi. Shuningdek, QarDU sinaluvchilaridagi adekvat ko‘rsatkichlar ko‘lamida 2-o‘rin 1-shkalaga (52,8 ball), 3-o‘rin 2-shkalaga (52,5 ball), 4-o‘rin esa 4-shkala (51,0 ball)ga to‘g‘ri keldi. SamDU talabalari orasidagi o‘zini o‘zi hissiy baholashga bo‘lgan adekvat ko‘rsatkichlari ko‘lamida esa 2-o‘rin 3-shkalaga (48,5 ball), 3-o‘rin 2-shkalaga

(46,5 ball) va oxirgi 4-o‘rin 1-shkalaga (42,7 ball) to‘g‘ri kelishi bilan harakterlanadi. O‘zini o‘zi hissiy baholashga bo‘lgan noadekvat ko‘rsatkichlar ko‘lami bo‘yicha QarDU sinaluvchilari orasida 1-o‘rin 4-shkalaga (49,0), 2-o‘rin 2-shkalaga (47,5 ball), 3-o‘rin 1-shkalaga (42,7 ball), 4-o‘rin 3-shkalaga (42,6 ball) to‘g‘ri kelgan bo‘lsa, bunday ko‘rsatkichlar SamDU talabalariga kelib bir oz o‘zgarganligini kuzatish mumkin. Ya‘ni, 1-o‘rin 1-shkalaga (57,3 ball), 2-o‘rin 2-shkalaga (54,5 ball), 3-o‘rin 3-shkalaga (51,5ball), 4-o‘rin 4-shkalaga (43,8 ball) to‘g‘ri kelishi yaqqol nomoyon bo‘ldi. Olingan bu ko‘rsatkichlar har bir talabaga individual yondashuv imkoniyatlarini izlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Qo‘shimcha ravishda olib borilgan kontent tahlil natijalarida ham QarDU va SamDU talabalarida orasida biroz bo‘lsada tafovutlarning borligi sezildi. Jumladan, berilgan ochiq va yopiq savollarning javoblari va individual suhbat natijalaridagi ko‘p marta takrorlangan tushunchalarning umumiy qiymatlari tahlilida ham adekvat va noadekvat ko‘rsatkichlar xarakteri tahlil qilindi. Unga ko‘ra QarDU sinaluvchilari bo‘yicha adekvat ko‘rsatkichlar orasidagi 1-o‘rin “hissiy ko‘tarinkilik” motivatsiyasiga (56 ball), 2-o‘rin “o‘z-o‘ziga ishonch” motivatsiyasiga (54 ball), 3-o‘rin “g‘ayrat- shijoatlilik” motivatsiyasiga (51,0 ball), 4-o‘rin “xotirjamlik” motivatsiyasiga (50,0) to‘g‘ri kelishi, SamDU sinaluvchilaridan olingan ochiq javoblarda esa, 1-o‘rin “o‘z-o‘ziga ishonch” motivatsiyasiga (60 ball), oxirgi o‘rin “g‘ayrat - shijoatlilik” motivatsiyasiga (48 ball) to‘g‘ri kelishi aniqlandi. Noadekvat ko‘rsatkichlardagi “asabiylik”ning QarDU talabalarida ham SamDU talabalarida ham 1-o‘rinda turishi talabalik davridagi notekis o‘zgarishlar, talaba shaxsiga xos vaqtinchalik inqiroz holatining ta‘siri kabi omillarning mavjudligi bilan yaqqol ko‘zga tashlanadi. Olingan bu ma‘lumotlar metodika mazmuniga mos oldingi ma‘lumotlar tahlilining obyektivligini yana bir bor tasdiqlaydi.

Tadqiqotning oxirgi qismida sinaluvchilarning ekstremal vaziyatlarda adaptatsiya sindromi sifatida ajratilgan xavotirlanish darajasini o‘rganish maqsadida Ch.D.Spilberger-Y.L.Xanin tomonidan ishlab

Shaxsiy xavotirlanish darajasi	Sinaluvchilar	n1 n2	O‘rtacha ko‘rsatkich (M)	Standart og‘ish	t	p
Yuqori daraja	QarDU	207	53,2	4,2	2,9	0,05
	SamDU	114	42,2	4,4		
O‘rta daraja	QarDU	207	34,6	2,4	2,2	0,020
	SamDU	114	32,8	2,2		
Past darajada	QarDU	207	16,4	1,1	2,0	0,041
	SamDU	114	25,2	1,4		

chiqilgan, vaziyat bilan bog‘liq xavotirlanuvchanlik (VX) va shaxs bilan bog‘liq xavotirlanuvchanlik (SHX) darajasini aniqlashga xizmat qiladigan metodikadan foydalanildi va quyidagi natijalar qo‘lga kiritildi.

CH.D.Spilberger-Y.L.Xaninning “Xavotirlanish darajasini aniqlash” metodikasidan olingan natijalarning umumiy o‘rtacha ko‘rsatkichlari (n=321)

Izoh: *-p <0,05, **-p <0,01, ***-p <0,001

Dastlab sinaluvchilarning vaziyatlardan xavotirlanish darajasini o‘rganish maqsadida olib borilgan tadqiqotdan quyidagi natijalar qo‘lga kiritildi. Demak, vaziyatli xavotirlanishning past va o‘rta darajasi bo‘yicha sinaluvchilar o‘rtasida ishonchli farqlar mavjud emasligi aniqlandi. Lekin vaziyatdan xavotirlanishning yuqori darajasi bo‘yicha olingan ma‘lumotlarda farq mavjudligiga guvoh bo‘lindi ($t=2,8$; $p<0,05$). Natijalar tahlili shuni ko‘rsatdiki, kundalik faoliyatdagi turli tasodifiy vaziyatlar va ekstremal vazifalarni o‘z vaqtida bajarmaslik kabi ma‘suliyat SamDU sinaluvchilarida kuchli ichki xavotirni keltirib chiqarishi natijasida ular da sarosimalik hamda subyektiv bosimning kelib chiqishi ma‘lum bo‘ldi. Metodikaning ikkinchi bosqichidagi ta‘kidlarga nisbatan sinaluvchilarning munosabati tahlil qilinganda, shaxsiy xavotirlanish darajasi bo‘yicha ham kerakli statistik ma‘lumotlar aniqlandi.

Sinaluvchilarda metodikaning shaxsiy xavotirlanish shkalasi empirik tahlil qilinganda quyidagi natijalar olindi. Demak, shaxsiy xavotirlanishning o‘rta va past darajasi bo‘yicha statistik ma‘lumotlarda ishonchi farqlar ko‘zga tashlanmadi. Lekin, sinaluvchilarda shaxsiy xavotirlanishning yuqori bosqichiga alohida e‘tibor qaratdik. Natijalar tahlili shuni ko‘rsatdiki, shaxsiy xavotirlanish QarDU sinaluvchilarida ($n1=207$) o‘rtacha ko‘rsatkich 53,2 balni tashkil etgan bo‘lsa, SamDU talabalarida ($n2=114$) esa, 42,2 balni tashkil etdi (**p<0,05). Olingan natijalardan ma‘lum bo‘ldiki, ekstremal vaziyatlarda shaxsiy xavotirlanish SamDU talabalariga nisbatan QarDU talabalarida sezilarli darajada yuqori bo‘lishining asosiy sabablari o‘quv jarayonida kundalik vazifani bajarish, tegishli kamchiliklarga yo‘l qo‘ymaslik uchun shaxsiy

javobgarlik hissi, zimmasidagi vakolat, ma'suliyat kabi jabhalar kuchli shaxsiy xavotirni keltirib chiqarishi tadqiqotda o'z isbotini topdi.

Biz talabalarda ekstremal vaziyatlarga nisbatan psixologik himoya mexanizmlarini shakllanishining psixologik omillari orasida o'zaro bog'liqlik mavjudmi yoki yo'qligini ham tekshirdik va ular quyidagicha korrelyatsion ko'rsatkichlarni qayd qildi (3-jadval).

3- jadval.

Talabalarda psixologik himoya mexanizmi ko'rsatkichlari orasidagi korrelyatsion bog'liqlik natijalari

Shkallalar	Siqib chiqarish	Proyeksiya	Reaktiv tuzilma	Xotirjamlik-asabiylik	O'ziga ishonch-o'ziga ishonchsizlik	G'ayratlilik-tortinchoqlik	Shaxsiy xavotirlanish	Vaziyatli xavotirlanish
Siqib chiqarish		1,000	1,000	0,175(**)	- 0,063 (*)	0,223 (**)	0,103(**)	-0,033
Proyeksiya			1,000	1,000	0,122 (**)	0,483(**)	0,000	0,223(**)
Reaktiv tuzilma				1,000	0,087 (**)	0,300(**)	- 0,018	0,046
Xotirjamlik-asabiylik					1,000	- 0,150(**)	0,192(**)	0,338 (**)
O'ziga ishonch-o'ziga ishonchsizlik						1,000	0,115(**)	0,039
Shaxsiy xavotirlanish							1,000	0,181 (**)
Vaziyatli xavotirlanish								1,000

Xotirjamlik va “siqib chiqarish” psixologik himoya mexanizmi o'rtasida ishonch darajasidagi bog'liqlik qonuniyati kuzatildi ($r=0,175$; $p<0,01$). Talabalarda qancha xotirjamlik yuqori bo'lsa, siqib chiqarish, qarshilik qilish, ya'ni ularda yangi holatlarga nisbatan tabiiy himoyalanih hosil bo'lishi ma'lum bo'ldi. Talabalarda vaziyatga nisbatan xavotirni ortishi, ulardagi “proyeksiya” psixologik himoya mexanizmini ortib borishiga sabab bo'lishini ko'rsatdi ($r=0,223$; $p<0,05$). Bu mexanizm ongli ravishda ishlatiladi, shuning uchun ham talabalarda kursi yuqori bo'lsa, aqlning o'sishi natijasida psixik qoniqmaslik holatini boshqa holatlardan undirishga intilishi kuzatilishi mumkin. Biroq natijalarning ko'rsatishicha, o'ziga ishonch-o'ziga ishonchsizlik ko'rsatkichlari “reaktiv tuzilma” psixologik himoya mexanizmi bilan teskari munosabatni namoyon qildi ($r=0,087$; $p<0,01$). Ya'ni sinaluvchilar bitiruvchi kurs bo'lganlari sayin emotsiyalarini boshqara olishni va omadsizliklarni tahlil qilishga o'rganishar ekan. “Shaxsiy xavotir”ning past darajasi va o'ziga ishonch-o'ziga ishonchsizlik ko'rsatkichlari o'rtasida ham teskari aloqani kuzatishimiz mumkin ($r=-0,115$; $p<0,05$). “Proyeksiya” psixologik himoya mexanizmi ma'lum bir holat orqali ifodalanadi, aynan kursi past bo'lgan sinaluvchilarda “vaziyatli xavotirlanish” yaqqolroq ko'rinishi ma'lum bo'ldi, kursi yuqori bo'lishi bilan “siqib chiqarish” psixologik himoya holatlari kamroq namoyon bo'lishini ko'rsatdi. “Reaktiv tuzilma” psixologik himoya mexanizmi ham g'ayratlilik-tortinchoqlik ko'rsatkichlari bilan teskari aloqaga kirishishi aniqlandi ($r=-0,300$; $p<0,05$). Sinaluvchilarning yoshi qanchalik kichik bo'lsa, ularning ta'sirga tushishlari oson bo'lar ekan.

Psixologik himoya mexanizmlarining ko'rsatkichlari o'rtasidagi o'zaro bog'liqlikni kuzatganimizda, quyidagi holatlar aniqlandi. Sinaluvchilarda “siqib chiqarish” psixologik himoya mexanizmi oshsa, “reaktiv tuzilma” psixologik himoya mexanizmi ham oshib boradi. YA'ni, talabalarda nizoli vaziyatlarda “siqib chiqarish” psixologik himoya mexanizmi real yoki hayotiy kamchiliklarni ongsiz tarzda bartaraf etish uslubiga va yetishmayotgan jihatlarni boshqa narsa bilan o'rnini to'ldirish holatiga o'tadi. “Siqib chiqarish” psixologik himoya mexanizmi va “shaxsiy xavotirlanish” darajasi orasida teskari munosabatga kirishish qayd qilindi ($r=-0,103$; $p<0,01$). “Asabiylashish” kuchaygani sayin ma'lum bir holatlarda “tortinchoqlik” pasayib borishini namoyon qildi. Sinaluvchilarda “vaziyatli xavotirlanish” psixologik himoya mexanizmi oshgani sayin “xotirjamlik” mezonlari pasayib borishini ko'rsatdi ($r=0,338$; $p<0,05$). “Proyeksiya” psixologik himoya mexanizmi asosan o'zini idrok qilish jarayoni bilan bog'liq bo'lib, talabalarni qandaydir ta'sir ostida qolish holatini bildiradi va shunday vaziyatlarda sinaluvchilar avvalgi va yetishmagan xohish va xarakatlarni qondirish shakliga qaytishni istashadi.

Xulosa. Umuman, shaxsdagi xavotirlanish xususiyatlari va psixologik himoya imkoniyatlari mutanosibligining o'rtacha umumiy va qiyosiy tipik ko'rsatkichlari tahlil qilinganda QarDU sinaluvchilariga nisbatan SamDU sinaluvchilarida vaziyatli xavotirlik darajasi ancha yuqori ekanligini ko'rsatdi.

Demak, oliy ta'lim muassasalarining rahbarlari, professor-o'qituvchilar, amaliyotchi psixologlar va ota-onalar bu holatni inobatga olgan holda ta'lim-tarbiya ishlarini to'g'ri yo'lga qo'yishlari talab qilinadi. Aks holda ekstremal vaziyatlarda talabning psixologik himoya mexanizmlari kelgusidagi hayot va kasbiy faoliyat talablariga nisbatan yetarlicha shakllanmasligi yoki pasayib ketishi mumkin.

Adabiyotlar:

1. Давлетшин М.Г. Состояние и задачи психологической службы в Узбекистане// Научно-методические основы и опыт организации школьной психологической службы. Тезисы докладов республиканский научно-практической конференции. 15-16 сентября 1989. – Бухара, 1989. – С. 3

2. Тимченко А. В. Психологические аспекты состояния, поведения и деятельности людей в экстремальных условиях и методы их коррекции. — Х.: Изд-во ХВУ, 1997. 168 с.

3. Qodirov B.R. Iste'dodli bolalar va ularni tanlash metodikasi. - T., 1992.-326 b.

4. Божович Л.И. Проблемы развития мотивационной сферы ребенка. Изучение мотивации поведения детей и подростков. М.: Педагогика, 1972.– 196 с.

5. Божович Л.И. Личность и её формирование в детском возрасте.–М.: Просвещение, 1968. – 468 с.

6. Дубровина И.В. Теоретические основы и прикладные аспекты развития школьной психологической службы: Автореф. дисс. докт. псих. наук-Тбилиси: 1988. -396 с.



Xasanova Surayo Shonazarovna,
Urganch davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi
surayyoxasanova92@gmail.com

IXTISOSLASHTIRILGAN MAKTAB O'QUVCHILARINING O'Z-O'ZINI BAHOLASHNI PSIXODIAGNOSTIK TAHLILI

Annotatsiya. Ushbu maqolada asosan ixtisoslashtirilgan maktab o'quvchilarining ta'lim jarayonida o'z-o'zini namoyon qilishida, o'zini baholash xususiyatlari haqidagi ma'lumotlar yoritishga qaratilgan. Xususan, o'smirlik davrida o'z-o'ziga baho berish tizimining rivojlanish xususiyatlari, o'quvchilar o'z-o'zini baholashning ilmiy-nazariy asoslari, olimlar tomonidan olib borilgan izlanishlar va o'zini baholashni o'rganilish tarixi to'g'risida manbalar ilmiy asoslab berilgan. Shuningdek, o'zini baholashda xulq-atvor va uning vujudga kelishi sabablari borasidagi ma'lumotlarni yoritishga qaratilib, aynan shu maktab o'quvchilarining harakatlarini o'zlarini namoyon qilish xususiyatlari psixologik jihatdan tahlil qilinib, psixodiagnostik metodikalar natijalariga ko'ra o'zini baholash ko'rsatkichlari jadvallar yordamida natijalar ko'rsatkichlari tahlili keltirilgan va izohlab berilgan. Tadqiqotda Dembo-Rubinshteynning «O'z-o'zini baholash» metodikasidan foydalanilgan.

Kalit so'zlar: o'z-o'zini baholash, xulq-atvor, kognitiv, sog'lik, aql, qobiliyat, xarakter, mohir qo'llar, tengdoshlar orasida obro', o'z-o'ziga ishonch, tashqi qiyofa.

ПСИХОДИАГНОСТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ САМООЦЕНКИ УЧАЩИХСЯ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЙ ШКОЛЫ

Аннотация. Данная статья посвящена в основном самовыражению учащихся специализированных школ в учебном процессе, в ней освещается информация об особенностях самооценки. В частности, в контексте особенностей развития системы самооценки в подростковом возрасте научно обоснованы научно-теоретические основы самооценки учащихся, исследования, проведенные учеными, и история изучения самооценки, источники. Также при самооценке, ориентированной на выделение информации о поведении и причинах его возникновения, психологически анализируются именно характеристики самопроявления действий учащихся данной школы, и по результатам психодиагностических методик показатели самооценки представляются и объясняются с помощью таблиц. В исследовании использовалась методика «самооценки» Дембо-Рубинштейна.

Ключевые слова: самооценка, поведение, когнитивные способности, здоровье, интеллект, способности, характер, умелые руки, репутация среди сверстников, уверенность в себе, внешний вид.

PSYCHODIAGNOSTIC ANALYSIS OF SELF-ASSESSMENT OF STUDENTS OF A SPECIALIZED SCHOOL

Abstract. This article focuses mainly on the self-expression of students of specialized schools in the educational process, covering information about the features of self-assessment. In particular, in the context of the development features of the self-assessment system in adolescence, the scientific-theoretical foundations of self-assessment of students, research carried out by scientists and the history of the study of self-assessment, sources are scientifically substantiated. Also, in self-assessment, focusing on highlighting information on behavior and the reasons for its occurrence, it is the characteristics of self-manifestation of the actions of students of this school that are psychologically analyzed, and according to the results of psychodiagnostic methodologies, self-assessment indicators are presented and explained using tables. The study used Dembo-Rubinstein's «self-assessment» methodology.

Keywords: Self-assessment, behavior, cognitive, health, intelligence, ability, character, skillful hands, reputation among peers, self-confidence, appearance.

Kirish. Hozirgi davrning eng dolzarb muammolardan biri o'sib kelayotgan yosh avlodning ta'lim-tarbiyasi samaradorligini keskin oshirishdan iboratdir. Yangi dunyoqarashga ega bo'lgan yoshlarni birgalikda tarbiyalash, o'z istedodlarini rivojlantirish maqsadga muvofiqdir. Prezidentimiz tomonidan

“Sayyoramizning ertanggi kuni, farovonligi farzandlarimiz qanday inson bo‘lib kamolga yetishi bilan bog‘liq. Bizning asosiy vazifa – yoshlarning o‘z salohiyatini namoyon qilishi uchun zarur sharoitlar yaratishdan iboratdir”[1] degan fikrlari bejizga emas, albatta. Shu boisdan ham davlatimiz rahbari tomonidan yosh avlodni shakllantirishning dastlabki pallasida ta‘lim-tarbiya, iqtidor va iste‘dodi masalasiga, alohida e‘tibor qaratilmoqda. Bugun dunyo aholisining 30 foizdan ko‘prog‘ini yoshlar tashkil etmoqda. Ushbu foizlarning ko‘p qismini asosan o‘smirlar yoshdagilar tashkil qiladi. Zeroki, mamlakatimizning rivoji, ravnaqi va istiqboli ko‘proq umumta‘lim va ixtisoslashtirilgan maktablar, prezident va ijod maktablari o‘quvchilarining bilim olish qobiliyati, uni ko‘rasata bilish mahoratiga bog‘liqdir. Ixtisoslashtirilgan maktablarda ta‘lim-tarbiya jarayonlarini samarali amalga oshirish uchun o‘quvchilar bilan o‘qituvchilar o‘rtasida uzluksiz ta‘sir ko‘rsatish hukm surishi lozim. Bu jarayon albatta o‘quvchilarda o‘zini namoyon qilish imkoniyatini yaratadi. O‘quvchining o‘quv faoliyati negizida o‘zini boshqarishi va o‘zini namoyon qilishida maktab o‘quvchilarining o‘zlarini baholashi muammosi yotadi. Bu muammo ixtisoslashtirilgan maktab ta‘limi psixologiyasida juda kam tadqiq qilingani sababli xuddi ana shu muammo yuzasidan kengroq mulohaza yuritish maqsadga muvofiqdir. Bizga ma‘lumki ta‘lim jarayonida o‘quvchilar hayoti davomida o‘zini namoyon qilishni yo‘llarni izlaydi. Maktab ta‘limida o‘zini namoyon qilishda aytib o‘tish joizki, o‘z-o‘zini baholash darajasidan kelib chiqishi ahamiyatli hisoblanadi

Mavzuga oid adabiyotlar tahlili. Shaxsning o‘zini-o‘zi baholashi shaxs kamolotining muxim ko‘rsatkichlaridan biri hisoblanadi. O‘zini-o‘zi baholash insonning hal qiluvchi xususiyati, mavqei jamoadagi faoliyati, uning boshqa a‘zolariga o‘zining munosabatini baholashni o‘z ichiga oladi. Shaxsning faolligi, uning turli xil muhit faoliyatida ishtiroki, uning o‘zini tarbiyalashga intilish o‘zagini, o‘z-o‘zini baholash darajasiga borib taqaladi. Rus olimlari va xorijiy psixologiyada o‘z-o‘zini hurmat qilish, o‘z-o‘zini nazorat qilishni o‘rganish muammosiga ko‘plab tadqiqotlar o‘tkazilgan. Uning tuzilishi, funksiyalari, ontogenezi va yo‘naltirilgan shakllanish imkoniyatlari masalalari B.G. Ananyeva, L.I. Bojovich, L.V. Borozdina, A.V. Zaxarova, I.S. Kona, A.I. Lipkina, M.I. Lisina, L.B. Filonov, R. Berns, E. Erikson, K. Rojers va boshqa psixologlar. A. V. Zaxarova tadqiqotlariga ko‘ra o‘z-o‘zini baholashni o‘quvchilarning o‘quv faoliyatini shakllantirishning eng muhim omili deb biladi. A.I.Lipkinaning qarashlariga ko‘ra, faoliyat samaradorligi, muvaffaqiyat va muvaffaqiyatsizlikka bo‘lgan munosabat, inson o‘z imkoniyatlari, boshqa odamlar bilan munosabatlarni va uning bog‘liqligini o‘zining shaxsiy fazilatlarini baholashiga bog‘liqligi o‘rganilgan. O‘z-o‘zini hurmat qilish xulq-atvor va faoliyatni tartibga solishda bevosita ishtirok etadigan, shaxsning o‘ziga xos xususiyati, uning markaziy tarkibiy qismi sifatida, shaxsning faol ishtirokida shakllanadigan va uning ichki dunyosining o‘ziga xosligini aks ettiruvchi shaxsiy shakllanish sifatida talqin etiladi.

O‘zini namoyon etish - insonning ichki dunyosini aks ettirishi tashqi tomondan, ularning shaxsiy dunyoqarash sifatida moddiy dunyo, uni hisobga olgan holda g‘oyalarining namoyon bo‘lishidir deb talqin qilinadi[3]. Shaxs ushbu ta‘rifga ko‘ra, o‘zini namoyon qilish uchun avvalo o‘zini baholashi, o‘zini anglashi, o‘zini boshqarishi muhim ahamiyat kasb etadi.

Xorijiy va rus olimlar adabiyotlar tahliliga ko‘ra o‘z-o‘ziga munosabatning hissiy-baholovchi tomonini aks ettiruvchi ko‘plab tushunchalar borligini ko‘rsatdilar. O‘z-o‘zini baholash, o‘ziga ishonch, o‘z-o‘zini hurmat qilish, o‘zini sevish, o‘zini kamsitish, o‘zini ayblash, o‘zini o‘zi qabul qilish-bu tushunchalarning barchasi o‘z-o‘zini munosabat yaxlit tushunchasiga murojaat qilish uchun ishlatiladi. V. V. Stolin tomonidan uchta o‘lchov hamdardlik, hurmat, yaqinlik ajratib ko‘rsatilgan. Umuman olganda, o‘z-o‘ziga munosabat tuzilishini quyidagicha tasavvur qilish mumkin: o‘z-o‘zini hurmat qilish o‘z-o‘zini baholash bilan bog‘liq bo‘lgan munosabat, autosimpatiya o‘z shaxsiga nisbatan yuqori ijobiy munosabat, qadr-qimmatini ko‘rsatish va yaqinlikni o‘ziga bo‘lgan qiziqish bilan bog‘liqligini ifodalaydi[4]. Shaxsning o‘z-o‘zini baholashi uning emotsional holati va salomatligiga, har qanday psixik faoliyatiga ta‘sir ko‘rsatadi. Psixologiya sohasida D.A.Urazbayevaning tadqiqotlarida ham kasallik sharoitlarida bemorlarning individual xususiyatlarining o‘ziga xos o‘zgarishlari o‘rganilgan.[6],[7],[8],[9],[10].

O‘z-o‘zini baholash – o‘smirning o‘z imkoniyatlari, qobiliyatlari, shaxsiy sifatlariga bo‘lgan obyektiv munosabatini ifodalovchi tushuncha. O‘z-o‘zini baholash shaxsning bilish faoliyati, atrofdagi odamlar va moddiy borliqqa munosabatining ifodasi hamdir [5].

O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasida bahoga quyidagicha ta‘rif berilgan: “Baho – ijtimoiy hodisalararo inson faoliyati, xulqiga bo‘lgan munosabat, ularning ahamiyatini, muayyan axloq me‘yorlari va tamoyillariga mosligini ko‘rsatish, ma‘qullash yoki qoralash, rozi bo‘lish yoki tanqid qilishdan iborat. Shuningdek, insonning ijtimoiy mavqei, dunyoqarashi, madaniy saviyasi, aqliy va axloqiy kamoloti bilan belgilanadi. Boshqa tomondan esa, qilingan harakat sabablari, vositalari va maqsadlarini, uning qanday sharoitda bajarilganligini, shaxs xulqidagi o‘rnini hisobga olish bu shaxsiga to‘g‘ri baho berishning muhim shartidir”[11; 168-b.]. Ushbu fikrlardan ham tushunimiz mumkinki, shaxning qaysi faoliyatni bajarishi,

oʻzini muloqotda, taʼlim jarayonida qanday his qilishi, hayotga dunyoga munosabatida oʻzini baholashi ahamiyatli ekanligini koʻrsatadi. Inson oʻziga boʻlgan munosabati, yaʼni baholash darajasi, uning oʻzini namoyon qilishi uchun zarur hisoblanadi.

Tadqiqot metodologiyasi. Biz oʻz tadqiqotimizda ixtisoslashtirilgan maktab oʻquvchilarining oʻziga bahosi va intilish darajasi orasidagi tafovutning oʻz-oʻzini namoyon qilishga olib kelishi mumkin boʻlgan omil sifatida tahlil qilib koʻrdik. Tadqiqot uchun Dembo-Rubinshteynning “Oʻz-oʻzini baholash” metodikasi tanlab olinib, oʻsmir yoshdagi oʻquvchilari sinalluvchilarida tahlil qilib koʻrdik. Dembo-Rubinshteyn metodikasidan sinalluvchining oʻz-oʻzini baholashi va intilish darajasini, shuningdek, bu koʻrsatkichlar oʻrtasidagi arifmetik ayirma sifatida belgilanadigan oʻz-oʻzini baholash va intilish darajasi orasidagi farqli jihatni aniqlash uchun foydalaniladi. Meʼyor koʻrsatkich sifatida intilish darajasi oʻz-oʻzini baholash darajasidan yuqori boʻlishi lozim, chunki bu shaxsning rivojlanishi, takomillashishini ragʻbatlantiradi. Har bir inson oʻz imkoniyatlari qobiliyati, feʼl-atvori, munosabatini va boshqalarni baholaydi. Har bir sifat xususiyatni rivojlanish darajasi, tomonlarini shartli ravishda vertikal chiziq tarzida belgilash mumkin, past nuqtasi eng past rivojlanishni, yuqorisi esa – eng oliy darajasi koʻrsatkich boʻladi. Tekshiriluvchilarga yettita shunday chiziq taklif qilinadi va ular belgilaydilar.

1. Sogʻlik
2. Aql, qobiliyatlar
3. Xarakter
4. Tengdoshlar orasida obroʻ-eʼtibor
5. Mohir qoʻllar, oʻz qoʻli bilan koʻp narsa qila olish
6. Tashqi qiyofa
7. Oʻz-oʻziga ishonch

Tekshirish protsedurasi: tekshiriluvchiga 7 ta vertikal shkala (har birida 10 ta boʻlak boʻyicha) dan iborat blank (ilovaga qarang) va quyidagi mazmundagi yoʻriqnomaga taklif qilinadi: “har bir chiziqda (-) bilan oʻzingizda bu sifatning rivojlanishini, vaqtning ayni lahzasida oʻz shaxsingizning tomonlarini qanday baholashingizni belgilang. Shundan keyin krest bilan (x) bu sifatlar, tomonlar rivojlanishining qanday darajasida oʻzingizdan qoniqish hosil qilishingiz yoki oʻzingiz uchun faxr hissini tuyushingizni belgilang”.

Ishlov berishda shkalaning bitta boʻlagi 10 ball deb qabul qilinadi. Oʻz-oʻzini baholash darajasi past nuqtadan chiziqqacha (-) oʻrtacha arifmetik ayirma sifatida hisoblanadi. Xuddi shunga oʻxshash intilish darajasi pastki nuqtadan krestgacha (x) oʻrtacha arifmetik ayirma sifatida hisoblaniladi. Intilish qilishning oʻz-oʻzini baholash ahamiyati jadval boʻyicha aniqlanadi.

Oʻz-oʻzini baholash va intilish darajasi oʻrtasidagi tafovut bu koʻrsatkichlar orasidagi arifmetik ayirma sifatida aniqlanadi. Oʻz-oʻzini baholash va intilish darajasi oʻrtasidagi tafovutning quyidagi qiymati ajratiladi:

- zaif tafovut – 0 dan 7 ballgacha;
- oʻrtacha tafovut – 8 dan 22 ballgacha;
- kuchli tafovut – 22 balldan yuqori.


Oʻz-oʻzini baholash – insonning oʻz-oʻzini, oʻz qobiliyati, maʼnaviy sifatleri, harakatlari va boshqa odamlar orasidagi oʻrni baholash demakdir. Oʻz-oʻzini baholash insonning intilish darajasi, yaʼni u oʻz oldiga qoʻygan maqsadlarning qiyinlik darajasi bilan zich bogʻliq. Intilish darajasi oʻz-oʻzini baholashdan yuqori boʻlishi kerak, chunki bu shaxs rivojlanishini ragʻbatlantiradi [2.]

Tahlil va natijalar. Bizning eksperimental-psixologik tadqiqot obyektimiz Xorazm viloyati Shovot tumani Ixtisoslashtirilgan maktab-internat oʻquvchilarida olib borildi. Quyidagi jadvalda oʻquvchilar natijalari aks ettirilgan:

1-jadval.

Shkalalar	Past		Oʻrtacha		Yuqori		Juda yuqori	
	Oʻz.B	Id	Oʻz.B	Id	Oʻz.B	Id	Oʻz.B	Id
Sogʻlik	2	-	5	2	18	7	75	91
Aql, qobiliyatlar	2	-	7	-	27	9	64	91
Xarakter	5	-	11	9	30	23	54	68
Tengdoshlari orasida obroʻ-eʼtibor	-	-	7	-	20	-	73	100
Oʻz qoʻli bilan koʻp narsa qila olish, mohir qoʻllar	14	20	38	5	23	18	25	57
Tashqi qiyofa	2	5	23	2	18	18	57	75
Oʻz-oʻziga ishonch	2	-	10	-	15	4	73	96

Izoh: O‘z.B. – o‘z-o‘zini baholash darajasi; I.d.- intilish darajasi;



1-rasm. Dembo-Rubinshteynning “O‘z-o‘zini baholash” metodikasi yordamida eksperimental tadqiqotimiz tahlilining gistodrammada ifodalanishi

Sinaluvchilarda o‘tkazilgan tadqiqot natijalariga ko‘ra o‘z-o‘zini baholashda “Sog‘liq” rivojlanishi baholash past darajada 2% sinaluvchilarda, o‘rta daraja 5% sinaluvchilarda, yuqori daraja 18% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada esa 75% sinaluvchilarda qayd etildi. Sog‘liq shkalasining intiluvchanlik darajasi ko‘rsatkichlari bo‘yicha esa past darajada baholash kuzatilmadi, o‘rta darajada 2% sinaluvchilarda, yuqori darajada 7% sinaluvchilarda va juda yuqori daraja 91% sinaluvchilarda baholash kuzatildi.

O‘z-o‘zini baholashda “Aqliy qobiliyat” shkalasi bo‘yicha past darajada 2% sinaluvchilarda, o‘rta darajada baholash 7% sinaluvchilarda, yuqori darajada baholash 27% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 64% sinaluvchilarda qayd etildi. Aqliy qobiliyatga intiluvchanlik darajasi ko‘rsatkichlari esa past va o‘rta darajalarda baholash kuzatilmadi, yuqori darajada baholash 9% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 91% sinaluvchilarda aniqlandi.

“Xarakter xususiyatlari” shkalasi bo‘yicha o‘z-o‘zini past darajadagi baholash 5% sinaluvchilarda ko‘rsatkich kuzatildi, o‘rta darajadagi ko‘rsatkich 11% sinaluvchilarda, yuqori darjadagi ko‘rsatkich 30% sinaluvchilarda aniqlandi va juda yuqori ko‘rsatkich 54% sinaluvchilarda qayd etildi. Bu shkalaning o‘z-o‘zini baholashda intiluvchanlik ko‘rsatkichlari bo‘yicha past darajadagi ko‘rsatkich kuzatilmadi, o‘rta darjadagi ko‘rsatkich 9%, yuqori darajadagi ko‘rsatkich 23% sinaluvchilarda aniqlandi, juda yuqori darajadagi ko‘rsatkich 68% sinaluvchilarda qayd etildi.

“Tengdoshlari orasidagi obro‘” shkalasi natijalariga ko‘ra, o‘z-o‘zini baholashda past ko‘rsatkich kuzatilmadi, o‘rta ko‘rsatkich 7%, yuqori ko‘rsatkich 20% va juda yuqori ko‘rsatkich 23% sinaluvchilarda qayd etildi. O‘z-o‘zini baholashda intiluvchanlik darajasi bo‘yicha past ko‘rsatkich o‘rta ko‘rsatkich, yuqori ko‘rsatkich kuzatilmadi, juda yuqori ko‘rsatkich 100% sinaluvchilarda kuzatilishi aniqlandi.

O‘z-o‘zini baholashda “Mohir qo‘llar” shkalasi bo‘yicha past darajada 14% kuzatildi, o‘rta darajada baholash 38% sinaluvchilarda, yuqor darajada baholash 23% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 25% sinaluvchilarda qayd etildi. Mohir qo‘llar intiluvchanlik ko‘rsatkichlari esa past darajada 20% baholash kuzatildi, o‘rta darajada baholash 5% sinaluvchilarda, yuqori darajada baholash 18% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 57% sinaluvchilarda aniqlandi.

“Tashqi ko‘rinish, qiyofa” shkalasi bo‘yicha o‘z-o‘zini baholashda past darajadagi ko‘rsatkich 2% sinaluvchilarda kuzatildi, o‘rta darajadagi ko‘rsatkich 23% sinaluvchilarda, yuqori darjadagi ko‘rsatkich 18% sinaluvchilarda aniqlandi va juda yuqori ko‘rsatkich 57% sinaluvchilarda qayd etildi. Bu shkalaning o‘z-o‘zini baholashda intiluvchanlik darajasi ko‘rsatkichlari bo‘yicha past darajadagi ko‘rsatkich 5% kuzatildi, o‘rta darajadagi ko‘rsatkich 2% ekanligi aniqlandi, yuqori darajadagi ko‘rsatkich 18% sinaluvchilarda aniqlandi va juda yuqori darajadagi ko‘rsatkich 75% sinaluvchilarda qayd etildi.

O‘z-o‘zini baholashda “O‘ziga ishonch” shkalasi bo‘yicha past darajada baholash 2% kuzatildi, o‘rta darajada baholash 10% sinaluvchilarda, yuqor darajada baholash 15% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 73% sinaluvchilarda qayd etildi. O‘ziga ishonch shkalasining intiluvchanlik darajasi

ko'rsatkichlari esa past darajada baholash kuzatilmadi, o'rta darajada baholash 20%, yuqori darajada baholash 4% sinaluvchilarda va juda yuqori darajada baholash 96% sinaluvchilarda aniqlandi.

Xulosa. Dembo-Rubinshteyn “O'z-o'zini baholash” metodikasi natijalarida sinaluvchilar o'z-o'zini baholashi va intilish darajasi o'rtasidagi tafovut deyarli farq qilishini kuzatishimiz mumkin. Ushbu holat o'smirlik yosh davridagi sinaluvchilarda juda yuqori ko'rsatkichda o'z-o'zini baholashi va intilish darajasidan pasayishi, bu orqali ularda o'zini namoyon bo'lish holatini barcha shkalalar bo'yicha ko'rib chiqadigan bo'lsak, 7 ta xususiyatni ham rivojlantirishga intilishi ko'pchilik o'quvchilarda mavjud ekanligini izohlaydi. Mohir qo'llar shkalasida o'rtacha va yuqori ko'rsatkichlarda o'zini baholashi intilish darajasidan pastroq ekanligini kuzatishimiz mumkin. Ushbu tahlilga ko'ra, sinaluvchilarda o'z-o'ziga bo'lgan bahoni oshirish orqali biz o'zini namoyon qilish xususiyatini oshirishga erishishimiz mumkin. Tadqiqotimiz natijalariga ko'ra sinaluvchilar juda yuqori ko'rsatkichda intilish darajasi yuqoriligi egoizm belgisi hisoblanishi sababli, natijasini korreksion trening mashg'ulotlar orqali ularda o'z-o'zini baholashni korreksiyalash mumkin.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh. BMT Bosh Assambleyasining 72-sessiyasida so'zlagan nutqidan.
2. Karamyan M.X., Nurullaeva B.B., Bondareva E.V., Djumaniyazova M.X., G'azieva F.E. Eksperimental psixologiya. [Matn]: darslik. – Toshkent: Bookmany print, 2023
3. Реан А.А. Человек как субъект познания //Стратегия воспитания в образовательной системе России: подходы и проблемы / Под ред. И.А. Зимней. М.: Агентство "Издательский сервис", 2004. С. 320.
4. Столин, В.В.(1985) Познание себя и отношение к себе в структуре самосознания личности. Диссертация на соискание степени доктора психологических наук. М., МГУ им. М. В. Ломоносова, 530 с.
5. Tojiboyeva X.M. “Gender yondashuv asosida o'smir yoshdagi o'quvchilarda “ommaviy madaniyat”ga qarshi immunitetni shakllantirishning pedagogik strategiyalari” // Monografiya. – Toshkent: “Tafakkur qanoti” nashriyoti, 2021. – 208 bet.
6. Urazbayeva D.A., Bahadirovna K.SH, Ikramovna A. Z. Features of the study of the internal picture of the disease in patients with tuberculosis //Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 3. – С. 2135-2140.
7. Уразбаева Д. А., Сабиров А. И. Онкологик касалликларнинг психологик жихатларини тадқиқ қилишнинг ўзига хослиги //Polish science journal. – 2019. – С. 28.
8. Уразбаева Д. А. Онкологик беморларнинг шахсий эмоционал соҳасига психотерапевтик таъсир қилиш //ҚҚДУ хабаршысы. – 2017. – С. 46.
9. Уразбаева Д. А. Онкологик беморларда касалликнинг ички манзараси //Ilm hám Jámiiyet. – Нукус, 2020. -№2. – Б.39-42.
10. URL: <http://www.wikipedia.ru>
11. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Б харфи. «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, Т. 878 бет.

Атоев Хусниддин Садриддинович,

Чирчиқ давлат педагогика университетининг мустақил тадқиқотчиси

ШАХС ИЖОДКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК МЕХАНИЗМЛАРИ

Аннотация. *Ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги инсонни уларни фаолиятда амалга оширишга ундайди, яъни ижодий қобилиятлар ижодий мотивацияни келтириб чиқариши мумкин. Ижодий фаолият жараёнида амалга ошириладиган ижодий қобилиятлар ушбу фаолиятнинг йўналишини белгилайди. Мақолада шахс ижодкорлигини ривожлантиришнинг психологик механизмлари ёритиб берилган.*

Мақолада талаба касбий шаклланиши жараёнида ижтимоий интеллект ривожланиши динамикасининг ижтимоий-психологик хусусиятлари ўрганилиб, психологик-педагогик ёрдам берадиган, касбий шаклланишида юзага келадиган муаммоларни бартараф этувчи ва тизимлаштирилган тадбирлар характеридаги модуль ишлаб чиқилганлиги таҳлил этилиб, давлат ва жамият тараққиёти учун зарур бўлган, давр талабига мос, рақобатбардош, ижтимоий фаол ва юқори интеллектуал салоҳиятли мутахассис кадрлар тайёрлаш зарурлиги асослаб берилган.

Калит сўзлар: усул, вазият, ҳодиса, ижодкорлик, метод, вазифа, мақсад, дарс, гоё, кўника, мулоҳаза.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСТВА ЛИЧНОСТИ

Аннотация. *Наличие творческих способностей мотивирует человека к реализации их в деятельности, то есть творческие способности могут вызывать творческую мотивацию. Творческие способности, реализующиеся в процессе творческой деятельности, определяют направление этой деятельности. В статье описаны психологические механизмы развития творческого потенциала личности.*

В статье изложены социально-психологические механизмы динамики развития социального интеллекта в процессе профессионального формирования студента, разработан механизм, который оказывает психолого-педагогическую помощь, устраняет проблемы в профессиональном формировании, имеет систематизированный характер мероприятий.

Ключевые слова: метод, ситуация, событие, творчество, метод, задача, цель, урок, идея, умение, рассуждение.

PSYCHOLOGICAL MECHANISMS OF PERSONAL CREATIVITY DEVELOPMENT

Abstract. *The presence of creative abilities motivates a person to implement them in activities, that is, creative abilities can cause creative motivation. Creative abilities that are implemented in the process of creative activity determine the direction of this activity. The article describes the psychological mechanisms of personal creativity development.*

In the article, the socio-psychological characteristics of the dynamics of the development of social intelligence in the process of professional formation of the student are studied, and the module is developed in the nature of systematic activities that provide psychological-pedagogical support, eliminate the problems that arise in professional formation, and it is necessary for the development of the state and society, according to the requirements of the time. The necessity of training professional personnel with competitive, socially active and high intellectual potential is justified.

Keywords: method, situation, event, creativity, method, task, goal, lesson, idea, skill, reasoning.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан қабул қилинган «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг тўртинчи йўналишида «...техник таълимни юксалтириш ва соҳани юксак малакали кадрлар билан таъминлашни кучайтириш» [1] вазифаси қўйилган. Шахснинг эркинлиги ва унинг интеллектуал салоҳиятли бўлиши гоёси ушбу вазифанинг бажарилишидаги асосийларидан бири ҳисобланади. Зотан, эркин шахс, эркин халқ, яратувчанлик, фаровонлик, инсонпарварлик, бунёдкорлик ишлари, илму-фан, маданият ва

замонавий ишлаб чиқариш жараёнида фаол ҳаракат қилишга ҳамда кўзланган мақсадларга эришишга кодирдир.

Тадқиқотнинг методологияси ва объекти. Ҳозирги даврда жамият тараққиётида юз бераётган кескин ўзгаришлар сифат жиҳатидан янги ва нисбатан мураккаб бўлган вазифаларни кўяди, бунда шахс интеллектининг ривожланиш даражаси, унинг ақлий имкониятлари регулятори, ахлоқий жиҳатлар алоҳида аҳамият касб этади. Хўш, ушбу хусусиятлар талабалик даврида қай тарзда намоён бўлади ва таркиб топади?

Бўлажак ўқитувчиларининг касбий ижодкорлигини ривожлантиришда янги педагогик технологиядан фойдаланиш: асосан ўқитувчининг маҳоратига, илмий–ижодий тафаккурининг кучли, когнитив жараёнларининг ривожланганлик даражасига, серкирра, замонавий, бўлишига ва ташаббускорлигига боғлиқ бўлади. Инсоннинг билиш жараёни психик жараёнларнинг тизимли тарзда намоён бўлишини ифодалайди. Булар бўлажак ўқитувчининг касбий билимларни идрок этиши, хотирасида сақлаб қолиши, эслаб қолиши, қайта ишлаши, интерпретациялашида ўз ифодасини топади. Таълимда мазкур жараёнларни фаоллаштирувчи, маҳсулдор усуллар ва методларни ўтган асрнинг охирларидаёқ мутахассислар томонидан тизимли тарзда ўрганила бошланган. Когнитив педагогикада бўлажак ўқитувчини фаоллаштириш, ўқув жараёнига нисбатан фаол муносабатни шакллантириш, етакчи масалалардан бирига айланган. Бунда бўлажак ўқитувчининг билиш фаолиятини жадаллаштириш орқали касбий ижодкорлик сифатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда “ижод”, “ижодкорлик” тушунчаларига алоҳида ёндашув асосида қараш зарур. Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий олами инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкорлик фаолияти тушунилади. Ижодкорлик деганда мавжуд тажрибани янгича ташкил қилиш ва билимлар, малакалар, маҳсулотларнинг янги комбинацияларини яратиш асосида моҳиятан янги моддий ва маънавий қадриятлар яратиш билан боғлиқ фаолият жараёни ёки янгилик яратиш қобилияти тушунилади. Ижодкорликнинг турли даражалари мавжуд: бир даражасида мавжуд билимлардан фойдаланилади ва уларнинг қўлланиш соҳалари кенгайтирилади; бошқа, юқорида даражасида эса бирон бир объект ёки билим соҳасига нисбатан одатланиб қолинган нуқтаи назарни ўзгартириб юборадиган мутлақо янгича ёндашув яратилади.

Фалсафий, педагогик-психологик адабиётларда “ижодкорлик” оригинал, такрорланмайдиган, ижтимоий-тарихий ноёблик хусусияти билан ажралиб турувчи фаолият тури сифатида талқин этилади. Сўнги вақтларда “ижодкорлик” тушунчаси билан биргаликда “креативлик” атамаси ҳам кенг қўлланилмоқда. “Ижодкорлик” ва “креативлик” тушунчалари ўзаро синоним сўзлар сифатида ҳам қўлланилади. Ижодкорлик –бу муаллифнинг илҳоми, унинг истеъдоди, креативлик эса ижодкорлик қобилиятининг юксак даражаси. Ижодкорлик умумий тарзда маданий фаолият билан боғлиқ, креативлик эса субъект учун янги имкониятларни юзага чиқариш тарзида тавсифланади [1].

Креативлик ижодкорликнинг алоҳида таркибий қисми (ҳосиласи) сифатида талқин этилиб, инсонсалоҳияти, индивидуаллиги билан боғлиқликдаолиб қаралади. Айнан шу ёндашув объектив жиҳатдан ўринли, шунинг учун креативликни шахс ижодкорлигининг энг юқори даражада намоён бўлиши сифатида қабул қилиш ва мазкур масалани айнан шу контекстда талқин этиш мақсадга мувофиқдир. Педагогик ижодкорлик ўқитувчи томонидан муттасил ўзгариб турадиган таълим-тарбия жараёнида, талабалар билан мулоқотда оптимал ва ностандарт педагогик қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш демакдир. Педагогик ижодкорликнинг асосий вазифаси эса талабаларга ахборот (билим) беришнинг янги мақбул тизимларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, уларни педагогик маҳорат чўкқиларига эришишда педагогика илми ва амалиёти тўплаган билимларга дахлдор қилиш, уларда янги билимларни мустақил излаб топиш малакасини ривожлантиришдан иборат.

Ижодкорликнинг бир қатор сифатлари, атама ва тушунчалари мавжуд [2]:

- фикрнинг теранлиги;
- янгиликни ҳис этиш;
- ижодий тасаввурга эгалик;
- интуиция;
- ҳар бир воқеа ва ходисанинг аналогини билиш;
- мантиқий қатъиятлилиқ;
- ўз-ўзига танқидий қараш;
- муҳокама юритишда мустақиллик;
- гўзалликни эстетик ҳис этиш; – ҳозиржавоблик;
- ҳар хил шаклларда ўз фикр-мулоҳазасини исботлай олиш;

– тасодифларга қизиқиш билан қараш;
– шубха билан қарашга мойиллиги. Булар ижодий фаолият юритиш ва унинг қўлланишига асос бўла олади. Шу сабабли ҳам барча учун маълум бўлган кўринишли қуйидаги ижодкорлик йўналишлари мавжуд:

- илмий ижодкорлик;
- техник ижодкорлик;
- адабий ижодкорлик;
- муסיқий ижодкорлик;
- бадиий ижодкорлик;
- ўқув ижодкорлиги;
- ҳарбий ижодкорлик;
- ўйин ижодкорлиги;
- коммуникатив ижодкорлик;
- бошқарув ижодкорлиги ва бошқалар.

Талабалик даврининг асосий хусусиятларидан бири - ижтимоий етукликнинг жадал суръатлар билан рўёбга чиқишидир. Бундай етуклик шахсдан зарур ақлий қобилият, ҳаёт ва фаолиятда бажариладиган турли ролларни эгаллашни талаб қилади. Айниқса, ақлий етуклик (камолот) муҳим аҳамият касб этади. Талабанинг дарсларга ўз вақтида қатнашиши, берилган вазифаларни бажариши интеллект ривожини динамикасига негиз бўла олмади, бу эса ақлий тараққиётни диагностика қилиш учун етарли эмасдир.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Бугунги кунда ижодий, интеллектуал ривожланган, ўрганишга қодир, доимий ўзгариб турадиган ҳаётини вазиятларга мослашувчан, олинган билимларни амалиётда қўллай оладиган, пайдо бўлган муаммоларни оқилона ва ижодий ҳал қилиш йўлларини излай оладиган шахсга талаб ва эҳтиёж катта.

Психологик тадқиқотларда шахс ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган ишланмалар алоҳида ўрин эгаллаши бежиз эмас - бу шахснинг ижодий муаммоларни яратиш, ҳал қилиш ва таҳлил қилиш жараёнида муваффақиятини белгилайдиган хусусиятдир.

Юқорида айтилганларнинг барчаси шахснинг ижодий ривожланиши муаммосини ҳал қилиш зарурлигини долзарблаштиради, унга янги шароитларда ўзини ўзи англаш ва такомиллаштириш, унинг ҳаётининг мавзуси бўлиш имконини беради.

Мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги муваффақияти кўп жихатдан шахс ижодкорлигини ривожланиш даражасига боғлиқ. Адабиётларда одатда шахс ижодкорлигини ривожлантиришга ёрдам берадиган механизмлар етарли даражада ёритиб берилмайди. Шахс ижодкорлигини ривожлантиришнинг психологик механизмлари ҳам етарлича ишлаб чиқилмаган. Шу билан бирга, фаолиятнинг турли соҳалари вакиллари, хусусан, касбий муаммоларни ҳал қилиш фаолияти янгилик, ўзига хосликни талаб қиладиган олимлар, ўқитувчилар, шифокорлар, менежерлар ва бошқа мутахассисларнинг моҳияти, тузилиши ва механизмлари тўғрисида ишончли илмий билимларга эҳтиёж сезилади.

Шахс ижодкорлигини ривожлантиришда Л.Н.Антилогова, Д.Б.Богоявленская ва бошқалар катта ҳисса қўшганлар [2].

Адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ижодкорликнинг мазмуни ва тузилиши бўйича ягона нуқтаи назар ҳали ишлаб чиқилмаган, унинг ўзига хослиги аниқланмаган, бу тушунчанинг терминологик ноаниқлиги ва индивидуал ижодкорликни ривожлантиришнинг психологик механизмлари амалда ўрагилмаган.

Ватанимиз педагог олимлари А.Р.Ходжабоев, М.О.Очилов, Ш.С.Шарипов ва бошқалар томонидан ижодкорлик фаолиятини самарали бошқариш муаммолари ёритиб берилган [3, 4].

Шахс ижодкорлигини ривожлантиришнинг психологик механизмлари қуйидаги асосий усулларга таянади [4]:

- доимо ўқувчилар эътиборини масалани ҳал қилишда қўлланилган усулнинг универсаллиги, ҳаммабплигига қаратиш. Бунинг натижасида ўқувчилар дарсда маълум вазиятга нисбатан қўлланилган методни янги ҳодисаларга татбиқ қилиб, янги қонуният ва ечимларни излашга одатланадилар;

- ўқувчиларни ижодкорлик методларига ўргатишни дарс мақсади сифатида эмас, балки дарсда қўйилган вазифани янада самарали ҳал қилишга қаратилган янги йўл, имконият сифатида қарилиши тақозо этилади. Муаммо ечимини топишга қаратилган вазифалар ўрганилаётган тизим таркиби ва ундаги жараёнларни таҳлил қилишни кўзда тутди. Шу сабабли масалани ҳал этишдан кутилган

мақсадни ва уни амалга оширишдаги вазифаларнинг тўғри белгиланиши муаммони дарҳол ҳал этишга қаратилган интилишлардан кўра кўпроқ наф келтиради;

- ўқувчилар ўзлари мустақил хулоса чиқариб топадиган янги ғоялар ижодкорлик дарсларинининг асосий «маҳсули» ҳисобланади. Бироқ, фақатгина масаланинг янги ечимини топиш ижодкорлик фаолиятининг сўнгги босқичи бўлиб қолмаслиги керак. Ўқувчилар ўз ғояларини «охирига етказиш»ни ўрганишлари, яъни янги ечимни синаб кўриш, асослаш ва тадбиқ қилишга оид маълум кўникмаларни эгаллашлари ижодкорликни «хаёллар» даражасидан амалий босқичга кўтариш зарур асосни юзага келтиради. Мазкур мулоҳазанинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у ўқувчиларнинг кейинги таълим босқичларида юқори фаоллик даражасини таъминлашга ва пировардида турли фан соҳаларида чуқур илмий тадқиқотларни амалга оширувчи бўлажак олимларни тарбиялашга замин тайёрлайди;

- ижодкорликни йўлга қўйишнинг муҳим жиҳати – ахборотларни йиғиш, таҳлил ва талқин қилиш билан боғлиқ бўлиб, бусиз ҳар қандай ижодкорлик методи ўз аҳамиятини йўқотади. Ўқувчиларда ахборотлар билан ишлашга оид дастлабки кўникмаларни шакллантиришда уларни ўз қизиқишларига оид расмлар ва фотосуратлар, илмий-оммабоп мақолалар, маркаларни йиғиш, саралаш ва тизимга келтириш ишларига жалб методларидан кенг фойдаланиш мумкин;

- таълим муассасаларида ўтказиладиган машғулотларининг жуда муҳим, камрови жиҳатидан дарс ва дарсдан ташқари машғулотлардан ҳам ташқарига чиқадиган масала – шахс ижодкорлик сифатларини тарбиялашдан иборатдир. Бу борадаги муҳим йўналишларидан бири турли ҳаёт йўлига эга бўлган таниқли ижодкор шахслар биографияси билан ўқувчиларни яқиндан таништириб бориш боғлиқ бўлиб, бунда сўз юритилаётган шахс ҳаётининг барча жабҳалари рўй-рост баён қилиниши лозим бўлади. Мазкур методнинг асосида илм-фандаги юксак ютуқларга унга интилган ҳар шахс эришиши мумкинлиги тўғрисидаги ғояни ўқувчилар онгига сингдириш талаби ётади.

Инновацион ёндашув жараёнида билим талабаларнинг ўз ижтимоий тартиблари асосида пайдо бўлади ва хулқ-атвор шаклининг ҳам ўзгаришига таъсир қилади. Айниқса таълимни муаммоли ташкил этиш талаба ўқув фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. Ушбу жараёни янада муваффақиятлироқ чиқиши учун психологик асосларга эътиборни қаратиш керак.

Инновацион технологиялар асосида таълим жараёни ташкил этилганда билим эгаллашнинг бир қанча бир-бирига боғлиқ бўлган босқичлари мавжуд бўлиб, тайёр билимларни талаба онгига етказиш, эсга олиш, эсга сақлаш, қайта эсга тушириш, сўзлаб бериш, ёзма ифодалаш каби ҳолатлар билиш, тушуниш даражаларини ифодалайди. Бу даражаларда билим олувчидан ижодий ёндашув талаб этилмайди. Ўзлаштиришнинг кейинги даражаларида талабалар олган билимларини амалда татбиқ этиши, маълум натижаларни қўлга киритиши, тўлдириши, бойитиши, ўзгартириши, ўзининг мустақил нуқтаи назарига эга бўлиши талаб этилади. Бу ўзлаштириш даражалари учун муаммоли ёндашув аҳамиятли ҳисобланади.

Олий ўқув юртлари инновацион технологиялардан фойдаланиш борасида катта имкониятларга эга. Дарҳақиқат, ўқув машғулотлари унинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қилади. Айни вақтда бундай ҳолатнинг олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига инновацион технологияларни изчил ва мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш зарур.

Ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишнинг мазкур усулларини турли ёшдаги ўқувчиларга нисбатан самарали қўллаш мумкин, фақат бунинг учун тегишли дастурлар ҳамда ўқув қўлланмаларининг тизимлаштирилган мажмуаси мавжуд бўлиши талаб қилинади.

Инсоният таракқиёти замонавий босқичининг, шунингдек, таълим ислохотларининг энг муҳим хусусиятлари бугунги кунда халқаро глобаллашув жараёнлари билан белгиланмоқда.

Ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги инсонни уларни фаолиятда амалга оширишга ундайди, яъни ижодий қобилиятлар ижодий мотивацияни келтириб чиқариши мумкин. Ижодий фаолият жараёнида амалга ошириладиган ижодий қобилиятлар ушбу фаолиятнинг йўналишини белгилайди. Шахснинг ижодий қобилиятлари асосида ижодий муносабатлар - шахснинг уларнинг намоён бўлишига тайёрлик ҳолати шаклланади. Ижодий қобилиятларнинг мавжудлиги субъектга иродали-ихтиёрий ҳаракатни - изчил, ирода кучи ёрдамида, ижодий қобилиятларни амалга оширишдаги тўсиқларни енгиб ўтишга имкон беради. Ижодий қобилиятлар ижодий фаолиятда - инсоннинг ўз фаолиятининг янги оригинал маҳсулотини тушуниш ва яратишда ўз ижодий эҳтиёжларини амалга ошириш қобилиятида намоён бўлади. Ижодий қобилият ижодий даъволар - инсоннинг ижодий фаолият жараёнида ўз олдига қўйган мақсадлари қийинлигининг кўрсаткичини ҳам белгилайди.

Ижодкорликнинг таркибий қисмлари нафақат ўзак, балки бир-бири билан ҳам боғланган. Шахснинг ижодий фаолиятда ижодий қобилиятларини намоён этиш истаги (ижодий мотивация)

шахсни ижодий фаолиятга (ижодий йўналишга) йўналтирадиган барқарор мотивлар тизимида ифодалангани, уни амалга ошириш шахснинг ижодий муносабати орқали амалга оширилади. Ўз навбатида, ижодий-ихтиёрий ҳаракат ижодий фаолиятда инерцияни енгиш, пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишнинг ностандарт усулларини топиш заруратининг намоён бўлиши сифатида ўз ифодасини топади. Шу билан бирга, ижодий фаолиятни амалга ошириш шахснинг интилишлари даражаси билан боғлиқ бўлиб, у маълум бир мотивлар томонидан кўзғатилган ижодий фаолият жараёнида шахс эътибор қаратадиган вазифанинг қийинлик даражасини танлашда намоён бўлади.

Талабаларнинг умумий интеллектини таҳлил этишда топшириқларнинг тузилиш тамойилларининг характерли ҳолатлари инобатга олинган. Равен методикаси бўйича талабаларнинг умумий интеллект коэффиценти $IQ = 92,75 \pm 11,73$ бўлган эди. Бу эса интеллектнинг ўртача ва ўртачадан юқори натижалари орасидаги қийматларнинг акс эттирганлиги билан характерланади (1-жадвал).

1-жадвал.

Талабаларнинг умумий интеллект кўрсаткичлари (Равен методикаси)

	Табиий		Гуманитар		Қизлар		Ўигитлар		Умумий	
	М	у	М	у	М	У	М	у	М	У
IQ	95,34	11,38	90,16	11,61	94,18	10,13	92,70	7,12	92,75	11,73
t	2,13				1,42				$p < 0.05$	

2-жадвал.

Талабалар интеллектлари диагностикаси натижалари

	М	У	IQ
Аналогия	5,85	1,45	Ўрта
Тушунчаларни муҳим белгиларига кўра ажратиш	5,39	2,03	Ўрта
Визуал интеллект	28,42	3,25	Ўртачадан паст (90 га яқин)
Амалий интеллект	17,17	2,79	Ўртачадан паст (90)

Табиий ($IQ = 95,75 \pm 11,38$) ва гуманитар ($IQ = 90,16 \pm 11,61$) йўналиш талабаларининг натижаларини ўзаро таққослаганда ҳам уларнинг қийматлари орасидаги кўрсаткичлар бир-бирдан кескин фарқ қилмаган бўлса-да, аммо уларнинг кўрсаткичлари орасида фарқ кузатилди ($t=2,13$, $p < 0.05$).

Натижалардан кўринадикки, ижтимоий интеллект кўрсаткичлари билан бошқа интеллект кўрсаткичлари орасидаги муносабатлар анча ижобий ўсишда экан. Бундан кўринадикки, талабаларнинг умумий интеллектга нисбатан ижтимоий интеллектдаги ўсиш аломатлари яққолроқ. Унинг мезонлари орасида ҳам нисбий бўлса-да, ўзаро боғланишлар мавжуд.

Хулоса. Шундай қилиб, ижодий интилишлар даражаси шахснинг ижодий мотивациясида ифодалангани. Шахс ижодкорлиги - бу фаолликда намоён бўладиган ва ривожланадиган динамик, ўзгарувчан ходиса. Психологик адабиётлар таҳлили асосида ижодкорликнинг ривожланишида интеллектуал ва мотивацион мезонларни ижодкорлик мезонлари сифатида белгилаб олдик, уларнинг ҳар бири кўрсаткичлар орқали аниқланади. Шундай қилиб, интеллектуал мезоннинг кўрсаткичлари топқирлик, уйғунлик қобиляти, дивергент фикрлаш, уюшмалар эркинлиги; мотивацион - ижодий мотивация ва ижодий йўналишдан иборат.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.
2. Антилогова Л. Н. Внеучебная деятельность как фактор развития творческих способностей младших школьников // Наука о человеке: Гуманитарные исследования.–2013. – № 3 (13). – С. 71–77.
3. Богоявленская Д. Б. Психология творческих способностей. – М.: Академия, 2002. – 320 с.
4. Очиллов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 79 б.
5. Ходжабоев А.Р. Касбий таълимнинг методологик асослари. Ўқув қўлланма. – Т., 2007.–177 б.
6. Шарипов Ш. Касб-хунар таълими тизимида ўқувчилар ижодкорлик қобилятларини ривожлантиришнинг узлуксизлиги. Монография. – Т.: Фан, 2005. – 136 б.

Мирзаева Мавлуда Акромовна,

Чирчиқ давлат педагогик университетининг таянч докторанти

ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ЎҚИТУВЧИСИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Аннотация. Баркамол ўқитувчининг қобилиятларидан бири бу синфдаги барча болаларни истисносиз қизиқтириш қобилиятидир. Ўқитувчи юқори натижаларга эришган ўқувчилар зерикмаслигига ва шу билан бирга, янги билим унчалик осон берилмайдиган болалар мавзуну муҳокама қилишдан четланмаслигига қандай ишонч ҳосил қилиш кераклигини тушуниши керак. Мақолада замонавий мактаб ўқитувчисига қўйиладиган талаблар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: фаолият, мақсад, мотив, йўналиш, эҳтиёж, алоқа, мулоқот, ўрганиш, мослашув.

ТРЕБОВАНИЯ К СОВРЕМЕННОМУ ШКОЛЬНОМУ УЧИТЕЛЮ

Аннотация. Одно из качеств хорошего учителя – умение заинтересовать всех детей в классе без исключения. Учителю необходимо понять, как сделать так, чтобы успевающие ученики не скучали и в то же время не были исключены из обсуждения темы дети, которым нелегко познавать новые знания. В статье описаны требования к современному школьному учителю.

Ключевые слова: деятельность, цель, мотив, направление, потребность, связь, общение, обучение, адаптация.

REQUIREMENTS FOR A MODERN SCHOOL TEACHER

Abstract. One of the qualities of a good teacher is the ability to interest all children in the class, without exception. The teacher needs to understand how to make sure that high-achieving students do not get bored and at the same time, children who find it difficult to learn new knowledge are not excluded from the discussion of the topic. The article describes the requirements for a modern school teacher.

Keywords: activity, purpose, motive, direction, need, communication, learning, adaptation.

Кириш. Таълим давлат ижтимоий тараққиётининг устивор йўналиши деб белгиланган экан, бугунги замонавий ўқитувчи қандай бўлиши керак деган саволга жавоб беришимиз зарур. Янгиланаётган жамият талабларидан келиб чиқиб замонавий миллий педагогика ва психология фанлари ўз олдига баркамол авлод, комил инсон шахсини тарбиялашдек олий мақсад сари ривожланиб бораётган бир даврда ўқитувчилик касби энг асосий марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Чунки ўқитувчи ўқувчини шахс сифатида шакллантиради, катта харфлар билан ёзиладиган инсон деган сўзга лойиқ қилиб тарбиялашдек нозик, мураккаб масъулиятли вазифани амалга оширади. Ота-оналар ўзлари учун энг кадрли бўлган юксак орзу умидлар билан боғлиқ фарзандларини ишониб топширадилар. Ўқитувчи уларнинг тақдирини белгилаб келажак ҳаётга тайёрлайди. Келгусида бу ўқувчилар комил инсон сифатида шаклланиб “Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак” шиори билан ҳаёт кечирадилар.

Тарбияни ташкил этишдан кўзланаётган мақсадга эришиш-ўқувчиларни билимли, одобли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш вазифаларини таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар зиммасига юклатилган.

Мустақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимини ислох қилиниши, яъни таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга киришилган ҳозирги кунда ўқитувчи фаолиятини қандай ташкил қилинишига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Тадқиқотнинг методологияси ва объекти. Маълумки, ўқитувчи жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради. Шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда ўқитувчи муайян ижтимоий-сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Ўқитувчи мустақиллик ғоясига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбга тегишли маълумоти яъни ўз фанининг чуқур билимдони, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларини эгаллаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда сезиши, ўрганиши ва баҳолай олиши зарур.

Замонавий дунёда билимлар кенгайиб, янги форматларга эга бўлмоқда, шунинг учун ўқитувчи ўз-ўзини тарбиялашга вақт ажратиши керак. Энди эски эслатмалар ёрдамида дарс ўтказиш мумкин эмас: технологиялар ва ўқитиш стратегиялари ўзгарди, замонавий воситалар ва хизматлар пайдо бўлди, ҳар бир янги авлод болалари аввалгисидан фарқ қилади.

Замонавий мактаб ўқитувчисининг ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи унинг ички эҳтиёжидир. Агар у ривожланмаса, у бошқа ҳеч кимни ривожланишга илҳомлантира олмайди.

Н.В.Кузмина, ўз навбатида, ўқитувчининг ўзи самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда педагогик фаолиятнинг қуйидаги даражаларини аниқлади:

- репродуктив, бунда ўқитувчи ўз билганини айтиб беришни билади;
- мослашувчан, бу ерда ўқитувчи ўз хабарини тингловчиларнинг хусусиятларига мослаштиришни билади;
- маҳаллий - моделлаштириш, бунда ўқитувчи педагогик мақсадни, алоҳида бўлимлар, курслар учун керакли натижани шакллантиришга кодир;
- предметга асосланган моделлаштириш, бунда ўқитувчи умуман фан бўйича керакли билим, кўникма ва малакалар тизимини шакллантириш стратегиясини ўзлаштиради;
- ўқувчи шахсини шакллантириш, унинг ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжлари шароитида ўз предметини ўзгартириш стратегиясига эга тизимли моделер бўла олади [1].

А.К.Маркова ўқитувчига самарали педагогик жараёни ташкил этиш учун зарур бўлган 10 та кўникмалар гуруҳини аниқлади, улар:

1. Педагогик жараёни ташкил этиш малакалари;
2. Дидактик қобилиятлар;
3. Камчиликларни кўриш ва ўқитувчилик фаолиятини ривожлантириш;
4. Қулай психологик муҳитни сақлаб қолиш;
5. Мулоқот қобилияти;
5. Ўз-ўзини англашни бошқариш;
7. Ўз фаолиятини индивидуаллаштириш;
8. Назорат қилиш ва бошқариш қобилияти;
9. Таълим қобилиятлари;
10. Баҳолаш малакалари [2].

В.А.Сластенин педагогик фаолиятнинг мотивларини - етакчи (хукмрон) ва вазиятли (рағбатлантирувчи мотивлар), ташқи ва ички мотивларни ўрганиб чиқиб, фаолият мақсади ва мотив бир-бирига тўғри келишини, акс ҳолда мақсадга бефарқ ёки салбий муносабатда бўлганда фаолият мажбурлашга айланишини таъкидлайди [5]. Мақсад ва фаолият мотиви мос келадиган ўқитувчи иштиёқ, илҳом ва маҳсулдорлик билан ишлайди, акс ҳолда бундай ўқитувчилар учун иш оғрикли, муқаррар асабий таранглик ва одатда яхши натижа характериға эга бўлмайди.

Н.В.Кузмина касбий-педагогик фаолиятда чўққига чиқишнинг субъектив омилларидан бири шахсий йўналиш эканлигини таъкидлаб, учта турни ажратиб кўрсатди:

Ҳақиқий педагогик йўналтирилганлик - ўқитиладиган фан воситалари орқали ўқувчи шахсини шакллантириш учун барқарор мотивацияда, ўқувчиларнинг билимга бўлган дастлабки эҳтиёжини шакллантиришни кутган ҳолда фанни қайта кўриб чиқиш.

Ўзаро таъсир ўтказиш ва самарали алоқаларни ўрнатиш. Бу болаларнинг ота-оналари билан мулоқот қилишда ҳам фойдали бўлади. Бу ўқитувчининг касбий фаолияти учун муҳим сифатдир. Ишда ўқитувчи кўпинча боланинг ўрганиш ёки ижтимоий мослашувида нима учун муаммолар борлигини аниқлаши, ота-оналарнинг фикрини, ўзаро ёрдам нуқтаи назаридан уларнинг имкониятларини аниқлаб олиши ва ҳаракат режасини мувофиқлаштириши керак.

Ота-оналар ва болалар билан ўзаро муносабатларнинг асосий қоидалари:

- суҳбатдошинни эшита олиш;
- хотиржам, ҳурмат оҳангида мулоқот қилиш;
- тўғридан-тўғри айбловлардан қочиш;
- провокацияларга берилмаслик;
- масофа сақлаш.

Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси. Ота-оналар билан мулоқот қилишда ўқитувчи нафақат боланинг муаммоларини муҳокама қилиши, нима содир бўлаётгани сабабларини аниқлаши, кейинги ҳаракатлар тўғрисида қарор қабул қилиши керак. Педагогика, социология ва ижтимоий зиддият психологиясидан олинган билимлар бу ерда фойдали бўлади.

Ижодий фикрлаш. Ўқитувчи фаолиятидаги ижодкорлик турли даражаларда намоён бўлади: бу ўз ўқитиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўқувчилар билан ўзаро муносабатлардир. Асл услублардан фойдаланиш ва қизиқарли дарс режасини тузиш ҳам ижодкорликдир.

Барча болалар ҳар хил, ҳар бири алоҳида ёндашувни талаб қилади. Агар ўқитувчи таълим жараёнини ҳар бир болага қизиқарли бўладиган тарзда қуришни билса, бу ижодкорликдир.

Сабр-тоқатлилик. Ўқитувчи учун бу энг муҳим шахсий маҳоратдир. Кўпинча болалар бир хил нарсани қайта-қайта такрорлашлари керак. Бундан ташқари, барча ўқув дастурлари материални ўзлаштириш, такрорлаш ва мустаҳкамлашга асосланган. Махсус психологик амалиётлар хотиржамликни сақлашга ва сабр-тоқатни оширишга ёрдам беради. Ота-оналик жараёнида сабр-тоқат ўз мевасини беради, фақат кутиш керак.

Бошқаларга ғамхўрлик қилиш. Бу фазилятни ўқитувчи нафақат ўзини фаол кўрсатиши, балки ўқувчиларига ҳам сингдириши керак.

Ҳақиқий ўқитувчи болани, унинг истаклари ва эҳтиёжларини қандай кўриш ва ҳис қилишни билади. Бефарқ қолиш хавфлидир, бу нафақат ўқув жараёнини секинлаштириши, балки синфда тўғридан-тўғри низолаб олиб келиши мумкин. Ўқитувчи ўқувчининг ўқишида ҳам, шахсий муаммоларини ҳал қилишда ҳам ёрдам беришга, маслаҳат беришга, суҳбат учун вақт ажратишга ва керак бўлганда бошқа мутахассисларни жалб қилишга тайёр бўлиши керак.

Эҳтиёжларни инжиқликлардан ажратиш, боланинг хатти-ҳаракатининг сабабини аниқлаш ва уни ҳисобга олган ҳолда у билан бирга ишлаш муҳимдир. Шу билан бирга, у дўст бўлиб қолиши ва каттиккўл судяга айланмаслиги керак.

Ишга муҳаббат. Ўқитувчи доимо одамлар билан ишлайди, шунинг учун меҳнатга муҳаббатсиз ўз шогирдларига муносиб ўрнатилган кўрсатиши қийин бўлади. У ўз касбини севсагина яхши ўқитувчи бўлиши, доимо янги нарсаларни ўрганиши ва ривожланиши мумкин.

Болалар катталарнинг кайфиятига сезгир бўлади, уларга пора бериш мумкин эмас. Болаларга ва фанга бўлган муҳаббат - бу талаб эмас, балки ўқитувчи учун заруратдир.

Агар ўқитувчи ўз касбий маҳоратининг муҳимлигини тушунса ва ўз-ўзини тарбиялашга интилса, у ўзига тақдим этилган барча имкониятлардан муваффақиятли фойдаланади. Билимли ва доимий ривожланаётган ўқитувчи билимларни узатиш учун мақбул воситаларни танлашга, синфнинг кайфиятини ҳис қилиш ва уни бошқариш, ўрганиш самарадорлигини оширишга қодир бўлади.

Замонавий мактаб ўқитувчисига қўйиладиган талаблар қуйидагилар билан белгиланади:

Қулай таълим муҳитини яратиш. Қулай муҳит ҳамкорлик муҳитини яратади, ўқувчилар билан дўстона мулоқотни ўрнатишга ёрдам беради ва самарали ўқув жараёнини ташкил этишга ёрдам беради. Агар ўқитувчи ҳамма нарсани тўғри бажарган бўлса, ўқувчи ўз фикрини эркин ифода этишга тайёр бўлади. Кўп нуқтаи назарлар, эътирозлар ва мунозаралар орасида ҳақиқат туғилади, бола уни топишни ўрганади ва ўқитувчи ҳурмат билан тинглайди ва эътиборсизликка йўл қўймайди.

Шу билан бирга, мувоzanатни сақлаш жуда муҳим: таълим мавзуларини муҳокама қилишда ва бола билан ҳар қандай норасмий мулоқотда ўқитувчи масофани ўрнатиши, танишишдан қочиши керак, шу билан бирга ҳамма нарсага ишониш мумкин бўлган ўқувчилар билан дўст бўлиб қолиши керак.

Синфни ўқув жараёнига жалб қилиш. Таълим фаолияти сифати болаларнинг таълим жараёнига жалб қилиш даражаси билан баҳоланади. Боланинг ўрганишга қизиқиши учун ўқитувчи дарснинг мақсадини аниқ белгилаши керак. Янги материал билан танишиш учун баъзи воситалар ва усуллардан фойдаланилади, бошқалари эса хатоларни мустаҳкамлаш ёки устида ишлаш учун ишлатилади. Бу ўйин технологиялари, табиатга чиқиш, тажриба, фильм ёки ўйин томоша қилиш, мусиқий композицияни тинглаш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Яхши ўқитувчи уларни билади ва уларни мақсадга мувофиқ қўллайди. Хонанинг техник жиҳозлари ҳам болаларни қизиқтиришга ёрдам беради. Дарс давомида ўқитувчи нафақат стандарт доска, стенд ва кўргазмали қуроллардан фойдаланиши мумкин. Кўпроқ мактаблар рақамли форматлардан фойдаланиш ва онлайн ресурслардан фойдаланиш имконини берувчи замонавий жиҳозлар – интерфаол доскалар, проекторлар, компьютерлар билан таъминланмоқда. Ўқитувчининг янги усуллар, технологиялар, индивидуал ишланмалар ва таниш нарсаларга ностандарт ёндашувлардан фойдаланиши орқали болаларни қизиқтириш қобилияти иштирок этиш даражасини оширишга ёрдам беради. Масалан, интерфаол платформа олинган билимларни ўйин тарзида мустаҳкамлашга ёрдам беради ва ўқув фаолиятига ўйин жиҳатини киритишда рақобатбардош жиҳатни қўшади.

Стратегик режалаштириш ва ўқув материалларини танлаш. Ўқитувчи болаларнинг ҳар бири дарс мавзусини тушуниши учун ўқув материални танлай олиши керак. Синфда турли қобилиятли болалар бўлиши мумкин, бу дарс режасини тузишда ҳисобга олиниши керак.

Баркамол ўқитувчининг қобилиятларидан бири бу синфдаги барча болаларни истисносиз қизиқтириш қобилиятидир. Ўқитувчи юқори натижаларга эришган ўқувчилар зерикмаслигига ва шу билан бирга, янги билим унчалик осон берилмайдиган болалар мавзунини муҳокама қилишдан четланмаслигига қандай ишонч ҳосил қилиш кераклигини тушуниши керак. Оддийдан мураккабга ўтиш стратегияси, аста-секин барча ўқувчилар муҳокамага киритилганда ёрдам беради. Мавзунини мустаҳкамлашда жуфтлик ёки гуруҳларда ишлаш самарали бўлади.

Рақамли имкониятлар. Таълим жараёнида интерфаол воситалар тобора кўпайиб бормоқда, улар болаларнинг эътиборини жалб қилиш учун кенг имкониятлар яратади. Бу фақат стандарт компьютер саводхонлиги эмас. Ўқитувчи болаларни қандай рақамли воситалар ўраб турганини, улар учун қандай технологиялар билан ишлаш қулайроқ ва таниш эканлигини тушуниши керак, шунда ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги мулоқот самаралироқ бўлади ва ўрганиш тезда режалаштирилган натижани беради.

Бундан ташқари, ўқитувчининг вазифаси болаларга катта маълумотлар билан ишлаш, тузилиш ва олинган маълумотлардан асосий нарсани ажратиб кўрсатиш ва ахборот оқида хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни тушунтиришдир.

Форматив баҳолашни қўллаш. Бундай баҳолаш ўз фаолиятини таҳлил қилиш қобилиятини шакллантиради, акс эттириш қобилиятини ривожлантиради ва ўқувчининг барча таълим ютуқларини акс эттиради.

Ўқитувчининг баҳолаши ўқувчилар нимани ўзлаштирганини ва яна нимани мустаҳкамлаш кераклигини ўлчаши керак. Мисол учун, тестдан сўнг, ўқитувчи материалнинг бир қисми яхши ўрганилганлигини тушунди, аммо баъзилари қўшимча ишларни талаб қилди. Бундай вазиятда ўқитувчи кейинги дарсларни шундай режалаштирадигани, синф янги мавзуга ўтганига қарамай, ёмон ўрганилган материал синфда яна такрорланади.

Тадқиқот жараёнида ўқувчилар билан олиб бориладиган суҳбат мавзуларини танлашда анкеталар, тест-анкеталар, тестлар тузишда, аввало, уларнинг ўзлари танлаган касбга қизиқишлари манбаларини аниқлаш, қайси фанларни ўрганишни исташларини ҳамда коллеждаги дастлабки таҳсиллари даврида ўтилаган фанларнинг ўқитилишидан қониқишларини, ўқитувчиларининг педагогик маҳоратлари даражасига ҳамда ўзларининг келгусида олий касбий таълимда таҳсилни яна давом эттиришга хоҳиш-истакларининг бор-йўқлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Биз қуйида ана шу мақсадда тузилган анкета-тестнинг матнини келтираемиз: Педагогика коллежларида ўқувчиларнинг педагогик касбларга қизиқишларини аниқлаш анкета-тести натижаси қуйидаги 1-жадвалда кўрсатилган.

1- жадвал.

Ўқувчиларнинг педагогик касбларга қизиқишларини аниқлаш натижалари

№	Жавоблар тури	Анкетадаги белгиси	Жавоблар Сони	%ҳисобида
1	Тўғри	А	18	60%
2	Ноаниқ	В	7	23,3%
3	Нотўғри	с,д,е,	5	16,7%
	Жами		30	100%

Ушбу анкетанинг дастлабки саволи ўқувчиларнинг мазкур коллежга ўқишга кириш, педагогик касбни танлаш сабабларини аниқлаш учун тузилди ва жавоб 5 хил кўринишда келтирилди. Олинган жавобларда кўпчилик, айниқса, қизлар (а) жавобни белгиладилар. Яъни ўтказилган 30 кишидан 18 киши 60% (қизлар) шу жавобни «Ўз хоҳиш истагим, интилишим» қабилда белгиладилар. Биз (а) жавобни эталон сифатида белгилаб, энг «тўғри» жавоб сифатида қабул қилдик. Чунки, абитуриент ўзи хоҳлаб, интилиб, қизиқиб педагог касбини танламоқда. Кейинги савол иккинчи даражадаги кўпроқ микдорни (в) ни ташкил этди (айниқса, қишлоқ туманларидан келган ўқувчилар орасида) 7 киши. Биз бу ҳолни «ноаниқ» жавоблар қаторига киритдик, негаки, айниқса, қишлоқ жойларида кўпчилик ўзбек оилаларида болаларнинг келгусида умумтаълим мактабни битирганларидан сўнг ўқиш-ўқимаслигини, асосан, ота-оналар, аниқроғи, кўпроқ оила маблағи (сармоysi) ёки ота-она хоҳиши белгилайди. Шунинг учун, бу (в) жавобни белгилаган ўқувчиларнинг жавоблари жуда ҳам нотўғри эмас, деган фикрга келдик. Ҳозирги даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида ҳам (11-

синфни тугаллаганлар), олий касбий таълимда ҳам асосий қисм (60-80%) ўқувчилар шартнома (контракт пуллик) асосида ўқишга қабул қилинмоқдалар. Педагогик йўналишдаги мутахассислар тайёрлайдиган касб-хунар коллежлари эса жуда кам, у ихтисосликлар турлари эса, анча қисқарган (меҳнат таълими, чизмачилик, тасвирий санъат, расм ихтисосликлари қолдирилган холос). Биз ушбу анкетамизнинг (с), (е), (д) каби жавобларини белгилаганларни «нотўғри» деб қабул қилдик. Бу ҳол эса, тегишлича (2), (2), (1)каби 5 та сонни ташкил этди.

Ўқувчиларнинг педагогик касбларга қизиқишини аниқлаш анкетасининг коллеждаги таълим даражасини белгилашга доир 2- саволига олинган жавоблар жадвали ҳамда таҳлили.

2-жадвал.

Коллеждаги таълим даражасини аниқлаш бўйича олинган жавоблар натижалари

	№	Анкетадаги белгиси	Жавоблар сони	%ҳисобида
1	Тўғри	с	12	40%
2	Ноаниқ	А	15	50%
3	Нотўғри	в,д,е,	3	10%
	Жами		30	100%

Анкетанинг иккинчи саволи ўқувчиларнинг ўз касбий маҳоратларини ошириш учун ғамхўрлик қилишларини, қизиқишлари доирасини яна кенгайтиришларини, «коллеж» даги маълумотнинг фақат «кичик мутахассис тайёрлаш даражасида» эканлиги, уларнинг «катта», яъни олий касбий маълумотли етуқ мутахассис бўлишларига интилишлари даражасини аниқлаш учун берилди.

Ушбу саволга (с) жавобни, яъни «Ҳа, аммо имконият даражасида олийгоҳларда ўқишни яна давом эттираман» деб берилган жавобни эталон сифатида «тўғри» деб белгиладик. Бу жавобни белгилаган ўқувчилар коллеждаги таълим мақомини, яъни «кичик мутахассис» тайёрлаш мазмунини англайди, келажакда ўқитувчи-тарбиячи касбини эгаллагач, яна ўз интилишини давом эттириш зарурлигини тушунади, деб ҳисобланди. Чунки "Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5 моддасида "Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга" (2.21) деб кўрсатилган. Бу саволга берилган жавоблар 12 тани ташкил этди. "Ноаниқ" жавобларга эса (а) жавобни, яъни, «Ҳа, етарли» деб белгиланган жавобларни киритдик. Бу эса ўқувчиларнинг таълимнинг мазкур босқичида таҳсил олиш билан чегараланиб қолиши ўз касбий таълимини коллеж таҳсили билан якунлаши, ўқитувчи мутахассиснинг касбий маҳорати эса доимо такомиллаштирилиб, янгиланиб, кенгайтирилиб борилишни талаб этишини тушунмасликларини билдиришини аниқладик. Чунки «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»да "Таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланади, уларнинг фаолиятида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади"деб белгиланган. Бу саволга берилган жавоблар нисбатан кўпроқ, яъни 15 та ни ташкил этди. «Нотўғри» жавобларга эса, (в) "йўқ, ишонмайман", (д) «билмадим», (е) «юқоридагиларнинг барчаси» каби белгиланган жавоблар киритилди. Чунки ўқувчилар ўзлари таҳсил олаётган таълим босқичининг моҳиятини, коллеж таълимининг мақомини тушунмасликлари, билмасликлари ва бундай ўқувчиларнинг мазкур ўқув юртига «адашиб кириб қолганликларини» эътироф этади. Бундай жавоблар тегишлича 3 тани ташкил этди.

1- ва 2-саволларга олинган жавобларнинг кўпчилигининг ижобий эканлиги, ўқувчиларнинг онгли равишда педагог тарбиячи касбларини танлаганликларини, бу касбларнинг касб-хунар коллежларида ўргатишнинг мақсадга мувофиқлигини билдиради.

3- жадвал.

Ўқувчиларнинг ўқув-тарбиявий жараёндан қониқиб даражаларини аниқлаш

	Жавоблар тури	Анкетадаги белгилар	Жавоблар сони	% ҳисобида
1	Тўғри	в	17	56,6
2	Ноаниқ	а	9	30
3	Нотўғри	с,д,е	4	13,3
	Жами:		30	100
1	Тўғри	а, в, с	20	66,6
2	Ноаниқ	д	7	23,3
3	Нотўғри	е	3	10
	Жами:		30	100%

Анкета ва тестнинг 3-ва 4-саволлари бўлғуси ўқитувчи-тарбиячиларнинг педагогика коллежидаги ўқув-тарбиявий жараёндан қониқишлари тўғрисида уларнинг фикр ва мулоҳааларини аниқлаш мақсадида ҳамда уларнинг ўқув-тарбия жараёнидаги фаоллиги даражасини аниқлаш учун берилди. Ушбу саволларда 3 йиллик касбий таълим жараёнида бўлғуси педагог мутахассисларнинг касбий маҳоратини шакллантириш ва ривожлантиришга коллежидаги ўқув режасидаги фанлар, ўқув-тарбиявий жараённинг дидактик имкониятлари етарлими ёки етарли эмаслигини ўқувчилар назари билан аниқлашга уриниб кўрилди.

Хулоса. Ўқитувчининг малакаси ўз-ўзини баҳолашда ҳам намоён бўлади - дарсларда нимага эришганлиги учун ўзини баҳолаш қобилияти, шунингдек, нима устида ишлаш кераклигини тушуниши керак. Замонавий мактаб ўқитувчиси шахсий мулоқот орқали болаларнинг кайфиятини баҳолаши ва ҳис қилиши зарур. Аммо бу умуман болаларни назорат қилиш ва шахсий чегараларни бузиш керак дегани эмас. Агар керак бўлса, ўқитувчи мактаб психологидан маслаҳат сўраши мумкин. Ўқитувчининг нутқи адабий меъёрларга мос келиши керак. Шундай қилиб, ўқитувчи жамиятда конструктив мулоқот ва ўзаро муносабатларнинг намунасини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Кузьмина Н.В. «Формирование педагогических способностей». Ленинград: ЛГУ, 1961г. 252 стр.
2. Маркова А.К. «Психология труда учителя». Книга для учителя. Москва: Просвещение, 1993г. 192 стр.
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчилари касбий маҳоратини шакллантириш муаммолари // Ж. Узлуксиз таълим. -2004. -№ 1. -Б. 99-104.
4. Сайидахмедов Н. Педагогик амалиётда янги технологияларни қўллаш намуналари. – Т.: РТМ, 2000. – 46 б.
5. Слостёнин В.А. Педагогика: учебное пособие для студентов педагогических учебных заведений. – М.: Школа-Пресс. 2000. – 512 б.

Рамазонов Жаҳонгир Джалолович,
Бухоро давлат педагогика институти доценти,
психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ҳошимова Лолахон Аҳмед қизи,
Осиё халқаро университети магистранти

ГЛОБАЛ ДУНЁДА ПСИХОЛОГИК ДЕСПОТИЗМ ВА УНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИЛАРИ

Аннотация. Мақолада бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлган оила муҳитидаги зўравонлик, психологик деспотизм муаммоси, келиб чиқиши сабаблари, хусусиятлари ҳамда оқибатлари ҳақида муҳим фикр-мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: деспотизм, девиантлик, зўравонлик, гендер муносабатлар, деспот, зўрлик, тажовуз, қасос, жисмоний ва жинсий зўравонлик, жазаво.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЙ ДЕСПОТИЗМ И ЕГО ОСНОВНЫЕ СИМПТОМЫ В ГЛОБАЛЬНОМ МИРЕ

Аннотация. В статье обсуждается одна из актуальных проблем современного семейного насилия, проблема психологического деспотизма, причины, особенности и последствия его возникновения.

Ключевые слова: деспотизм, девиация, насилие, гендерные отношения, деспот, насилие, агрессия, месть, физическое и сексуальное насилие, безумие.

PSYCHOLOGICAL DESPOTISM AND ITS MAIN SYMPTOMS IN THE GLOBAL WORLD

Abstract. In the article, one of the urgent problems of today's family violence, the problem of psychological despotism, the causes, characteristics and consequences of its origin are discussed.

Keywords: despotism, deviance, violence, gender relations, despot, violence, aggression, revenge, physical and sexual violence, frenzy.

Кириш. Жаҳонда аҳолининг турмуш даражасини оширишнинг асосий омилларидан бири бу жамиятдаги инсон ҳавфсизлиги ҳисобланади, яъни жамиятнинг кичик бўғини сифатида оила ички ҳавфсизлигини таъминлаш муҳимлигини тадқиқ қилиш долзарб саналади. Шунингдек, муаммоли оилаларда зўравонлик, деспотизмнинг когнитив, мотивацион, ҳиссий-эмоционал соҳаларда намоён бўлишига доир илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда оилаларнинг мустақамлигига салбий таъсир кўрсатаётган муаммоли оилаларнинг гендер муносабатларида психологик деспотизм профилактикасини ўрганиш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Бу борада психологик деспотизмнинг сабаблари, омиллари, оилаларни психологик соғломлаштиришга хизмат қилишини тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзу бўйича илмий изланишларнинг қисқача таҳлили. Бугунги кунда оила муҳитидаги зўравонлик, психологик деспотизм муаммоси замонавий психология фанида дунёнинг деярли барча мамлакатлари илмий жамоатчилиги эътиборида устувор тадқиқот мавзуларидан бири бўлиб қолмоқда. Жумладан, япон оиласидаги зўравонлик кўринишларини Fumie Kumagai Masako; XX асрнинг 2-ярмида Америка Қўшма Штатлари олимларидан: M.Strauss, R.Gelles, R.Burke, E.Douglas, L.Lerman, D.Hines, L.Sherman ва бошқалар оиладаги зўравонлик масалаларини ўрганишни амалга оширишди. Жумладан, оилавий зўравонликларга жавоб беришда учта асосий ёндашув: раҳм-шавқат, назорат, ҳаракатсизлик, ҳукмронлик ёндашуви каби ҳулқ-атвор реакцияларининг кескин ўзгаришини M.Strauss, R.Gelles; оилавий зўравонликни кейинчалик жиноятни кўпайишига таъсир этишини L.Sherman тадқиқотлари махсус илмий-амалий аҳамиятли бўлса-да, зулмкорликка дуч келган шахслар учун унинг профилактикасига оид фикрлар берилмаган [1], [2].

Оилавий зўравонликка дуч келишнинг асосий белгиларини рус олимларидан М.Писклакова, А.Синельниковлар; деспотизм, оилавий зўравонликнинг асосий муаммоларини М.В.Сапоровская; оила муҳитидаги зўравонликнинг ижтимоий муаммо сифатидаги таъсири масалаларини Г.Ф.Хилажаева ва бошқалар илмий изланишларида таҳлил этилган [3], [4], [5].

Ўзбекистонда зўравонлик ва деспотизм муаммоси психологик тадқиқот предмети сифатида яқин йилларда илмий ўрганилиши амалга оширилмоқда. Зўравонлик ва деспотизмнинг намоён бўлиши асосан муаммоли оилаларда кузатилиши ҳамда оила мустаҳкамлигига таъсири нуқтаи назаридан бир қатор ўзбек олимлари илмий тадқиқотларида ўрганилган: Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Б.М.Умаров, А.Т.Кадилова, Ф.Р.Рўзиқулов, Ф.А.Ақрамова, М.С. Товбаева, Д.У.Абдуллаева ва бошқалар [6], [7].

Асосий қисм. Деспотизм - грекча сўз бўлиб, чексиз куч маъносини билдиради, яқка шахс томонидан ҳокимиятни бошқариш, низоли вазиятларни ҳар қандай йўл билан бостиришни англатади [8]. Деспотизм - бу чексиз ҳокимиятга интилишда намоён бўладиган шахснинг ўзига хос хусусияти бўлиб, унга бошқаларнинг фикри ва эҳтиёжларидан қатъий назар доимий ва тўлиқ итоаткорликни талаб қилиш орқали эришилади.

Қадим замонда бу тушунчани хўжайиннинг ўз қуллари устидан кучини кўрсатиши сифатида тушуниланган. Аристотель ўзининг «Сиёсат» асарида турли вазифаларни уқтиришда ва бажаришда шундай муносабат олиб борилиши кўрсатиб берилган. Тарихдан маълумки, Қадимий Шарқ ва Қадимги Африка давлатларидаги бошқарувда деспотлар бўлган.

Шарқий Рим империясида «деспот» сўзи императорнинг ҳукмдорлик унвони сифатида қўлланилган. Ҳозирги даврда бу термин шафқатсиз, ёвуз, қийноққа солувчи маънодаги сўзларнинг синоними сифатида ишлатилади. Доимий хўрлаш, психологик босим ўтказиш зулмкор шахснинг асосий хулқ-атвор кўринишларидан ҳисобланади.

Психологик деспотизм, зўравонлик мавзусининг илмий тадқиқ этилганлиги (муаллиф таҳлили)

Мавзунинг илмий ўрганишда хориж олимлари		
АҚШда	М.Страусс, Р.Геллес, Р.Бурке, Э.Дуглас, Л.Лерман, Д.Хинес, Л.Шерман	Зўравонлик, тажовуз, деспотизм, оилавий зўравонлик тушунчаларининг моҳияти очиб берилган; зўравонликда 3 асосий ёндашув: раҳм-шавқат, назорат ва ҳаракатсизлик реакциялари берилган.
Инсоний гуманистик психоаналитик йўналиш	М.Д.Смит, Р.Е.Добаш, Р.П.Добаш, К.Хорни	Оиладаги зўравонлик омиллари билан боғлиқ муаммолар аниқланган. Оиладаги зўравонликда эркакларнинг устун мавқеи ва аёлларнинг хатти-ҳаракатлари ҳолатлари аниқланган.
Японияда	Fumie Kumagai Masako	Зўравонликнинг япон оиласидаги кўринишлари кўрсатиб берилган.
Мавзунинг илмий ўрганишда МДХ давлатлари олимлари		
Зўравонлик сабаблари	Г.М.Андреева, Н.Н.Богомолова, Л.А.Петровская	аёлнинг жабрланишга олиб келадиган ўзига хос хусусиятлари зўравонлик сабаблари сифатида тасвирланган, 3 хил тоифа сабаблари кўрсатиб берилган
Деспотизм белгилари	М.Писклакова, А.Синельников	оилада зўравонлик, деспотизмга дуч келишнинг шахсдаги асосий 7 та белгилари очиб берилган.
Деспотизм турлари	А.Фатаев	зўравонликнинг ҳақоратлаш, таҳдид қилиш, кўркитиш, уриш, калтаклаш каби жароҳат турлари келтирилган
Деспотизмда чоралар	Е.И.Ефимова	оилавий зўравонлик ва деспотизмда ҳуқуқий чорат-тадбирларни кучайтиришнинг тизимли ҳамкорлигини яратиш
Зўравонлик ва рухий саломатлик	О.С.Колмакова	оилавий муносабатларда «психологик зўравонлик, шантаж, таҳдид, ҳақорат қилиш кўринишлари келтирилган.

«Золим» тушунчаси ўз мазмунига кўра золим ва азоб берувчи маъносини билдиради, бироқ бундай шахснинг ўз зулмини намоён этиши ҳиссий ва жисмоний тарзда бўлади. Мунтазам равишда хулқ-атвор реакцияларининг бундай кўринишларда кузатилиши нафақат инсоннинг характери, балки жиддий психологик муаммони ҳам билдиради.

Деспотизм илмий тушунча бўлиб, уни маҳаллий шароитда зулмкорлик деб аталиши билан боғлиқ ассоциацияни шакллантиради. Зулмкорликнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат.

-Оилавий муносабатларда ўз зулмкорлигини деспот шахс бошқа шахсга нисбатан куч ишлатиш, қўл кўтариш орқали намоён этади ва бу хулқ деспотнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Оиладаги бундай муносабатни деспот шахс бир марта амалга оширса, кейинчалик ҳам шундай харакатни давом эттиравелади. Оила мухитида зулмкор ўз кучини тўлиқ ҳис этади, унинг эгалик хисси туфайли зўравонликни намоён этишни давом эттиравелади.

-Доимий хўрлаш. Зулмкор шахс хатти-харакатида психологик босимни ўтказишда ҳақоратли ибораларни қўллаш, оиладаги инсонларини кадр-қимматини камситиш орқали намоён этади. Бундай хулқ орқали деспот ягона мақсадни – оиладаги ҳукмронликни мустаҳкамлаш ва ўз кадрини ошириш ҳисобланади.

-Мутлақ эгалик ҳисси. Бу ҳолат оиласидаги кишиларга нисбатан уларнинг фикри, қарорлар қабул қилишига имкон бермасликда намоён бўлади. Агар нормал оилавий муносабатларда оила аъзоларининг фикрларига эътибор оила манфаати учун инобатга олинса, зулмкор бор бўлган оилада унинг томонидан мутлақ эгалик ҳисси қарама-қарши муносабатни кўрсатади.

-Доимий назорат. Зулмкор шахс яшайдиган оилада ҳар бир ҳолат ва вазият у томонидан қатъий назорат қилинади. Зулмкор шахс ўз жуфтнинг ҳар бир қадамини ва айниқса, оиладан ташқари ҳолатда бегона инсонларнинг кўз қарашларига ҳам сабабсиз рашк қилади.

-Ёпиқ зулм. Ушбу муносабат ва хатти-харакатлар қуйидаги ибораларда ифодаланади: «Бу менинг ғамхўр эканлигимни белгиси эмасми? Мен яхши кўраманки, шундай ғамхўрлик қиламан...» Албатта бундай сўзлар жуфтга ёқимли бўлиб туюлади, лекин гоҳида муносабатла кескин ўзгаришидан эҳтиёт бўлиш кераклигини тақазо этади.

-Болаликдаги норасоликлар - комплекслар. Зулмкорлик инсоннинг тарбияси билан бевосита боғлиқдир. Шунинг учун хатто оила қуришдан аввал оила мухитида ота-оналарнинг ўзаро муносабати, мулоқоти боласида норозиликлар тарзида, кейинчалик зулм кўринишида шаклланиб қолиши мумкинлигини билиш керак.

-Деспотизмнинг ўзига хос белгиларидан бири бу жисмоний ва рухий зўравонлик хатти-харакатларнинг нормаси ва муносабатларни тартибга солиш усули сифатида қабул қилиниши. Зўравонлик ҳисси ва шахснинг чегаралари бузилган жамиятда деспотизм характернинг намоён бўлиши сифатида қабул қилиниши мумкин. Бундай механизмлар деспот билан ўзаро алоқада асосий ҳисобланади, у қандай қилиб сўрашни, музокара қилишни ёки муроасага қилишни билмайди. Агар шерикнинг хатти-харакати золимнинг хоҳишларига мос келмаса, ҳар қандай зўравонлик ишлатилади ва дастлаб у ўз норозилигини намоён қилиши ва бошқасига ўзини тузатишга имкон бериши мумкин.

-Жаҳл ҳар қандай хулқ-атворни ёки бошқаларнинг шахсий хусусиятларини ўз ичига олган хулқ-атворни келтириб чиқаради. Кўпинча зулмкор одам ҳамма ёмон нарсалар унинг хаёлининг натижаси эканлигига ишонтирганда ўзини намоён қилади. Кўполлик, зўравонлик қурбонининг рухий ҳолатининг беқарорлиги сифатида қабул қилинади. Унинг таъсири ва айбдорлиги ҳеч қачон тан олинмайди. Бошқаларда хўрлаш ва ҳақорат қилиш одатий ҳолга айланади ва муносабатларни аниқлаштиришга уринади.

-Деспотлар одатда назорат қилиш учун кўпроқ имкониятга эга бўлишда бошқа одамнинг ўзини ўзи кадрлашини бутунлай йўқ қилишга ҳаракат қилишади.

Ижтимоий нормаларга зид бўлган зулмкорлик, деспотизм бошқаларнинг олдида ҳақоратли ибораларни қўллашда, кадр-қимматини камситишда намоён бўлади. Шунингдек, деспотнинг мақсади битта – ўз оиласида мавқеини мустаҳкамлаш ва кадр-қимматини оширишдир. Зулмкор шахснинг ўз оиласидаги хатти-харакати юқорида қайд этилганидек, бошқаларнинг кадрини камситиш, уларни устидан мутлақ ҳукмронликни ўзига мақсад қилиб олишида кўринади.

Деспотизм онгсиз равишда йўл қўйган хатолари учун бошқалардан қасос олиш истагини шакллантиради. Болани ҳақорат қилиш, хўрлаш, шафқатсиз жазо бериш нафақат ота-онасини, балки бутун дунёни жазолаш истагини келтириб чиқариши мумкин. Аммо нафақат кўпол муомала деспотизмни ривожлантириш учун зарур шарт бўлиб хизмат қилиши мумкин, шунингдек, бола шахсиятининг ўзига хослиги, унинг бошқалардан устунлик ҳолатларини ҳам кузатиш мумкин. Болалар учун ота-оналарнинг фикри жуда муҳим бу ўзига хос муносабатни шакллантиради, ҳақиқий дунёни тушунишга имкон беради, аммо кимдир камчиликларни очикдан-очик масҳара қилиши сабабли стрессни бошдан кечирилади. Бундай вазиятларда атрофдагилар одатдаги доирада ўз шахсиятини ўйлашга ва идрок этишга мажбур қилиш йўли танланади.

Деспотизм туғма хусусият эмас ва ҳеч қандай тарзда асаб тизимининг хусусиятларига ва бошқа физиологик омилларга боғлиқ эмас, аммо унинг шаклланиши учун зарур шартлар жуда эрта бошланиши мумкин.

Болалигида бу хусусият ўзини намоён қила олмайди, чунки болалар заиф, лекин улар ўсиб улғайганларида, жисмоний кучга эга бўладилар ва кейинчалик зўравонлик, манипуляция ва

мажбурлашнинг ахлоқий усулларини ўзлаштирадilar, ўзаро муносабатларнинг барча даражаларида шундай хулқни амалга ошира бошлайдилар.

Деспотизмнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу жисмоний ва психологик зўравонликни ўзини тутиш нормаси ва муносабатларни тартибга солиш усули сифатида қабул қилишдир. Бундай механизмлар деспот билан ўзаро алоқада асосий ҳисобланади, у амалда қандай қилиб сўрашни, музокара олиб боришни ва муроасага келишни билмайди.

Деспотик хатти-ҳаракатлар ўз-ўзидан тўхтаб туролмайди ва қанча кам қаршилик кўрсатилса, шунчалик кўп равишда ўзини талабларини мустаҳкамлаб боради ва имконсиз нарсаларни талаб қила бошлайди. Деспот учун барча ютуқларни ўзига мослаштириши ва барча мағлубиятларнинг шеригини бўйнига қўйиши ва айблаши мумкин.

Деспотизм кўпинча хўрлаш ва қасос билан бирга яшайди, ҳеч қандай сабабсиз туғилади. Бундай қасоснинг чуқур маъноси, ўз кадр-қимматини ва ҳурматини йўқотишдир. Деспотизм ҳамкорлик ва бошқаларни ҳурмат қилиш каби тушунчаларни истисно қилади. Вақт ўтиши билан доимий муносабат ва низоларни келтириб чиқарадиган бундай муносабат меҳр-эътибор ўрнига, кўрқув, нафрат, қасос, тушунмовчилик, адоват ва охир оқибат ёлғизликни юзага келтиради.

Деспотизмнинг намоён бўлишида ушбу тўрт психологик механизми мавжуд эканлиги исботланган:

1. Психологик ҳужум. Доимий танқид инсонни ўзига бўлган ишончини пасайишига олиб келади. Инсоннинг кадр-қимматини инobatга олинмаслиги туфайли айбдорлик ҳиссини ҳам пайдо қилади. Зулмга дучор бўлган кишида ўз қобилияти ва ҳаракатларининг тўғрилигига шубҳа қила бошлайди, ўзини айбдордек ҳис эта бошлайди, психологик азоб чекади.

2. Шахснинг ўзгариши, идеалларини ўзгариши. Деспот шахс ҳаётнинг янги моделини яратади. Нима яхши ва нима ёмонлигини таъкидлаётгани натижасида зулмга дуч келган, танқид ва ҳужумлардан тушкунликка тушган одам реал вазиятни баҳолай олмайди. Бундай ҳаракат зулмкор шахсни жабрланувчи устидан тўлиқ ҳукмронлик қилишига олиб келади. Жабрланган киши ҳатто ўз яқинлари билан мулоқот қилишини чекланганлигини ҳис этади.

3. Муносабатни мантиқан тўғри деб ҳисоблаш, аммо ичидан ноқулайлик ва норозилик кайфияти, шундай ҳолатга лойиқ эмаслигидан хафагарчилик руҳий қийналишига олиб келади.

4. Англаш ва ҳақиқатнинг мос келмаслиги. Ўз-ўзини англаш ва реал ҳақиқат орасида қарама-қаршилик юзага келади. Бу ўз навбатида оила аъзолари билан муносабатларни ва психологик ҳолатларига салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд этилган психологик механизмлар деспотизмнинг психологик феномен эканлигини янада тасдиқлайди.

Психологияда деспотизм - бу шахснинг ўта зулмкорлик хусусиятларини, ўз муносабатларини намоёиш этишида динамик аҳамият касб этиши билан характерланади. Бу ўз навбатида деспот шахснинг ўз хатти-ҳаракатларини назоратини йўқотишига олиб келади.

Психологик зўравонликда шахснинг руҳиятига турли усуллар билан таъсир кўрсатиб, руҳий зўриқишни келтириб чиқариш ҳамда шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва эркинлигини чеклашга қарши хатти-ҳаракатлар содир этилади [9].

Психологияда деспотизм - бу ўз хоҳиш-иродасини мулоҳаза юритиш йўли билан эмас, балки зўрлик, тажовуз, қасос, жисмоний ва жинсий зўравонлик, жазавога тушиш каби таъсирларни ўз ичига олган хатти-ҳаракатлардир. Одатда, бу хатти-ҳаракатнинг сабаблари одамнинг бундай ҳалокатли тарзда енгиб ўтишга интилаётган болаликдаги шикастланишлари, руҳий, комплекслари ва кўрқувлари бўлиб, ўзига ишонч ва бенуқсонликни қўлга киритади.

Хулоса ва таклифлар. Умуман, юқоридаги назарий таҳлилларни умумлаштирган ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, мазкур муаммонинг илмий адабиётларда ёритилиши бўйича қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин.

Зулмкорлик, оила аъзоларига қарши қаратилган тажовузкорлик, деспотизм муаммоси бутун дунё мамлакатларининг актуал муаммоси ҳисобланади, барча мамлакатлар учун намоён бўлишининг характерига кўра универсал ҳодиса ҳисобланади. Оиланинг энг муҳим мезон ва хусусиятларидан бири гендер муносабатларида шахсларо муносабатларнинг энг яхши кўринишларини сақлаб қолиш ҳисоблансада, лекин оилалар мустаҳкамлигига раҳна соладиган энг хавфли ҳодисалар ичида зўравонлик, зулмкорлик, деспотизмдир. Гендер асосидаги зулмкорлик, зўрлик, деспотизм – бу кескин кўринишдаги хулқ, хатти-ҳаракат бўлиб, жисмоний, руҳий ва жинсий зарар етказиш кўринишларида намоён бўлади. Зулмкорлик қайси кўриниш, ёки қайси турда бўлмасин оила аъзосининг психологиясига, жисмига, саломатлигига, кайфиятига, ҳаётга муносабатига салбий таъсир кўрсатади. Умуман жамиятнинг барқарорлигига раҳна солиши, ижтимоий-психологик муҳитига таъсир этиши

муқаррар бўлиб қолади. Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан жаҳоннинг ривожланган давлатлари олимлари оиладаги зўравонлик масалаларини илмий ўрганиш билан бирга жабр кўрганларга психологик, ҳуқуқий, иқтисодий, тиббий ёрдам кўрсатиш, реабилитация масалаларига эътибор беришганлиги боис бу тажрибадан амалий фойдаланиш муҳимдир.

Адабиётлар:

1. Семейная медиация: [перевод] / Лиза Паркинсон. - Москва: ООО «Межрегиональный центр упр. и политического консультирования», 2010. - 400 с.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.4. – Т., 2002. – Б. 47.
3. Нишонава З.Т. Психологик маслаҳат: Ўқув-услубий кўлланма. /З.Т.Нишонава, Ш.Асомиддинова. –Т.,2010.
4. Кадирова А.Т. Ўсмирларда оилавий низолар тўғрисида ижтимоий тасаввурларнинг шаклланиши. дисс. псих. фан. ном. – Т.: 2007. –Б. 36.
5. Хилажаева Г.Ф. Насилие в семье, как социальная проблема современного общества // Социологические исследования 2015. №8.–С. 6–65.
6. Рўзиқулов Ф.Р. Ўзбек оилаларида ажралишнинг ижтимоий психологик асоратлари.: Психол. фан. номз. ... дис. – Тошкент: ЎзМУ, 2002. – 160 б.
7. Акрамова Ф.А., Товбаева М.С. Оиладаги зўравонликнинг ижтимоий-психологик масалалари. Монография. – Тошкент: «Lesson-press» нашриёти, 2021. – 124 б.
8. Абдурасулов Р.А. Ўқувчи шахсини шакллантиришда спорт машғулотларининг ўрни. –Т.: «Fan va texnologiya», 2013. – 186 б.
9. Елизаров В.В. Демографическая ситуация и проблема снежной политики // Социологические исследования. 1998. №2. –С. 55–56.



Sariyev Sharaffjon Urozbayevich,
Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika universiteti
Boshlang'ich ta'limda ona tili va uni o'qitish metodikasi
kafedrasi dotsent vazifasini bajaruvchisi,
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
shon-sharaf1973@mail.ru

BOSHLANG'ICH SINIF O'QISH SAVODXONLIGI DARSLARIDA NUTQ O'STIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada boshlang'ich sinf o'qish savodxonligi darslarida matn ustida ishlash orqali o'quvchilar nutqini o'stirishning psixologik xususiyatlari haqida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: nutq, og'zaki nutq, yozma nutq, nutq o'stirish, matn ustida ishlash.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ РЕЧЕВОГО РАЗВИТИЯ НА УРОКАХ ЧИТАТЕЛЬСКОЙ ГРАМОТНОСТИ В НАЧАЛЬНЫХ КЛАССАХ

Аннотация. В данной статье рассматриваются психологические особенности развития речи учащихся при работе над текстом в начальных классах на уроках читательской грамотности.

Ключевые слова: речь, устная речь, письменная речь, речевое развитие, работа над текстом.

PSYCHOLOGICAL FEATURES OF SPEECH DEVELOPMENT IN READING LITERACY LESSONS IN PRIMARY CLASSES

Abstract. This article examines the psychological features of the development of students' speech when working on text in elementary school during reading literacy lessons.

Keywords: speech, oral speech, written speech, speech development, work on text.

Kirish. Ma'lumki, har bir insonning nutqi individual, o'ziga xos xususiyatlarga ega bo'lib, tug'ilgandan boshlab rivojlana boshlaydi. Olimlarning fikricha, go'dak 2 oyligida ixtiyoriy tovush chiqaradi, 4 oyligida «gu-gu»lab bir bo'g'inli so'zlarni takrorlagandek bo'ladi. Bola nutqi 2 bosqichda rivojlanadi: u dastlab asosan so'zni tushunadi, biroq kam gapiradi (bu sensor nutq deb ataladi), keyin esa faol nutq ham rivojlanadi. 3 yoshga to'lganidan keyin bolaning nutqi tez rivojlanib, takomillashishda davom etadi. Nutq bolaning boshqalar bilan muomala qilishning, atrofidagi dunyoni tushunishning asosiy vositasiga aylanadi. Bolaning fikrlashi qanchalik aniq rivojlansa, uning nutqi ham shunchalik samarali shakllanadi [1, 51-53].

Ba'zi psixologlarning qilgan hisoblariga qaraganda, ikki yashar bolaning so'z boyligi 250-400 so'zga yetadi, bolalar yetti yoshga yetganlarida ulardagi so'z boyligi 3000-3500 ga boradi. Bolalarda so'z boyligi ko'paya borgan sari ular nutqining semantik jihati ham rivoj topaveradi [2, 252].

Maktabgacha yoshdagi bolalarning tilni o'rganishdagi o'ziga xos xususiyati har tomonlama kuzatuvchanlik, tanish narsa va hodisalarni bir-biridan ajrata olish, ularning o'ziga xos jihatlarni topish qobiliyatini talab etadi.

Maktabga kelish arafasida bolaning so'z boyligi o'z fikrini bayon eta oladigan darajada bo'ladi. Agar bu yoshda me'yorida rivojlanayotgan bola o'z nutqida 500-600 so'zni ishlatasa, 6 yoshli bola 3000-7000 so'zni ishlatadi [1, 219-220].

Maktabgacha ta'lim yoshining oxirgi bosqichlarida bola nutq tovushlarini to'g'ri eshitadi, ularni boshqa tovushlar bilan almashtirmaydi, tovushlarni to'g'ri talaffuz etish malakasini egallaydi. Lekin bu savodga o'rgatish davriga o'tish uchun yetarli bo'lmaydi. Tilni uning fonetikasi va morfologiyasiga nisbatan faol o'zlashtirish xususiyati namoyon bo'lmaganda, hali so'zlarni egallamagan go'daklarni ona tiliga o'rgatish muammosi yuzaga kelgan bo'lar edi. Shuni unutmash kerakki, bolaning bunday faoliyati kattalar bilan muloqotining uzluksiz natijasidir. Kichik yoshdagi bolalar bunday xususiyatga ega bo'lmaganlarida, kattalarning so'zlar tarkibi va tovushlarni o'rgatishga doir barcha harakatlari befoyda bo'lardi.

Boshlang'ich sinf o'quvchilari nutqi asosan ot, fe'l, sifat, son va bog'lovchilardan iborat bo'ladi. 6-7 yoshli bola o'z jumllarini murakkab grammatik tarkib asosida tuza oladi.

Olingan natijalar va ularning tahlili. Tajribalardan ma'lumki, bola ma'nosiz so'zlardan ko'ra ma'nodor tushunchalarni birmuncha tez va mustahkam eslab qolish xususiyatiga ega. Uning nutqi maktab

ta'limiga tayyorgarlik bosqichida kattalar bilan muloqotga kirishish, kishilarning fikrini uqib olish va to'g'ri idrok qilish darajasida, nutqning tuzilishi va grammatik qoidalarga mos, mantiqan izchil, ifodali, miqdor va ko'lam jihatdan fikr almashishga yetarli bo'ladi [3, 110].

Boshlang'ich ta'lim metodikasida yozma nutq og'zaki nutqdan faqat uni amalga oshirish texnikasiga ko'ra farqlanadi. Boshlang'ich sinf o'qituvchilari o'rtasida o'quvchini o'qish va yozishga o'rgatish uchun uning yozma nutqini shakllantirish yetarlidir, degan fikrlar mavjud. Aslida, yozma nutq og'zaki nutqdan faoliyat hamda ichki qurilish jihatidan farqlanishi sir emas.

Nutqning har ikkala shakli fikrimizni, tuyg'ularimizni ifoda etadi, biroq jonli so'zda fikrdan so'zga ko'chish amalga oshiriladi. Og'zaki nutq o'z vazifalariga ko'ra boy va rang-barangdir. U turli xil axborotlarni olish vositasi sifatida kishilar faoliyatining barcha sohalarida ko'p qirrali muloqot shakliga aylanib bormoqda.

Og'zaki nutqning o'ziga xosligi nimada? Eng avvalo, og'zaki nutq hamma vaqt so'zlovchiga ma'lum ma'noda suhbatdosh bo'lgan tinglovchilarga mo'ljallanadi. Tinglovchilarning yuz-ko'zlarida aks etgan hamdardlik, qiziqish yoki e'tiroz alomatlarini orqali ularning so'zlovchi nutqiga munosabatini bilish mumkin. Bu jonli aloqa so'zlovchiga mazmunga o'zgartirish kiritish, ovoz tembri va kuchini o'ylab olish, bu o'zgarishlar tinglovchilar munosabatiga qanday ta'sir etganini kuzatish imkonini beradi. Og'zaki nutq unga u yoki bu darajada xos bo'lgan improvizatsiya (tayyorgarliksiz aytish) bilan ham farqlanadi. Albatta, qanday improvizatsiya kerak bo'lishi, ma'ruza yo suhbat davomida nimadan voz kechish, qanday yangi usullarni qo'llash, sinf o'quvchilari munosabatini o'zgartirish uchun nimalar qilishni oldindan ko'ra bilish qiyin. Bu so'zlovchi mahoratiga ham, materialni bilishga ham, qator shaxsiy sifatlarga ham bog'liq.

Zamonaviy maktabda o'qituvchining jonli nutqiga texnik vositalar yordamga keladi. Ular nutq ifodaliligini oshiradi, hissiy ta'sirini kuchaytiradi. O'qituvchi nutqi bu holda go'yo birlashtiruvchi bo'lib qoladi: u kinokadr, musiqa, fotoishlanma bilan birga idrok etiladi. O'qituvchi so'zi alohida tasviriy-ifodaviy sifatlarni ham aks ettiradi. Toki og'zaki nutq uni idrok etish jarayonida zudlik bilan tushunishni talab qilgan ekan, o'ziga xos leksik-grammatik xususiyat ham kasb etadi.

Og'zaki nutq – yorqin, shaklan obrazli, ichki emotsional nutq. Shu bois u til vositalari va uslubiy xususiyatlar xilma-xilligi bilan farq qiladi. Og'zaki nutqning to'liqlanganligi, emotsionalligining yuqoriligi ekspressiv (hissiy bo'yovdor) leksikani saralash zaruratini kuchaytiradi. So'zlovchi va tinglovchi so'zning qanday tonallik va sur'atda berilishiga befarq bo'la olmaydi, zero, “so'z yarmi tinglovchiga tegishli”dir. Og'zaki nutq jumla va gaplarning kam so'zli bo'lishi hamda ohangdorligini talab qiladi. Mantiqiy va psixologik to'xtamlarni to'g'ri joylashtirish, fikrni rivojlantirishda dialogik qismlarni belgilash, nutqning ifodaliligini o'ylash taqozo qilinadi. Tabiiyki, so'z talaffuzi, diktsiya muammosi alohida dolzarflik kasb etadi. Yaxshi diktsiya (aniq talaffuz) og'zaki nutqning fonetik va musiqiy jaranglashida juda muhim. Og'zaki nutqning yuqoridagi farqlovchi belgilari qaysidir ma'noda nisbiy sanaladi. Zero, ularning ayrimlari (to'xtam, intonatsiya (ohang), mantiqiy urg'u) yozma nutq uchun ham u yoki bu darajada xos. Og'zaki nutqda ular ta'sirli, faol namoyon bo'ladi. Buni og'zaki nutqni rivojlantirish ishlarida hisobga olish juda muhim.

Yozma nutq – ma'lum tarzda grafik shakllangan nutq bo'lib, u harf tasvirilariga tayanadi. Yozma nutqda so'z ustida ishlash ko'nikmalari, yozilganni tahlil qilish, fikr va uning ifoda shaklini takomillashtirish ustida ishlash malakasi taqozo qilinadi. Yozma nutq manbasi o'quvchining sinf oldidagi jamoaviy tinglovchiga mo'ljallangan og'zaki javoblaridir. Biroq boshlang'ich sinflarda shevaning keng qo'llanilishi natijasida talab darajasidagi ixtisoslashgan o'quv og'zaki nutq madaniyatiga erishish ancha mushkul.

Yozma nutq og'zaki nutqdan bir qadar shakllanganligi, so'zlarning o'ta sinchkovlik bilan tanlab olinishi, grammatik jihatdan aniq, lekin murakkab shakllanganligi, og'zaki nutq uchun xos bo'lgan ohang, mimika va qo'l harakatlarning bevosita qo'llana olmasligi bilan ham farqlanadi [4,424-425].

Shuni ta'kidlash kerakki, maktabda o'qitishning dastlabki yillarida o'quvchilarning og'zaki nutqi ularning yozma nutqiga nisbatan to'laroq shakllangan bo'lib, o'qitish jarayonida alohida ahamiyat kasb etadi. O'qish va yozish o'quvchilar uchun o'rganishning maxsus shakli bo'lib qoladi. Keyinchalik esa ular o'quvchilar uchun bilimlarni o'zlashtirishda bir xil ahamiyat kasb etadi.

Nutqning *asl nutq* (“*tashqi nutq*”) va *ichki nutq* deb ataladigan turlari ham ma'lum. Boshlang'ich sinf dasturi va darsliklarida tashqi nutqni rivojlantirishning metodik usullari va vositalarini o'rganish ko'zda tutiladi.

Tashqi nutq tovushlarga yoki grafik belgilarga qaratilgan nutq hisoblanadi.

Ichki nutq esa talaffuz qilinmaydigan va yozilmaydigan mantiqiy nutq bo'lib, u go'yo insonning o'z-o'ziga qaratiladi. U so'zlovchi ongida bilishga yordam beradigan turli xil masalalarni muhokama qilish va hal etishga qaratiladi. Ichki nutq tashqi nutq asosida, tovush yoki yozuv qo'llanmagan holda, faqat ovoqli nutqdagi so'zlar haqidagi aniq tasavvurlar bilan kechadigan aqliy jarayon tarzida amalga oshadi. O'quvchi xayolan gaplar tuzadi, hatto ularni xayolan aytadi, keyin talaffuz qiladi va yozadi.

Maktab amaliyoti va o‘quvchilar nutqini rivojlantirishga bog‘ishlangan ilmiy tadqiqotlarda ichki nutq masalalariga e‘tibor yetarli emas. Ichki nutqni rivojlantirishning muhimligi nutqiy faoliyatning bu turiga yuqorida berilgan ta‘rifdanoq ko‘rinib turibdi. Chunki yangi bilimlarni o‘zlashtirish, mashqlarni bajarish, materialni o‘ylab olish va og‘zaki fikrlash, ayniqsa, yozuvga tayyorgarlik kabi jarayonlarning barchasi ichki nutq darajasida kechadi.

Psixologik ma‘lumotlarga ko‘ra, fikr va tashqi nutqni, shuningdek, o‘z xatti-harakatini boshqara olish qobiliyatini shakllantirish ichki nutq bosqichini bosib o‘tar ekan. Demak, o‘qituvchilarni ichki nutqning tiklanish va rivojlanish jarayoni, uni takomillashtirishning metodik vositalari doimo qiziqtirishi lozim.

Matn ustida ishlash jarayonida ham o‘quvchilar ichida (ovoz chiqarmay) o‘qish, matnni o‘zlashtirish, savol-topshiriqlar ustida ishlashda bevosita ichki nutqdan foydalanadilar.

“Og‘zaki nutqning ichki tuzilishi, avvalo, nutq va tafakkur munosabatiga ta‘sir o‘tkazadi. Yozma nutq fikrlashni intizomli qiladi, bayon qilinadigan fikrlarni qismlarga bo‘lishga va uni yoyiq ifodalashga o‘rgatadi. Bu bolani bir paytning o‘zida ham “yozuvchi”, ham muallif nuqtayi nazarini tushunish, matn vositasida ifodalangan boshqaning nuqtayi nazarini qabul qilishga qodir “kitobxon” sifatida tarbiyalashni ko‘zda tutadi. Bu ikki yoqlama vazifani bajarish o‘qish darslaridagi ish mazmuni va metodlarini mutlaqo o‘zgacha tushunishni ko‘zda tutadi”.

Nutq tafakkur bilan ham chambarchas bog‘liqdir. Nutq bo‘lmasa, tafakkur ham bo‘lmaydi, til materiali bo‘lmasa, fikrni ifodalab berib bo‘lmaydi [5, 199]. Nutqda kishining o‘y-fikrlari shakllanadi va mavjud bo‘ladi.

Boshlang‘ich sinflarning o‘qish savodxonligi darslarida o‘quvchilar nutqini o‘stirish bo‘yicha yangicha fikrlashni maktab ta‘limining an‘anaviy mazmun va metodlari doirasida tarbiyalab bo‘lmaydi. Ko‘plab zamonaviy metodik adabiyotlarda uzluksiz ta‘lim, xususan, boshlang‘ich ta‘limda mustaqil fikrlash – empirik tafakkur tarbiyasi yuzasidan qizg‘in fikr-mulohazalar yuritilmoqda. Metodist olimlar ham, ruhshunoslar ham bilimlarni egallashda o‘quvchilar duch keladigan qiyinchiliklar sabablarini aynan shunda deb biladilar.

Nutqni o‘zlashtirish qonuniyatlaridan biri – so‘z ma‘nosini o‘zlashtirish uchun tafakkur mexanizmlari ishlashi zarurligidir. Ko‘rinadiki, fikrlash faqat tushunchani o‘zlashtirish uchun qo‘llanmay, balki o‘quvchilar nutqining grammatik qurilishi takomiliga ham ta‘sir etadi.

Boshlang‘ich ta‘limning dastlabki ikki yilida o‘qishning asosiy turi ovoz chiqarib o‘qish bo‘lib, ichida o‘qish yordamchi rol o‘ynaydi. O‘qishdan oldin o‘quvchilarni matnni idrok etishga tayyorlashga doir kirish suhbatlari o‘tkaziladi. Tushunarsiz so‘zlarni sharhlash kirish suhbatining tarkibiy qismidir. Kirish suhbatidan keyin o‘qituvchining ta‘limiy ahamiyatga ega namunali o‘qishi amalga oshiriladi.

Birinchi va ikkinchi sinf o‘quvchilari ta‘limiy materiallarning ichki bog‘lanishlariga ahamiyat bermay, ma‘nosiga tushunmay quruq eslab qoladilar. O‘rganilayotgan materiallarni mantiqiy tahlil qilmay, yodaki o‘zlashtiradilar [3,120].

Namuna bo‘yicha ishlash – qonuniyatli jarayon. Chunki nutq ko‘proq faqat taqlid jarayonida o‘zlashtiriladi. O‘quvchilar namunaviy nutqqa taqlid qilish orqali o‘z nutqini leksik va grammatik jihatdan boyitadi. Unda tilni sezish rivojlanadi, nutqiy xotira takomillashadi.

Tabiiyki, o‘zlashtirmovchilikning psixologik sabablari, shuningdek, aqliy rivojlanishni tashxislash masalalari, o‘quvchilarning nutqiy malaka va ko‘nikmalarini zamonaviy texnologiyalar asosida shakllantirish usullari bilan bir qatorda, bilish faoliyatining nutqiy jihatlari o‘z yechimini kutayotgan masalalardandir.

Badiiy matnni o‘qish jarayonida o‘quvchilarda kitobxonga xos turli-tuman hayajon to‘planadi, asarlarni o‘qish nutqni ham rivojlantiradi. Badiiy matnlar aniq tasavvur va tushunchalarni shakllantirish asosida o‘quvchilar lug‘at boyligini boyitadi, to‘ldiradi va faollashtiradi, fikrni og‘zaki va yozma tarzda bayon qilish ko‘nikmasini rivojlantiradi. Shuni hech qachon unutmaslik kerakki, badiiy asarlar matni o‘quvchilarda asosiy o‘qish malakasi hisoblangan nutq malakalarining shakllanishi va rivojlanishi uchun ajoyib material hisoblanadi.

Psixologlar boshlang‘ich sinf o‘quvchilarida asarning badiiy dunyosiga nisbatan ikki xil munosabat bo‘ladi, deb hisoblaydilar. Munosabatning birinchi hissiy-obrazli turi bolaning asar markazida turgan timsollarga nisbatan bevosita hissiy reaksiyasini namoyon etadi. Ikkinchi intellektual-baholovchi turi bolaning hayotiy va kitobxonlik tajribasiga bog‘liq bo‘lib, unda tahlil elementlari mavjud bo‘ladi.

Xulosa qilib aytganda, boshlang‘ich sinflarda badiiy matnni o‘qish, undagi personajlarning xatti-harakatlari natijalarini to‘g‘ri ko‘rsata olish, ularga baho berish, matn g‘oyasini tushunish o‘quvchilarning fikrlash qobiliyatlarini, og‘zaki va yozma nutqlarini rivojlantirish imkoniyatini yaratadi.

Adabiyotlar:

1. Tarbiya (ota-onalar va murabbiylar uchun ensiklopediya) / Tuzuvchi M.N.Aminov, mas’ul muharrir A.M.Majidov. – T.: “O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti, 2010.
2. Ivanov P.I., Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2008.
3. G‘oziyev E. Psixologiya (Yosh davrlari psixologiyasi). – Toshkent: O‘qituvchi, 1994.
4. O‘zbekiston Milliy ensiklopediyasi. 12 jildli. – T.: “O‘ME” Davlat ilmiy nashriyoti, 2004. J.6.
5. Zufarova M.E. Umumiy psixologiya. – Toshkent: O‘zbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2010.

*Xudoyberganova Maqsuda Jumaniyazovna,
Urganch davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi
maqsuda 060179@gmail.com*

TURLI YOSHDAGI ZAIF KO'RUVCHILARDA O'Z-O'ZINI BAHOLASHNI DIAGNOSTIKA QILISH METODIKASINING PSIXOLOGIK TAVSIFI

Annotatsiya. Mazkur maqolada turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarning o'z-o'zini baholash metodikasining psixologik tavsifi natijalari keltirilgan. Shu bilan birgalikda zaif ko'ruvchilarning o'z-o'zini baholash metodikasida o'zlarining sifatlari va da'vogarlik darajalari tahlil qilingan.

Kalit so'zlar: o'z-o'zini baholash, o'zini anglash, aql-qobiliyat, xarakter, tengdoshlar o'rtasidagi obro', mohir qo'llar, o'ziga ishonch.

ПСИХОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ МЕТОДИКИ САМООЦЕНКИ У СЛАБОВИДЯЩИХ ЛЮДЕЙ РАЗНОГО ВОЗРАСТА

Аннотация. В данной статье представлены результаты психологического описания методики самооценки слабовидящих людей разного возраста. При этом методика самооценки слабовидящих людей анализировала их качества и уровни сложности.

Ключевые слова: самооценка, самосознание, интеллект, характер, репутация среди сверстников, умелые руки, уверенность в себе.

PSYCHOLOGICAL DESCRIPTION OF THE DIAGNOSTIC METHODOLOGY OF SELF- ASSESSMENT IN VISUALLY POOR PEOPLE OF DIFFERENT AGES

Abstract. This article presents the results of a psychological description of the self-assessment method for visually impaired people of different ages. At the same time, the self-assessment method for visually impaired people analyzed their qualities and levels of complexity.

Keywords: self-esteem, self-awareness, intelligence, character, reputation among peers, skillful hands, self-employment.

Kirish. Psixologik ta'limotlarga ko'ra har bir shaxs o'zi mansub bo'lgan ijtimoiy muhit va siyosiy sharoitning mahsulidir. Shu jumladan, zaif ko'ruvchi insonlar ham. L.S.Vigotskiyning fikricha, nogiron bola bu "normal rivojlanayotgan o'z tengdoshlariga nisbatan faqatgina rivojlanishda orqada qolgan bolagina emas, balki rivojlanishi boshqacharoq bola hamdir".[2] Shuning uchun alohida yondashuvni talab qiluvchi har bir bolaning betakror va o'ziga xos ruhiyatini inobatga olib turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarning ta'lim olishi ularning muvaffaqiyatli ijtimoiylashuvini, jamiyatda faol ishtirok etishini, kasbiy va ijtimoiy faoliyatning turli sohalarida samarali ishtirok etishini ta'minlab beradi deyish mumkin. Shuning uchun bizning tadqiqotimiz turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarni ta'lim, kasbiy va ijtimoiy faoliyatning turli sohalarida samarali ishtirok etishini ta'minlash maqsadida ulardagi emotsional intellekt shakllanganligining psixologik farovonlikka erishish omillarini tadqiq qilish va o'zlarini real baholashlariga ko'maklashishdan iborat.

2022-2026-yillarga mo'ljallangan yangi O'zbekistonning taraqqiyot strategiyasida jahon miqyosidagi murakkab jarayonlarni va mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot natijalarini chuqur tahlil qilgan holda keyingi yillarda «Inson qadri uchun» tamoyili asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so'zsiz ta'minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlarning ustuvor yo'nalishlarini belgilash maqsadida bir qancha ishlarni amalga oshirish nazarda tutilgan [1].

O'z-o'ziga nisbatan baho turli sifatlar va shaxsning orttirilgan tajribasi, shu tajriba asosida yotgan yutuqlariga bog'liq holda turlicha bo'lishi mumkin. Ya'ni ayni biror ish, yutuq yuzasidan ortib ketsa, boshqasi ta'sirida — aksincha, pastlab ketishi mumkin. Bu baho aslida shaxsga boshqalarning real munosabatlariga bog'liq bo'lsa-da, aslida u shaxs ongi tizimidagi mezonlarga, ya'ni, uning o'zi subyektiv tarzda shu munosabatlarni qanchalik qadrlashiga bog'liq tarzda shakllanadi. O'z-o'ziga baho nafaqat haqiqatga yaqin (adekvat), to'g'ri bo'lishi, balki u o'ta past yoki yuqori ham bo'lishi mumkin[3].

Mavzuga oid adabiyotlarning tahlili. O'z-o'zini hurmat qilish va baho berishning nazariy muammolari I.S.Alekseev, B.G.Ananiev, L.I.Bojovich, I.A.Volodarskiy, M.I.Lisina, N.A.Polovnikova, V.G.Razumovskiy va boshqalar tomonidan o'rganilgan.

Shu bilan birgalikda psixologik lug'atlarda o'z-o'zini hurmat qilish - bu insonning o'zini va imkoniyatlarini, fazilatlarini baholashidir deb yozilgan. Shaxsning o'zagi bog'liq holda, o'z-o'zini hurmat qilishi uning xulq-atvorini muhim tartibga soluvchisidir. Insonning boshqalar bilan munosabatlari, uning tanqidiyligi, o'ziga nisbatan talabchanlik, muvaffaqiyatga munosabat va muvaffaqiyatsizliklari o'z-o'zini hurmat qilish samaradorligiga ta'sir qiladi [4].

O'ziga umumiy baho berish atamasi G'arb psixologiyasida XIX asrning 60-yillaridan XX asrgacha keng qo'llanilgan, keyinchalik esa o'zini hurmat qilish atamasi bilan siqib chiqarilgan. Rossiya psixologiyasida insonning o'z-o'ziga bo'lgan munosabatini fundamental jihatdan o'rganish A.N.Leontev, S.L.Rubinshteyn, A.G.Spirkin, E.V.Shoroxova, I.S.Kon hamda I.I.Hesnokovadan boshlangan. "O'z-o'ziga bo'lgan munosabat" atamasi gruziyalik psixolog N.I.Sardjveladze tomonidan kiritilgan.

Psixologiyada eng ko'p qo'llaniladigan atama bu "O'ziga global baho berishdir". "O'ziga baho berish" so'zi lug'aviy jihatdan insonning kimgadir nisbatan qadrini belgilovchi munosabatni bildiradi. "O'ziga global baho berish" psixologik tahlil predmeti sifatida XIX asrning oxiridan boshlab U.Djeymnsning ishlari nashr qilingandan beri ishlatilib kelinmoqda.

V.B.Abdrahmonovanning fikricha, o'z-o'zini hurmat qilish o'z-o'zini anglash rivojlanishining alohida bosqichi bo'lib, bunda o'ziga, o'z qobiliyatiga, faoliyat mahsuliga va hokazolarga ma'lum baholovchi munosabat vujudga keladi [5].

I.S.Konning fikriga ko'ra, o'z-o'zimizni baholashimiz insonning o'tmishdagi tajribasini umumlashtiruvchi va "men" ning ushbu jihati bo'yicha yangi ma'lumotlarni tartibga soluvchi o'ziga xos kognitiv sxemalardir [6].

A.I.Lipkinaning fikricha, o'z-o'zini hurmat qilish - bu shaxsning o'z qobiliyati, imkoniyatlari, shaxsiy fazilatlarini hamda tashqi ko'rinishiga munosabatidir [7].

L.V.Borozdina yozganidek, zamonaviy psixologiyada o'z-o'zini hurmat qilish muammosi eng rivojlangan muammolardan biridir. Biroq, na mahalliy, na xorijiy adabiyotlarda o'z-o'zini hurmat qilish tushunchasining umumiy qabul qilingan ta'rifi mavjud emas [8].

O'z-o'zini hurmat qilishni o'rganish muammolariga bag'ishlangan adabiyotlarda o'z-o'zini hurmat qilish tavsifining quyidagi darajalari nomlanadi: ortiqcha baholangan; kamaytirilgan; adekvat (T.L.Ivanova)[9].

Tadqiqot metodologiyasi. Zamonaviy psixologiyada insonning o'ziga bo'lgan munosabatini aniqlash bo'yicha umumiy bir yondashuv mavjud emas. Insonning o'ziga bo'lgan munosabatiga bag'ishlangan ishlarning tahlili shuni ko'rsatadiki, uning mazmunini ta'riflash uchun qo'llaniladigan psixologik kategoriyalar turlichadir. Shu o'rinda o'ziga baho berish, o'zini hurmat qilish, o'zini qabul qilish, o'ziga emotsional-qadriyatli munosabat, o'ziga ishonish, o'zidan qoniqish hissi va boshqa tushunchalarni keltirish mumkin. Ularning mazmuni ustanovka (D.N.Uznadze), shaxsiy mazmun (A.N.Leontev), munosabatlar (V.N.Myasishev), attityud (M.Rozenberg, R.Uayli, S.Kopersmit), ijtimoiy ustanovka (I.S.Kon, N.I.Sardjveladze), hissiyot kabi kategoriyalar orqali yoritib beriladi.

Aniq bir terminologiyaning mavjud bo'lmagani sabab ko'plab mualliflar tomonidan qo'llaniladigan atamalar bir-biridan farqlanmaydi, balki sinonimlar sifatida ishlatiladi.

Insonning o'z jismoniy, ruhiy, ma'naviy imkoniyatlari va sifatleri, boshqa kishilar orasidagi o'z o'rini bilishga intilishi o'z-o'zini anglashining mohiyatini tashkil etadi. O'z-o'zini anglash, birinchidan, o'z faoliyati natijalarini, o'z fe'l-atvori natijalarini tahlil qilish, ushbu natijalarni ilgari mavjud bo'lgan me'yorlar bilan qiyoslash vositasida boshqalar bilan muloqot va o'zaro munosabatlar tahlili bilan amalga oshiriladi.

Psixologik lug'atlarda o'z-o'zini hurmat qilish quyidagi parametrlar bilan tavsiflanadi:

- 1) daraja (qiymat) - yuqori, o'rta va past;
- 2) realizm - adekvat va noadekvat (ortiqcha baholangan va kam baholangan);
- 3) tuzilmaviy xususiyatlar - konflikt va konfliktsiz;
- 4) vaqtinchalik ma'lumotnoma - prognostik, dolzarb, retrospektiv;
- 5) barqarorlik va boshqalar [10].

O'z-o'zini hurmat qilish vazifasini bajaradi degan an'anaviy tushunchaga asoslanish odatiy holdir o'z-o'zini anglashning bir qismi. Chet el adabiyotida shaxsning o'zi haqidagi barcha g'oyalari yig'indisini bildiruvchi "Men-konsepsiya" atamasi qabul qilinadi. (L.V. Borozdina)[11].

Tahlil va natijalar. "Turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarning o'z-o'zini baholashini diagnostika qilish metodikasining psixologik tavsifi" mavzusidagi ilmiy tadqiqotlarimiz Xorazm viloyati Xiva shahar "Nurli maskan" maxsus maktab internati, Buxoro viloyati "Nurli maskan" maxsus maktab internatida jami 200 nafar respondent bilan o'tkazildi. Tadqiqotimiz obyekt sifatida turli yoshdagi zaif ko'ruvchilar tanlab olindi. Turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarda o'z-o'zini baholashini diagnostika qilish metodikasi o'tkazildi. Jumladan Dembo-Rubinshteynning "O'z-o'zini baholash" (A.M.Prixojan tomonidan

modifikatsiya qilingan) metodikasidan foydalanildi. Ushbu metodika sinaluvchilarning bir qator shaxsiy sifatlarini, yani sog'liq, xarakter, aql va o'ziga ishonch kabi xususiyatlarini bevosita baholash (shkalalarda ifodalash)ga asoslangan. Tekshiriluvchilarda ushbu sifatlar qay darajada rivojlanganligini (o'z-o'zini baholash ko'rsatkichi) va ushbu sifatlar qay darajada rivojlangan bo'lishini istashlari, ularni qoniqtirishi (davogarlik darajasi)ni vertikal chiziqlarda ma'lum bir belgilar bilan ko'rsatishlari so'raladi. Har bir sinaluvchiga metodika bo'yicha ko'rsatma va vazifa yozilgan blank beriladi.

Sinaluvchiga 7 ta chiziq taklif etiladi.


1. Sog'lik.
2. Aql, qobiliyatlar
3. Xarakter.
4. Tengdoshlari orasida obro'-e'tibor
5. O'z qo'li bilan ko'p narsa qila olish, mohir qo'llar
6. Tashqi qiyofa.
7. O'ziga- ishonch.

O'zingizdagi ushbu sifatning shaxs xususiyatingizning rivojlanishini qanday baholashingiz har bir to'g'ri chiziqda chiziqcha (-) bilan ko'rsating. Shundan so'ng, ushbu sifat, xususiyatlaringizni rivojlanish darajasidan siz o'zingiz qanchalik qoniqqan yoki faxrlanganingizda, qanchalik bo'lishini iks (X) bilan belgilang.

Blankda har birining balandligi 100 mm (10 sm) ga teng 7 ta vertikal chiziq bo'lib, ushbu chiziqning yuqori va pastki nuqtalari chegaralovchi chiziq bilan, shkala o'rtasi esa bilinar bilinmas nuqta bilan belgilangan bo'ladi. Metodikani butun sinfdan yoppasiga (frontal) yoki individual ravishda o'tkazish mumkin. Metodika frontal o'tkazilganida har bir o'quvchi 1-shkalani qanday belgilaganligini tekshirish kerak.

Bunda (-) va (X) belgilarini to'g'ri ishlatilayotganiga e'tibor berish lozim. Ushbu metodikani o'tkazishga, ko'rsatma o'qish bilan birga ajratilgan vaqt 10-12 daqiqani tashkil etadi.

Turli yoshdagi zaif ko'ruvchilarning o'zlarining sifatlarini baholashi bo'yicha natijalar:



Diagrammadan ko'rinib turibdiki metodika shkalalari bo'yicha zaif ko'ruvchilar o'zlarining shaxsiy sifatlarini baholash ko'rsatkichi intilish darajasiga nisbatan past ko'rsatkichdadir.

Xulosa va takliflar. Shunday qilib, o'z-o'ziga baho sof ijtimoiy hodisa bo'lib, uning mazmuni va mohiyati shaxsni o'rab turgan jamiyat talablariga, shu jamiyatda qabul qilingan va e'zozlanadigan qadriyatlarga bogliqdir. O'z-o'zini baholash — o'z-o'zini tarbiyalashning muhim mezonidir. O'z-o'zini tarbiyalash omillari va mexanizmlariga esa, quyidagilar kiradi:

- o'z-o'zi bilan muloqot
- o'z-o'zini ishontirish
- o'z-o'ziga buyruq berish

-o'z-o'ziga ta'sir yoki autosuggestiya

-ichki intizom — o'z-o'zini boshqarishning muhim mezon, har doim har erda o'zining barcha harakatlarini muntazam ravishda korreksiya qilish va boshqarish uchun zarur sifat.

Adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 28-yanvardagi PF-60 sonli Farmoni.
2. Mo'minova L.R., Shomaxmudova R. Imkoniyati cheklangan bolalarni individual korreksion – rivojlantirish dasturining metodik asoslari. – T., 2007.
3. Чудновский В.Э. Психологические составляющие оптимального смысла жизни // Вопросы психологии. 2003. - №3. - С.3-14
4. Психология. Словарь / Под общ. ред. Петровского А.В., Ярошевского М.Г. – М.: 1990.
5. Абдрахманова В.Б. Зависимость самооценки от интраличностного и интерличностного сравнения детей // Вопросы психологии. – 1975. – № 5. – С. 138 – 141.
6. Кон И.С. Открытие «Я». – М.: 1978.
7. Липкина А.И. Самооценка школьника. – М.: 1976.
8. Бороздина Л.В. Что такое самооценка? // Психологический журнал. – Т.13. – 1992. – № 4. – С. 99 – 100.
9. Иванова Т.Л. Стиль общения педагога и его взаимосвязь с самооценками учащихся (на примере младших школьников): Дис...канд.психолог. наук. – Казань: 2003.
10. Большой психологический словарь / Под ред. Мещерякова Б.Г., Зинченко В.П.– СПб.: 2004.
11. Бороздина Л.В. Что такое самооценка? // Психологический журнал Т.13. – 1992. – № 4. – С. 99 – 100.

Ahmadjonov Nurmuhhammad Nabijon o'g'li,
Farg'ona davlat universiteti Psixologiya kafedrasida o'qituvchisi
nurahmadjonov@gmail.com,
ORCID ID 0009-0006-9803-2183

TALABA YOSHLARNI MADANIY QADRIYATLARGA BO'LGAN MUNOSABATLARINI O'RGANISH NATIJALARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada talaba yoshlarda qadriyatlar tizimi shakllanishining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari shaxs xulq-atvori bilan bog'liqlik darajasini tahlil qilish va ijtimoiy-psixologik xulq motivlarini aniqlash, o'quv sharoitiga moslashish jarayonida talaba yoshlar madaniy qadriyatlarga bo'lgan munosabatlarini o'rganish maqsadida o'tkazilgan F.Klakxon va F.Strodbeklarning g'oyalari asoslanib L.G.Pochebut tomonidan ishlab chiqilgan "Madaniyat qadriyatlarini aniqlash" metodikasi yordamida olingan tadqiqot natijalari berilgan.

Kalit so'zlar: qadriyat, qadriyatlar inqirozi, qadriyatlar iyerarxiyasi, de fakto, ijtimoiy ong, qadriyat, yagona madaniyat.

РЕЗУЛЬТАТЫ ИЗУЧЕНИЯ ОТНОШЕНИЯ СТУДЕНТОВ К КУЛЬТУРНЫМ ЦЕННОСТЯМ

Аннотация. В данной статье были проведены социально-психологические особенности формирования системы ценностей у студенческой молодежи с целью проанализировать степень связи с личностным поведением и определить мотивы социально-психологического поведения, изучить мироощущение студенческой молодежи к культурным ценностям в процессе адаптации к образовательной среде. На основе идей Клаксона и Ф. Строббека приводятся результаты исследования, полученные с использованием методики «Определение культурных ценностей», разработанной Л. Г. Почебутом.

Ключевые слова: ценность, кризис ценностей, иерархия ценностей, де-факто, общественное сознание, достоинство, единая культура.

RESULTS OF STUDYING STUDENT YOUNG PEOPLE IN CULTURAL VALUES

Abstract. In this article, the socio-psychological features of the formation of the value system in student youth were conducted in order to analyze the degree of connection with personal behavior and to determine the motives of socio-psychological behavior, to study the attitude of student youth to cultural values in the process of adapting to the educational environment. Based on the ideas of Clackxon and F. Strodbek, the results of the research obtained using the methodology "Determining cultural values" developed by L. G. Pochebut are given.

Keywords: value, crisis of values, hierarchy of values, de facto, public consciousness, dignity, unified culture.

Kirish. Globallashtan dunyoda axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va ayniqsa, internet kishilar kundalik hayotining ajralmas qismiga aylanib ulgurdi. Global tarmoq shiddat bilan rivojlanib, imkoniyatlari tobora kengaymoqda. Har kuni virtual makonda bir necha milliondan ziyod axborot resurslarining paydo bo'lishi uning hajmi har daqiqa sayin o'sib borayotganidan dalolat beradi. Internetning jamiyat iqtisodiy-ijtimoiy, madaniy, texnikaviy va hokazo taraqqiyotdagi o'rni beqiyos, albatta. Uning ulkan qudratini tan olish yoki olmaslik to'g'risida gap bo'lishi mumkin emas. Internet - inson tafakkuri, aql va bilimi qudratining mahsuli va in'ikosidir. Bugun bu global tarmoq afzalliklarini inkor etmagan holda, uning inson ma'naviyatiga tug'diradigan xavf-xatarlari to'g'risida so'z yuritishga to'g'ri keladi.

Har qanday davlat birinchi navbatda o'zining yuksak madaniyati hamda ma'naviyati bilan kuchlidir. Bunda qadriyatlarimiz, urf-odat va an'analarimizni o'sib kelayotgan yosh avlod ongiga singdirish, ularni milliy ruhda tarbiyalash muhim ahamiyat kasb etadi. Bugungi kunda ta'lim-tarbiya jarayonining oldida turgan dolzarb vazifalardan biri barkamol shaxs tarbiyasida milliy qadriyatlar va urf-odatlardan foydalanishdir. Ayni paytda, yurtimizda ma'nan yetuk hamda barkamol bo'lgan shaxsni voyaga yetkazish davlat siyosati darajasiga ko'tarilgan. Zero, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 25-dekabr kuni O'zbekiston yoshlari forumiga tashrif buyurib, uchrashuvda quyidagilarni ta'kidlagan:

"Qanchalik qiyin bo'lsin, biz yoshlar tarbiyasi bo'yicha o'zimizga xos va ta'sirchan, bugungi kunga hamohang usullarni izlab topishimiz kerak. Jondan aziz farzandlarimizni buzg'unchi va zararli g'oyalar, jinoyatchilik, giyohvandlik, loqaydlik, ma'naviy qashshoqlik kayfiyatidan asrashimiz zarur".

Har bir inson ushbu turdagi qadriyatlarning barchasiga yo'naltirilishi mumkin, ammo har xil darajada, bitta yo'nalish ustunlik qiladi. Shaxslarning bu tipologiyasi asosida G.Olport, P.Vernon va G.Lindsi qadriyatlarni o'rganish testini, G.Golland esa qiziqishlar testini yaratdilar.

Psixologiya fanida D.A.Leontiev ongda mavjud bo'lgan haqiqiy qadriyatlar va refleksiv qiymat g'oyalarini farqlashni taklif qiladi. U hodisalarning uchta guruhini ajratadi:

1) ijtimoiy ong tomonidan ishlab chiqilgan va jamiyat hayotining turli sohalarida nima bo'lishi kerakligi haqidagi umumlashtirilgan g'oyalarda mavjud bo'lgan ijtimoiy ideallar haqidagi bilim sifatida qadrlash;

2) qadr-qimmat intilayotgan harakat sifatida, ya'ni odamlarning o'ziga xos harakatlarini talab qiladigan ijtimoiy ideallarning mazmunli timsolidir. Bu harakatlar olijanob, fidokorona, umumiy manfaatga qaratilgan va shaxsning shaxsiy intilishlariga zid kelmasligi mumkin;

3) shaxsning motivatsion tuzilmalarida mavjud bo'lgan shaxsiy ideallar sifatida qadriyatlar (nima bo'lishi kerakligi modellari) va uni o'z hayoti va faoliyatida mazmunli amalga oshirishga undaydi.

Xulq-atvorni tartibga soluvchi sifatida qadriyatlarining ijtimoiy-psixologik mazmuni haqida gapiradigan bo'lsak, aniqlangan uchta hodisa guruhiga to'rtinчисini, hayotimizda mavjud bo'lgan narsa sifatida qo'shish kerak:

4) qadriyat shaxsning axloqiy bahosi va axloqiy pozitsiyasi mezoni sifatida. U insonning o'zini o'zi qadrlashi va o'zini o'zi anglashida mavjud bo'lib, shaxsning boshqa odamlarga nisbatan pozitsiyasini belgilaydi, shuningdek, do'stlar va sheriklarni tanlashga, shuningdek, shaxslararo munosabatlarning tabiatiga ta'sir qiladi.

Qadriyatlarni inson bu hayotda nimani xohlashi mumkinligi va nimani xohlashi kerakligi, ular bilan munosabatlarda boshqa odamlarni va o'zini qanday baholashi, nimaga intilishi va nimaga erishishga harakat qilishi kerakligining axloqiy ko'rsatkichi sifatida ko'rib chiqilishi mumkin, lekin faqat shu vositalar orqali. jamiyat tomonidan tasdiqlangan. O'z navbatida, maqsadlarga erishish vositalari ham qadriyatlardir. "Maqsad vositalarni oqlaydi" iborasi hayotning o'zi tomonidan qayta-qayta rad etilgan, chunki iflos qo'llar bilan toza ish qilish mumkin emas.

Qadriyatlarni o'rganish ularning yoshi, jinsi va jamiyat madaniyati bilan bog'liqligini ko'rsatdi. Masalan, yoshlikda inson mustaqillik va erkinlikni, keksalikda esa farovonlik va farovonlikni qadrlashi mumkin. Erkaklar ko'proq yutuqlarga intilishadi, ayollar esa sevgi va oila qadriyatlariga ko'proq yo'naltirilgan. Turli madaniyatlardagi qadriyatlardagi farqlar alohida ko'rib chiqishni talab qiladi, shuning uchun ular bobning oxirgi qismida taqdim etiladi.

Qadriyatlar sezilarli barqarorlik bilan ajralib turadi va shaxsiyat shakllanishining asosini tashkil qiladi. Ular motivatsion maqsadlarni va ularga erishish uchun tegishli harakat yo'nalishlarini ifodalaydi. Odamlar taxminan bir xil qadriyatlarga amal qiladilar: oila, farovonlik, sog'liq, erkinlik, tenglik, adolat va boshqalar. Biroq qadriyatlar turli davrlarda o'z ahamiyatini o'zgartiradi, chunki ular jamiyatning turmush sharoiti va madaniyati bilan bog'liq. Qadriyatlar ijtimoiy bilishda markaziy rol o'ynaydi va aqliy umumlashtirishni tushunish uchun zarur bo'lgan asosni ta'minlaydi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. "Qadriyat" tushunchasining mazmunli o'zgaruvchanligi uning mumkin bo'lgan ma'nolarining individual xilma-xilligiga olib keladi, utilitar narsalardan ma'naviy ne'matlarga - umuminsoniy qadriyatlarga farqlanadi. Olingan tarkibning xilma-xilligini tavsiflash uchun insonning "qadriyat tizimi" tushunchasi qo'llaniladi.

Shaxsiy qadriyatlar tizimini yaratish uchun tasniflash modellarining juda ko'p xilma-xilligi mavjud bo'lib, ular asosidagi mezonlarda farqlanadi.

Shaxsning qadriyatlar tizimi elementlarining ko'plab tasniflarida ularni obyektivlik va subyektivlik parametrlariga ko'ra ajratish tendentsiyasi mavjud. Shunday qilib, HA Berdyaev ma'naviy, ijtimoiy va moddiy qadriyatlarni aniqladi, V.P. Tugarinov - ma'naviy (ta'lim, fan, san'at); ijtimoiy-siyosiy (erkinlik, birodarlik, tenglik, adolat); moddiy (texnologiya va moddiy ne'matlar), D.A. Leontiyev - ijtimoiy ideallar, obyektiv qadriyatlar va shaxsiy qadriyatlar.

Qadriyatlarni ideallik - moddiylik asosida solishtirganda aniqroq dixotomiya aniqlanadi. Xususan, V.F. Sergaantov barcha qadriyatlarni ikki toifaga ajratadi - moddiy (mehnat qurollari va vositalari, bevosita iste'mol qilinadigan narsalar) va ma'naviy (siyosiy, huquqiy, axloqiy, estetik, falsafiy va diniy g'oyalar). O.G. Drobnitskiy obyektiv qadriyatlarga qarama-qarshi qo'yadi, ular ularga yo'naltirilgan ehtiyojlar obyeksi sifatida ishlaydi va ong qadriyatlari yoki qadriyatlar - vakillik; birinchisi, uning talqinida, bizning baholash obyektimiz, ikkinchisi esa bunday baholashning eng yuqori mezonidir.


Ko'rsatilgan yondashuvga yaqin bo'lgan J. Gudecek tasnifi "qadriyat" tushunchasining ikkita asosiy ma'nosiga asoslanadi - obyektiv (odamlarning subyektiv baholaridan qat'i nazar) mavjud obyektlar, hodisalar, g'oyalar, moddiy va ma'naviy mahsulotlarning xususiyatlari va boshqalar va subyektiv ahamiyatga ega bo'lgan qadriyatlar, shaxs uchun "qiymat". Shaxs uchun qadriyatning ahamiyati muallif tomonidan uchta ma'noda tushuniladi: insonning sa'y-harakatlari yo'naltirilgan yoki uning ehtiyojlarini qondiradigan narsalarning sifati; shaxs tomonidan ijobiy baholangan obyektlar sifatida; mezon sifatida, uning asosida turli obyektlar baholanadi.

Qadriyatlarni tasniflash masalasini hal qilishning keng tarqalgan yondashuvlaridan biri ularni mutlaqlik (universallik) va nisbiylik mezoniga ko'ra guruhlariga bo'lishdir.

Natija va muhokama. Tadqiqotning obyekt sifatida Farg'ona davlat universiteti talaba yoshlar 1-3-kurs talabalari orasidan 34 nafar, 1-kurs talabalaridan 31 nafar jami 65 nafar talabalarda madaniy qadriyatlarga bo'lgan munosabatlarini o'rganish maqsadida F.Klaxxon va F Strodbeklarning g'oyalariga asoslanib L.G.Pochebut tomonidan ishlab chiqilgan "Madaniyat qadriyatlarini aniqlash" metodikasidan foydalandik. Ushbu metodika orqali mualliflar har bir qadriyat yechimini hal qilishga yo'naltirilgan beshta asosiy umuminsoniy muammoni ya'ni insonni vaqtga bo'lgan munosabatini, insonni tabiatga bo'lgan munosabatini, kishilarni atrofdagilar mijoziga munosabatini, insonni boshqa kishilarga bo'lgan munosabatini, inson faoliyatining yo'nalganligini ko'rsatib o'tishgan.

Natijalar quyidagi 1-rasm ko'rinishida keltirilgan.

Madaniyat qadriyatlarini aniqlash metodikasi bo'yicha umumiy natijalar



Yuqoridagi rasmni tahlil qiladiganimizda, insonni vaqt qadriyatiga bo'lgan munosabati bo'yicha o'quvchilarning ko'pchiligi (54,2 foizi) qaror qabul qilishda faqat kelajakni muhim o'rin tutadi deb hisoblar ekan. Bundan ko'rinadiki, ular vaqtni kelajak uchun berilgan imkoniyat sifatida qabul qilmoqdalar. 27,15 foizi esa, qaror qabul qilishda faqat hozir ya'ni bugungi kunni muhim omil deb hisoblaydilar, 18,65 foizi qaror qabul qilishda tarixni va tarixiy an'analarni muhim deb hisoblaydilar.

Insonni tabiat qadriyatiga bo'lgan munosabati bo'yicha sinaluvchilarning 61,4 foizi odamlar odatda tabiat bilan uyg'unlikda yashaydi, inson tabiatga qarama-qarshi boradigan mavjudot emas, odamlar tabiatning davomi, deb hisoblar ekan. 17,15 foizi odamlar odatda odam tabiatga hukmron emas, uning ishlariga aralashmaydi hisoblasalar, 21,45 foizi odamlar odatda ko'p tabiiy kuchlarni boshqaradi, tabiat insonga xizmat qilishi kerak deb hisobladilar.

Sinaluvchilarning ko'pchiligi (56,8) agar odamlarni nazorat qilib turmasalar ular yaxshi va yomon ishlarni qilishlari mumkin, deb hisoblaydilar ular insonlarni nazorat qilib turadigan qonunlar bo'lishi kerakligini ta'kidlaydilar. 29,1 foiz sinaluvchilar esa agar odamlarni nazorat qilib turmasalar ular faqat yomon ishlarni qilishlari mumkin, deb hisoblaydilar. 14,1 foiz sinaluvchilar agar odamlarni nazorat qilmasalar faqat yaxshi amallarni bajarishadi, deb hisoblaydilar.

Sinaluvchilarni katta qismi 57 foizi shaxslararo munosabatlar qadriyati bo'yicha asosan katta oila, qarindoshlar muhim deb, hisoblasalar, 26,15 foiz sinaluvchilar shaxslararo munosabatlarda nasl-nasab

muhimligini ta’kidlaydilar. 16,85 foiz sinaluvchilar shaxslararo munosabatlarda individul, takrorlanmaslikni muhim deb biladilar.

Sinaluvchilarning ko’pchiligi (42,75 foizi) amaliy faoliyat qadriyati kamolotga etishishni, ya’ni hayotning eng muhim maqsadi, deb hisoblaydilar. 34,5 foiz sinaluvchilar hayot uchun muhimi o’sish va shaxsning rivojlanishi, deb hisoblasalar, 22,75 foizi esa hayot uchun mavjud bo’lishning o’zi yetarli, deb biladilar.

Xulosa. Mavjud madaniyat qadriyatlar va yo’nalishlarni tuzatish yoki shaxslarning allaqachon mavjud stereotiplar va munosabatlarga munosabatini o’zgartirish uchun zarur shart-sharoitlar va shartlar mavjudligini aniqlash muhim ahamiyatga ega. Shu bilan birga, o’tish davri, tarixiy davrda ro’y berayotgan madaniyat qadriyatlarining o’zgarishi jamoat ongini va uning tarkibiy qismlarini tubdan o’zgartirishga qodir ekanligini yodda tutish kerak

Madaniyat qadriyatlarini o’zgartirish, buzg’unchi oqibatlarni bartaraf etish, madaniyat qadriyatlar matritsasini ishlab chiqish, shu jumladan shaxsning ham, jamiyatning ham axloqiy ongidagi deformatsiya jarayonining oldini olishga qaratilgan chora-tadbirlar majmuini ishlab chiqish muammosiga yangicha yondashuvlarni ishlab chiqish zarur. Shuni ham hisobga olish kerakki, manaviyat qadriyatlarining o’zgarishi jamiyat ichidagi jarayonlarni barqarorlashtirishga hissa qo’shishi va jamiyat hayotining turli sohalarida salbiy jarayonlarga olib kelishi mumkin, shu sababli ushbu muammoni o’rganishning dolzarbligi ortib boradi.

Adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. 2017-yil 29-avgustdagi PQ-3245-son “Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi loyihalarni boshqarish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to’g’risida” Qarori.
2. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 13-fevraldagi PQ-4190-sonli “2019-2025-yillarda O’zbekiston Respublikasi aholisining ruhiy salomatligini muhofaza qilish xizmatini rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to’g’risida”gi Qarori. <https://lex.uz/docs/-4201081>.
3. Yanitskiy M.S. Dinamik tizim sifatida shaxsning qiymat yo’nalishlari. - Kemerovo: Kuzbassvuzizdat, 2000. - 204 p.
4. Berdyaev N.A. Rossiya taqdiri. - M., 1990 yil.
5. Tugarinov V.P. Marksizmdagi qadriyatlar nazariyasi. - L. : Leningrad davlat universiteti nashriyoti, 1968.- 124 b
6. Leontyev D.A. Qadriyat fanlararo tushuncha sifatida: ko’p o’lchovli qayta qurish tajribasi // Falsafa savollari. - 1996. - 5-son. - 15-26-betlar
7. Serjantlar V.F. Inson, uning tabiati va borliq ma’nosi. – M., 1990.
8. Drobnitskiy O.G. Jonlantirilgan obyektlar dunyosi. Qadriyatlar muammosi va marksistik falsafa. - M., 1967 yil.
9. Gudecek Y. Shaxsning qadriyat yo’nalishi // Sotsialistik jamiyatdagi shaxs psixologiyasi: Shaxsning faoliyati va rivojlanishi. – M., 1989. -B.102-109.

Babajanov Maqsadbek Ulug'bekovich,
Ma'mun universiteti NTM psixologiya va
tibbiyot kafedrasini o'qituvchisi
maqsadbekbobojonov2@gmail.com

ZAMONAVIY PSIXOLOGIYADA DIQQAT MUAMMOSINING O'RGANILISHI

Annotatsiya. Ushbu maqolada shaxsning kognitiv jarayonlaridan biri bo'lgan diqqatning rus va xorijiy olimlar tomonidan o'rganilishi tarixi, zamonaviy fikrlari hamda ularning nazariyalari berilgan. Unda psixologik nazariyalar va qarashlar tartibi tizmlashgan holatda bo'lib, bu diqqat haqida umumiy xulosa chiqarish imkoniyatini beradi. Bu ma'lumotlardan foydalanib, uning boshqa jarayonlarga hamda boshqa jarayonlarning unga ta'sir qilish qonuniyatlarini tushunish mumkin hisoblanadi.

Kalit so'zlar: diqqat, diqqat nazariyalari, rus va xorijiy olimlar, ong, faoliyat, o'z-o'zini nazorat qilish, kognitiv jarayonlar.

ИЗУЧЕНИЕ ПРОБЛЕМЫ ВНИМАНИЯ В СОВРЕМЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ

Аннотация. В данной статье представлена история изучения внимания, одного из познавательных процессов человека, российскими и зарубежными учеными, современные идеи и их теории. В ней систематизированы психологические теории и взгляды, что позволяет сделать общий вывод о внимании. Используя эту информацию, можно понять законы ее влияния на другие процессы и другие процессы.

Ключевые слова: Внимание, теории внимания, российские и зарубежные учёные, сознание, деятельность, самоконтроль, познавательные процессы.

STUDY OF THE PROBLEM OF ATTENTION IN MODERN PSYCHOLOGY

Abstract. This article presents the history of the study of attention, which is one of the cognitive processes of a person, by Russian and foreign scientists, modern ideas and their theories. In it, the order of psychological theories and views is systematized, which makes it possible to draw a general conclusion about attention. Using this information, it is possible to understand the laws of its influence on other processes.

Keywords: Attention, theories of attention, Russian and foreign scientists, consciousness, activity, self-control, cognitive processes.

Kirish. Diqqat, psixologiya sohasida keng muhokama qilinadigan murakkab bir hodisadir. Ushbu mavzu bo'yicha psixologlar orasida hali ham bir to'liq kelishuvga erishilmagan. Ba'zi tadqiqotlar diqqatni mustaqil psixik jarayon sifatida ko'rib chiqishni taklif qiladi, bu esa o'z navbatida, idrok, xotira va fikrlash kabi boshqa psixik jarayonlardan farq qiladi. Boshqa tadqiqotlar esa, diqqatni har qanday psixik jarayonning ajralmas bir qismi sifatida ko'rib chiqishni ma'qul ko'radi, chunki u deyarli har bir psixik faoliyatda mavjud. Shu sababli, diqqatning mustaqilligi masalasi psixologiya ilmining dolzarb muammolaridan biri bo'lib qolmoqda. Har bir psixologik yo'nalish ushbu muammoga o'ziga xos uslubda yondashadi. Bu boradagi tortishuvlar esa, psixologiya sohasida chuqur tushunish va yangi kashfiyotlarga yo'l ochish uchun muhimdir.

Zamonaviy rus psixologiyasida diqqat qaram aqliy jarayon ekanligi haqidagi fikr hali ham hukmronlik qilmoqda. Barcha aqliy (kognitiv) jarayonlar o'z obyektiga yo'naltirilgan va ma'lum darajada unga to'plangan. Diqqat boshqa psixik jarayonlar bilan birlashadi; bu ularning xususiyatini tashkil etadi. Uni psixikaning alohida, yakkalangan shakli sifatida ko'rib bo'lmaydi. Uning o'ziga xos mazmuni yo'q [5.B, 13].

Asosiy qism. Rus olimi S.L.Rubinshteyn diqqatni ongning barcha kognitiv jarayonlarining bir tomoni, bundan tashqari, ular obyektga qaratilgan faoliyat sifatida harakat qiladigan tomoni deb hisobladi. Diqqat subyektning faolligi bilan bog'liq va belgilanadi, deb ta'kidladi. S.L.Rubinshteyn diqqatni kognitiv faoliyat kursining dinamik xarakteristikasi deb hisobladi. Shu bilan birga, u nafaqat predmet, balki diqqatni ma'lum darajada o'ziga tortadigan va ushlab turadigan obyektning ham muhimligini ta'kidladi. Shuning uchun diqqat an'anaviy ravishda ma'lum bir vaqtning o'zida biron bir obyekt, tasvir yoki hodisaga inson ongining tanlab yo'naltirilishi va konsentratsiyasi sifatida tavsiflanadi [5]. N.F. Dobrininning so'zlariga ko'ra: «diqqat - bu

aqliy faoliyatning yoʻnalishi va uning shaxs uchun maʼlum bir ahamiyatga ega boʻlgan obyektga konsentratsiyasi (barqaror yoki vaziyat)»[5].

Bixevioristlar ongni va u bilan birga diqqatni psixologiya fanidan chiqarib tashladilar [6]. Diqqat mustaqil psixik jarayon sifatida xorijiy kognitiv psixologiya tomonidan taʼkidlangan. Ushbu muqobil diqqat nazariyasi tarafdorlari tomonidan maxsus blokning ishi bilan taʼminlangan maʼlumotlarni blokirovka qilish yoki filtrlashning maxsus jarayoni sifatida taqdim etiladi. Axborotni filtrlash yoki selektivlik deyiladi. Selektivlik modellari orasida uchta guruhni ajratish mumkin: 1) erta selektivlik modellari (D.Broadbentning filtrlash modeli); 2) kech selektivlik modellari (er-xotinlar A. va D.Deych modeli va D.Normanning moslik modeli); 3) erta selektivlikning kompromis modeli (A. Treysmanning ajratuvchi modeli) [2].

Umuman olganda, diqqat jarayonini bunday tushunishning kelib chiqishiga qaytganimizda, V.Jeymsni eslatib oʻtish kerak. Aynan u birinchi boʻlib barcha diqqatni selektivlik funksiyasiga qaratdi. Demak, uning diqqat jarayoniga taʼrifi quyidagicha. Diqqat ongning cheklangan hajmining natijasidir; ong mazmunini seleksiyalash (saralash)ni amalga oshiradi. Diqqatning mohiyati konsentratsiya va ongni jamlashdir. Bu «boshqalar bilan samaraliroq ishlash uchun baʼzi narsalardan chalgʻitishni» anglatadi [2].

Kognitiv psixologiya sohasida diqqatning markaziy oʻrganish yoʻnalishlari, insonning umumiy kognitiv faoliyatini tahlil qilishga qaratilgan. D.Broadbent tomonidan ishlab chiqilgan erta tanlash nazariyasi, diqqatni axborotni qabul qilishning dastlabki bosqichlarida, yaʼni sezgi tahlil jarayonida yoki hatto undan ham avvalroq saralash yoki filtrlash jarayoni sifatida taʼriflaydi.

Introspektiv-fenomenologik yondashuvning eng koʻzga koʻringan vakillari V.Vundt, E.Titchener, V.Jeyms, T.Ribo, N.Lange. V.Vundt va E.Titchener diqqatni ong hodisasi - aniqlik mezonini sifatida ajratib olish uchun fenomenologik mezondan foydalanganlar. V.Vundtning diqqat nazariyasining asosiy tushunchalari idrok va apperseptsiya edi. Zamonaviy psixologiyada apperseptsiya tushunchasi idrokning oʻtmish tajribasiga, shaxsning aqliy faoliyatining umumiy mazmuniga va uning individual xususiyatlariga bogʻliqligini bildiradi. «Biz gʻoyalarni qabul qilish bilan bogʻliq jarayonlarning yigʻindisini diqqat deb ataymiz», deb yozadi Vundt. E.Titchener nuqtayi nazaridan, butun diqqat muammosining kaliti "diqqat hissiy ravshanlik bilan deyarli bir xil» [10].

U.Jeyms (funktionalizm yetakchilaridan biri) ham introspektiv-fenomenologik yondashuvni ifodalaydi. Diqqat hodisasini tavsiflashda aniqlik mezoniga u ongning cheklangan hajmi bilan bogʻliq ongning tanlanish mezonini qoʻshadi [8]. Uning diqqat jarayonini tushunishi yuqorida aytib oʻtilgan.

N.Lange harakat muammosini oʻz psixologiyasining markaziga qoʻyib, ularni har qanday psixik jarayonning prototipi, boshlangʻich shakli deb hisoblaydi. Diqqatni biologik nuqtayi nazardan aniqlab, u buni «tananing idrok qilish sharoitlarini darhol yaxshilaydigan mos reaksiyasi» deb hisoblaydi. Tezlik mezonini, N.Lange, «bizga diqqatni tananing boshqa adaptiv reaksiyalaridan ajratishga imkon beradi». Diqqat, uning nuqtayi nazari boʻyicha, «vaqtning maʼlum bir daqiqasida maʼlum bir vakillikning nisbiy ustunligi sifatida» paydo boʻladi (oʻsha erda). Uning nazariyasining asosiy mezonini ham aniqlik mezonini hisoblanadi. Ongning u yoki bu mazmunining ravshanligi tananing maxsus harakatlari - «diqqat imo-ishoralari» orqali moslashish jarayonida sodir boʻladi [7].

Geshtalt psixologiyasi, diqqatni oʻrganishda introspektiv-fenomenologik yondashuvni qoʻllash imkoniyatini taqdim etadi. Bu yondashuv, diqqat jarayonini tahlil qilishda, K.Koffka, E.Rubin, V.Kohler va P.Adams kabi olimlarning ishlariga asoslanadi. .

Diqqatning insonning umumiy aqliy faoliyatida bilish jarayoni sifatidagi muhim rolini belgilab, uning mustaqil ahamiyatini ochib bergan A.N.Leontev (1958), P.Y.Galperin (1958) diqqat - bu shaxsning mutlaqo mustaqil ruhiy holati, boshqa kognitiv jarayonlarning xususiyatlariga kamaymaydigan oʻziga xos xususiyatlarga ega boʻlgan oʻziga xos ichki jarayon, deb hisoblaydi [4.B, 12].

Psixologiyada diqqat hodisasini biroz boshqacha tushunish N.F.Dobrinin (2003) tomonidan amalga oshirilgan. Olimning fikricha, diqqat - bu shaxs uchun barqaror yoki vaziyatli ahamiyatga ega boʻlgan obyektga aqliy faoliyatning yoʻnalishi va konsentratsiyasidir [4.B, 12].

Diqqatning eng mashhur psixologik nazariyalaridan biri T.Ribo tomonidan taklif qilingan (1892). U birinchi boʻlib diqqat va hissiyotlar oʻrtasidagi yaqin aloqani aniqladi. Obyekt yoki faoliyat odamda qanchalik koʻp his-tuygʻularni uygʻotsa, diqqatning jamlanishi va barqarorligi shunchalik yuqori boʻladi. Diqqatning strukturaviy-komponent mazmunida olim psixofiziologik jihatini baholashga alohida diqqat bergan. Diqqat va uning asosini tashkil etuvchi mexanizmlarni faqat shaxsning hozirgi psixo-affektiv holatini oʻrgangandan keyingina tahlil qilish mumkin [1.B, 170].

D. N.Uznadze (1967) taʼlimoti shuni koʻrsatadiki, diqqat bevosita shaxsning munosabati va uning idrok etish xususiyatlariga bogʻliqdir. «Ustanovka» taʼsirida tasvir (taassurot) taʼkidlangan. Keyinchalik, bu tasvir shaxsning diqqat markaziga aylanadi. Taassurot qanchalik kuchli boʻlsa, oʻrganilayotgan obyektga diqqatni jamlash va barqarorlik darajasi shunchalik yuqori boʻladi [4.B, 12].

P.Y.Galperin (1989) fikricha, diqqat holatini baholash boshqa psixik jarayonlar bilan tahlil qilishda amalga oshirilishi kerak. Har qanday harakat aqliy va orientatsiya jihatini o'z ichiga oladi. Olimning fikricha, diqqat insonning orientatsiya faoliyati strukturasi muhim elementidir. Bu psixologik harakat bo'lib, uning maqsadi psixikaning mazmunini tashkil etuvchi ma'lum bir tasvirning xususiyatlarini o'rganishdir [3.B, 204].

Diqqatning kelib chiqishi muammosiga madaniy-tarixiy yondashuvni L.S. Vigotskiy (1988) ilgari surgan. Rus olimi diqqatning ikki turi borligiga ishongan: tabiatga xos va madaniyat bilan bog'liq. Bola o'sib boradi va bu jarayonning rivojlanishi bilan jamiyat uning diqqatini atrofdagi voqelikning turli obyektlari va hodisalariga, ularning xilma-xilligi, o'zaro ta'sir qilish usullari va mexanizmlariga qaratadi. L.S.Vigotskiy, (1988); L.Y.Galperin, (1989); A.N.Leontyev, (1975); A.R.Luriya, (1979) asarlarida aks etgan madaniy-tarixiy an'anaga ko'ra, diqqatning eng yuqori psixik funktsiya sifatida shakllanishi shu davrda sodir bo'ladi.

Diqqat rasmini aqliy jarayon sifatida yetarlicha to'liq taqdim etish uchun ushbu jarayonning fiziologik o'zaro bog'liqligini eslatib o'tish kerak. A.A.Uxtomskiyning (1926) nazariyasiga ko'ra, diqqatni bosh miya po'stlog'iga qaratganda, asab markazlarining qo'zg'aluvchanligi ustunlik qiladi. Qo'zg'alish jarayoni sodir bo'lgan korteksning boshqa joylari passiv holatda. Bunday konsentratsiya diqqatni ba'zi obyektlarga qaratishni va boshqalardan qochishni ta'minlaydi [3.B, 205].

Psixologiya diqqatning turli xil tasniflarini to'plagan. Eng an'anaviy tasnif ixtiyoriylikka asoslanadi: ixtiyoriy, ixtiyoriy, ixtiyoriylikdan keyingi. Eng oddiy, genetik jihatdan aniqlangan va passiv xarakterga ega - bu ixtiyorsiz diqqatdir. U insonning xohish-irodasi va xohishidan mustaqil ravishda yuzaga keladi. Diqqatni jalb qilish yorqin, o'ziga xos va g'ayrioddiy narsalar yoki harakatlar bilan sodir bo'ladi. Majburiy e'tiborning paydo bo'lishi turli xil jismoniy, psixofiziologik va ruhiy sabablar bilan bog'liq [9.B, 84].

Diqqat turlarining umumiy taksonomiyasida ixtiyoriylikdan keyingi diqqatga alohida e'tibor beriladi. N.F.Dobrinin (2003) ta'rifiga ko'ra, ixtiyoriydan keyingi diqqat e'tiborni qaratish maqsadi saqlanib qolganda paydo bo'ladi, lekin ixtiyoriy harakatlar yo'qoladi. Ushbu turdagi diqqat yuqori mahsuldorlik va ishlashni eng yaxshi ta'minlaydi [4.B, 126].

Shu o'rinda aytishimiz mumkinki, ta'lim tizimida o'qitish jarayonining asosiy maqsadlaridan biri ixtiyoriydan keyingi diqqatga erishish hisoblanadi. Chunki, aynan shu holatdagina ma'lumotlarni yaxshi, mukammal va uzoq vaqt davomida mazmunli hamda, diqqat to'plagan holatda qabul qilish mumkindir. Asosan, bunga erishish uchun ixtiyoriy diqqatni oldin rivojlantirish kerakligi ko'pgina psixolog olimlar tomonidan ta'kidlangan. Lekin, mashqlar tizimi orqali tog'ridan-to'g'ri ixtiyoriydan keyingi diqqat turini shakllantirish masalasi haqida ma'lumotlar deyarli uchramaydi.

Hozirgi kunda oliy ta'lim talabalariga zamonaviy bilimlarni berishda turli olimlar tomonidan diqqatni jamlashning ahamiyatiga keng e'tibor berilmoqda. Jumladan, L.S.Vigotskiy, O.Y.Ermolaev, S.V.Kravkov, T.A.Meshkova, K.D.Ushinskiylarning fikriga ko'ra, shaxsning kognitiv qobiliyatlari orasida diqqat asosiy ijodiy rolga ega. Ular diqqatni rivojlantirish jarayonini alohida tashkil etish kerakligini ta'kidladilar, chunki o'quvchilarning aksariyati materialni semantik qayta ishlash usullaridan foydalanmaydilar va kasbiy hamda ta'lim olish jarayonida samarasiz usullar va vositalardan foydalanadilar [12].

Umuman, diqqat jarayoni psixologiyada keng tadqiqot qilingan va turli nazariy yondashuvlar bilan tavsiflangan murakkab bir hodisadir. Faollik yondashuvi vakillari diqqatni mustaqil jarayon sifatida ko'rib chiqishadi, bu esa har qanday psixik faoliyatning ajralmas qismi hisoblanadi. Ushbu yondashuv, diqqatni idrok etish, xotira, o'ylash va boshqa psixik jarayonlar bilan bog'liq holda tahlil qilishni ta'kidlaydi. Madaniy-tarixiy yondashuv esa, diqqat rivojlanishining ontogenetik jihatlariga e'tibor qaratadi, bu esa bolaning tabiiy va madaniy rivojlanishini integratsiya qiluvchi jarayon sifatida ko'riladi. Bu ikki yondashuv, diqqatning psixologik tabiatini chuqurroq tushunish uchun muhimdir, chunki ular diqqatning shaxsiy va ijtimoiy rivojlanishdagi rolini yoritib beradi.

Idrok qilish va bir-biri bilan taqqoslash qulayligi uchun quyida biz turli xil psixologik yo'nalishlarning barcha diqqat tushunchalarini bitta jadvalga birlashtirdik [11].

1892-yil, T. Ribo: Diqqat - «aqliy monoideizm», ongni bir g'oyaga jamlash; favqulodda holat, cheklangan vaqt; shaxsning yashash sharoitlariga moslashishi (tabiiy yoki sun'iy) bilan birga keladi.

1893-yil, N.N.Lange: Diqqat - bu idrok qilish sharoitlarini yaxshilaydigan va tananing atrof-muhitga moslashishiga hissa qo'shadigan tananing tegishli reaksiyasi. Bu ba'zi taassurotlarni ta'kidlaydi va boshqalarni bostiradi.

1911-yil, V.Jejms: Diqqat ongning cheklangan hajmining natijasidir; ong mazmunini seleksiyalash (saralash)ni amalga oshiradi. Diqqatning mohiyati diqqatni jamlash, ongni jamlashdir. Bu boshqalar bilan samaraliroq ishlash uchun ba'zi narsalarga vaqt ajratishni anglatadi.

1911-yil, G.Ebbinghaus: Diqqat - bu bitta asabiy qo'zg'alishni qo'llab-quvvatlash va boshqalarni qo'zg'atish natijasida amalga oshiriladigan qo'zg'atuvchini tanlash yoki saralash.

1911-yil, G.Myuller: Diqqat - bu sezgining «sezgir qo‘llab-quvvatlashi», unga qo‘shimcha mexanizm, miyaning ushbu taassurot bilan bog‘liq bo‘lgan qismlarining sezgirlikni vaqtincha oshirish; psixologik jihatdan bu ushbu taassurotni kutish bilan bog‘liq, ya‘ni. ongda tegishli taassurotning dastlabki mavjudligi.

1912-yil, V.Vundt: Diqqat - bu «ongni mahkamlash nuqtasi»; eng aniq va aniq ong. Aniqlik ongning mazmunini idrok zonasidan ko‘chirish orqali erishiladi, ya‘ni. appertsepsiya zonasiga noaniq idrok - aniq ong.

1914-yil, E.Titchener: Diqqat - bu sezgilarning xossasi, bu «sezgi ravshanligi», ongda uning alohida, ustun mavqeyini ta‘minlaydigan hissiyot sifati.

1935-yil, K.Koffka: Diqqat integral maydon ichidagi ma‘lum bir kuch sifatida maydonni tashkil qilishning ichki kuchlari diqqat qo‘shadigan energiya tomonidan yaratilgan ta‘sirdan kuchliroq bo‘lib chiqadi.

1935-yil, S.L.Rubinshteyn: Diqqat ongning barcha kognitiv jarayonlarining tomoni - ular obyektga qaratilgan faoliyat sifatida harakat qiladi, bu bizning ongimiz jarayonlarining tanlangan tabiatini tashkil etishdir.

1938-yil, N.F.Dobrinin: Diqqat - aqliy faoliyatning yo‘nalishi va uning shaxs uchun ma‘lum bir ahamiyatga ega bo‘lgan (barqaror yoki vaziyatli) obyektga jamlanishi; Bu butun shaxs faoliyatining namoyonidir.

1927-yil, L.S.Vigotskiy: Uning sof shaklida diqqat kuzatilmaydi. Diqqat - bu bir qator boshqa obyektlardan birini tanlash bilan bog‘liq subyektiv tajriba; yaxshi idrok etishga yordam beradigan sensorli o‘rnatish va yaxshi javob berishga hissa qo‘shadigan vosita bilan bog‘liq.

1956-yil, L.S.Vigotskiy: Madaniy rivojlanish mahsuli sifatida eng yuqori aqliy funktsiya sifatida tabiiy (tabiiy, bevosita) va ixtiyoriy diqqat mavjud. Ixtiyoriy diqqat - bu vositachi diqqatning ichkariga yo‘naltirilgan jarayoni, ya‘ni yordamchi vositalar yordamida ongli ravishda tashkil etilgan.

1958-yil, P.Y.Galperin: Diqqat ichki, avtomatlashtirilgan boshqaruv harakatidir. Bu psixikaning mustaqil shakli bo‘lib, u o‘ziga xos tarkibga va o‘z mahsulotiga ega.

1966-yil, D.I.Uznadze: Diqqat – obyektivlashtirish harakati (jarayoni) bo‘lib, unda bizning asosiy taassurotlarimiz doirasidan (aniq vaziyat tomonidan qo‘zg‘atilgan munosabat asosida paydo bo‘lgan) ongning dolzarb mazmunidan biri ajralib turadi va aniqroq bo‘ladi.

1953-yil, K.Cherry: Diqqat - bu ongning tanlanganligi.

1958-yil, D.Broadbent: Diqqat - axborotni erta seleksiyalash (saralash, filtrlash) jarayoni, ya‘ni uni qayta ishlashning dastlabki bosqichlarida pertseptual tahlil jarayonida yoki undan oldin darhol saralash.

1963-yil, A.va D.Deych: Diqqat - bu reaksiyani saralash bilan yoki darhol bu tanlovdan oldin ma‘lumotni kech saralash.

1969-yil, A.Treisman: Diqqat - axborotni tahlil qilish va saralashning murakkab jarayoni: u signal va axborotning og‘zaki tahlili o‘rtasida joylashgan pertseptiv filtrdan boshlanadi va xabarning «kuchini» tartibga soladi; ma‘lumotlarning yakuniy tanlovi semantik mezonlarga muvofiq amalga oshiriladi.

1968-yil, D.Norman: Diqqat - xotirada mavjud bo‘lgan «tegishli» (tegishli) ma‘lumotlar ishtirokida sensorli signallarni «parallel qayta ishlash» dan keyin ma‘lumotni kech seleksiyalash (filtrlash, saralash).

1973-yil, D.Kaneman: Diqqat insonning aqliy mehnat qobiliyatini cheklash natijasidir. Diqqat ma‘lumotni qayta ishlash uchun harakatlarni safarbar qilish funksiyasini bajaradi. Bu ichki aqliy harakat. 1976-yil, V.Naysser: Diqqat - bu mavjud kirishning cheklangan qismiga ma‘lumotni qayta ishlash faoliyatimizning asosiy oqimi. 1993-yil, V.Y.Romanov, Y.B.Dormashev: Mualliflar diqqatning barcha ko‘rinishlarini subyektiv va obyektivga ajratadilar. Subyektiv: a) ong mazmunining formal xarakteristikalar: 1) ravshanlik (V.Vundt, E.Titchener va boshqalar); 2) aniqlik (N.N.Lange, D.I.Uznadze va b.) b) subyektiv kechinmalar: 1) keskinlik va harakat (D.Kanneman, P.P.Blonskiy va boshqalar); 2) qiziqish va ajablanish (N.N. Lange); 3) faoliyat va faoliyatga botish (N.F. Dobrinin). Diqqatning obyektiv ko‘rinishlariga quyidagilar kiradi: a) turli xulq-atvor komplekslari: maxsus postures va imo-ishoralar, nigohni mahkamlash va o‘rnatish, boshning burilishlari va egilishi (T.Ribo, N.N.Lange va boshqalar); b) oddiy kuzatishdan yashiringan diqqat va diqqatsizlikning yanada nozik ko‘rinishlari: miyaning elektr faolligi, yurak-qon tomir faoliyati, nafas olish, ko‘z harakati.

1982-yil, M.Pozner: U diqqatni o‘rganishning uchta asosiy yondashuvini belgilaydi: 1) ijro etuvchi faoliyatning turli xususiyatlarini o‘rganishga qaratilgan; 2) subyektiv tajribalarni tahlil qilishga yo‘naltirilgan; 3) ongli tajribaning turli tomonlari va neyron mexanizmlari o‘rtasidagi aloqalarni o‘rganishga qaratilgan. Muallif o‘zi belgilagan diqqat yondashuvlarini (yoki tahlil darajalarini) muvofiqlashtirish va birlashtirishga chaqiradi.

Yuqorida diqqat muammosining turli davrlarda o‘rganilishi ketma-ketlikda joylashtirilgan bo‘lib, uning yordamida diqqatni o‘rgangan olimlarning fikrlarini va nazariy qarashlarini aniq shaklda ko‘rishimiz mumkindir.

Diqqatning original nazariy talqini P.Y.Galperin tomonidan taklif qilingan. Uning diqqat konsepsiyasining asosiy qoidalari quyidagilardan iborat:

1. Diqqat taxminiy tadqiqot faoliyatining momentlaridan biridir. Bu inson psixikasida ma‘lum bir daqiqada mavjud bo‘lgan tasvir, fikr yoki boshqa hodisaning mazmuniga qaratilgan psixologik harakatdir.

2. O‘z vazifasiga ko‘ra, diqqat bu tarkibni nazorat qilishni anglatadi. Har bir inson harakati yo‘naltiruvchi, bajaruvchi va nazorat qiluvchi qismga ega. Bu ikkinchisi diqqat bilan ifodalanadi.

3. Muayyan mahsulot ishlab chiqaradigan boshqa faoliyat turlaridan farqli o‘laroq, nazorat yoki diqqat faoliyati alohida, maxsus natijaga ega emas.

4. Diqqat alohida, mustaqil, aniq harakat sifatida harakat faqat aqliy emas, balki qisqartirilganda ham ta’kidlanadi. «Nazoratning yangi harakati aqliy va qisqartirilgan bo‘lsa, shundan keyingina u diqqatga aylanadi ... Hamma nazorat e’tibor emas, balki hamma diqqat nazoratdir». Nazorat faqat harakatni baholaydi, diqqat esa uni yaxshilashga yordam beradi.


5. Diqqatda nazorat harakat natijalarini solishtirish va uni aniqlashtirish imkoniyatini yaratadigan mezon, o‘lchov, namuna yordamida amalga oshiriladi.

6. Ixtiyoriy diqqat - bu tizimli diqqat, nazorat oldindan tuzilgan reja, berilgan standart, namuna bo‘yicha amalga oshiriladi.

7. Ixtiyoriy diqqatning yangi usulini shakllantirish uchun biz asosiy faoliyat bilan bir qatorda odamga uning borishi va natijalarini tekshirish, tegishli rejani ishlab chiqish va amalga oshirish vazifasini taklif qilishimiz kerak.

8. «Diqqatni aqliy nazorat faoliyati sifatidagi nuqtayi nazardan qaraganda, diqqatning barcha o‘ziga xos harakatlari - ixtiyoriy va ixtiyoriy emas - yangi aqliy harakatlarning shakllanishi natijasidir»[13].

1-ilova.




A.N.Leontevning faoliyat yondashuvi, diqqatning holati muammosini tushunishda muhimdir. Bu yondashuv, diqqatni mustaqil bir faoliyat sifatida ko‘rib chiqish imkonini beradi. Faoliyat nazariyasi, XX asrda S.L.Rubinshteyn, L.S. Vigotskiy, A.N.Leontev, P.Y.Galperin, A.R.Luriya, A.V. Zaporjets va boshqalar tomonidan rivojlantirilgan, bu esa K. Marksning fikrlariga asoslangan. Ushbu nazariya, psixologiyada diqqat va faoliyatni o‘rganishda keng qo‘llaniladi.

Yuqoridagilarni hisobga olgan holda psixologiyada diqqatning uchta nazariyasini ajratib ko‘rsatish mumkin (1-ilova).

So‘nggi o‘n yillikda diqqatning asosiy funksiyalarini amalga oshirishni ta‘minlaydigan anatomik o‘zaro bog‘langan miya tuzilmalarining uchta mustaqil tizimi mavjudligi to‘g‘risida gipoteza shakllantirildi[14].

Bunda tayyorlik/ hushyorlik (ogohlantirish), diqqatni hissiy stimullarga yo‘naltirish (orientatsiya) va diqqatni nazorat qilish (ijro etuvchi diqqat) holatiga erishish va uni saqlab qolish uchun uchta modul tavsiflangan (2-ilova)

2-ilova



Xulosa va takliflar. Diqqat muammosi psixologiyada dolzarb hisoblanadi. Chunki diqqatsiz hech bir faoliyatni to‘g‘ri shaklda bajarish mumkin emas. Zamonaviy psixologiyada ham bu muammo boshlanganidan to hozirgacha, bir qator nazariyalar ilgari surilganiga qaramay, haligacha aniq bir qarash shakllanmaganligi uchun biz diqqatni va ayniqsa uning ixtiyoriydan keyingi diqqat turini yanada chuqurroq darajada o‘rganish kerakligini yosh tadqiqotchi olimlarga tavsiya qilamiz. Bundan tashqari ixtiyoriy diqqatni va undan kelib chiquvchi diqqat turi hisoblangan ixtiyoriydan keyingi diqqatni rivjlantirishga erishish eng muhim vazifalardan biri deb o‘ylaymiz. Bizningcha, bu vazifani amalga oshirish uchun tadqiqotchilar avval diqqat nazariyalarini yaxshilab o‘rganishi va keyin qadimgi hamda zamonaviy diqqatni oshiruvchi eng samarali usullarni tajribada qo‘llagan holatda sinovdan o‘tkazishi maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar:

1. Ахметова З. Внимание как проблемное поле психологии. Журнал. -Бишкек.: «Вестник КPCУ», 2018 г. С.169-173 № 1.

2. Величковский Б. Современная когнитивная психология. Книга.- Москва. «Изд-во Моск. ун-та», 1982 г. С.336.
3. Верхотурова Н., Литвинова А., Антошечкина Г. Особенности произвольного внимания учащихся младшего школьного возраста с задержкой психического развития. Статья.- Кемерово, Россия. «Вестник», 2019 г. С. 203-213. № 5А.
4. Габдулина Л. Подходы к исследованию внимания в отечественной и зарубежной психологии. Учебное пособие. - Ростов-на-Дону: «ЮФУ», 2007 г. С.50.
5. Добрынин Н. О селективности и динамике внимания. Статья. Вопросы психологии, 1975 г. С. 68-80. № 2
6. Дормашев Ю, Дормашев Ю, Романов В. Психология внимания. Учебник – «Тривола», 1995 г. С.352.
7. Ланге Н. Биологическое определение и разновидности внимания. Статья.-1987 г. Просвещение.
8. Маклаков, А. Общая психология: Учебник для вузов. – СПб.: Питер. 2008 г
9. Разыкова Л. Внимание и его функции в жизни и деятельности личности. Проблемы науки, 2020 г. С.83-85. № 4 (52)
10. Титченер Э. Внимание. Хрестоматия по вниманию. Под ред. Леонтьева А. Н., Романова В.Я. – М.: МГУ. 1976 г.
11. Бобокулова Г.Ш. Основные положения определения развития внимания. — Текст : непосредственный // Молодой ученый. — 2016. — №9(113).— С.1020-1022. — URL: <https://moluch.ru/archive/113/29001/>
12. Posner M.I., Rothbart M.K. Research on attention networks as a model for the integration of psychological science // Annual Review of Psychology. 2007. Vol. 58. P. 1–23. doi: 10.1146/annurev.psych.58.110405.085516

*Jumaniyazova Ilmira Kamiljanovna,
Ma'mun universiteti NTM dotsenti v.b., p.f.f.d
temperament88@mail.ru*

PSIXOLOGIK SALOMATLIKNI SHAKLLANTIRISHDA ILMIY VA AMALIY QARASHLARNING AHAMIYATI

Annotatsiya. Maqola psixologik salomatlik tushunchasini mohiyatini izohlanib, ushbu atama konsepsiya bo'yicha turli ilmiy maktablarning qarashlari, psixologik salomatlikka ijobiy va salbiy ta'sir ko'rsatadigan omillari keltirilgan. Shuningdek, psixologik salomatlik barqarorlashga qaratilgan trening mashg'ulotlaridan olingan mashqlar namunalari psixologik-pedagogik yo'nalishidagi ta'lim dasturlari uchun asos bo'lib xizmat qilishi mumkin.

Kalit so'zlar: psixologik salomatlik, ruhiy salomatlik, psixik rivojlanish, hayot mazmuni, xulq-atvor.

ЗНАЧЕНИЕ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ В ФОРМИРОВАНИИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО ЗДОРОВЬЯ

Аннотация. В статье раскрыта сущность понятия психологического здоровья, взгляды разных научных школ на это понятие, а также факторы, оказывающие положительное и отрицательное влияние на психологическое здоровье. Также даны примеры упражнений, взятые из учебных занятий, направленных на стабилизацию психологического здоровья, могут служить основой образовательных программ психолого-педагогического направления.

Ключевые слова: психологическое здоровье, психическое здоровье, психическое развитие, смысл жизни, поведение.

THE IMPORTANCE OF SCIENTIFIC AND PRACTICAL VIEWS IN THE FORMATION OF PSYCHOLOGICAL HEALTH

Abstract. The article explains the essence of the concept of psychological health, views of different scientific schools on this concept, and factors that have a positive and negative effect on psychological health. Also, examples of exercises taken from training sessions aimed at stabilizing psychological health can serve as a basis for educational programs in the psychological and pedagogical direction.

Keywords: psychological health, mental health, mental development, meaning of life, behavior

Kirish. Inson salomatligi muammosi ijtimoiy rivojlanishning ustuvor vazifalari qatoriga qo'shish uning nazariy rivojlanishining dolzarbligi va sog'liqni saqlashni optimallashtirish va saqlash yo'llarini izlashni belgilaydi. Tibbiyot atamalarining entsiklopedik lug'atida "salomatlik" tushunchasi nafaqat kasalliklar va jismoniy nuqsonlarning yo'qligi emas, balki to'liq jismoniy, psixik va ijtimoiy farovonlik holati" deb yoritilgan [5; 391 b]. Salomatlik uchta asosiy darajasi bilan baholanadi: jismoniy (organizmda o'z-o'zini tartibga solishni yaxshilash, fiziologik jarayonlarning uyg'unligi, atrof-muhitga maksimal moslashish); psixik (inson hayotining asosiy strategiyasi, insonning vaziyatlarga ustunlik darajasi); ijtimoiy (insonning mehnat qobiliyati, ijtimoiy faolligi) [1].

"Psixologik salomatlik" tushunchasi o'z-o'zidan, "ruhiy salomatlik" tushunchasi bilan bog'liqdir. "Ruhiy salomatlik" atamasi birinchi marta Jahon sog'liqni saqlash tashkiloti (JSS) tomonidan kiritilgan. JSST ekspert qo'mitasining "Bolalarning ruhiy salomatligi va psixososyal rivojlanishi" (1979) ma'ruzasida aytilishicha, ruhiy salomatlik buzilishlari ham somatik kasalliklar yoki jismoniy rivojlanish nuqsonlari, ham psixikaga ta'sir qiluvchi va ijtimoiy ta'sir ko'rsatadigan turli xil salbiy omillar va stresslar bilan bog'liq hisoblanadi [3]. Shu bilan birga, ta'rifda sog'lig'ining yomonligi holati ta'kidlanadi.

Adabiyotlarning nazariy tahlili. Manbalarni tahlil qilish shuni ko'rsatdiki, psixik salomatlik muammosi fan va amaliyotning turli sohalaridagi ko'plab tadqiqotchilar: shifokorlar, psixologlar, o'qituvchilar, faylasuflar, sotsiologlar va boshqalarning e'tiborida bo'lgan va hozirda ham o'rganilib kelmoqda. Psixik salomatlik muammoni tushunish va hal qilish uchun ko'plab nazariyalar mavjud. Masalan, A.Maslou psixik salomatlik muammosini shaxs rivojlanishining to'liqligi va boyligi nuqtayi nazaridan ko'rib chiqdi. Uning konsepsiyasi psixik salomatlikning ikkita tarkibiy qismidan iborat: birinchi xususiyati - bu odamlarning ularda bo'lishi mumkin bo'lgan hamma narsaga erishish istagi, o'zini o'zi anglash va o'zini o'zi takomillashtirish orqali o'z salohiyatini to'liq rivojlantirish. Psixik salomatlikning ikkinchi tarkibi

insonparvarlik qadriyatlariga intilish hisoblanadi. A.Maslouning fikricha, o‘z-o‘zini namoyon qiladigan shaxs boshqalarni qabul qilish, o‘z shaxsini tasdiqlash, spontanlik, go‘zallikka intilish, yumor hissi, altruizm, insoniylikni yaxshilash istagi va ijodkorlikka moyillik kabi fazilatlar bilan tavsiflanadi [2].

Yetuk shaxsni rivojlantirish asosida psixik salomatlik muammosi boshqa taniqli olimlar tomonidan yangi mazmunda ko‘rib chiqilgan. V.Frankl ma‘noga intilish g‘oyasini izohlar ekan, S.Byuller fikriga qo‘shiladi, uning nazariyasiga ko‘ra, o‘zini-o‘zi amalga oshirishning to‘liqligi va darajasi shaxsning o‘z ichki mohiyatiga eng mos keladigan maqsadlarni qo‘ya olish qobiliyatiga bog‘liq.

S.Byullerning o‘z taqdirini o‘zi belgilash va o‘zini o‘zi anglash deb ataladi. Bunday hayotiy maqsadlarga ega bo‘lish ruhiy salomatlikni saqlashning shartidir.

S.Byuller o‘zini-o‘zi anglash emas, balki ma‘noni anglashni anglatadi. O‘z-o‘zini namoyon qilish insonning yakuniy manzili emas, deydi. V. Franklning fikriga ko‘ra, har doim muayyan vaziyatdan ma‘no va hayotda biron bir vazifaga tayyor bo‘lmagan odamning o‘zi yo‘qdir. Biz shu narsani, mana shu ma‘noni topishimiz kerak va bolani hayot mazmunini topishga tayyor qilib tarbiyalashimiz kerak [4; 56 b]. Aynan hayot mazmunini anglash psixik salomatlikka ta‘sir ko‘rsatib shaxsning yetukligini ta‘minlaydi.

Salomatlik psixologiyaning juda yangi va faol rivojlanayotgan sohasidir. So‘nggi o‘n yilliklar davomida tadqiqotchilarning qiziqishini uyg‘otadigan salomatlik psixologiyasi asosiy nazariy muammolari sifatida quyidagilar ajralib turadi:

Kasallikning etiologiyasida xulq-atvorning rolini baholash (masalan, saratonning ko‘p turlari parhez, chekish, spirtli ichimliklarni iste‘mol qilish, tibbiy ko‘riklarni e‘tiborsiz qoldirish bilan bog‘liq).

Nosog‘lom xatti-harakatlarning oldini olish (masalan, sog‘liqqa yordam bermaydigan ko‘plab xatti-harakatlar e‘tiqodga bog‘liq, shuning uchun oldini olish e‘tiqodga ta‘sir qilish orqali amalga oshirilishi mumkin).

Psixologiya va fiziologiya o‘rtasidagi munosabatni o‘rganish (masalan, og‘riq hissi xavotir tufayli kuchayishi va qo‘zg‘alish yoki boshqa omillar ta‘sirida zaiflashishi mumkin).

Kasallikni boshdan kechirishda psixologiyaning rolini baholash (kasallikning psixologik ta‘sirini tushunish og‘riq kabi kasallikning klinik ko‘rinishini yengillashtirishga va psixologik simptomlarni kamaytirishga yordam beradi).

Kasallikni davolashda psixologiyaning rolini o‘rganish (kasallik paydo bo‘lganda ham, uni davolashda ham psixologik omillar muhim ahamiyatga ega: shunday qilib, xatti-harakatlarning o‘zgarishi va stress darajasining pasayishi keyingi yurak xurujlari xavfini kamaytirishi mumkin).

Sog‘lom xulq-atvorni saqlashga va tegishli xarakterni shakllantirishga, o‘zini o‘zi boshqarish qobiliyatini oshirishga, jismoniy faollikni oshirishga va hokazolarga yo‘naltirilgan inson xatti-harakatlarining motivlarini o‘rganishga qaratilgan [9].

Salomatlik psixologiyasida ishlashning asosiy maqsadlari psixik va empirik tajriba nuqtayi nazaridan aniq hisoblanadi:

- ✓ chekishni tashlash, giyohvand moddalar, spirtli ichimliklarni iste‘mol qilish;
- ✓ jismoniy faollikni oshirish;
- ✓ tibbiy ko‘riklar muddatlarni oshirish;
- ✓ xavfli jinsiy xatti-harakatlarning pasayishi;
- ✓ ruhiy salomatlikni yaxshilash;
- ✓ yo‘l va maishiy jarohatlarni kamaytirish;
- ✓ zo‘ravonlikni kamaytirish;
- ✓ o‘z-o‘zini boshqarish qobiliyatini oshirish;
- ✓ kasal va qariyalarning hayot sifatini yaxshilash;
- ✓ uyushgan o‘quv va ishlab chiqarish jamoalarida salomatlikni mustahkamlash.

Ko‘pgina ilmiy tadqiqotlar ma‘lumotlarga ko‘ra, AQShda keksalarning yarmidan ko‘pida surunkali kasalliklar kuzatilib, bemorlarga g‘amxo‘rlik qilishning taxminan 75% surunkali kasalliklari qayd qilingan shaxslar kiradi. Ko‘pgina kasalliklarning xavfi sog‘liqqa to‘sqinlik qiladigan xatti – harakatlar noto‘g‘ri ovqatlanish, jismoniy faoliyatning yetishmasligi va boshqalar bilan chambarchas bog‘liq [8]. Ko‘pincha davolanish to‘liq samara bermaydi, chunki bemorlar o‘z odatlaridan ajralmaydilar va shu bilan belgilangan davolanishni samaradorligini pasaytiradi. Xulq-atvorni o‘zgartirishning psixologik mexanizmlarini o‘rganish juda istiqbolli va yuqori texnologiyali tadqiqotlarga qaraganda ancha arzon, ammo ular ko‘pincha e‘tiborsiz qoldiriladi. Shu bilan birga, masalan, ikkinchi turdagi diabetda turmush tarzini o‘zgartirish dori-darmonlarga qaraganda samaraliroq ekanligi ma‘lum va vazn yo‘qotish va jismoniy faollik xavf ostida bo‘lganlarda diabetning oldini oladi [10]. R. Kaplan salomatlik psixologiyasini rivojlantirishning eng muhim vazifalari sifatida sog‘liqni saqlash va tibbiyot psixologiyasi mutaxassislari o‘rtasidagi o‘zaro ta‘sirni kuchaytirish va bemorlarning natijalarini baholash uchun psixologik usullardan foydalanishni ta‘kidlaydi [7].

Tahlil va natijalar. Psixologik salomatlikni shaxsda shakllanishida o'z-o'zini anglash, ijtimoiy xulq-atvor, o'z tanasini qabul qilish ko'nikmalari muhim hisoblanadi.

Psixologik trening mashg'ulotlari natijasida psixolog bemorlarga salomatlikni saqlashga xos bo'lgan mashg'ulotlar o'tkazilishi natijasida sog'liqni saqlash xos bo'lgan muammolarga javob topiladi. Xususan bemorlarga "Mening tanam xaritasi", relaksatsiya mashqlari bemorlar insoning tashqi ko'rinishiga nisbatan munosabatlarni ochib berish, o'z tanasini qabul qilish uchun ichki resurslar qidirishga, o'zining ichki "men"ini tinglashga, eshitishga o'rgatishga, o'z-o'zini hurmat qilishga, tana ehtiyojlarini anglashga yordam beradi.

"Mening tanam xaritasi" mashqi

Maqsad: insoning tashqi ko'rinishiga nisbatan munosabatlarni ochib berish, o'z tanasini qabul qilish uchun ichki resurslar qidirishga, o'zining ichki "men"ini tinglashga, eshitishga o'rgatishga, o'z-o'zini hurmat qilishga, tana ehtiyojlarini anglashga yordam berish.

Inventarizatsiya: devor qog'ozi, cho'tkalar, bo'yoqlar, suv idishi, oddiy qalam, fotoapparat.

Ish vaqti: 20 – 30 daqiqa.

- 1) mijozga uning ichki "men"ini tinglashni va eshitishni o'rgatish;
- 2) o'z-o'zini hurmat qilishni oshirish;
- 3) mijozga o'z tanasining haqiqiy ehtiyojlarini tushunishda yordam berish.

Asosiy qism. Begilangan vaqt davomida ishtirokchilar tabiiy landshaftlardan foydalangan holda o'z tanalari xaritasini tuzadilar. Olingan konturda dengizlar, daryolar, ko'llar, sharsharalar, cho'llar, o'rmonlar, ko'chatlar, bog'lar, soyalar, tekisliklar, muzliklar va boshqalarni joylashtirish kerak.

Keyin, quyidagi masalalar bo'yicha rasm chizish jarayoni va uning natijalari haqida munozara o'tkaziladi:

- Tasvirni yaratishda qanday tuyg'ularni boshdan kechirgansiz?
- Hozir o'z tanangiz haqida qanday fikrdasiz?
- Tasvir orqali nimani his qilmoqdasiz?
- Tasvir orqali ichki resurslaringizni kashf qiling?
- Tashqi ko'rinishning qaysi qismlari sizga ko'proq yoqadi?
- Tasvir orqali nimani tushundingiz?
- Chizgan tasviringizni qabul qilasizmi?
- Sizning fikringizcha, u qanchalik mukammal bo'lib chiqdi?
- Yaratilish vaqtida tasvirning vizual jozibasi haqida o'yab ko'rganmisiz?
- Olingan tasvir hayotingiz bilan qanday bog'liq?
- Tasvir o'zingiz bilan bo'lgan munosabatlaringiz haqida nimani aytib berishi mumkin?

Mumkin bo'lgan talqin:

– odam peyzajlardan qanchalik ko'p foydalansa, u o'z tanasini shunchalik yaxshi biladi va o'zgarishlardan cho'chimaydi;

– oyoqlar – iroda kuchi, insoniy fikrlar, ichki kuch;

– qo'llar – aniq harakatlarning kuchi, harakatlarning so'zlardan ustunligi;

– tog'lar – kelajak istiqbollari;

– suv: dengiz, ko'l, tinch daryo – dam olish bilan bevosita bog'liq intuitiv inson resursi;

– sharshara – insonning intuitiv-hissiy manbai bo'lib, u mustahkamlanib, ushbu tana elementi boshqalarga ochiq namoyish etilganda ishlaydi;

– o'tloqlar, soyalar, ko'katlar, gullar – energetik jihatdan inson tanasining "motor" i bo'lgan eng boy joylar; bu tabiatan insonga xayriya qilingan manbalar;

– cho'llar – odamning energetik-quvvati past bo'lgan joylar;

– muzliklar – bu resurslar, ammo potensial jihatdan juda uzoq; ular kelajakda odam tomonidan ishlatilishi mumkin yoki uning noaniqligi yoki qat'iyatsizligini aks ettirishi mumkin. Tuyg'ularning etishmasligi "muzlash" holatini anglatadi.

– o'rmonlar – qanchalik qalin bo'lsa, odam shuncha chuqurlikda o'z tanasidan, uning alohida elementlaridan noroziligini yashirishga urinib ko'radi, bu salbiy his-tuyg'ularni yashirishga intiladi.

Ushbu art terapiya mashg'uloti orqali ijobiy va salbiy his-tuyg'ularni ko'rish mumkin. Mashqni bajarish davomida trener mijozni qo'llab-quvvatlashi va unga o'z resurslarini anglash imkoniyatini berishga muhimdir.

Relaksatsiya "Dam olish joyi" mashqi (M. Loskalzo, 1996-y.)

Maqsad: Ishtirokchilarda jismoniy va ruhiy zo'riqlashlarni kamaytirish, ijobiy emotsiyalarni rivojlantirish.

Ushbu mashqni bajarish uchun qulay holatda o'tirib oling. Ko'zlarinigizni yuming va nafas olishingizga e'tibor bering. Diafragma bilan nafas olishga harakat qiling (“qorin bilan nafas olish”). Sekin, ritmik va chuqur nafas oling. So'ngra ko'z oldingizga keltiring qayerda, qachonlardir o'zingizni qulay va xavfsiz his qilgan joyingizni. Xotirangiz sizni ushbu yoqimli va tinch joyga olib borishiga imkon bering. Siz u yerda bo'lganingizda nimani ko'rganingizni, eshitganingizni, qanday hid va hislarni his qilganingizni eslang. O'sha paytdagi xotiralarga qaytish uchun o'zingizga 8 –10 daqiqa vaqt bering. Agar biror narsa sizni chalg'itsa, yana chuqur nafas olib nafas chiqaring va yana o'sha xavfsiz va qulay joyga qayting. Mashqni tugatgandan so'ng, asta-sekin ko'zlarinigizni oching va yoqimli narsalar haqida o'ylang. Ushbu mashqni dam olish yoki tinchlanishni, ruhan yengil bo'lishni hojlaganingizda bajarishga harakat qiling. Mashqni bajarish sizga yengilik va dam olish kayfiyatini beradi.

Yuqorida ko'rsatilgan dasturda keltirilgan amaliy mashg'ulotda eksperimental guruhda qantashgan 22 ta bemor uchun 8 ta mashg'ulot 40-45 minutga mo'ljallangan maxsus psixoterapevtik dastur ko'rinishida tuzildi, shuningdek maqsad insult o'tkazgan bemorlarning emotsional sohasiga psixologik ta'sir ko'rsatish ekanligini inobatga olgan holda, mashg'ulotlar davomida sinaluvchilarning o'z hissiy kechinmalari to'la ochiq, erkin, obyektiv, tezkorlik bilan namoyon qilishlariga diqqat qaratildi. Dastur mashg'ulotlari uzviylik, tizimlilik, integrativlik va yaxlitlik tamoyillari asosida olib borildi.

Eksperimental guruhda insult o'tkazib, shifokorlar tavsiyasi bilan 6 oy oraliq vaqtda kasalxonalarining nevrologiya bo'limlarida davo muolajalarini olayotgan bemorlar qatnashdi.

Korreksiyaadan keyin o'ng va chap miya yarim sharlari zararlangan bemorlar natijalari o'rtasidagi statistik farqlarga ko'ra reaktiv xavotir o'rtasida farqlar mavjud ($t=2,25$; $p\leq 0,05$), shuningdek sinaluvchilarning o'z-o'zini his qilish darajalari bo'yicha ham tafovut aniqlandi ($t=1,81$; $p\leq 0,10$). Asosan o'ng yarim sharlar bemorlaridan ko'ra chap yarim bemorlarda vaziyatga nisbatan xavotir kuchli, ular insult kasalligini bilgan kundan boshlab o'zlarining holatlaridan juda qattiq ta'sirlanadilar. Ikkala buzilishlaridagi bemorlarni solishtirilsa, ularda emotsional holatlar farq qilishi o'z-o'zini his qilish darajasidagi farqlar asosida kuzatish mumkin (1-jadval).

1-jadval.

Korreksiyaadan keyin o'ng va chap miya yarim sharlari zararlangan bemorlar natijalari o'rtasidagi statistik farq (n=22)

		M ₁ (o'ng)	M _{2(ch)} (ap)	t – statistik farq ko'rsatkichi
Spilberger -Xanin so'rovnomasini	Reaktiv xavotir	43,72	40,4	2,25**
	Shaxsiy xavotir	41,18	40,1	0,89
HFK	O'z-o'zini his qilish	4,41	4,01	1,81*
	Faoliyat	3,2	3,09	0,44
	Kayfiyat	4,41	4,53	-0,59

Izoh: * $p\leq 0,10$; ** $p\leq 0,05$; *** $p\leq 0,01$.

Xulosa. Salomatlik psixologiyasi salomatlik, kasallik va sog'liqni saqlash kontekstidagi psixologik va xulq-atvor jarayonlari haqidagi fan sifatida ta'riflanadi [6; 114 b], ammo chinakam psixologik bilimlarga kam e'tibor va ishonch beriladi. Salomatlik psixologiyasi sohasidagi tadqiqotlarning asosiy qismi shaxsning hayot mazmuniga borib taqaladi. Psixologik trening mashg'ulotlari asosan salomatlikni saqlash, o'z tanasiga qabul qilish, bemorlik pozitsiyada bo'lgan shaxsni ijobiy emotsiyalarni shakllantirishga qaratilgan.

Adabiyotlar:

1. Здоровье детей: биологические и социальные аспекты. Метод. пособие / Под ред. М.Г. Романцова. СПб.: Российский государственный педагогический университет им. А.И. Герцена, 1999. – 48 с.
2. Маслоу А. Самоактуализация. Психология личности. /Под ред. Ю. Б. Гиппенрейтер, А.А. Пузырей. М., 1983. – 456 с.
3. Психическое здоровье детей и подростков в контексте психологической службы. Руководство практического психолога / Под ред. И.В. Дубровиной. 4-е изд. Екатеринбург: Деловая книга, 2000. – 176 с.
4. Франкл В. Человек в поисках смысла. – М., 1990. – 380 с.

5. Энциклопедический словарь медицинских терминов. М.: Медицина, 2005. – 600 с.
6. Johnston M. Current trends // The Psychologist. 1994. № 7.
7. Kaplan R. M. Health Psychology: Where Are We And Where Do We Go From Here // Health psychology. 2009. № 7. 1.
8. Mokdad A. H., Marks J. S., Stroup D. F., Gerberding J. L. Actual causes of death in the United States, 2000. Journal of American Medical Association. 2004. № 291 (10).
9. Ogden J. Health psychology. N.Y., 2007
10. Tuomilehto J., Lindstrom J., Eriksson J. G., Valle T. T., Hamalainen H., Ilanne-Parikka P., et al. Prevention of type 2 diabetes mellitus by changes in lifestyle among subjects with impaired glucose tolerance // New England Journal of Medicine. 2001. № 344 (18).

Rajabov Azamat Sharifovich,

Osiyo xalqaro universiteti o'qituvchisi, Buxoro davlat universiteti mustaqil tadqiqotchisi

BO'LAJAK MUSIQA FANI O'QITITUVCHILARINING KREATIV KOMPETENTLIGINING IJTIMOY-PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI

Annotatsiya. Ushbu maqolada bo'lajak musiqa fani o'qituvchilarining kreativ kompetentligining ijtimoiy-psixologik xususiyatlari nazariy hamda empirik tadqiqotlar natijasida to'plangan ma'lumotlar asosida rivojlanganlik darajasi qiyosiy baholanib, psixologik nazariyalar hamda psixodiagnostik tahlillar ochib berilgan.

Kalit so'zlar: kompetentlik, kreativlik, o'zini-o'zi faollashtirish, kompetensiyalar, konvergent fikrlash, psixologik kompetensiyalar, ijodiy fikrlash.

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ ТВОРЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ МУЗЫКИ

Аннотация. В данной статье на основе данных, собранных в результате теоретических и эмпирических исследований, психологических теорий и психодиагностического анализа, проводится сравнительная оценка социально-психологических особенностей творческой компетентности будущих учителей музыки.

Ключевые слова: компетентность, креативность, самоактивация, компетенции, конвергентное мышление, психологические компетенции, творческое мышление.

SOCIAL AND PSYCHOLOGICAL CHARACTERISTICS OF CREATIVE COMPETENCE OF FUTURE MUSIC TEACHERS

Abstract. In this article, the socio-psychological features of the creative competence of future music teachers are comparatively evaluated on the basis of the data collected as a result of theoretical and empirical research, psychological theories and psychodiagnostic analyzes are revealed.

Keywords: competence, creativity, self-activation, competencies, convergent thinking, psychological competencies, creative thinking.

Kirish. Ko'pgina psixologik manbalarni tahlil qilar ekanmiz, bugungi zamonaviy psixologiya fanida bugungi kunda «kreativlik» atamasining yagona talqini mavjud emasligini ko'rishimiz mumkin. Olimlar tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda kreativlik bilan bog'liq bo'lgan ko'plab tushunchalarni topish mumkin. Ijodkorlik, ijodiylik, ijodiy, evristik, sermahsul, ijodiy motivatsiya, o'z-o'zini faollashtirish, o'zini-o'zi ro'yobga chiqarish, divergent, lateral fikrlash, ijodiylik qobiliyati, ijodiy faoliyat kabi tushunchalar kreativlik muammosi bilan bog'liq konseptual ro'yxatning bir qismi hisoblanib, mazkur tushunchaning noaniqligi va xilma-xilligini yanada kuchaytiradi.

Chet ellik mutaxassislarning kreativlik tushunchasi to'g'risida, uni tushunish, shuningdek, tadqiq qilish to'g'risidagi mulohazalari ushbu hodisaning imkoniyati va ahamiyatini belgilab turibdi.

Adabiyotlar tahlili va metodologiya. Kreativlik muammosini tadqiq qilishining ko'plab yo'llari borligini ko'rishimiz mumkin. Jumladan, dastlabki yo'nalish ushbu masalani o'zining mahsulotlari yuzasidan o'rganadi. Aniqrog'i bunda ijodiy mahsulotning eng zaruriy xususiyatlari: miqdori, sifati va ahamiyati tahlilga tortiladi. M.Ferson, K.Teylor, D.Teylor kabilar mazkur yondashuv tarafdorlari sanaladi.

Keyingi yo'nalishda esa kreativlik har bir jarayon, albatta, ijodiy jarayonning ham ibtidosi, vaqt tadriji, evrilishi va shunga mos ravishda qandaydir intihosiga ega bo'lmog'i lozim. Biz mazkur holatda obyektiv yoki ideal (fikir) dan ijodiy mahsulot haqida so'z yuritishimiz qiyin. Shu bois mazkur yo'nalish ijodiy fikrlash jarayonining har xil etaplarini, darajasini hamda turlarini aniqlash orqali baholaydi.

Ijodiy jarayonni tadqiq etishda psixoanalitik nazariyasi ham muhim ahamiyat kasb etadi. Bu nazariyaning asoschisi Z.Freyd ijodiy harakatni libidoz quvvatning sublimatsiyasi natijasi sifatida baholagan. Bundan xulosa qilish mumkinki, shaxsning ijodiy salohiyatini tadqiq qilish uchun proyeksion usuldan foydalanish asosligi ekanligini qayd etish lozim.

Uchinchi yo'nalish kreativlikni avvaldan berilgan salohiyat – qobilyat deb taqqdqiq qiladi. Ushbu borada dastlabki tadqiqot sifatida K.Simpsoning tomonidan olib borilgan izlanishlarni kiritishimiz mumkin. K.Simpson kreativlikni stereoptik fikrlash yondashuv usulidan voz kechish deb baholagan bo'lsa, Z.From

esa kreativlik (ijod)ni hayratga tushish va o‘rganish, noodatiy vaziyatlarda yechim izalsh orqali tadqiq qilish va o‘z tajribasini anglab yetish salohiyati ekanligini asoslab bergan.

Xorijiy psixolog olimlaridan Dj.Gilford va E.P.Torrensning kreativlik masalasidagi ilmiy izlanishlari ahamiyatlidir. Dj.Gilford kreativlikni oldindan berilgan salohiyat sifatida tushuntiradi. Ushbu olimlarning ilmiy izlanishlari kreativlikni psixodiagnostik baholash hamda insonning kognitiv omillari bilan uzviy bog‘liqlik darajasini tadqiq qilishga qaratilgan bo‘lib, E.P.Torrens asosan kreativlikning dinamik xususiyatlarini o‘rgangan. E.P.Torrens kreativlikni takomillashtirishga qaratilgan maqsadli ta‘sir qilish imkoniyatini iste‘dod sifatida qaraydi [5].

Yana bir yo‘nalishda K.Goldshteyn, K.Rodgers, N.Rodgers, A.Maslou va boshqa olimlar ijodiy jarayonni shaxsning «o‘zini-o‘zi faollashtirish» bilan bog‘liq jarayon ekanligini ta‘kidlashgan. «O‘zini-o‘zi faollashtirgan shaxsning ijodkorligi go‘yoki madaniyat ta‘sirida buzilmagan bolaning kreativligiga o‘xshaydi. Kreativlik inson tabiatining eng asosiy xususiyatlaridan biri bo‘lib, u tug‘ilishidanoq har bir insonga beriladigan salohiyatdir» [5].

R.Stenberg ijtimoiy-psixologik yondashuvda esa kreativlikni «sog‘lom aql va intellektning dialektik o‘zaro ta‘siri» deb hisoblaydi [4]. Intellekt jamoatchilik ehtiyojlarini qondirish jarayonida samarali qo‘llaniladi. «Kreativlik o‘zini jamoatchilik muammolariga shubha bilan qaraydi va o‘zini unga qarshi qo‘yadi, yangilarini taklif qilib boradi. Sog‘lom aql esa «eski va yangilar o‘rtasidagi muvozanatni ta‘minlaydi», «jamiyat kontekstidagi o‘zgarishlar va barqarorlik»ka erishadi.

Intellektni R.Stenberg «atrof-muhitga moslashish qobiliyati» deb hisoblaydi. Muvaffaqiyatli moslashish belgisi esa mukofot olishdir (keng ijtimoiy-iqtisodiy ma‘noda). Kreativlik «sifat jihatidan yuqori emas, balki yangi mahsulot ishlab chiqarish qobiliyati» deb ta‘riflanadi [5].

«Intellektli odamlar tomonidan ishlab chiqarilgan mahsulotlar sifati yuqori, lekin, albatta, yangi bo‘lishi shart emas». Muallifning taxminicha, ko‘plab yuqori kreativli shaxslar «olomonga qarshi chiqishadi». Shundan kelib chiqib, muallif «kreativlik faqat uni hukm qiluvchi tizim kontekstida ahamiyat kasb etadi», «bir tizimda kreativ bo‘lgan narsa boshqa bo‘lishi mumkin emas», degan xulosaga keladi [3].

J.P.Gilford o‘z tadqiqotlarida konvergent va divergent fikrlash (tafakkur) o‘rtasidagi sifatli tafovutlarga alohida e‘tibor qaratdi. Uning ilmiy izlanishlari tufayli bu masala tadqiqotchilar e‘tiboriga tushdi va amaliy ta‘lim muammolarini hal qilish bugungi kunda muhokama qilinmoqda.

Konvergent fikrlash chiziqli, mantiqiy (diskursiv) fikrlashni nazarda tutadi, bu muammoni yagona to‘g‘ri yechimini o‘z ichiga oladi. Divergent fikrlash butunlay boshqa yo‘nalishga ega. Bu holda bir nechta yechimlarning prinsipial imkoniyati birinchi o‘ringa chiqadi. «Divergentli» ong innovatsion yo‘llar, noan‘anaviy g‘oyalarni topishga qaratilgan.

Shuningdek, J.Gilford kreativlik mezonlari bo‘lgan ijodiy fikrlash jarayonida uchta asosiy belgilovchi omil mavjud deb hisoblaydi:

- Tezlik;
- Moslashuvchanlik;
- Originallik.

Biz moslashuvchanlik ko‘rsatkichini muammoning bir jihatdan boshqasiga oson o‘tish, muammolarni hal qilishda integrativ va sinergetik va innovatsion yondashuvlardan foydalanish qobiliyati deb izohlasak maqsadga muvofiq deb o‘ylaymiz. Bunday kompetentlikka ega bo‘lgan shaxs innovatsion yondashuvlarni osonlik bilan o‘zlashtiradi.

G‘oyalarning o‘ziga xoslik ko‘rsatkichi ko‘pchilik psixologlar tomonidan kreativlik fikrlashning asosiy xususiyati sifatida e‘tirof etiladi. Originallik deganda yaqqol va oddiydan farq qiluvchi yuksak g‘oyalarni ilgari surish qobiliyati tushuniladi.

G.Alder kreativ odamni tasvirlab, unda umumiy prinsipni, g‘oyani yoki fikrni bilish sharti bilan yo‘qolgan aloqalarni, tafsilotlarni osongina tiklash, ba‘zi rag‘batlantiruvchi ma‘lumotlar asosida to‘ldirish qobiliyati mavjudligini ta‘kidlaydi.

G.Alder insonning konvergent fikrlash qobiliyatini alohida ta‘kidlab, uni faqat to‘g‘ri javobni topishga qaratilgan aqliy faoliyat, kerak bo‘lganda, tafsilotlarga e‘tibor berish qobiliyati deb ta‘riflaydi. Tadqiqotchilarning fikricha, divergent fikrlash qobiliyati konvergent tafakkurning teskarisidir. U hech narsa bilan chegaralanmagan bo‘lib, bu holda yagona to‘g‘ri javob yo‘q. Bu xususiyat ijodiy fikrlashning immanent (ichki) xususiyati maqomiga ega. Kreativlikni o‘lchashning psixometrik usullari aynan shunga asoslanadi

G.Alderga ko‘ra, eng qiyin vazifalarni oldindan aytib bo‘lmaydigan natijalari bilan hal qilishda tavakkalchilikka tayyorlik, umum e‘tirof qilingan fikrlarga qarshi borish kreativli shaxslarning eng yorqin xususiyatlaridan biridir.

Veysbergning nuqtayi nazari ham juda qiziq. Unga ko'ra, «ijodkorlik» degan tushuncha mavjud emas, divergentli fikrlash, daholik, noyob badiiy iste'dod ijod fani tomonidan yaratilgan afsonalardan boshqa narsa emas.

Kreativlikning birinchi tadqiqotchilari orasida L.Terstoun (1935) bo'lib, u ijodiy qobiliyat va o'rganish qobiliyatlari o'rtasidagi farqga e'tibor qaratdi. U ijodiy faoliyatda nointellektual omillar, birinchi navbatda temperamentning roliga e'tibor bergan. Insonning yangi g'oyalarga bo'lgan moyiligi muammoni hal qilish paytida emas, balki, eng avvalo, diqqatning beqarorligi paytida yuzaga keladi.

Kattalardagi kerativlik va intellekt o'rtasidagi munosabatlarning ko'pgina tadqiqotlar bu borada mualliflarning talqinida juda katta tafovutlar borligini ko'rsatgan.

Ch.Bert va Ye.Torndayk bu ko'rsatkichlar o'rtasidagi bog'liqlik, albatta, past bo'ladi, lekin divergent fikrlashni umumiy qobiliyatini o'rganadigan test batareyasiga kiritish zarur va muhim, deb hisoblashgan.

E.P.Torrans kreativlikni bilimlardagi sayozliklar, kamchiliklar, yetishmayotgan elementlar, noqulaylikni jiddiy qabul qilish qobilyati sifatida talqin qiladi. Odamzodning ijodiy jarayoniga muallif qiyinchilik hissi, yechimni izlash, unutilgan mulohazalarni yaratish, shakllantirish, ushbu mulohazalarni sinovdan o'tkazish, ularni o'zgartirish va natijalar haqida hisobot berish qobiliyatini o'z ichiga oladi.

Djoy Pol Gilford va P.Torrans kreativlikning ongdan, idrokdan batamom mustaqilligini ta'kidlab, o'z ilmiy izlanishlarida ular orasidagi korrelyatsiya munosabatlarida ayrim qonuniyliklar mavjudligini aniqlashgan. Ular tomonidan quyidagi bog'liklar aniqlangan: aql ko'rsatgichi baland bo'lsa, respondentlarda ijodkorlik natijalarining foizlar shuncha baland bo'ladi. Baland intellektli odamlarda ijodkorlik ko'rsatgichi kam ekanligi aniqlangan esa-da, IQ ko'rsatgichi past kishida hech qachon baland ko'rsatkichlar aniqlanmagan. P.Torrans "intellektual chegara nazariyasi"ni ishlab chiqadi. Vaholanki IQ 115-120 ko'rsatkichdan past bo'lsa, intellekt hamda ijodiy bir xil bo'ladi. Mabodo IQ 120 ko'rsatkichdan yuqori bo'lsa, ijodkorlik va intellekt mustaqil bo'ladi.

Maktab o'quchilarining kreativligini o'rganish doirasida intellekti past bo'lgan kreativlarning bo'lmasligi, lekin kreativligi past bo'lgan intellektallar (Guilford 1968, Torrance 1963) borligini va bu ko'rsatkichlar o'rtasida chegara munosabatlari mavjudligi P.Torrans tomonidan ta'kidlanganligi muhimdir. Boshqacha qilib aytganda, IQ koeffitsiyentining ma'lum minimal qiymati bo'lgandagina ijodiy salohiyat aniqlanishi mumkin. IQ koeffitsiyentining qiymati bo'yicha yuqori chegara mavjud bo'lib, unga qadar kreativlik va shaxsning umumiy aqliy qobiliyatlari darajasi o'rtasidagi muayyan munosabatlarni aniqlash mumkin. Bu qiymatdan yuqori bo'lgan intellekt va kreativlik o'rtasida hech qanday bog'liqlik yo'q.

Psixodinamik yondashuv doirasida ijod muammosining qiziqarli talqiniga guvoh bo'lamiz. Z.Freydga ko'ra, ijodiy faoliyat – bu jinsiy instinktlarning sublimatsiyasi, ya'ni ibtidoiy, nomaqbul, tasniflanmagan impulslarni yuqori, madaniy, ma'naviy va tasniflangan impulslarga o'tadi. Z.Freydning ta'kidlashicha, u taklif etgan ijodiy energiyani shakllantirish mexanizmi g'arb fani va madaniyatida katta yutuqlarga asosiy turtki bo'lgan [9].

K.Yung Z.Freyd ta'limotini davom ettirib, ijod hodisasiga katta qiziqish ko'rsatgan va uni shaxsning tarkibida «kollektiv ongsizlik»ning chuqur qatlamning namoyon bo'lishi deb biladi. K.Yungning fikricha, «jamoaviy ongsizlik»da yotgan tug'ma g'oyalar yoki xotiralar (arxetiplar) ijod manbai bo'lib, ko'pincha madaniyatda rasm, adabiyot va dinda uchraydigan ramzlar shaklida aks etadi.

A.Adler ham Z.Freyd ta'limotiga qo'shilgan holda «ijodkorlik» tushunchasini «Men – kreativlik» g'oyasi orqali ochib beradi. U inson o'z shaxsiyatini o'zi yaratadi, o'z taqdirining egasi bo'lib, kim bo'lishi va u o'zini qanday tutishi uchun javobgardir. Men – kreativlik har bir insonni erkin shaxsga aylantiruvchi ijodiy kuchdir. Tanlov erkinligida shaxsning o'z-o'zini aniqlash va o'ziga xosligi namoyon bo'ladi, deb hisoblaydi [7].

Freydchilarning qarashlari individual o'ziga xosliklariga ega bo'lib, ijod manbalari kishilar ongi va bilimidan tashqarida yotadi, degan fikrda umumlashadi.

Insonda ijodiy tomonning ustuvorligini tan olish gumanistik psixologiyaning eng muhim konsepsiyasidir (G.Olport, A.Maslou, K.Rodgers, N.Rodgers va boshqalar). A.Maslouning fikricha, kreativlikning dastlabki manbai – o'z-o'zini amalga oshirish ehtiyoji, shaxsning o'z iste'dodlari, qobiliyatlari va salohiyatidan to'liq foydalanishdir. O'z asarlarida shunday yozadi: «Odamlar kim bo'lishi kerak bo'lsa, shunday bo'lishlari lozim. Ular o'z tabiatiga sodiq bo'lishi kerak» [5]. O'z-o'zini faollashtirishda shaxs integratsiyasi yotadi, shu orqali bo'linishni yengadi, o'z imkoniyatlarini, borliq mohiyatiga yaqinliklari namoyon bo'ladi.

K.Rodgers, G.Olportlarning fikricha, shaxsiy o'sish uchun motivatsiya katta murakkablik va to'liq faoliyat yo'nalishi bo'yicha rivojlantirish uchun barcha odamlarga turtki beradi. K.Rodgersning namoyon bo'lish konsepsiyasi motivatsiya, zo'rliq, ehtiyojlar va ijodkorlikning butun sohasini o'z ichiga oladi. Ijod

mahsullari (g‘oyalar, loyihalar, harakatlar) va ijodiy turmush tarzi «yaxshi» hayot kechirayotgan insonda namoyon bo‘ladi. «Yaxshi hayot-bu jarayon, holat emas. Bu yo‘nalish, maqsad emas» [4].

F.Djakson va S.Messik bir tomondan, ijodiy mahsulotni baholashning batafsil, konseptual sxemasi mezonlarini va boshqa tomondan, ularni qondiradigan mahsulotni yaratish ehtimolini oshiradigan shaxsiy xarakteristikalarini ilgari surishgan. Ular ijodiy mahsulotning 4 muhim xususiyatlarini aniqlaydi:

- 1) noodatiylik;
- 2) foydalilik yoki muvofiqlik;
- 3) transformatsiya;
- 4) kondensatsiya.

Ijodiy mahsulotning birinchi xarakteristikasi – bu noodatiylik. Ushbu xususiyatlarga ega mahsulotlarni yaratish shaxsning relevant kognitiv bilim uslubiga ega ekanligini nazarda tutadi. Ular g‘ayrioddiy javoblarni ishlab chiqishga sabab bo‘luchvi tegishli uslublar orasida shaxsning o‘tmishdagi tajribasiga zid bo‘lgan ma‘lumotlar uchun nomuvofiqlik va bag‘rikenglik uchun tolerantlikni ko‘rsatib o‘tishadi.

Ushbu mahsulotning ikkinchi xarakteristikasi – foydalilikdir. Atrofdagilarning talablariga nisbatan sezgir bo‘lgan odamlar tomonidan u osonroq anglashiladi. Bu sezgirlik predmetning alohida jihatlari o‘rtasidagi munosabatlarni ongli tahlil qilish bilan bog‘liq bo‘lishi mumkin, lekin uning intuitiv idrokiga asoslangan sezgirlik ham mavjud.

Idrok va tafakkurning intuitiv turi introvertlashgan shaxs tipida ko‘proq uchraydi. Shunday qilib, ijodiy mahsulot shaxsning yangi bilimlariga qaraganda yangi qarashlarga ko‘proq bog‘liqdir.

Uchinchi xarakteristika – ijodiy mahsulotning transformatsion qobiliyatlari – ramziy reprezentatsiya, stereotipik faoliyat yuritish yoki shaxsning bevosita ehtiyojlaridan qat‘i nazar, narsalar qanday bo‘lsa, shunday ko‘rish qobiliyatini aks etadi.

To‘rtinchi xarakteristika – kondensatsiya, ya‘ni ijodiy yutuqlar vaqt o‘tishi bilan noyob barqarorlikni ko‘rsatadi, bu yutuqlarning yanada yangi jihatlarni ochib beradi.

Bunday mahsulotlarni yaratishga qodir bo‘lgan kishi kognitiv va hissiy fazilatlarining turli xil, hatto ziddiyatli birikmasiga ega bo‘lishi kerak deb taxmin qilinadi.

Xorijiy psixologlarining tadqiqotlari kreativlik tushunchasining turlicha tahlil qilinishini ochib berdi. Bizga P. Torrens tomonidan kreativlik jarayoniga berilgan ta‘rif yaqindir: «Kreativlik – bu quyidagi tarkibiy qismlari bor bo‘lgan jarayondir: muammolarga sezgirlik, o‘z bilimidan norozilik va bilim yetishmasligini sezish, yetishmayotgan elementlar va noqulayliklarga sezgirlik, muammolarni aniqlash, yechimlar qidirish, taxminlarni qidirish, gipotezalarni shakllantirish, bu gipotezalarni tekshirish va qayta tekshirish, ularni o‘zgartirish va natijalarni umumlashtirish» [7].


«Kreativlik» atamasining o‘zganilishi shuni ko‘rsatadiki, «ijod» olimlarchilar tomonidan qobiliyat, motivatsiya, tafakkur kabi tarkibiy qismlarni o‘z ichiga shaxslar faoliyatini alohida turi kabi izohlanib, insoniyat tarixiga qo‘shgan hissasini belgilaydi. «Ijod» tushunchasi umumiyroq bo‘lib, kreativlikni o‘z ichiga oladi va subyektiv jihatlardan tashqari, yangilik jarayonini ham aks ettiradi.

Natijalar. Bo‘lajak musiqa fani o‘qituvchilarda kreativ fikrlashning namoyon bo‘lishiga individual-refleksiv omillarning bevosita ta‘siri nostandart vaziyatda yechim topish qobiliyatiga hissiy sezitivlik (sezgirlik)ni singdirish orqali ijobiy o‘zgarishi tufayli semantik va spontan (o‘z-o‘zidan paydo bo‘luvchi) moslashuvchanlikni rivojlanishiga to‘g‘ri proporsional bo‘lganligini empirik ma‘lumotlar ham tasdiqlab turibdi (1-jadval, 1-rasm).

1-jadval.

Bo‘lajak musiqa fani o‘qituvchilarda kreativ fikrlashning namoyon bo‘lishi

№	Omillar	Yigitlarda		Qizlarda	
		M ₁	S	M ₂	S
1	Obyektiv fikrlash	5,2	2,01	5,5	3,8
2	Ramziy fikrlash	4,9	3,24	5,7	2,4
3	Belgili fikrlash	5,6	3,01	4,8	2,1
4	Ramziy fikrlash	6,1	1,99	6,9	2,5
5	Ijodkorlik	5,8	2,53	6,9	2,3



1-rasm. Bo'lajak musiqa fani o'qituvchilarda kreativ fikrlashning namoyon bo'lishi

Ilmiy izlanishlarimiz davomida empirik ma'lumotlarni qo'lga kiritish maqsadida Bruner fikrlash va ijodkorlik metodikasidan samarali foydalandik. Ushbu metodika asosan shaxslardagi fikrlash turlari, narsa va hodisalar yuzasidan tegishli xulosa chiqarish va kreativlik mezonlarining rivojlanganlik darajasini baholashda qo'llaniladi. Mazkur metodika 16-30 yoshdagi shaxslarni tadqiq qilish uchun mo'ljallangan bo'lib, tadqiqotimizda ushbu metodikani oliy ta'limning tahsil musiqa ta'lim yo'nalishining 1-bosqichiga qabul qilingan 290 nafar respondentlarga qo'lladik va talabalarni gender jihatdan olgan natijalarini ham qiyosiy tahlil qildik (2022-2023-o'quv yili). Olingan dastlabki tekshruv natijalarini tahlil qilar ekanmiz past yoki o'rtacha qiymatning quyi ko'rsatkichlari namoyon bo'ldi. Xususan, qizlarda obyektiv fikrlash omili 5,5, yigitlarda 5,2 ball ekanligi ularda fikrlash jarayonida obyektiv harakatlar orqali axborotni qayta ishlashni amalga oshirish, muammolarga, atrof-dagi vaziyatlarga sezgirlik, fikrlash operatsiyalarni izchil bajarish ya'ni, amaliy jihatdan atrof-muhitga munosabat bildirish darajasining pastligi va bu yangicha fikrlash imkoniyatining cheklanganligi bilan izohlanadi.

Ramziy fikrlash omilida ham qizlarda (5,7 ball), yigitlarda (4,9 ball) ham past qiymat qo'lga kiritilganligini, tafakkurning mantiqiy shakllari, aniq hukmlar asosida ma'lum xulosa chiqarish, bunda ko'pincha vaqt tanqisligi sharoitida yuzaga keladigan va xatti-harakatlarning maqsadini aniqlash, reja loyihalarni ishlab chiqish bilan bog'liq sifatlar yaxshi shakllanmaganligini ko'rishimiz mumkin.

Belgili fikrlash omili yigitlarda 4,8 ball bo'lsa, qizlarda 5,6 ballni ko'rsatdi. Demak, gumanistik fikrlash, ularning hayoti hamda faoliyati davomida uchraydigan mayda detallarga bo'lgan munosabati nisbatan past darajadiligini, ramziy fikrlash omilida esa yigitlar 6,1 ballni, qizlar 6,9 ballni qo'lga kiritib, o'rtacha darajada rivojlanganligini ko'rsatdi.

Bundan tashqari "ijodkorlik" omili bo'yicha ham qiziqarli ma'lumotlarni qo'lga kiritdik. Gender jihatdan Bruner uslubi bo'yicha qizlarda yigitlarga nisbatan ushbu omil yuqoriroq darajada ekanligini ko'rishimiz mumkin. Bruner ushbu omilga mansub shaxslarni "qiziquvchan", "atrof-muhitni tushunish zaruriyati mavjud", "go'zallikka estetik ehtiyoj sezadigan", "simmetriya", "tartib va soddalik" kabi sifatlarga ega deb tahriflaydi. Yosh yigitlarga nisbatan qiz talabalar "o'ziga xoslikka intilish", "odatdagidan voz kechish", shuningdek "yuqori darajadagi bilim", "voqealarni tahlil qilish", "ularni taqqoslash", "nazariy va amaliy bilimlarni nisbatan tez va oson o'zlashtirish" ga ega ekanligini ko'ramiz. Shu bilan bir qatorda Dj.Bruner o'zining risolalarida shaxslarda "ijodkorlik" sifati qanchalik yuqori darajada bo'lsa, ularda ijtimoiy munosabatlarda shunchalik qiyin bo'ladi deb ta'kidlaydi. Bo'lajak musiqa fani o'qituvchilarining kreativlik sifatlarini rivojlantirishda Dj.Bruner omillarini tadqiq qilish va ushbu sifatlar asosida korreksion dasturni ishlab chiqish, albatta, ulardagi kreativlik samaradorligini oshirishga xizmat qiladi.

Bo'lajak musiqa fani o'qituvchilarida divergent tafakkurning namoyon bo'lishiga individual reflektor omillarning bevosita ta'siri semantik va spontan moslashuvchanlikning rivojlanishiga mutanosib bo'lishiga asoslanadi.

Divergent fikrlashning namoyon bo'lishi individual omillar ta'siri ostida semantik va spontan (o'z-o'zidan) moslashuvchanlikni rivojlantirish bilan bevosita mutanosibdir.

Talaba-yoshlarning fikrlash jarayoniga ijodkorlik omillarining ta'siri natijasida ijodiy tasavvur individual ijodiy xususiyatlardan farqlanib rivojlanadi.

Musiqa fani o‘qituvchisining pedagogik-psixologik kompetentligi ko‘rsatkichlari

Umumiy madaniy kompetensiyalar	Pedagogik kompetensiyalar	Psixologik kompetensiyalar
Umumjahon insoniyat madaniyatining xususiyatlarini bilish	Musiqa ta’limining maqsad va vazifalari haqida bilim	Rivojlanish psixologiyasi, umumiy psixologiya musiqiy psixologiyasiga oid bilimga ega bo‘lish
Musiqiy san’at sohasidagi bilimlar	Musiqa sohasidagi pedagogik bilimlar	Pertseptiv qobiliyatlar (empatiya), hayotiy vaziyatlarda psixologik aspektlarni baholash qobiliyati
Dunyoqarash	Talabalarning musiqiy madaniyatini rivojlantirishning optimal usullarini tanlash qobiliyati	Ekspressiv qobiliyatlar (talabani boshqarish qobiliyati, talabaga ishonch, pedagogik optimizm, energiya salohiyati), pedagogik san’at
Faol hayotiy pozitsiya	Ijro mahorati (asbob, ovoz)	Refleksiya (O‘z-o‘zini anglash)
O‘z-o‘zini takomillashtirishga intilish	Didaktik fazilatlar (o‘quv jarayonini modellashtirish, vositalar va texnologiyalardan foydalanish, darslarni tashkil etish va boshqalar).	Kommunikativ qobiliyat
Ta’lim (aql	Pedagogik takt	Ijodiy fikrlash
Ijodiy yo‘nalish	Tashkiliy qobiliyatlar	Ijodiy tasavvur
Natijaning ishonchliligi	Mas’uliyat	O‘z-o‘zini ixtiyoriy tartibga solish
Nutq madaniyati	Talabgorlik	Musiqiylik (rivojlangan musiqiy qobiliyat)
Tashqi ko‘rinish etikasi	intizom	Badiiy psixologik intuitsiya

Xulosa. Shaxsning ijodiy salohiyatini rivojlantirish muammosiga bag‘ishlangan psixologik-pedagogik adabiyotlar tahliliga e’tibor qarataylik. Rivojlanish o‘ziga xos xususiyatlarning miqdoriy emas, balki sifat o‘zgarishlarini ham o‘z ichiga oluvchi hodisa sifatida gapirganda, biz shaxsning ijodiy salohiyatini rivojlantirish natijalarini aniqlash zarurligini ko‘rishimiz mumkin.

Ilmiy-nazariy qiyoslarda biz ijodning turli xil ta’riflari bir nuqtada mushtarak kasb etganiga amin bo‘ldik. Shaxs individual va noyobdir. Shaxsning individualligini ochib berish ijodiy xotira, shaxsning ijodiy imkoniyatlari va resurslarini ochib beradi.

Xarakterli potensial faollik, maqsadlilik, qat’iyatlilik va maqsadga muvofiqlik kabi xususiyatlarning rivojlanish darajasida ko‘rinadi. Bu qobiliyat tabiiy xususiyatlarga ham bog‘liq va muhim resurs qobiliyatiga ega, chunki ma’lum xarakter xususiyatlari o‘z-o‘zidan shakllanishi mumkin, ya’ni ularni tarbiyalash mumkin.

Shaxsning ijodiy salohiyati bilan uning o‘z-o‘zini anglash darajasi o‘rtasida bog‘liqlik mavjud, aniqrog‘i, salohiyatning amalga oshirilgan qismi – o‘z-o‘zini anglash omillari qanchalik ko‘p bo‘lsa, ularning darajasi shunchalik yuqori bo‘ladi. Albatta, ijodiy salohiyat o‘zgarmas, dastlab insonga berilgan emas. U shaxsiy rivojlanish tadrijida evrilib turadi va boshqa shaxs xususiyatlaridan ajralgan holda emas, balki ular bilan uzviy aloqa hamda ijodiy jarayon doirasidagina shakllanadi.

Adabiyotlar:

1. Golniz G., Schulz-Wulf G. Rhythmic-psychomotorische Musiktherapie. Yena, 2004.-112 p.
2. Glassman A. H., Shapiro P.A., Depression and the course of coronary artery disease. Am J Psychiatry. 1998. – P. 4-11.
3. Gmott H.G. between Parent and Children. N.Y., 2003. P – 219.
4. Maxmudova Z.M., Olimov L.Ya. Psychodiagnostics. O‘quv qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. Toshkent 2014. -B. 298.
5. Olimov L.Ya. Psixodiagnostika va psixometrika asoslari. Darslik. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2021. -B. 747.
6. Olimov L.Ya. Umumiy psixodiagnostika. “Durdona” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 1103.
7. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M.. Psixodiagnostika va eksperimental psixologiya. o‘quv qo‘llanma. “Turon zamin ziyo” nashriyoti. T. 2020. -B. 820.

8. Olimov L.Ya., Nazarov A.M.. Xulqi o`gishgan bolalar psixologiyasi. O`quv qo`llanma. “Tafakkur avlodi” nashriyoti. Buxoro. 2020. -B. 490.
9. Olimov L.Ya., Maxmudova Z.M. O`smirlarda psixologik himoya mexanizmlarining namoyon bo`lishining o`ziga xosligi. Psixologiya ilmiy jurnali. 2021 yil, 4 son 103-112 b.
10. Plutchik R., Kellermann H., Conte H.R. A structural theory of ego defences and emotions // Isard C. E. (ed.) Emotions in personality and psychopathology. N.Y.: Plenum, 1979. – P. 229-257.
11. Pratt L.A. Ford D.E., Crum R.M., et al. Depression, psychotropic medication, and risk of myocardial infarction: prospective data from Baltimore ECA follow-up. Circulation 1996; 94:3123-3129.
12. Reynolds C.K., Gutkin T.B. School Psychology: Essentials of theory and Practice – IV.V., 1984.
13. Satir V. The new peoplemaking. – California: Science and Behavior Books, Inc., Mountain View, 2003. - 400 p.

Kalandarova Madina Baxadirovna,
Ma'mun universiteti Psixologiya va tibbiyot kafedrasini mudiri,
psixologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
m.b.kalandarova@mail.ru

PERINATAL PSIXOLOGIYADA PSIXOLOGIK XIZMAT TASHKIL QILINISHINING NAZARIY JIHLARI

Annotatsiya. Mazkur maqolada perinatal psixologiyada psixologik xizmat masalalari o'rganilgan. Shuningdek, homiladorlik davrida salbiy emosional holatlarga ega bo'lgan ayollar tug'ruqdan keyingi depressiv holatlar rivojlanishining xavfli guruhini tashkil qilishi bilan bog'liq holda butun perinatal davr davomida ularga psixologik yordam ko'rsatish va kuzatish zarurligi, tug'ruqdan keyingi davrda psixologik xizmatning tashkil qilinishi ayolning psixologik zahiralari faollashtirishga, bola bilan konstruktiv hamkorlikka ko'maklashishga yo'naltirilishi muhokama qilingan.

Kalit so'zlar: psixokorreksiya, psixoprofilaktika, tug'ruq psixofiziologiyasi, o'zini-o'zi anglash, emotsiya.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОРГАНИЗАЦИИ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ В ПЕРИНАТАЛЬНОЙ ПСИХОЛОГИИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы психологической службы в перинатальной психологии. Также в связи с тем, что женщины с негативными эмоциональными состояниями во время беременности составляют группу риска по развитию послеродовых депрессивных состояний, необходимо обеспечить им психологическую поддержку и наблюдение в течение всего перинатального периода, организовать психологическую помощь. Отмечается, что в послеродовом периоде помощь должна быть направлена на активизацию психологических резервов женщины и помощь ей в построении конструктивного сотрудничества с ребёнком.

Ключевые слова: психокоррекция, психопрофилактика, психофизиология родов, самосознание, эмоция.

THEORETICAL ASPECTS OF THE ORGANIZATION OF PSYCHOLOGICAL SERVICES IN PERINATAL PSYCHOLOGY

Abstract. This article examines the issues of psychological services in perinatal psychology. Also, in connection with the fact that women with negative emotional states during pregnancy constitute a dangerous group for the development of postpartum depressive conditions, it is necessary to provide them with psychological support and follow-up during the entire perinatal period, the organization of psychological services during the postpartum period it was discussed that it should be aimed at activating a woman's psychological reserves and helping her build constructive cooperation with her child.

Keywords: psychocorrection, psychoprophylaxis, childbirth psychophysiology, self-awareness, emotion.

Kirish. Ayollarda tug'ruqdan keyingi davrdagi hissiy holatlarning o'zgarishini o'rganish ayolni va uning oilasini butun perinatal davr davomida tug'ruqqa psixofiziologik jihatdan tayyorlikni shakllantirish, tug'ruqdan keyingi davrda ro'y berishi mumkin bo'lgan affektiv buzilishlar va murakkablashishining oldini olish maqsadida individual tibbiy-ijtimoiy-psixologik kuzatish muhimligini ko'rsatdi. Ayollarga perinatal davr fiziologiyasi haqida ma'lumotlarning berilishi, tug'ruq jarayoni va tug'ruqdan keyingi davr jarayonlariga psixologik moslashuviga ijobiy ta'sir qilishi mumkin. Ushbu muammoli vaziyatdan kelib chiqib, ayollarga va ularning oilalariga taqdim qilinayotgan axborot ilmiy jihatdan asoslangan, aniq amaliy xarakterga ega bo'lishi va yagona maqsadga – ota-onalik qobiliyatligini oshirishga va farzand dunyoga kelishiga tayyorlikning shakllanishiga muvofiq kelishi lozim [1].

Tadqiqotimiz asosida olingan natijalarga asosan, tug'ruqdan keyingi davrda salbiy psixoemosional holatlar kuzatilgan ayollarga psixologik va tibbiy jihatdan yordam berilishi va kuzatuvga olinishi zarurligini asoslab berildi.

Shunga bog'liq holda psixokorreksiya ishlarining maqsadlarini belgilash va o'z vaqtida ko'rsatilishi lozim bo'lgan psixologik yordam usullarini tanlash maqsadida tug'ruqqacha bo'lgan davrda ayollardagi turli darajada kuzatilgan salbiy emotsional holatlar rivojlanishini kompleks psixologik tashxislash lozim.

Psixodiagnostika natijalari obyektiv kuzatiladigan, sodda, tushunarli va ayolni tug'ruqqacha va tug'ruqdan keyingi davrda kuzatadigan tibbiyot xodimlari tushunishlari uchun qulay bo'lishiga e'tibor qaratish lozim. Tadqiqotimiz jarayonida foydalanilgan psixologik diagnostika uslublari prinal davr davomida ayolni sohalararo tibbiy-psixologik kuzatuv ishida ijobiy tomondan ko'rsatdi. Ushbu psixodiagnostika usullarining amaliyotda qo'llanilishi bevosita amaliyotchi psixologning ishtirokida va ularning tahlillaridan foydalanilgan holda amalga oshirilishi lozim. Bunday sharoitlarda psixodiagnostik xulosalar ayollar maslahatxonalarini, tug'ruqxonalari va perinatal markazlar tibbiyot xodimlari uchun ahamiyatli darajada foydali bo'lishi mumkin. Psixodiagnostika natijasida olingan ma'lumotlardan qo'shimcha ravishda akusher-ginekologlar va akusher anesteziologlar tomonidan homilador ayolni tug'ruqqa tayyorlash va tug'ruqxona sharoitlarida tug'ruqdan keyingi erta davr kechishini prognoz qilishda foydalanilishi mumkin bo'ladi.

Asosiy qism. Salbiy emotsional holatlar yaqqol namoyon bo'lgan ayollarga tug'ruqqacha bo'lgan kechki davrda birinchi navbatda tug'ruq boshlanishigacha jismoniy ahvolni va psixoemotsional holatni yaxshilashga qaratilgan kompleks tibbiy-psixologik yordam ko'rsatilishi zarur. Psixokorreksiya ishida relaksatsiya, meditatsiya texnikalari, nafas olish mashqlaridan foydalangan holda o'z-o'zini sozlash uslublari yordamida xavfsirashni va asteniyanini kamaytirish zarur. Shu toifadagi ayollar uchun art-terapevtik texnikalardan foydalanish ham psixoemotsional zo'riqishni kamaytirish va dolzarb salbiy psixoemotsional holatlar psixokorreksiyasida samarali bo'lishi mumkin. Tug'ruqdan keyingi erta davrda psixologik yordam ko'rsatilishi tug'ruqning qiyin kechishiga bo'lgan emotsional munosabatga va ushbu davrda ayolga psixologik yordam ko'rsatishga qaratilgan bo'lishi lozim [3]. Zarurat bo'lganda mazkur toifadagi ayollar bilan tug'ruqdan keyingi kechki davrda o'tkaziladigan psixologik xizmatning yo'nalishi quyidagicha bo'lishi lozim:

ayolning psixologik zahiralari faollashtirish asosida tug'ruqdan keyingi fiziologik jihatdan qayta tiklanishga ko'maklashish;

chaqaloqni parvarishlash, dam olish, uxlash va bardam bo'lish bilan bog'liq holda kundalik faollik tartibini qulaylashtirish;

bola bilan konstruktiv hamkorlikka ko'maklashish va kuzatib borish;

onalik rolini ijro etishda ijobiy tajribani shakllantirishni kuzatish.

Homiladorlik davrida salbiy emotsional holatlarga ega bo'lgan ayollar tug'ruqdan keyingi depressiv holatlar rivojlanishining xavfli guruhini tashkil qilishi bilan bog'liq holda butun perinatal davr davomida ularga psixologik yordam ko'rsatish va kuzatish zarurdir. Tug'ruqqacha davrda ayol onalik sohasidagi individual xususiyatlarining psixokorreksiyasi va onalik maqomining ortishi eng katta ahamiyat kasb etadi. Alohida e'tibor tug'ruqdagi og'riq va qiyinchiliklar haqidagi irratsional qo'rquvni korreksiyalashga, chaqaloq xususiy ahvolining va sog'lig'ining holatiga qaratilishi lozim.

Tug'ruqdan keyingi erta davrda nafaqat tug'ruqning zo'riqishli vaziyatiga nisbatan emotsional munosabatini korreksiyalash, balki ayolning farzandini dunyoga keltirishiga, uni parvarishlash va emizishga tez va sifatli ko'nikishga ham yo'naltirilishi zarur.

Tug'ruqdan keyingi kechki davrda psixologik yordam ko'rsatish va kuzatish quyidagi yo'nalishlarda bo'lishi zarur:

1) chaqaloqni ko'krak suti bilan oziqlantirishga ko'maklashish va rag'batlantirish (mutaxasislarning qarshi ko'rsatmalari bo'lmaganda);

2) chaqaloq bilan psixologik munosabatlar o'rnatishda yordam berish va u bilan bevosita munosabatda bo'lishni rag'batlantirish;

3) bolaning parvarishi va erta rivojlanishi bilan bog'liq subyektiv kechinmalarining emotsional tusini korreksiyalash;

4) oila a'zolarining kundalik yordami va qo'llab-quvvatlash darajasini oshirishda va ularga ba'zi bir onalik vazifalarini berishda ko'maklashish.

Homiladorlikning uchinchi trimestrida salbiy emotsional holatlarni boshidan kechirmagan ayollarda tug'ruqdan keyingi ruhiy zo'riqish rivojlanishi va psixoemotsional holatning yomonlashuvi kuzatilmasligi, bu toifadagi ayollarda tug'ruqdan keyingi erta davrda salbiy emotsional holatlarning yuzaga kelishi juda kamdan-kam hollarda yuz berishi mumkin. Shu bilan birlikda tug'ruqdan keyingi depressiv alomatlarining rivojlanishini va tug'ruqdan keyin ayollarning o'zini dezadaptiv (nomuvofiq) tutishlarini psixoprofilaktika qilishga qaratilgan kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur [2].

Kompleks psixoprofilaktika chora-tadbirlarini amalga oshirish masalasini hal qilish tugʻruqdan keyingi davrning oʻziga xos xususiyatlari va kasbiy malakalangan yordam olish usullari toʻgʻrisida tibbiy-psixologik jihatdan xabardor qilishning imkoniyatlarini oshirish zarurati bilan muvofiqlashtiriladi, bu esa quyidagi tavsiyalarni shakllantirish imkonini beradi.

Koʻpchilik homilador ayollar turli sabablarga koʻra tugʻruqqacha tayyorgarlik kurslariga bormasliklari sababli xomiladorlik davrida qoʻrquvli-depressiv buzilishlar shakllanishining birlamchi psixoprofilaktikasi toʻgʻrisida axborot blokli tugʻruqqa tayyorlash tizimini ishlab chiqish zarurligini yuzaga keltiradi [4]. Mazkur maʼlumotlar majmui homilador ayollarga tugʻruq psixofiziologiyasi haqidagi bilimlarini mustahkamlash maqsadidaga yoʻnaltirilib, aniq misollar bilan taqdim qilinishi lozim. Zamonaviy sharoitlarda birlamchi profilaktika sifatida ayollarning oʻzlarini va ularning yaqinlarini klinik psixologlar, akusher-ginekologlar, akusher anesteziologlar, neonatologlar va pediatriklar bilan homiladorlik kechishining individual xususiyatlarini hisobga olgan holda onlayn maslahat berishni qoʻllash muhim ahamiyat kasb etadi. Maslahat berishning bunday turi homilador ayollarda tugʻruqning turli kechishi uchun koʻrsatmalar va qarshi koʻrsatmalarni, tugʻruqda ogʻriqsizlantirishni qoʻllashning mohiyatini, tugʻruqdan keyingi erta davr psixofiziologiyasini tushunishni shakllantirish, oʻzini-oʻzi anglashning turli texnikalari bilan tanishtirish va ularni qoʻllashga oʻrgatish imkoniyatini beradi. Ikkilamchi profilaktika oʻz ichiga ikkita bosqichni qamrab olishi lozim boʻlib, ular asosida ayollarga tugʻruq turlari, tugʻruq psixofiziologiyasi haqida maʼlumot berish, tugʻruqda yordamchi vositalarning qoʻllanilishi va tugʻruqdan keyingi davrda psixologik yordam koʻrsatish toʻgʻrisida axborot berish amalga oshiriladi [5].

Birinchi bosqichda kuzatuvchi eslatma ishlab chiqilishi lozim boʻlib, unda tugʻruqda ogʻriqsizlantirish turlari, ularga koʻrsatmalar va qarshi koʻrsatmalarning elektron resurslari manzillari; tugʻruq kechishi variantiga bogʻliq holda ayol gigiyenasi qoidalari; tugʻruqdan keyin ayolning qayta tiklanish davrining oʻziga xos xususiyatlari va boshqalar koʻrsatiladi. Shu bilan birga, qoʻshimcha ravishda ushbu bosqichda ayollar tomonidan malakali xodimlardan, psixoterapevtlardan va klinik psixologlardan onlayn yoki telefon orqali maslahat olish imkoniyatini yaratish zarur.

Ayollar tomonidan tugʻruqxonalarda yoki ayollar maslahatxonalarida maxsus tayyorgarlikdan oʻtgan klinik psixologlardan zarur boʻlgan psixologik yordam olish imkoniyati ikkinchi bosqichning muhim tomoni hisoblanadi. Alohida hollarda ayollarga oʻz vaqtida maslahat olish uchun psixiatrga yoki psixoterapevtga yoʻllanma berilishi mumkin.

Birlamchi va ikkilamchi psixoprofilaktika uslublarini amalga oshirish, oʻz vaqtida psixologik yordam koʻrsatish va emotsional holatlarni psixokorreksiyalash tugʻruqdan keyingi depressiyaning rivojlanishi sonini kamaytirish, tugʻruqdan keyingi davrda ayol hayoti mazmunini yaxshilash imkonini beradi, oilaning toʻgʻri faoliyat yuritishiga, xuddi shuningdek, bolaning yaxshi ruhiy-jismoniy rivojlanishiga koʻmaklashadi.

Tadqiqot jarayonida tugʻruqdan keyingi davrda ayollar emotsional holatlarini barqarorlashtirishga qaratilgan maxsus korreksion dastur ishlab chiqildi. Psixologik-korreksion trening dasturi 6 ta mashgʻulotdan iborat boʻlib, ishtirokchilar uchun mini maʼruza, psixogimnastik mashq, zarur qoida, uy vazifasidan tashkil topgan. «Baxtli hayot sari» deb nomlangan dasturda koʻzda tutilgan maqsad aynan ayollarning emotsional sohasiga psixologik taʼsir koʻrsatish ekanligini hisobga olgan holda, mashgʻulotlar davomida sinaluvchilarning roli emotsional faoliyati, psixologik salomatlik, oʻz-oʻzini his qilish, kayfiyat koʻtarish, depressiya darajasini pasaytirish, emosiyalarni nazorat qilish asosida voqelikka munosabatlarni oʻzgartirish asosida qabul qilishga qaratilgan. Mashgʻulotlarning ketma-ketlik, tizimlilik, integrativlik va yaxlitlik tamoyillari asosida olib borilishi mazkur modelning joriy qilinishi va samara berishida ahamiyatli rol oʻynadi.


Ayollarning emotsional sohasiga taʼsir koʻrsatish mexanizmlari korreksion dastur qamrab olgan maqsadli mashqlar asosida quyidagi bosqichlarda amalga oshishi koʻzda tutildi.

1. Ayollar oʻzlarining emotsional holatiga mutaxassis tomonidan qiziqishni sezadi (shaxsiy soha).
2. Ularda oʻz kechinmalarini anglab yetish va yuzaga chiqarish ehtiyoji paydo boʻladi (ijtimoiy soha).
3. Psixolog bilan suhbat ularning shaxslararo munosabatlar sohasidagi muammolarini yuzaga chiqaradi va ularni tushunish imkoniyatini yaratadi (ijtimoiy soha).
4. Ijtimoiy rollar tahliliga qaratilgan («Men va mening bolam» proyektiv metodikalari, «Chalkash rollar» mashqi, psixodramma) mashqlari ayollarda yuzaga keladigan ijtimoiy rollar muammosini aniqlashtirishga, yaʼni, onalik, uy bekasi, ayollik, kelin ijtimoiy rollarining shaxsga qoʻyadigan talablarini aniqlashtirishga yordam beradi (emotsional va ijtimoiy soha).

5. Sinaluvchilarning muammolari guruh aʼzolari tomonidan tahlil qilinishi va emotsional qoʻllab-quvvatlanishi asosida, ishtirokchilarda ijtimoiy va emotsional barqarorlik holati mustahkamlanadi, kayfiyatni koʻtaradi (ijtimoiy va emotsional soha).

6. Dasturda keltirilgan ma'ruza mashg'uloti («Psixologik tarbiya» mini ma'ruzasini) psixologik bilimlarni mustahkamlashga, shukronalik hissini oshirishga qaratilib, ishtirokchilarning kognitiv, emotsional va irodaviy sohasida ijobiy o'zgarishlarni vujudga keltiradi.

7. Onaning chaqaloq bilan psixologik munosabatlar o'rnatishiga ko'maklashiladi va uning bilan bevosita munosabat rag'batlantiriladi («Men va mening bolam» proyektiv metodikalari) va ijtimoiy ko'nikmalari o'stiriladi (ijtimoiy soha).



1-rasm. «Baxtli hayot sari» nomli korreksion dastur ta'sir yo'nalishlari

Ayollarda emotsional, irodaviy, shaxsiy, ijtimoiy, kognitiv sohalardagi ijobiy o'zgarishlar o'z-o'ziga, farzandiga, hayotga, turmushiga nisbatan munosabatlar tizimini optimallashtiradi, ijtimoiy ko'nikmalarini o'stiradi, salbiy kechinmalar bilan kurashish hissini rivojlantiradi natijada salbiy emotsiyalar kamayadi.

Tadqiqotimiz davomida tug'ruqdan keyingi kechki davrda salbiy emotsional holatlar aniqlangan ayollarga psixologik xizmat taklif qilindi va psixokorreksion mashg'ulotda qatnashish istagi bor sinaluvchilar tanlab olindi. Psixokorreksion trening guruhiga 22-28 yoshdagi 9 ta ayol, 29-35 yoshdagi 5 ta ayol, 36-40 yoshdagi 6 ta jami 20 nafar ayollar jalb qilinib, ular bilan guruh va individual tarzda ish olib borildi.

Dasturda keltirilgan maxsus psixoterapevtik mashqlar mazmuni integrativ, tizimli, ketma-ketlik va yaxlitlik, bir-birini to'ldiruvchi tamoyiliga asosan tuzildi va olib borildi. Tug'ruqdan keyingi davrda ayollar emotsional sohasida sezilarli o'zgarishlar ro'y beradi, ayniqsa, tushkunlik, xavotirlanish, qo'rquv kabi emotsional holatlar ruhiy zo'riqish holatiga nisbatan vegetativ, astenik va isterik reaksiyalarni keltirib chiqaradi, bolaning sog'lig'i va ahvoli uchun qo'rquvning doimiy ta'qib qiluvchi xarakteri tug'ruqdan keyingi davrda yuz berayotgan hodisalarni nazorat qilishning subyektiv hissi namoyon bo'lishiga ko'ra, ona tomonidan bola harakatlarini anglash va tushunishning murakkabligi va bolani to'g'ri parvarishlashda o'zining tajribasizligi va o'zligini sezish hissi sababli, obsessiv-fobiya darajasining oshishida yoshga bog'liq differensial farqlari mavjudligi kuzatilishi mumkin. Ushbu emotsional holatlarning turg'un ko'rinishlari tug'ruqdan keyingi davrda psixik buzilishlar rivojlanishining eng keng tarqalgan omillari bo'lishi mumkin. Ayollar bilan dastlabki suhbat, uning muammolariga diqqat qilish va psixotrening mashg'ulotlariga taklif qilish ilk qadam hisoblanadi.

Xulosa. Demak, yuqoridagilardan kelib chiqib quyidagi xulosalarga keldik:

1. Tadqiqotimiz jarayonida olingan natijalar salbiy emotsional holatlarning mavjudligi va namoyon bo'lish darajasidan kelib chiqqan holda ayollar bilan tug'ruqdan keyingi davrda olib boriladigan psixologik yordam mezonlarini aniqlash imkonini berdi.

2. Tug'ruqdan keyingi erta davrda psixologik yordam ko'rsatilishi tug'ruqning qiyin kechishiga bo'lgan emotsional munosabatga va ushbu davrda ayolga psixologik yordam ko'rsatishga qaratilgan bo'lishi lozim.

3. Ayollarga tug'ruqdan keyingi davrda psixologik yordam ko'rsatish va ularni kuzatib borish, chaqaloq bilan psixologik munosabatlar o'rnatishga yordamlashish, bolaning erta rivojlanishi va parvarishi bilan bog'liq subyektiv kechinmalarining emotsional tusini korreksiyalashga, oila a'zolarining kundalik yordamini tashkillashtirishga qaratilgan bo'lishi lozim.

4. Tug'ruqdan keyingi emotsional zo'riqishlar psixokorreksiyasi bo'yicha taklif etilgan dastur bir tomondan, ko'p vektorli yondashuvni tatbiq etish, ya'ni psixik faoliyatning turli sohalariga qaratilishi, ikkinchi tomondan, ayollarda ichki muvozanat, psixologik zaxiralarning faollashuvi ro'y berishi uchun umumiy maqsadga yo'naltirilgani bilan tavsiflanadi.

Adabiyotlar:

1. Брутман В. И., Филиппова Г.Г., Хамитова И.Ю. Динамика психологического состояния женщин во время беременности и после родов // Вопросы психологии. - 2002. № 1. - С. 59-68.
2. Добряков И.В. Перинатальная психология. – Санкт-Петербург: Питер, 2010, - 271 б.
3. Коргожа М.А. Динамика эмоциональных состояний у женщин в послеродовом периоде: дис. ... канд. психол. наук. – СПб., 2019. – 143 с.
4. Kalandarova M.B. Homilador ayollar hissiy-emotsional sohasi diagnostikasi. Fan va jamiyat. Ilmiy uslubiy jurnal. 2019-y. 3-son B. 90-91.
5. Kalandarova M.B. Homilador ayollar bilan psixokorreksion ishlarni olib borish xususiyatlari. O'zMU xabarlari. 2021/1/6/2-son. Toshkent-2021. B. 86-90.

Husanov Abbos Mahmudovich,
Qarshi davlat universiteti
Psixologiya kafedrası dotsenti v.b., psi.f.f.d. (PhD)
husanov.abbos@mail.ru

O‘SMIR O‘QUVCHILARDA KIBERHUJUMLARNI KELTIRIB CHIQUARUVCHI PSIXOLOGIK OMILLAR TAHLILI

Annotatsiya. Maqolada o‘smir o‘quvchilarda kiberhujumlarni keltirib chiqaruvchi psixologik omillar tahlili yoritib berilgan. Shuningdek, kiberhujumlarni keltirib chiqaruvchi psixologik omillarning tadqiqot predmeti sifatida ishlatilishi va psixologik tadqiqotlarda asosiy mohiyatni belgilab beruvchi mezon sifatida tahlil qilib berilgan. Kiberhujumlar o‘smir ongiga salbiy ta‘sir o‘tkazishga qaratilgan virtual manipulyatsiyalar, dunyoqarashini izdan chiqarishga mo‘ljallangan turli xil urinishlar tahlil qilingan. Kiberhujumlardan saqlanishga doir psixologik tavsiyalar keltirib o‘tilgan. Shaxsning o‘z-o‘ziga munosabatini baholash ko‘rsatkichlari hamda kiberxavfsizlik va internetga tobelikni o‘rganish so‘rovnomasi o‘rtasidagi korrelyatsion bog‘liqliklar o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: virtual olam, kiberhujum, xavfsizlik muammosi, kiberhujumda yolg‘on axborot, shaxs, ta‘sir etish, psixologik xususiyat, psixologik omil, individuallik, manipulyativ axborotlar, kiberxavfsizlik, internetga tobelik, kiberjinoyatchilik, korrelyatsiya koeffitsiyenti, Styudentning t-mezeni.

АНАЛИЗ ПСИХОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ, ВЫЗЫВАЮЩИХ КИБЕРАТАКИ У СТУДЕНТОВ-ПОДРОСТКОВ

Аннотация. В статье освещается анализ психологических факторов, вызывающих киберзапугивание у учащихся-подростков. Также анализируется использование в качестве предмета исследования психологических факторов, провоцирующих киберзапугивание, и как критерий, определяющий основную сущность в психологических исследованиях. Киберзапугивание - это виртуальные манипуляции, направленные на негативное воздействие на ум подростка, были проанализированы различные попытки исказить его мировоззрение. Приведены психологические рекомендации по предотвращению киберзапугивания. Были изучены показатели самооценки личности, а также корреляционные связи между исследованием кибербезопасности и интернет-зависимостью.

Ключевые слова: виртуальный мир, кибератака, проблема безопасности, ложная информация при кибератаке, личность, влияние, психологическая черта, психологический фактор, индивидуальность, манипулятивная информация, кибербезопасность, интернет-зависимость, киберпреступность, коэффициент корреляции, критерий Стьюдента.

ANALYSIS OF PSYCHOLOGICAL FACTORS CAUSING CYBER ATTACKS IN TEENAGE STUDENTS

Abstract. The article covered the analysis of psychological factors that cause cyberbullying in adolescent readers. It has also been analyzed for the use of psychological factors that cause cyberbullying as a subject of research and as a criterion that determines the main essence in psychological research. Cybercriminals are virtual manipulations aimed at negatively affecting the consciousness of a teenager, various attempts to detail his worldview have been analyzed. Psychological recommendations for the Prevention of cyberbullying have been cited. Correlational correlations between the individual's self-attitude assessment indicators and the cybersecurity and internet addiction survey have been studied.

Keywords: virtual world, cyber attack, security problem, false information in cyber attack, personality, influence, psychological trait, psychological factor, individuality, manipulative information, cyber security, internet addiction, cyber crime, correlation coefficient, Student's t-test criterion.

Kirish. Bugungi kunda o‘sib kelayotgan yosh avlodning axborot madaniyatini shakllantirish kechiktirib bo‘lmaydigan masalalardan biri hisoblanadi. Jamiyatni axborotlashtirish jarayonining o‘zi, ko‘pincha, sof texnologik jarayon sifatida baholanishiga qaramay, mazmun-mohiyatiga ko‘ra chuqur ijtimoiy jarayon ham hisoblanadi. Chunki axborotlashtirish jamiyatning bir shakldan boshqa, ijtimoiy taraqqiyotning

yanada yuqoriroq darajasiga ega bo‘lgan shakliga o‘tishni anglatadi hamda jamiyatning istiqboldagi xususiyatlarini belgilab beradi.

XXI asr haqli ravishda “Axborot davri” nomini oldi. Zamonaviy jamiyat sharoitida axborot deyarli bir zumda vaqt va makonda tarqaladigan eng qimmatli resurslardan biriga aylandi. Kun sayin filtrlash, ya’ni “spam” (inglizcha spam – deyarli foydasiz ma’lumot) deb ataladigan muammoning dolzarbligi o‘z-o‘ziga bormoqda. Unga yaqin kelajakda zamonaviy odam – Homo Sapiens “g‘arq” bo‘lishi, XX-XXI asrlar oxiriga kelib “Homo Cyberus”ga aylanishi ham mumkin.[1. 92]

Axborotni tanlash va undan unumli, to‘g‘ri foydalanish esa insonning ong darajasi bilan bog‘liq. Ong darajasi bilim darajasiga, bilim darajasi esa, o‘z navbatida, borliqdagi voqea-hodisalar mazmun-mohiyati bilan mutanosib bo‘lishi darkor. Shuning uchun, birinchi navbatda, axborot olayotgan kishi uni mutlaqlashtirmasdan, o‘z shuuri darajasida tahlil qilib, so‘ng qabul qilishi lozim.

Tadqiqot obyekti. Qashqadaryo va Samarqand viloyatlaridagi umumta’lim maktabi yuqori sinf o‘quvchilari, jami 325 ta sinaluvchi tadqiqotda qatnashgan.

Qo‘llanilgan metodlar. Tadqiqotni amalga oshirishda bir nechta metodikalardan foydalanildi. Jumladan, A.Jichkinaning «Internetga qaramlik ko‘lamini aniqlash» so‘rovnomasi Panteleyev va Stolin tomonidan ishlab chiqilgan “Shaxsning o‘z-o‘ziga munosabatini baholash” kabi so‘rovnomalardan shuningdek, ma’lumotlarni qayta ishlashning matematik-statistik mezonlari, ya’ni Styudentning-t mezon va Pirsonning rp-korrelyatsiya koeffitsiyentlaridan foydalanilgan.

Natijalar va ularning tahlili. Zamonaviy jamiyatning farqli belgilaridan biri – bu o‘z-o‘ziga kelayotgan yosh avlodni tevarak-atrofdagi bo‘layotgan o‘zgarishlarga doimiy moslashtirib borish hisoblanadi. Sivilizatsiyaning rivojlanishida uning asl mohiyatini oldin qanday bo‘lganligi bilan taqqoslaymiz. Uning o‘ziga xoslik belgilari uzluksizlik, shiddatlilik, global xarakterlilikdir. Axborotlashtirish asrida axborot xurujining avj olishi, ayniqsa, yoshlarda axborot olish madaniyati, o‘qish madaniyatini shakllantirishni taqozo etadi [2. 136].

Oxirgi bir necha yillar mobaynida umumiy kiberhujumlardan saqlanish savodxonligini rivojlantirish lozimligi jamiyatimizda yoshlar bilan ishlashning asosiy tamoyillaridan biri bo‘lib kelmoqda. Fikr yuritish va axborotni baholash yangi mazmundagi axborot savodxonligining markazidan o‘rin olgan.

Amerika Qo‘shma Shtatlarida qabul qilingan «XXI asr talabasi uchun standartlar» deb nomlangan yo‘riqnomada esa, o‘quvchilar malaka, manba va bilim olish vositalarini quyidagi maqsadlarga yo‘naltirishi lozimligi belgilangan. Bular: ma’lumot izlash, tanqidiy o‘ylash, bilim olish, xulosalar yasash, tegishli ma’lumotga asoslangan holda qaror qabul qilish, bilimni yangi vaziyatlarga yo‘naltirish, yangi bilimlarni yaratish, bilim almashish va shaxsiy kamolot hamda estetik jihatdan o‘z-o‘ziga intilishdir. Mazkur standartlar o‘rta ta’lim sohasidagi axborot savodxonligi masalalariga bag‘ishlangan bahs-munozalarda hal qiluvchi ahamiyat kasb etgan[3. 37].

Mazkur standartlar kiberhujumlardan saqlanish savodxonligiga ega bo‘lgan insonni quyidagicha ta’riflaydi[4. 70]:

- kerak bo‘lgan axborot ko‘lamini belgilay oladigan;
- axborot va uning manbalarini tanqidiy baholay oladigan va saralangan axborotni o‘z bilim bazasi bilan uyg‘unlashtira oladigan;
- axborotdan foydalanish jarayoni bilan bog‘liq bo‘lgan iqtisodiy, huquqiy va ijtimoiy masalalarni tushunadigan, shuningdek axborotdan qonuniy tarzda hamda axloq meyorlari doirasida foydalana biladigan;
- mahsulot va jarayonga baho bera oladigan kishidir.


Shunday qilib, «kiberhujumlardan saqlanish savodxonligi» atamasi ishlatilganda ko‘plab amerikalik tadqiqotchilar har qanday ziyoli kishi axborotlashgan jamiyatda muvaffaqiyatli faoliyat yuritish uchun faqat bir yoki bir necha ko‘nikmalar emas, balki katta bilimlar kombinatsiyasi va mukammal qobiliyatlarga ega bo‘lishni nazarda tutishadi.

Y.G.Noskovning so‘ziga ko‘ra, axborotlar orqali inson ongini zabt etish o‘z-o‘zidan ularni o‘z aqidalaridan, e’tiqodidan ayirish ham sanaladi[5. 45]. Bundan kelib chiqib shuni aytish mumkinki, axborot-psixologik xavfsizligiga ehtiyoj, eng avvalo, bevosita inson va jamiyat, inson va davlat, shaxs va uning daxlsizligi, millat va milliy qadriyatlar, urf-odatlar, an’analar, tarixiy va madaniy meros, avlodlarga ta’sir etuvchi buzg‘unchi g‘oyalar va tajovuzkor mafkuralarning mavjudligidan kelib chiqadi [6. 58].

Ilmiy asosga ko‘ra, kiberhujumlardan saqlanish masalasi addiktologiya fanining yetakchi olimlari sanalgan A.V.Borsov, T.V.Klimenko hamda A.Y.Yegorovlarning tadqiqotlarida o‘z aksini topgan[7. 123]. Mualliflar asosan, muammoning tibbiy-psixologik jihatlariga e’tibor qaratib, soha mutaxassislarining hamkorlikdagi amalga oshiradigan psixoprofilaktik chora-tadbirlari masalalariga ko‘proq e’tibor qaratishgan.

Kiberbullingning asosiy jihati shundaki, muloqot jarayonida axborot kommunikatsion texnologiyalar orqali yolg‘on ma’lumotlarni tarqatish, kamsitish va ajratib qo‘yish bilan jabrlanuvchiga ta’sir ko‘rsatiladi.

Hatto yakka shaxslar ham kimningdir hayotini yetarlicha zaharlashi, uni har kuni qo‘rquvda yashashga mahkum qilishi mumkin.



1-rasm. Shaxsning o‘z-o‘ziga munosabatini baholash so‘rovnoma ko‘rsatkichlari

Tadqiqot natijalariga ko‘ra, o‘smir o‘quvchilarda kiberhujumlardan saqlanishning psixologik xususiyatlari shaxsning o‘z-o‘ziga munosabatini baholash so‘rovnoma bo‘yicha birinchi shkala o‘z-o‘zini ayblash 45% yuqori, 38% o‘rta va 17% past natijalarni namoyon qilgan. Bu shkalaga ko‘ra, shaxsning atrofida bilan o‘zaro samimiy munosabatini, umumiy qabul qilingan xulq-atvor me‘yorlariga amal qilishini ifodalaydi. Ichki ziddiyat shkalasiga ko‘ra, sinaluvchilarning natijalari 25% yuqori, 36% o‘rta hamda 39% quyi birliklarni namoyon qilgan. O‘z-o‘zini qabul qilish shkalasiga ko‘ra, 35% yuqori, 36% o‘rta va 29% esa quyi darajalarni keltirib chiqargan. «O‘z-o‘zini qabul qilish» shkalasining yuqori qiyimatlari shaxsning o‘z «Men»ini har tomonlama qabul qilishga moyilligini, xulq-atvorini to‘la e‘tirof etishini xarakterlaydi.

Kiberhujum haqiqiy zo‘ravonlikdan kam ko‘rinishda bo‘lmaydi. Ba‘zi hollarda, uning davomiyligi va ommaviy xarakteri tufayli yanada xavfli bo‘lishi mumkin. Kasperskiy laboratoriyasi ma‘lumotlariga ko‘ra, kiberhujumlarning 7 foizi jiddiy psixologik shikastlanish bilan tugagan. Olimlarning ta‘kidlashicha, kiberhujum deviant, ya‘ni buzuvchi xatti-harakatlarga, o‘zini past baholanishga va hatto o‘z joniga qasd qilishgacha olib kelishi mumkin.

1-jadval.

Kiberxavfsizlik va internetga tobeklikni o‘rganish so‘rovnoma (Styudentning t-mezoni bo‘yicha)

shkalalar	guruhlar	M	Standart og‘ish	t-statistika
Kiberhujumlarga umumiy qaramlik	Qashqadaryo viloyati (o‘smirlar)	3	2,4	0,005*
	Samarqand viloyati (o‘smirlar)	5	3,2	
Virtual olamga qaramlikga moyillik	Qashqadaryo viloyati (o‘smirlar)	10	3,4	0,003**
	Samarqand viloyati (o‘smirlar)	14	3,8	
Ijtimoiy tarmoqlarga qaramlik	Qashqadaryo viloyati (o‘smirlar)	12	2,8	0,003**
	Samarqand viloyati (o‘smirlar)	16	3,9	
Televizorga qaramlik	Qashqadaryo viloyati (o‘smirlar)	5	0,7	0,015
	Samarqand viloyati (o‘smirlar)	4	1,2	
Kompyuter o‘yinlariga	Qashqadaryo viloyati (o‘smirlar)	8	2,5	0,004*

qaramlik	Samarqand viloyati (o'smirlar)	11	3,1	0,002***
Internetga qaramlik	Qashqadaryo viloyati (o'smirlar)	13	3,9	
	Samarqand viloyati (o'smirlar)	18	4,2	

Izoh: * – $r \leq 0,05$; ** – $r \leq 0,01$; *** – $r \leq 0,001$.

O'smir o'quvchilarda kiberhujumlardan saqlanishning psixologik determinantlari bo'yicha o'tkazilgan tadqiqot natijalari bo'yicha o'smir o'quvchilarda birinchi shkala bo'yicha ya'ni kiberhujumlarga umumiy qaramlik bo'yicha ikki viloyat o'quvchilari 0,005* o'zaro farq o'rtachani namoyon qilgan.

Keyingi shkala virtual olamga qaramlikga moyillik bo'yicha ko'rsatkich 0,003** farq bilan tafovutni namoyon qilgan. Ijtimoiy tarmoqlarga qaramlik shkalasi o'smir o'quvchilarda 0,003** bilan yuqori farqlarni yuzaga kelitirgan. Keyingi shkala televizorga qaramlik o'smir o'quvchilarda 0,015 qiymat bilan past tafovutni tashkil etgan. Kompyuter o'yinlariga qaramlik shkalasiga ko'ra, sinaluvchilarning natijalari 0,003** farq bilan o'rtachadan yuqori ko'rsatkichni aks ettirgan. Oxirgi shkala internetga qaramlik ko'rsatkichi o'quvchilarda 0,002*** farq bilan yuqorini namoyon qilgan.

Axborot orqali yuzaga kelgan psixologik mojarolar sharoitida davlat axborot siyosatining vazifasi jamiyatning salbiy axborot psixologik xurujdan saqlash, qat'iy ximoya qilish mexanizmini yaratish bilan belgilanadi. Hozirgi dunyo taraqqiyotining qonuniyatlari va globallashuv jarayonlarining tahlili dunyo shaxsiy va ijtimoiy xayotining barcha sohalarida tub o'zgarishlar bo'lishidan darak beruvchi «global axborot jamiyati» ostonasida turganligini ko'rsatmoqda. Bu ham axborot makonidan va OAVlaridan turli kuchlarning siyosiy va nosiyosiy vazifalarni hal qilish uchun odatda tushuniladigan «kuch ishlatish» yo'li bilan emas, balki boshqacha yo'l bilan foydalanishga imkon beradi.

Xulosa. Foydalanuvchilar soni ko'paygani sayin bu sotsial tarmoqlarda ular tomonidan joylashtiriladigan axborotlar ham ko'paya boshladi va ularda o'ziga xos informatsion muhit yaratildi. Biroq bu muhitdagi axborotlar an'anaviy ommaviy axborot vositalarinikidek filtrlangan, ya'ni janr va jurnalistik etika nuqtai nazaridan elakdan o'tkazilgan emasdi. Shunga qaramay, undagi axborotga bo'lgan talab ortib borib, an'anaviy ommaviy axborot vositalariga bo'lganidan ham qolishmaydigan darajaga yetdi.

Internetga tobelikni keltirib chiqaruvchi psixologik sabablar turlicha sanalib ular: ma'lumotlarga doimiy ehtiyoj; yuqori bilim olish motivatsiyasi; yuqori ijtimoiy faollik; vaqtining yetishmasligi kabilar bilan xarakterlanadi. Internet xizmatlaridan tez-tez foydalanish, tarmoqdagi aloqaning soddaligi va qulayligi, u yerda saqlanadigan ma'lumotlarning to'liqligi va ochiqligi, o'yin kulgilarning katta katalogi internetga tobeligining asosiy sabablaridan biri bo'lib, u o'smir o'quvchilarning kasbiy kamoloti rivojlanishiga keng ta'sir qiladi. Umuman olganda, kiberhujum tamoyili oflayn ta'sir o'tkazish shakliga o'xshaydi, ammo u psixologik jihatdan jabrlanuvchi ko'proq azob chekishi tufayli yanada xavfli hisoblanadi.

Adabiyotlar:

1. Плешаков В.А. Киберсоциализация человека: от Homo Sapiens'a до «Homo Cyberus'a» // Вопросы воспитания. М., 2010. № 1 (2). С. 92–97.
2. Connolly, I., Palmer, M., Barton, H., Kirwan, G. (Eds.) (2016). An Introduction to Cyberpsychology. Routledge, 2016. P. 136-144.
3. Suler, J. (2016). Psychology of the Digital Age: Humans Become Electric. Cambridge University Press. Whitty, M. T., Young, G. (Eds) (2016). Cyberpsychology: The Study of Individuals, Society and Digital Technologies. BPS Blackwell. P. 37-49.
4. Солдатова, Г.У., Рассказова, Е. И., Нестик, Т. А. (2017). Цифровое поколение России: компетентность и безопасность. М.: Смысл. С.70
5. Носков Ю.Г. Опасность и безопасность с позиции деятельностного подхода// Информационный сборник «Безопасность». 1998. - №1-2. – С.45.
6. Куликова, С. В., Шеяфетдинова, Н. А., Маклаков, В. В., Креопалов, В. В., Нарциссова, С. Ю. (2018). Взаимодействие в киберпространстве: принципы и формы: Учебное пособие. Москва: Академия МНЭПУ. С.58
7. Руководство по аддиктологии: учебник /А.В Борцов, А.Ю. Егоров, Т.В Клименко [и др.] / под ред. проф. В. Д. Менделевича. - СПб.: Речь, 2007. – С.123.

Сайфуллаева Нигора Закиралиевна,
независимый исследователь Бухарского государственного университета

СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ДЕТЕРМИНАНТЫ ПАРАМЕТРИЧЕСКОЙ МОДЕЛИ ОЦЕНКИ РАЗВИТИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У СТУДЕНТОВ ВУЗОВ

Аннотация. В статье рассматриваются социальные и психологические аспекты разработанной автором параметрической модели оценки уровня развития экономического мышления у студентов, аккумулирующей в себя достижения в таких областях, как педагогика, экономика, экономическая социология и экономическая психология. После проведения комплексной диагностики на основе составленного автором опросника экономического содержания на предварительном этапе опытно-экспериментальных работ были определены индивидуальные параметры уровня развития экономического мышления студентов в соответствии с тремя компонентами модели. На основе обобщения полученных данных была получена обобщённая структура соотношения трёх параметров модели для исследуемой группы студентов до применения инновационных образовательных технологий обучения экономическим дисциплинам.

Ключевые слова: экономическое мышление, инновационные педагогические технологии, адаптивная функция, гуманистическая функция, параметрическая модель, оценка развития экономического мышления, когнитивный компонент, психо-эмоциональный компонент, уровень стереотипизации.

OLIV O'QUV YURTLARI TALABALARIDA IQTISODIY TAFAKKUR RIVOJLANISHINI BAHOLASH PARAMETRIK MODELNING IJTIMOY-PSIXOLOGIK DETERMINANTLARI

Annotatsiya. Maqolada pedagogika, iqtisod, iqtisodiy sotsiologiya va iqtisodiy psixologiya kabi sohalarda yutuqlarni jamlagan talabalarning iqtisodiy tafakkuri rivojlanish darajasini baholash uchun muallif tomonidan ishlab chiqilgan parametrik modelning ijtimoiy-psixologik jihatlari ko'rib chiqilgan. Muallif tomonidan tuzilgan iqtisodiy mazmun so'rovnomasi asosida keng qamrovli diagnostika o'tkazilgandan so'ng, eksperimental ishning dastlabki bosqichida modelning uchta tarkibiy qismiga muvofiq talabalarning iqtisodiy tafakkurini rivojlantirish darajasining individual parametrlari aniqlandi. Olingan ma'lumotlarni umumlashtirish asosida o'rganilayotgan talabalar guruhi uchun iqtisodiy fanlarni o'qitishda innovatsion ta'lim texnologiyalarini qo'llashdan oldin modelning uchta parametri o'rtasidagi bog'liqlikning umumlashtirilgan tuzilmasi olindi.

Kalit so'zlar: iqtisodiy tafakkur, innovatsion pedagogik texnologiyalar, adaptiv funktsiya, gumanistik funktsiya, parametrik model, iqtisodiy tafakkur rivojlanishini baholash, kognitiv komponent, psixo-emotsional komponent, stereotiplash darajasi.

SOCIO-PSYCHOLOGICAL DETERMINANTS OF THE PARAMETRIC MODEL FOR ASSESSING THE DEVELOPMENT OF ECONOMIC THINKING AMONG UNIVERSITY STUDENTS

Abstract. The article deals with social and psychological aspects of the parametric model developed by the author to assess the level of development of economic thinking in students, which accumulates achievements in such fields as pedagogy, economics, economic sociology and economic psychology. After comprehensive diagnostics on the basis of the economic content questionnaire compiled by the author at the preliminary stage of experimental work, individual parameters of the level of development of students' economic thinking in accordance with the three components of the model were determined. Based on the generalisation of the obtained data, the generalised structure of the ratio of three parameters of the model for the studied group of students before the application of innovative educational technologies of teaching economic disciplines was obtained.

Key words: economic thinking, innovative pedagogical technologies, adaptive function, humanistic function, parametric model, assessment of economic thinking development, cognitive component, psycho-emotional component, stereotyping level.

Введение. В развитых странах мира уделяется особое внимание достаточности уровня сформированности экономических знаний и квалификации у подготавливаемых кадров как ключевого фактора социально-экономического и технологического развития. Учитывая требования глобальной экономики, в тенденциях передового образования наряду с такими особенностями, как массовость и непрерывность образования, содержание личностной направленности обучения, активизации у студентов творческих способностей и создания инноваций ориентировано на развитие экономического мышления.

Обзор литературы. Глубокий анализ и обобщение литературных источников экономического, социологического, педагогического профиля показал, что формирование и развитие экономического мышления, находясь на стыке взаимодействия этих сверх научного знания, нашли своё отражение в исследованиях таких исследователей, как А.Д. Жарков, В.Л. Чистяков, В.Г. Афанасьев, В.И. Болдин, которые внесли существенный вклад в изучение сущности, характера и структуру данного понятия.

Социологи А.И. Ракитов, В.Г. Андреевков, Ф.Р. Филиппов, В.С. Коробейников предприняли попытку не только констатировать значение экономического мышления в социальном развитии общества, но и обозначить оптимальные пути его формирования и развития.

Психологические аспекты проблемы были изучены учёными-психологами Л. Рубинштейном, А. Маслоу, А. Леонтьевым, М. Давлетшиным, Э. Гозиевым, В. Каримовой, Р. Суннатовой, Н. Сафаевым, З. Нишоновой.

Результаты и обсуждение. Овладение основами экономических знаний на сегодняшнем этапе развития общества для развития экономического мышления у студентов является недостаточным, автор предлагает применять разработанную ею параметрическую модель оценки, аккумулирующую в себя достижения в таких областях, как педагогика, экономика, экономическая социология и экономическая психология.

В целях выявления уровня развития экономического мышления у студентов вузов были осуществлены опытно-экспериментальные работы в четырёх региональных вузах страны. Результаты проведения опытно-экспериментальных работ послужили основой для разработки модели психолого-педагогического воздействия на студентов, базирующейся на инновационных технологиях преподавания экономических дисциплин и способствующей развитию экономического мышления у студентов.

На начальном - формирующем этапе опытно-экспериментальных работ среди студентов было проведено анкетирование, позволяющее выявить и оценить текущее состояние уровня развития экономического мышления у студентов. Численность студентов, принявших участие в анкетировании, составила 445 человек.

Анализ результатов предварительного тестирования студентов показал, что экономическое мышление как таковое у них развито недостаточно. Следовательно, те образовательные технологии, которые применяются сегодня в высших учебных заведениях республики, а также содержание учебных дисциплин экономического профиля, не способствуют в полной мере формированию и развитию экономического мышления у студентов в достаточной мере.

Важным направлением деятельности по формированию и развитию экономического мышления студентов является определение и адекватный выбор образовательных технологий, способствующих реализации данной цели в конкретно сложившихся педагогических условиях.

Malek Ninos Pierre в своей диссертационной работе исследовала эффективность альтернативных методов обучения экономике, таких, как, имитация, групповая деятельность, аудио и визуальные средства обучения, и сравнила с эффективностью использования традиционных методов обучения. Её исследования показали, что включение альтернативных методов обучения в качестве дополнения к стандартным лекционным занятиям не оказывают существенного влияния на усвоение предмета студентом, что было подтверждено измерением уровня экономического мышления предварительным и заключительным тестированием [2].

Из этого можно сделать вывод, что обогащение традиционной по сути системы преподавания элементами педагогических инноваций не оказывает существенного влияния на результативность процесса обучения, следовательно, необходимо разрабатывать и применять принципиально новые подходы, способные коренным образом изменить парадигму обучения.

В статье Denegri Marianela Coria, Omar Fernando Cortés Peña, Raimundo Abello Llanos, Andrés Manuel Pérez-Acosta «Многомерная модель оценки экономического мышления студентов» приводится разновидность модели оценки экономического мышления студентов [1].

Анализ многомерной модели оценки экономического мышления позволяет сделать вывод о том, что данная модель в большей степени соответствует педагогическому бихевиоризму, а,

следовательно, выполняет преимущественно *адаптивную* функцию, которая связана с приспособлением учащегося, воспитанника к конкретным требованиям современной социокультурной среды, умением наилучшим образом извлечь выгоду от совокупности знаний, умений и навыков экономического характера; *гуманистическая* функция, направленная на развитие его личности, творческой индивидуальности, в данной модели проявляется слабо. Наряду с этим в модели не задействованы факторы, отражающие непосредственно мыслительные процессы, протекающие в сознании личности при принятии экономических решений

Особого внимания заслуживает модель экономической социализации Денегри.

В модели экономической социализации Денегри личность выступает как субъект сложных взаимосвязей в системе социального и экономического взаимодействия. На экономический выбор, по мнению Денегри, влияют как социокультурная среда, так и сложившиеся стереотипы экономического поведения общества. Здесь процесс обучения включает в себя изучение моделей взаимодействия с экономической действительностью [1]. Однако данная модель также не содержит в себе практического руководства для эффективной организации образовательного процесса в вузе, нацеленной на развитие экономического мышления учащихся и реализации не только адаптивной, но и гуманистической функции педагогической профессии.

